

Шримад
А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-ачарйаси

Яна бир ИМКОНИЯТ

(Азроилнинг қўлидан қутулиб қолган
Ажамил тарихи)



Бхактиведанта бук траст

Шримад
А.Ч Бхактиведанта Свами Прабхупада
Еще один шанс
Москва - 1998
152284, Москва, Хорошевское шоссе д.8 корп.3.

e-mail:book@com/bbt/se
www.shamantaka.org
www.tattva.com

Яна бир имконият

Перевод на узбекский
На правах рукописи

Ҳазрат А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг ўзбек тилида чоп этилган асарлари

Шри ишопанишад
Ўзликни англаш таълимоти
Насихатлар лаззати
У дунёдаги ҳаёт
Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади
Бошқа сайёраларга енгил саяҳат
Йога камолоти

Нашрга тайёрланаётган асарлари:
Асл ҳолидаги "Бхагавад-гита"
Садокат лаззати(Нектар преданности)
Худонинг хоҳиши(**Послание бога**)
Бхакти-йога (Высшая система йоги)
Камолот йўли (Путь к совершенству)
Бебаҳо неъмат (Бесценный дар)
Қришнани англаш-энг буюк йога.(Сознание Кришны - высшая йога)
Қалбингга назар сол (Путешествие вглубь себя)
Раджа-видья - илмлар шоҳи (Раджа-видья царь знаний)
Илм ўргатиш - бизнинг бурчимиз (Проповедь - наша миссия)

“Бхактиведанта Бук Траст” нашриёти Ведалар фалсафаси ва маданияти ҳақидаги китобларни чоп этиш учун Шри Шримад А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада томонидан 1970 йилда Америкада ташкил этилган. Ҳозирги кунга келиб бу асарлар деярли жаҳоннинг 75 дан ортиқ тилларига таржима қилинган.

Мундарижа

Кириш

1- қисм. Ажамила ажал ёқасида

1. Инсон нимаси билан ҳайвонлардан фарқ қилади
2. Мутлақ Ҳақиқатга тақлид қилиш
3. Ажал билан юзма-юз
4. Туғилиш ва ўлишдан бутунлай озод бўлиш

2-қисм. Вишнудуталарнинг Ямадуталар билан баҳс-мунозараси

5. Вишнудуталарнинг Ажамилага ёрдамга келиши
6. Руҳий оламда яшайдиган зотлар
7. Ҳақиқий динни худосизлик(сохта динлар)дан қандай ажратиш мумкин
8. Ҳақиқий дин
9. Жазо
10. Кейинги ҳаётимиз қандай бўлиши ўзимизга боғлиқ
11. Ҳиссиёт олами
12. Эҳтирос домига тушиб, кўзлари кўрмай қолган одам
13. Ажамиланинг гуноҳга қўл уриб, тубанликка юз тутиши
14. Ҳукмдорлар алдовига учган одамлар
15. Гуноҳлардан покланиш
16. Инсон қалбида Худога муҳаббат уйғониши

3. Ажамиланинг пушаймон бўлиб тавба қилиши

17. Бир лаҳзалик уйғониш
18. қимирлаган қир ошар
4. Азроилнинг муқаддас ном ҳақидаги насихатлари
19. Шубҳаю-гумонларга ўрин йўқ
20. Ягона Ҳукмдор
21. Энг сирли илм
22. Худонинг муқаддас номлари шуҳрати

Илова

Муаллиф ҳақида

Ҳаммабоп бхакти-йога

Кириш

Гуноҳкор Ажамила ўлим тўшагида ётар экан, бирдан унинг олдида уч нафар одамсифат, лекин даҳшатли кўринишдаги мавжудот пайдо бўлди. Улар Ажамилани яроқсиз ҳолга келиб қолган тана ичидан чиқариб олиб, Азроилнинг даргоҳига олиб боришга ва ўша жойда уни қаттиқ қийноққа солиб жазолаш ниятида келган эдилар. Лекин, Ажамила тақдирига ёзилган ана шундай даҳшатли қисматдан кутулиб қолишга муваффақ бўлди. Қандай қилиб? Сиз бу ҳақда “Яна бир имконият” асарини ўқиб билиб оласиз. Мазкур асарда ҳаёт ва руҳ ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Ҳар бир инсон учун муқаррар бўлган ўлим билан учрашишга пухта тайёрланиш учун бу маълумотларни билиш ҳар бир одам учун жуда зарур.

Ҳозир биз яшаётган даврда ҳам ўлиб тирилган, ўлим билан юзма-юз учрашиб кўрган одамлар бор. Уларнинг гаплари Ажамиланинг бошидан кечирганларига жуда ўхшаб кетади, бу ўлгандан кейин ҳаёт ҳақиқатан ҳам давом этишини яна бир бор исботлайди.

1982 йил Жорж Гэллап(кичкина) “Мангуликка сайр” асарини чоп этди ва унда ўлгандан кейинги ҳаёт, клиник ўлим ва танадан чиқиш тажрибаси ҳақида америкаликларнинг фикрларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасини баён этди.

Тажриба тажрибада иштирок этган одамларнинг 67 фоизи ўлгандан кейин ҳаёт ҳақиқатан ҳам мавжудлигига ишонишини, 15 фоизи - ўз ҳаётида у ёки бу кўринишда ўлиб кўрганини айтдилар. Олимлар ўлиб кўрган, клиник ўлимни бошидан кечирган одамлардан ўша пайтда улар нималарни бошидан кечирганини таърифлаб беришни илтимос қилдилар. 9 фоиз одамлар танадан қандай чиққанини, 8 фоиз одам эса, танадан чиқаётганида ёнида қандайдир бир махлуқларни кўрганини, ҳис қилганини айтдилар.

Гэллапнинг бу тадқиқотлардан олган натижалари жуда қизиқарли, лекин асосий муаммо барибир ҳал бўлмай қолаверади. Одам ўлганидан, масалан, танадан чиққанидан кейин ҳис қиладиган туйғуларнинг ҳақиқат эканини замонавий илм исботлай оладими?

Шубҳасиз, ажал билан юзма-юз учрашган одамларнинг гаплари, гувоҳлик бериши бу ҳақиқатни яққол исботлайди: улар “беҳуш” ётган ҳолда, худди, шу ерда иштирок этаётган одамдай, танаси атрофида

содир бўлган воқеаларни аниқ таърифлаб берганлар. Инфарктга, автокатастрофага учраган одамлар, оғир ярадор бўлган солдатлар ҳам ўзлари бошидан кечирган воқеаларни худди шундай таърифлаб бердилар.

Эмори Университети кардиологи, д-р Майкл Сабом ана шундай гувоҳликларни илмий жиҳатдан таҳлил қилди. У юраги уришдан тўхтаган пайтда танасидан чиқиб кўрган ўттиз икки беморнинг кўрсатмаларини ўрганиб чиқди. Юрак уришдан тўхтаганида мияга қон бориши тўхтайди, натижада илмий таълимотга асосан бемор бутунлай эс-хушини йўқотади. Аммо, ўттиз икки одамдан 26 нафари ўзининг “ўлим”ини ва қайта тирилишини аниқ таърифлаб бердилар. Қолган олти одам эса, юраги тўхтаганида уларга врачлар қандай ёрдам кўрсатганларини аниқ таърифлаб бердилар. Уларнинг кўрсатмалари врачларнинг қилган ишларини аниқ тасвирларди.

Илмий тадқиқотдан олинган бу натижалар таъсирида д-р Сабомнинг ўзи ўлгандан кейин ҳақиқатан ҳам ҳаёт давом этишига аниқ ишонч ҳосил қилди. Ана шу тадқиқотларга асосланиб, у 1982 йил “Ўлим ҳақида эслаш. Тиббий тадқиқотлар” асарини чоп этди. Сабомнинг қилган хулосаси шундай бўлди: Онг миядан ажралган ҳолда мавжуд зот. Ўлим пайтида мия ва онг бир бирдан ажралади ва яшашда давом этаверади. Сабом шундай деб ёзади: “Балки, миядан ажрალიш қобилиятига эга бўлган “онг” - баъзи диний таълимотлар тарғибот қилиб юрган, тана ўлгандан кейин ҳам яшашда давом этаверадиган “рух”, “жон”дир? Менимча, бу клиник ўлиш тажрибаларини таҳлил қилишдан келиб чиқадиган энг муҳим хулоса”.

Ана шу саволнинг ҳақиқий моҳиятини мазкур асар муаллифи, рухий устоз, “Кришнани англаш Халқаро жамияти”нинг асосчи-ачарйаси Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада ўқувчиларга тўлиқ очиб беради.

Бир неча минг йил муқаддам узоқ Ҳиндистон заминиде буюк рухий устоз Шукадева Госвами шогирди Махараж Парикшитга Ажамила тарихини, унинг ўлгандан кейинги қисматини гапириб берган эди. Шукадева Госвамининг ҳикояси "Шримад Бхагаватам"нинг олтинчи кўшиғида келтирилган. "Шримад Бхагаватам" санскрит тилида ёзилган мумтоз асар бўлиб, бу асарни билимдон донишмандлар “ўлмас Ведалар таълимотининг пишган меваси” деб атайдилар.

1975-76 йилларда Шрила Прабхупада "Шримад Бхагаватам"нинг олтинчи кўшиғини инглиз тилига таржима қилди, асарнинг ҳар бир шеърига ажойиб изоҳ ёзди. Ўша пайтларда Ажамила тарихи ҳақидаги ҳикоя таржима қилинган эди. "Шримад Бхагаватам" асарини таржима

қилиш устида ишлар экан, Шрила Прабхупада Ажамила тарихини биринчи бор эслаётган эмасди. У аввал ҳам шогирдларига Ажамила ҳақида тез-тез гапириб берарди. 1970-71 йилларда Шрила Прабхупада ғарбий давлатлардан келган шогирдлари билан бирга Ҳиндистон бўйлаб саёхат қилди. Шунда у шогирдларининг илтимоси билан бу мавзуда бир неча маърузалар қилганди.

Шундай қилиб, “Яна бир имконият” асарига "Шримад Бхагава-там"нинг олтинчи кўшиғидаги шеърлар, уларга Шрила Прабхупаданинг берган изоҳларидан ва маърузаларидан олинган пар-чалар киритилди.

Ажамиланинг ажал билан учрашиш тарихи - ҳар бир фаросатли кишини ўйлантириб қўядиган, ҳаяжонга соладиган, ёрқин ҳикоя. Бу асар ҳаётда инсон бўлиб яшашнинг мазмуни, яшашдан мақсад, тирикчилик, тақдир, ўлгандан кейинги ҳаёт ҳақида ўйлаб, бунда пайдо бўладиган турли хил саволларга жавоб тополмай юрган одам-лар учун энг нодир тухфа бўлиши аниқ.

Нашриётдан

1. Ажамила ўлим тўшагида

1. Инсон нимаси билан ҳайвонлардан фарқ қилади.

Шукадева Госвами шох Парикишитга шундай деди: “Бир вақтлар, Каниакубжа шахрида, фоҳиша аёлга уйланган Ажамила деган бир браҳман яшаб ўтган. Шу насткаш аёл билан боғланиб, у ўзининг браҳманларга хос бўлган барча улугвор фазилатларидан маҳрум бўлибди. Ўша осий браҳман, Ажамила, ўғирлик, қароқчилик, қимор ўйини билан машғул бўлиб, бошқаларга жуда кўп зулм ўтказган, шундай нопок ишлар билан тирикчилик қилиб, оила тебратиб юраркан.

Сабаб ва оқибат қонуни

Ажамила браҳман оиласида дунёга келди, ёшлигида Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган барча қоидаларга амал қилиб, ҳалол, покдомон, тақводор ҳаёт кечирди: гўшт емас, зино қилмас, шароб, ароқ ичмас, қимор ўйнамас эди. Аммо, у бир фоҳиша аёлга ишқи тушиб, браҳманларга хос бўлган ўзининг барча эзгу фазилатларидан маҳрум бўлди. Агар инсон тақводорлик қоидаларига риоя қилишни тарк этса, гуноҳи азимларга ботиб, тубанликка юз тутади. Ҳақиқий инсонларга хос ҳаёт кечириш учун инсон Парвардигорнинг инсонлар учун яратиб қўйган қонун-қоидаларига риоя қилиб яшаши керак, уларни инкор қилиш билан биз албатта алданиш, *майа* тузоғига тушиб қоламиз.

Агар биз руҳий жиҳатдан юксалишни истасак, барча шариат қонунларига тўлиқ риоя қилиб яшашимиз ва шу билан бирга ҳозирги ва аввалги ҳаётимизда қилган гуноҳ ишларимиздан покланишимиз лозим. Фақат барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай покланган ва бенуқсон тақводор, пок, ҳалол яшаётган инсонгина Парвардигорни англай олади. Фақат ўз танасининг эҳтиёжлари ҳақида ўйлайдиган,

шу сабабли ҳар хил гуноҳ ишлар қилиб юрган, дўстларига, жамиятга, оиласига қаттиқ боғланиб қолган одам руҳий ўзлигини англаб етишга қодир эмас.

Бегона аёл билан ноқонуний жинсий алоқа қилиш билан эркак киши брахманларга хос бўлган ўзининг барча эзгу фазилатларидан маҳрум бўлади. Фоҳиша аёл билан зино қилиб, Ажамила барча диний қонун-қоидаларга оёқ қўйди, ўғри ва қаллоб одамга айланди. Худонинг қонунларини бузган одам албатта жазога маҳкум бўлади. Мамлакатдаги шоҳ ёки ҳукумат ўрнатиб қўйган қонунларни бузган киши бирор йўл билан жазодан қутулиб қолиши мумкин, аммо Худонинг қонунларини четлаб ўтиб, жазосиз қолиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган иймонсиз одам ўйлайдики: “Мен Худони алдаб қўйибман, энди мен истаган ишимни қилиб, лаззатланишда давом этавераман”. Аммо, *шастра*(муқаддас китоб)ларда айтилганки, ундай одамлар фақат ўзларини алдаб юрибдилар, чунки, кейинги ҳаётида яна моддий танага эга бўлиб, ҳозир қилган гуноҳлари оқибатида улар албатта оғир азоб-уқубатларга дучор бўладилар.

Брахман оиласида туғилган одам ростгўй, сезгиларини ва ақлини жиловлаб олган бўлиши, руҳий илмни муқаммал билиши ҳамда унга ўз ҳаётида амал қилиб яшаши, муқаддас китобларга тўлиқ иймон келтирган бўлиши лозим.

Шастраларда бутун жаҳондаги буюк донишмандларнинг ва авлиё зотларнинг насиҳатлари ёзилган, шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилмайдиган одам моддий оламнинг энг чуқур қаърига, дўзахий сайёраларга равона бўлади. Аммо, баъзи билимсиз ғофил одамлар шастраларни нотўғри талқин қиладилар ва ўзларини ҳам, бошқа бегуноҳ одамларни ҳам тўғри йўлдан адаштирадилар. Ҳозирги дарвада муқаддас "Бҳагавад-гита"нинг ҳар хил изоҳлар билан чоп этилган жуда кўп нашрларини учратиш мумкин. Руҳий илмдан беҳабар, ишонувчан ўқувчилар уларни ҳақиқий илм сифатида қабул қилаверадилар. «Бҳагавад-гита» изоҳ ёзган шундай “олим”лардан бирининг фикрича, Курукшетра - бизнинг моддий танамиз, беш Пандузода эса, - тананинг беш сезги аъзоси. Бу - мутлақо нотўғри талқин. Ўзи «Бҳагавад-гита»ни тушунмай туриб, одам қандай қилиб уни бошқаларга тушунтириб бериши мумкин? Бу мутлақо бемаъни иш.

Парвардигор ҳақида ҳақиқий илмга эга бўлиш учун ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш ва «Бҳагавад-гита» илмини унинг оғзидан тинглаш лозим. Биз ҳаётда буюк устоз (ачарйа)лар изидан

боришимиз лозим. Шунда ҳақиқий бахт-саодатга эришамиз. Ҳаётда ҳеч нарсани ўйлаб чиқармаслик керак - фақат буюк донишмандларнинг шастраларда ёзиб қолдирган насиҳатларига амал қилиб яшаш лозим. Биз ҳаётда ҳақиқий руҳий устозни топиб, камтарин ҳолда унга ҳаёт ҳақида саволлар беришимиз лозим. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида муқаддас китоблардан билиб олиш мумкин, руҳий устоз ёки авлиё одам эса, бизларга муқаддас китобларни тўғри тушунишда ёрдам беради. Руҳий ўзлигини, ҳақиқий “мен”ини англаб етган ҳақиқий руҳий устознинг айтган гапларини ҳеч иккиланмасдан қабул қилиш лозим.

Аслини олганда шастралар, муқаддас китоблар ҳеч қандай изоҳга, талқинга муҳтож эмас. "Шримад Бхагаватам"да, Парвардигор Кришна, худди ёш бола ўйинчоқ соябонни кўтарганидай, Говардхана тоғини бир бармоғида кўтариб турди, деб ёзилган. Аммо, одамлар "Шримад Бхагаватам"нинг сўзларига ишонмайдилар, шу боис улардан қўшимча маъно, яширин мазмун ахтарадилар. Уларнинг мазмуни очиқ кўрсатилган, уларни тушунмаслик мумкин эмас, лекин, шунга қарамай, ақлсиз фирибгарлар ўзларича нималарнидир ўйлаб топадилар.

Ўзи аниқ равшан тушунарли бўлган нарсани тушунтиришнинг нима кераги бор? Ана шундай сохта билимдонлар, сохта диндорлар ўзларининг ногўғри изоҳлари билан ведавий муқаддас китобларнинг обрўсига жуда катта путур етказганлар. Ҳақиқий ачарйалар шастраларни ҳеч қачон ўзлари истаганча талқин қилмайдилар, аммо ҳозирги пайтда жуда кўп худобехабар чаласавод олимлар ва сиёсатчилар муқаддас китобларнинг мазмунини халққа ногўғри талқин қилиб тушунтирадилар. Уларнинг гапларига ишониб, оддий халқ моддий оламнинг энг даҳшатли қаърига равона бўладилар. Бутун инсониятнинг бахт-саодати учун ана шундай қаллобларни албатта фош қилиш керак. Айнан шу мақсадда биз «Бхагавад-гита»ни нашр қилар эканмиз, уни “Асл ҳолидаги Бхагавад-гита” деб атадик.

Ҳозирги даврда инсониятнинг таназулга юз тутгани

"Шримад Бхагаватам"да айтилганки, фоҳиша аёлга боғланиб қолгани сабабли Ажамила ўзининг брахманларга хос бўлган барча фазилатларидан маҳрум бўлди. Ҳали ёши йигирмага ҳам етмаган Ажамила фоҳиша аёл билан қўшилганидан кейин, тирикчилик қилиш учун қарзга ботишга, одамларни алдаб, қаллобчилик, ўғирлик

қилишга мажбур бўлди.

Бу бобнинг аввалида келтирилган шеърлардан ноқонуний жинсий алоқа, зино одамни турмушда қанчалик тубанликка юз тутишга мажбур қилиши яққол кўриниб турибди. Ҳеч бир такводор, покдомон, маданиятли аёл ана шундай ишларга қўл урмайди, бундай ишлар фақат ифлос, беҳаё, бекфаросат *шудрани*(паст табақага мансуб) аёллар қўлидан келади. Шунинг учун мен ўзимнинг барча шогирдларимдан - Кришнани англаш Халқаро жамиятининг аъзоларидан биринчи навбатда ноқонуний жинсий алоқани тарк этишларини талаб қиламан, чунки бундай алоқалар одамни энг бузуқ, энг тубан ишларга - иккиюзламачилик қилишга, кимор ўйнашга, гўшт ейишга, ароқ ичишга, гиёҳвандликка ундайди. Албатта, ҳаётда гуноҳ ишлардан бутунлай юз ўгириб яшаш осон иш эмас, бундай яшаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди, аммо, қалбида Кришнага садоқат уйғота олган киши бемалол ҳалол, пок ҳаёт кечири олади, чунки, Кришна онги билан яшаётган одамнинг қалбида аста-секин бундай пасткаш, тубан ишларга қизиқиш бутунлай йўқолиб кетади.

Бир вақтлар Ажамил сингари одамларнинг жамиятда учраши жуда камдан кам учрайдиган ҳодиса эди, аммо биз яшаётган даврда бундай “Ажамил”ларни миллионлаб учратиш мумкин. Жамият одоб-ахлоқнинг, таълим-тарбиянинг таназзулга юз тутишига қанчалик эътиборсиз бўлса, унда фирибгар-қаллоблар, ўғрилар, қароқчилар, ароқхўрлар шунчалик кўпайиб гуллаб яшнаиверадилар. Ноқонуний жинсий алоқа олқишланадиган, қўллаб-қувватланадиган жамият - тубанликка, таназзулга юз тутган жамиятдир: вақти келиб бундай жамият фақат ҳар хил иймонсиз алдоқчилардан, иккиюзламачи қаллоблардан, ҳароми фирибгарлардан, каллакесар ароқхўрлардан иборат одамлар галасига айланади.

Агар биз ҳақиқатан ҳам бутун жаҳоннинг маънавий тусини ўзгартириб, уни ҳақиқий инсонлар яшаши учун муносиб бўлган ажойиб масканга айлантирмоқчи бўлсак, аввало ўзимиз Кришна онгига эга бўлишимиз, кейин атрофимиздаги бошқа одамларни ҳам унга жалб этишимиз лозим. Шунда биз бутун инсониятга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан энг яхши хизмат кўрсатган бўламиз. *Бхакти-йога*, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш усули билан биз жамиятдаги, ҳаётдаги барча нуқсонлардан халос бўламиз. Шу пайтгача биз жамият ҳаётида жуда кўп нуқсон(*анартха*)ларни орттириб келдик, уларнинг энг асосийлари - гўшт ейиш, маст қилувчи нарсалар истеъмол қилиш, жинсий нопоклик, ҳар хил қимор ўйинлари. Агар биз жамият ҳаётида "Шримад Бхагаватам" ва

«Бхагавад-гита»да кўрсатилган *бхакти-йога* қоидаларига амал қила бошласак, бу нуқсонлардан тез вақт ичида халос бўламиз. Бу ведавий муқаддас китоблар ҳали инсонлар орасида, жамиятда унчалик таниш эмас, шунинг учун одамлар уларнинг кўрсатмаларини билмайдилар. Аммо, улар ўзларининг пок онгини булғаб, ҳар хил ғофил, маънавий бузуқи ёзувчиларнинг асарларини тинмай ўқийдилар.

Алданиш домига тушиб қолган одам сеҳрли йога усули билан шуғулланиш ёрдамида бемаъни одатларни тарк эта оламан деб ўйлайди. Аввал, бир замонларда ҳақиқатан ҳам одамлар *аштанга-йога*(саккиз поғонали муруқаба йогаси) билан шуғулланиб, руҳий озодликка эришганлар. Аммо, биз яшаётган даврда *аштанга-йога* билан шуғулланишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки, бу йўлдан бориш амалда ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

Ҳозирги даврда тубанликка юз тутган, адашган одамларга ёрдам бериш учун Парвардигор беш юз йил муқаддам Шри Чайтанья Махапрабху қиёфасида Ер сайёрасига ташриф буюрган. У билар эдики, Кали-югада яшаётган одамлар *аштанга-йога* билан шуғулланиш у ёқда турсин, ҳатто ҳақиқий диннинг энг осон қоидаларига ҳам амал қилиб яшашга қодир эмаслар. Ҳатто ана шундай пасткаш, тубан одамлар ҳам аста-секин руҳий юксалишнинг энг юқори поғонасига кўтарилса олиши учун Парвардигор одамларга энг қудратли маха-мантрани бериб кетди: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Ҳозирги даврда яшаётган одамлар тубанликка шунчалик чуқур ботиб кетганларки, маънавий, руҳий покланишнинг бошқа бирор усулидан фойдаланишга ёки қурбонлик маросими ўтказишга қодир эмаслар. Лекин, агар истаса, маха-мантра - Ҳаре Кришна мантрасини ҳар ким ҳам зикр қилиши мумкин. “Брихан-нарадия-пурана”(38.126)да шундай дейилган:

харер нама харер нама харер намаива кевалам

калау настй эва настй эва настй эва гатир аниятха

“Бу иккиюзламачилик ва рақобатлар даврида фақат Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган одамларгина нажот топадилар. Нажот топишнинг бошқа йўли йўқ, бошқа йўли йўқ, бошқа йўли йўқ”. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ҳамиша ҳам нажот йўли бўлиб келган, аммо Кали-юга даврида бу усул алоҳида қудратга эга бўлди. Шуқадева Госвами бу усулнинг таъсири қанчалик қудратли эканини Ажамиланинг тақдири мисолида кўрсатиб берган. У фақат Парвардигор Нарайананинг муқаддас номини тилга олгани шарофати билан Азроилнинг қўлидан қутулиб

қолган.

Ноқонуний жинсий алоқаларнинг хавфлилиги

Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш шарофатидан тўлик самара олиш учун уларни ҳақоратларсиз зикр қилиш керак. Бунинг учун эса, риёзат чекиш - биринчи навбатда ноқонуний жинсий алоқа қилишни тарк этиш керак. Албатта, инсон танаси жинсий алоқа қилишга эҳтиёж сезади, муқаддас китобларда ёзилишига кўра, баъзи чеклашлар билан бўлса ҳам, жинсий алоқа қилиш мумкин: одам оила қуриб, фарзанд кўриш ниятида ўзининг хотини билан жинсий алоқа қилиши мумкин. Оила қуришни, никоҳ ришталари билан боғланишни истамаган ҳолда, фақат ноқонуний жинсий алоқадан лаззатланиб юрадиган маъсулиятсиз одам албатта гуноҳ, пасткаш иш қилган бўлади ва бунинг учун албатта оғир азоб-укубатларга дучор бўлади.

Албатта, одам оилавий ҳаёт кечириш қанчалик машаққатли эканини билса, у биров билан никоҳдан ўтиб, оила қуришдан бош тортади. Оиланинг ташвишларини ўз зиммасига олиш ҳақиқатан ҳам оғир, агар эркак киши ҳақиқатан ҳам ана шу оғир маъсулиятни елкасига олишни истамаса, брахмачари бўлиб яшашга қасам ичиб, ҳеч қачон жинсий алоқа қилмаслик қасамига бир умр содиқ қолиши мумкин. Руҳий устоз раҳбарлиги остида брахмачари бўлиб яшаш илмини ўрганган ва уни ўзининг ҳаётида қўллай олган одам, фақат шу амали билан ҳаётидаги барча моддий, дунёвий боғланишларнинг тўртдан уч қисмидан халос бўлган бўлади.

Аммо, биз яшаётган даврда камдан-кам одам бархмачари бўлиб риёзат чекишга қодир бўла олади. Ҳозирги даврда эркак ва аёллар никоҳдан ўтиб, оила қуришни истамайдилар, лекин жинсий алоқага бўлган эҳтиёжларини бекаму-кўст қондиришга интиладилар. Натижада ўзларининг барча эзгу фазилатларидан маҳрум бўладилар.

Бузуқи, бевафо аёл билан яшаш ва ундан фарзандлар кўриш - жуда оғир гуноҳ. Ундай фарзандлар(варна-санкара)нинг ҳеч кимга кераги йўқ - улар фақат жамиятнинг маънавий асосини яқсон қиладилар, холос. Ажамила ана шундай бузуқи аёл билан қўшилиб, ундан ўн фарзанд кўрди. У шу қадар тубанликка юз тутдики, ўзининг катта оиласини ҳалол йўл билан боқишни эплай олмай қолди, натижада девоначилик қилишга, қарзга ботишга ва ўғирлик қилишга мажбур бўлди. Одам бузуқ ишларга қўл урса, қимор ўйнаб, маст қиладиган нарсалар истеъмол қила бошлайди. Унинг харажатлари кўпайиб кетади, уларни қоплаш учун бировларни алдашга, ўғирлик

қилишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, Ажамиланинг оғир гуноҳларга ботишига унинг бузуқи аёл билан қўшилиши сабаб бўлди..

Шунинг учун ҳам биз қалбида Кришна онгига эга бўлиб, инсонларга хос улғувор ҳаёт кечиришни истайдиган одамлардан энг аввало ноқонуний жинсий алоқани тарк этишни талаб қиламиз. Худонинг содиқлари никоҳдан ўтиб, оила қуришлари ёки браҳмачари бўлиб, жинсий поклик сақлашлари лозим. Фақат шу йўл билан инсон ўзининг руҳий поклигини сақлаб қолиши мумкин.

2. Мутлак Ҳақиқатга тақлид қилиш

Эй шох, шу тариқа унинг бутун ҳаёти хотини ва болаларини ўйлаб, гуноҳ ишлар билан мол-дунё тўплашга сарфланибди. Ниҳоят у саксон саккиз ёшга тўлибди. Кекса Ажамиланинг ўн ўғли бўлиб, кенжа ўғлининг исми Нараяна экан. У ҳали жуда кичкина бўлиб, ота-онаси уни жуда севиб эркалардилар.

Ота-оналар муҳаббати

Ажамиланинг яна бир оғир гуноҳи шундан иборат эдики, саксон саккиз ёшли чол бўлган ҳолида ҳали кичкина ўғли бор эди. Ведалар маданиятига кўра одам эллик ёшида оилавий ҳаётдан воз кечиб, уйини тарк этиб кетиши лозим. Эллик ёшдан кейин фаросатли одам оилада қолиб бола-чақа қилмайди. Маданиятли, фаросатли одам йигирма беш ёшдан қирқ беш ёшгача, ошиб борса эллик ёшгача жинсий алоқа қилиши мумкин. Шундан кейин жинсий ҳаётни тарк этиш керак, оилавий ҳаётни тарк этиб, ванапрастха, ундан кейин саннйаси саннйаси ҳаёт тарзи билан яшаш керак. Ажамила эса, бузуқи аёл билан қўшилиб, браҳманларга хос бўлган барча қодаларни унутиб қўйди, шу бузуқи аёл хотини бўлган бўлса ҳам, бошқа гуноҳ ишлар қилишда давом этаверди.

Ажамила ўша бузуқи аёлни учратганида йигирма ёшга тўлган эди, кейинчалик улардан ўн нафар фарзанд дунёга келди. Ниҳоят у сал кам тўксон ёшга тўлганида ажали етди. Бу пайтга келиб болаларининг кўплари улғайиб қолган, табиий равишда энг кенжа ўғли, Нарайана эр-хотиннинг энг суюкли фарзандига айланган эди, ажамила ҳам унга

жуда қаттиқ боғланиб қолган эди.

Фарзанд ўзининг беғубор табассуми билан дарров ота-онанинг қалбини ўзига ром этади. Жажжи бола ўзига хос ширин тили билан чулдираб гапира бошлаганида эса, ота-онанинг юраги унга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусидан бутунлай эриб кетади. Агар болалар ота-онасининг қалбини ана шундай эритмасалар эди, улар фарзандларини шунчалик меҳр-муҳаббат билан ўстириб, тарбияламаган бўлардилар. Ўз фарзандларига нисбатан ота-оналарга хос илиқ муҳаббат туйғуси ҳатто ҳайвонларда ҳам мавжуд. Бир пайтлар бизлар Канпурда бўлганимизда, бизнинг дераза олдида ёш боласи билан бир маймун келиб ўтирди. Унинг боласи деразага қўйилган симлар орасидан ичкари кирди. Онаси эса симлар орасига сиғмас эди, шунда она маймун боласидан хавотирланиб, дод-вой солиб ақлдан озишига оз қолди. Бизлар маймун болани зўрға орқага қайтардик, она маймун шу заҳоти тинчиб, боласи билан бирга кўздан ғойиб бўлди.

Одамлар одатда онанинг фарзандига бўлган муҳаббатини олқишлаб асарлар ёзадилар, ахир бундай туйғу ҳатто ҳайвонларда ҳам бор-ку. Демак, бу фақат буюк инсонга ато этилган, олқишлашга муносиб бўлган, қандайдир алоҳида туйғу эмас, шунчаки табиат қонуни, ҳолос. Агар онада ўз фарзандига нисбатан муҳаббат туйғуси бўлмаса, фарзанд тўғри ривожлана олмайди. Ота-онанинг фарзандга бўлган муҳаббати табиий ва зарурий туйғу, лекин у инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам беролмайди.

Ажамила қанчалик гуноҳкор бўлмасин, у ўзининг кичкина ўғлини бутун қалби билан севарди. Гарчи Ажамила салкам тўксон ёшга кирган бўлса ҳам, худди Нанда Махараж ва Яшода она Парвардигор Кришнанинг болаликдаги ўйинларини кўриб қувонгани сингари, у ҳам жажжи ўғлининг ўйинларидан лаззат оларди.

Руҳий муҳаббат ва руҳий оламнинг ранг-баранглиги

Моддий оламдаги ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган муҳаббат туйғуси - руҳий оламдаги ота-оналарнинг ҳақиқий, соф ҳолдаги илоҳий муҳаббат туйғусининг бузилган акси, ҳолос. Руҳий мавжудлик - бутун борлиқнинг бошланғич кўриниши, манбаидир. "Веданта-сутра"(1.1.2)да шундай дейилган: *жанмадй асйа йатаҳ* - "Мутлақ Ҳақиқат - бутун борлиқнинг манбаидир". Агар Мутлақ

Ҳақиқатда ота-она ва фарзандлар орасида муҳаббат бўлмаса, моддий оламда ҳам улар орасида муҳаббат туйғуси бўлмас эди.

Мутлақ Ҳақиқат бутун борлиқнинг манбаи бўлгани сабабли, моддий оламдаги биз кўриб турган ранг-баранглик - руҳий оламдаги ҳақиқий ранг-баранглиқнинг бузилиб кўриниб турган акси, холос. Агар Мутлақ Ҳақиқатда ранг-баранглик бўлмаса, бу моддий оламда ранг-баранглик қаердан пайдо бўларди? Йўқ, Мутлақ Ҳақиқат шахсиятсиз(*ниракара*) эмас, Мутлақ Ҳақиқат бўшлиқ, йўқлик эмас(*нирвишеша*).

Шунга қарамай, майавади деб аталадиган баъзи файласуфлар бошқача фикрлайдилар. Моддий оламдаги ранг-баранглиқнинг мукамал эмаслигини англаб етгандан кейин, улар бундан ҳафсаласи пир бўлади, натижада руҳий оламда шахс ва ранг-баранглик бўлиши мумкин эмас, деган қарорга келадилар. Ана шундай фаласуф имперсоналистлар ўзларининг Брахман, яъни руҳ эканини тушунадилар, лекин, руҳий осмон - брахмажйотида сон-саноксиз руҳий табиатга эга сайёралар мавжудлигини билмайдилар. Улар руҳий осмон - брахмажйотини охириги мақсад, охириги манзил деб биладилар. Имперсоналистлар руҳий сайёралар - Вайкунтхалар ҳақида ҳеч қандай илмга эга бўлмагани сабабли, ҳатто руҳий осмонга эришгандан кейин ҳам, яна моддий оламга қайтиб келишга мажбур бўладилар. "Шримад Бхагаватам"(10.2.32)да шундай дейилган:

*йе “нйе “равиндакша вимукта-манинас
твайй аста-бхавад авишуддха-буддхайаҳ
арухйа криччхрена парам падам татаҳ
патантй адхо “надрита-йушмад-ангхрайаҳ*

“Имперсоналистлар амалда руҳий озодликка чиқиш арафасида турган бўлсалар ҳам, уларнинг тафаккури нопок, чунки улар Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишни инкор этадилар. Гарчи Брахманни англаш поғонасига кўтарилиш учун қаттиқ риёзатлар чексалар ҳам, улар яна моддий олам уммонига ғарқ бўлишга мажбур бўладилар”.

Руҳий тана ва руҳий фаолият

Имперсоналист-файласуфлар моддий оламдаги фаолиятни руҳий оламдаги руҳий фаолиятдан ажрата олмайдилар. Улар моддий тана билан Парвардигорнинг илоҳий танаси орасидаги фарқни ҳам тушунмайдилар. Улар шахсиятсиз брахмажйоти - Парвардигорнинг танасидан таралиб турган илоҳий ёғду - энг Олий Мутлақ Ҳақиқат

эканига қаттиқ ишонадилар. Майвадилар адашганидан, Парвардигор ҳам бу оламга келганида, худди бизлар сингари моддий танага эга бўлади, деб ҳисоблайдилар. Ана шундай дунёқарашга эга бўлиш имперсонализм, ёки майвадилар фалсафаси деб аталади.

Парвардигорнинг танаси бор, аммо Унинг танаси бизларнинг танамиздан бутунлай фарқ қилади, Унинг танаси моддий тана эмас. Унинг танаси руҳий табиатга эга: у мангу, илм ва лаззатга тўла(саччит-ананда-виграха). Кришнанинг руҳий табиатини англаб етган одам руҳий озодликка эришади. «Бхагавад-гита»да Кришнанинг Ўзи шундай дейган: (4.9).

*жанма карма ча ме дивйам эвам йо ветти таттватах
тйактва дехам пунар жанма наити мам эти со “ржуна*

“Мен бу ўткинчи оламга келганимда моддий танага эга бўлмайман; Менинг туғилишим ва кароматларим бутунлай руҳий табиатга эга. Ана шуни иукаммал англаб етган одам руҳий озодликка чиқади”. Кришна бу оламга келганида Яшоданинг ўғли вазифасини мукаммал амалга оширганди: агар онаси Унга сарийё, қаймоқ бермаса, қўлига тушган ҳамма нарсани синдириб, хархаша қиларди - гўё Унга ҳақиқатан ҳам қаймоқ керакдай! Аммо, Парвардигор ҳатто бу оламда Ўзини худди оддий одамдай тутса ҳам, барибир У қудратли Парвардигор, ягона Парвардигор бўлиб қолаверади.

Имперсоналистлар Парвардигорни, Олий Шахсни таний олмайдилар, чунки улар уни оддий одам деб биладилар. Улар ҳақиқатан ҳам ярамас, ғофил одамлардир, Парвардигор Кришнанинг Ўзи бу ҳақда «Бхагавад-гита»(9.11)да шундай дейди: *аваджананти мам мудхах* - “Фақат энг ярамас одамларгина Мени оддий одам деб ўйлашлари мумкин”. Майвадилар: “Ахир у оддий ёш бола-ку, қандай қилиб у Худо бўлиши мумкин?” - дейдилар. Ҳатто Тангри Браҳма ва Индра ҳам ҳайратга тушган эдилар: “Шу кичкина бола Худонинг Олий Шахси бўлиши мумкинми? Уни синаб кўриш керак!”

Баъзан қандайдир бир одам ўзини Парвардигорнинг бир кўриниши деб эълон қилади. У тўғридан тўғри: “Мен - Худоман!” дейди. Ҳақиқатан ҳам шундайми, йўқми, буни албатта текшириб кўриш керак. Майвадилар кўпинча шундай даъво қиладилар: “Мен - Худоман!” “Мен - Рамаман!” “Мен - Кришнаман!” Дуч келган одам ўзини Худо деб эълон қилаверади, оддий ғофил одамларнинг бирортаси уларни текшириб кўришни ўйламайди: “Агар сен Рама бўлсанг, қудратингни кўрсат! Рама Ҳинд океани устидан кўприк қурган эди, сен нима қилдинг? Кришна етти ёшида Говардхана тоғини кўтарган эди, сен-чи?” Одатда бундай саволларга бу фирибгар

қаллоблар шундай жавоб берадилар: “Уларнинг ҳаммаси эртак, чўпчак!” Шу тарика содда, ғофил одамлар дуч келган одамни Рама ёки Кришна деб қабул қиладилар. Ҳозирги даврда Худога бундай шак келтиришларнинг чеки йўқ, вақти келиб ўзини Худо деб одамларни алдаб юрганлар ҳам, унга ишониб юрган аҳмоқ нодонлар ҳам албатта бундай гуноҳлари учун қаттиқ жазоланадилар. Ҳар ким ўзини Худо деб эрлон қилиши мумкин, аҳмоқ, нодон одамлар бунга ишонаверадилар, аммо ҳеч ким ана шундай сохта “худоларга” хизмат қилишдан бирор фойда кўрмайдилар.

Бир куни Тангри Браҳма Ҳиндистондаги Вриндаван деган қишлоқда бутун аҳоли ғаройиб қароматлар кўрсатаётган ёшгина бола Кришнани Худо деб юганини кўриб қолди. У Кришна ҳам Ўзини Худо деб юрган “сохта худо”лардан бири бўлса керак, деб ўйлади ва Уни синаб кўрмоқчи бўлди. Тангри Браҳма Кришнанинг ҳамма дўстларини ва бузоқларини ўғирлаб кетиб, ғорга яшириб қўйди. Орадан бир йил ўтгандан кейин у яна Вриндаванга келиб кўрса, ўзи ўғирлаб кетган барча подачи болаларни ва бузоқларни шу ерда кўрди. Шунда у қудратли Кришнанинг Ўзи подачи болалар ва бузоқлар қиёфасига кириб олганини тушунди. Ҳатто болаларнинг оналари ҳам ўғиллари сохта эканини билмай, ҳайрон бўлардилар: “Нимага болаларимиз кечқурун ўтлоқдан қайтиб келаётганида қалбимиздаги уларга нисбатан бўлган меҳр, муҳаббат туйғуси бунчалик жўш уриб кетади?” охир-оқибатда Тангри Браҳма Кришнага таслим бўлиб, Унга бутунлай ўз ихтиёрини топшириб, илтижо қила бошлади.

Бир куни отаси Нанда Махаражга Кришна шундай деди: “Индрага атаб қурбонлик маросими ўтказиш шарт эмас, ахир Индра Худонинг Олий Шахсига бўйсунди-ку!” Кришнанинг бу гапини эшитган Индра ҳам алданиб қолган эди. Кришна аслида Худонинг Олий Шахси - Ўзи эканини отасига айтмаган эди. У отасига фақат: “Индра барибир Парвардигорнинг амрига бўйсунгани сабабли у бизга ёмғир юборишга мажбур. Шу боис унга атаб алоҳида қурбонлик маросими ўтказишнинг ҳожати йўқ!” - деди.

Вриндаван аҳолиси Кришнанинг гапи билан унга атаб қурбонлик маросими ўтказмай қўйганини кўриб, Индранинг жаҳли чиқди ва уларни жазоламоқчи бўлди. У етти кун дамомида Вриндаванга бетўхтов кучли ёмғир қуйдирди. Жала, ёмғир шу қадар кучли эдики, бутун атрофни сув босиб кетди, аммо, жала қуя бошлаши билан етти яшар КришнаГовардхана тоғини соябон қилиб осмонга кўтарди-да, Вриндаваннинг бутун аҳолисини чорва моллари билан бирга тоғ остига киришга таклиф қилди. Етти кун ва етти тун давомида, бирор

нарса еб-ичмасдан Кришна Вриндаван аҳолисини ёмғирдан қутқариб, тоғни кўтариб турди. Шунда Индра Кришнанинг ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахси эканини англаб етди.

Бу ҳақда ҳикоя қилар экан, "Шримад Бхагаватам" бизларни оғохлантиради: "Агар майа, Кришнанинг ташқи қуввати, ҳатто буюк Брахма ва Индрани ҳам адаштириб қўйишга қодир бўлса, оддий одамлар ҳақида нима дейиш мумкин?"

Шундай қилиб, Парвардигор баъзан Ўзини Парвардигор сифатида, баъзан эса, оддий одам сифатида намоён этади. Аммо, имперсоналист-қаллоблар Парвардигорнинг ана шундай эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни эртақ деб айтадилар. Улар ё умуман шастраларга ишонмайдилар, ё *ардха-куккути-няя* - "товуқнинг ярмиси керак" деган мантиқ асосида уларни ўзларига ёқадиган тарзда талқин этадилар. Бир кишининг олтин тухум туғадиган бир товуғи бор экан. Шу нодон одам бир куни ўйланиб қолибди: "Албатта, бундай товуқни сақлаш жуда фойдали, лекин унга ҳар кун дон бериш зарарли. Агар унинг қалласини узиб ташласам, унинг дон ейдиган жойидан қутуламан, олтин тухум туғадиган жойи эса тураверади. Донга бир тийин ҳам сарфламасдан, ҳар куни олтин тухум олавераман". Имперсоналистлар ҳар шастраларга худди шундай фикр билан ёндошадилар. Уларнинг фикрлаши ҳам шундай: "Шастраларнинг мана бу жойи бизга ёқади, лекин мана бу ери умуман ёқмайди. Бу жойини олиб ташлаш керак". Кришна: "Ҳамма жойда мавжуд бўлган Менга назар сол!" - деганида, худосиз-майвадилар ҳайратга тушадилар, лекин худди ўша Кришна: "Ҳамма нарсадан воз кечиб, ўзингни Менга топшир!" - деса, улар норози бўладилар. Улар шастралардан ўзларига ёқадиган жойларини қабул қиладилар, ёқмайдиган жойларини эса инкор этадилар. Аммо ҳақиқий ачарйалар ҳеч қачон шастраларнинг мазмунини бузиб, нотўғри талқин қилмайдилар. Аржуна «Бхагавад-гита»ни тинглар экан, Кришнага шундай деди: "Сенинг барча айтган гапларингни мен аниқ ҳақиқат деб қабул қиламан!"

Мутлақ Ҳақиқат илмга тўла

Энг ишонарли ведавий муқаддас китоблар ҳисобланадиган "Веданта-сутра"да шундай гаплар бор: *жанмадй асйа йатах* - "Мутлақ Ҳақиқат - бутун борлиқнинг манбаи"(1.1.2). жанма ибораси "туғилиш" деганни билдиради. Бу ерда ҳеч қандай изоҳга ҳожат йўқ, ҳаммаси ўз-ўзидан тушунарли. Худди бизнинг танамиз она қорнидан

пайдо бўлгани сингари, моддий оламда мавжуд бўлган ҳамма нарса Мутлақ Ҳақиқат пайдо бўлган. Жанмадй асиа йатаҳ: “Дунёга келган ва ўлимга, йўқолишга маҳкум бўлган ҳамма нарса Мутлақ Ҳақиқатдан чиққан”. Мутлақ Ҳақиқат - бутун борлиқнинг манбаи, ҳамма нарса Ундан жой олган.

Бутун борлиқнинг азалий манбаи, бошланғич манба қандай хусусиятларга эга бўлиши керак? "Шримад Бхагаватам"(1.1.1)да шундай дейилган: *жанмадй асиа йато “ниавад итаратаиш чартхешв абхиджнаҳ сварат* - бутун борлиқнинг азалий, бошланғич манбаи ҳамма нарсани бевосита ва билвосита билиши лозим. У - Олий Рух, Унга ҳамма нарса аён, чунки У - мукаммал Зот. Бизлар ҳам руҳий табиатга эгамиз, бизлар - руҳий зарралармиз. Ана шу руҳий зарра она корнига кирганида, у моддий танани яратади. Демак, моддий тананинг, мана шу жуда мураккаб организмнинг манбаи аслида руҳий зарра экан. Гарчи биз ўзимизнинг моддий танамизни ўз қувватимиз ёрдамида яратсак ҳам, биз суякларимиз, қон томирларимиз қандай яралганини билмаймиз. Шу нарсаларни билмас эканмиз, демак биз ҳеч қачон Парвардигор бўла олмаймиз. Лекин Парвардигор Кришна ҳамма нарсани билади. Кришна, Мутлақ Ҳақиқат, ҳамма нарсани билади - бу Унинг ўзгармас, Ўзидан ажралмас хусусияти. «Бхагавад-гита»(7.26)да Парвардигор Кришна шундай дейди: “Мен бўлиб ўтган, ҳозир бўлаётган ва келажақда бўладиган ҳамма нарсани биламан”.

Биз руҳий устоздан илм ўрганиб, Мутлақ Ҳақиқатни, Кришнани англаб олишимиз мумкин, лекин Кришна қандай қилиб мукаммал илмга эга бўлган? Нимага Кришнанинг илми мукаммал, бенуксон? Чунки Кришна бутунлай мустақил, сварат. У ҳеч кимдан билим ўрганиши шарт эмас. Ғофил, аҳмоқ нодон одамлар ўзларини Худо деб билиш ниятида илм ўрганиш учун майвадиларга мурожаат қиладилар, аммо Кришна ҳаммиша Парвардигор бўлган, ва Парвардигор бўлиб қолади. У бунинг учун кимдандир илм ўрганиши шарт эмас. Ҳақиқий Парвардигор ана шундай бўлади.

Ажал билан юзма-юз

Ёш боланинг чулдираб ширин гапиришлари, ата-чечак қилиб юришлари кекса Ажамиланинг қалбига чексиз қувонч бағишларди. У ўзининг эркатойига ҳаммиша гамхўрлик қилар, унинг ўйинларини кузатиб завқланарди. Ажамила ўзи овқатлангани ўтирганида ўғлини

ҳам овқатга чақирар, сув ичганида уни ҳам ёнига чақириб, сув ичирарди. Шу тариқа унинг оғзидан ҳеч қачон "Нараяна" номи тушмасди. Бутун вақтини севимли ўғлининг таъвишлари билан ўтказиб, Ажамила умрининг охирлаб қолганини, ажали яқин қолганини ҳам сезмай қолди. Ҳатто ажали келганда ҳам гафлат ботқозига ботган Ажамиланинг ақли фақат ўғли Нараяна ҳақидаги ўйлар билан банд эди. (шб.б.1.25-27).

Фарзанднинг исми

Нарайана ҳали шу қадар кичкина эдики, ҳатто яхшилаб гапиришни, тўғри, равон юришни ҳам билмасди. Кекса Ажамила унга қаттиқ боғланиб қолган, унинг болалик ўйинларига махлиё бўлиб вақт ўтказарди. Ўғлининг исми Нарайана бўлгани учун, Ажамила ҳамиша Худонинг муқаддас номини тилига олиб юрарди. Гарчи Ажамила Нарайанинг Ўзига эмас, ўғлига мурожаат қилиб юрса ҳам, Худонинг муқаддас номлари кудрати билан унинг қалби аста-секин поклана бошлади (*харер нама харер нама харер намаива кевалам*). Бу борада Шрила Рупа Госвами айтадики, қандай қилиб бўлса ҳам ақли Кришнанинг муқаддас номига боғланган одам руҳий озодликка олиб чиқадиган йўлга кирган одамдир. (*тасмат кенапй упайена манаҳ кришне нивешайет*). Ҳиндистонликлар ўз фарзандларига одатда Кришна дас, Говинда дас, Нарайана дас, Вриндаван дас сингари исм кўядилар. Шу тариқа уларнинг ота-оналари ҳар куни Кришна, говинда, Нарайана ёки Вриндаван деган муқаддас номларни тилига олиб покланиш имкониятига эга бўладилар.

Ажамила ўлим тўшагида ётиб, ажали етганида ўғлини чақириб, Худонинг муқаддас номи Нарайанани тилига олди. Ажамила брахман оиласида туғилган, ёшлигида ҳар бир брахман оиласи сиғинадиган Парвардигор Нарайанага сажда қилиб сиғинар эди. Энди мана шу гуноҳкор Ажамила ўлим тўшагида ётиб, ўғлининг исми Нарайанани тилига олганида, ёшлигида ўзи сиғиниб юрган Парвардигор Нарайанани эслади.

Ўлим олдидан одамнинг Парвардигор Нарайана ҳақида эслаши қанчалик муҳим экани "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи кўшиғида (1.6) ёзилган:

*этаван санххйа-йогабхайам сва-дхарма-праништхайа
жанма-лабхаҳ параҳ пумсам анте нарайана-смритих*

“Модда ва руҳнинг табиатини ўрганиш, ёки сеҳр кудратига эга бўлиш, ёки жамиятдаги ўз бурчини виждонан бажариш ёрдамида

эришиш мумкин бўлган инсон ҳаётининг энг олий камолот чўққиси - умрининг охириги дақиқасида Худонинг Олий Шахсини эслай олишдан иборат”.

Ажамилга ҳам ажали етганида, ўзи билибми, билмайми, Парвардигор Нарайананинг номини тилга олди. Унинг акли Худонинг муқаддас номларида мужассам бўлгани туфайли у камолот чўққисига эришди.

Ўлим инсон учун энг муҳим имтиҳон

Аввал айтиб ўтганимиздай, инсон онгининг ажали етган пайтдаги ҳолати жуда муҳим аҳамиятга эга. Агар биз маъсулиятсиз ҳолда: “Тўғри, ҳар ким учун ўлим муқаррар, лекин, нима ҳам қила олардик?” - деб ўйласак, ҳеч қандай руҳий юксалишга эриша олмаймиз. Худди ҳаво оқими гулнинг ҳидини бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтгани сингари, инсоннинг ажали етган пайтдаги онги ҳам уни кейинги ҳаётга олиб ўтади. Агар одам бутун умри давомида қалбида Кришнанинг соф содиғи бўлган вайшнава онгини ривожлантирган бўлса, шундай онг уни кейинги ҳаётида Вайкунтхага олиб ўтади. Агар одам умр бўйи қалбида омадсиз карми(ҳамиша ўзи учун бирор манфаат кўзлаб меҳнат қиладиган одам)нинг онгини ривожлантирган бўлса, у яна шу азоб-уқубатларга тўла моддий оламда қолиб кетаверади.

Масалан, мен бизнесменман деб фараз қилайлик. Агар мен умримнинг охиригача бизнес билан шуғуллансам, менинг бутун онгим ҳам бизнес билан банд бўлади. Калкутталиқ бир бадавлат одам ҳатто ажали етиб ўлаётганида ҳам фабрикасидаги ишлар қандай бораётгани ҳақида сўраган эди. У кейинги ҳаётида албатта ўзининг фабрикасида хабардор бўлиб туриш учун, бирор каламуш танасида шу фабрикада туғилган бўлса керак. Худди шундай бўлиши мумкин. Ажалимиз келган пайтдаги онгимиз бизни навбатдаги танага олиб ўтади. Кришна тирик мавжудотларга нисбатан жуда меҳрибон - биз умримизнинг охирида нима ҳақида ўйласак, У бизга айнан шундай тана беради: “Сен худди каламушлар сингари фикр юритасан, шунинг учун каламуш бўла қол! Сен худди йиртқич йўлбарслардай фикр юритасан - йўлбарс бўла қол! Сен садоқат билан ҳамиша Мени ўйлаб юрасан - Менинг олдимга кела қол!”

Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш шарофати билан биз ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақида ўйлаб юришни ўрганамиз. Парвардигор Кришна «Бхагавад-гита»(6.47)да шундай дейди: *йогинам апи сарвешам мад гатенантар-атмана* - “Барча йоглар ичида қалбида

ҳамиша Менинг киёфамни эслаб юрадигани энг яхши йогдир”. Бизнинг жамиятимиз одамларга ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақида ўйлаб юриш йўлини ўргатиш учун ташкил этилган. Шунда улар ажали етган пайтда албатта Парвардигор Кришнани эслайдилар. Чунки, сиз умр бўйи нима билан шуғулланиб, нималар ҳақида ўйлаб юришга ўрганган бўлсангиз, ажалингиз етганда ҳам фақат шулар ҳақида ўйлайсиз. Табиат қонуни шундай.

Ўзининг муқаррар ажалига аввалдан жиддий тайёргарлик кўрадиган одам ҳақиқатан ҳам донишманд одамдир. То умрининг охиригача оиласида, бола-чақаси олдида роҳатланиб қоладиган одам ҳақиқий аҳмоқ, нодон одамдир. Алданиш домига тушган ана аҳмоқ одам шундай фикр юритади: “Менинг шунча мол-дунём, оилам, уй-жойим бор. Мен ҳеч нимадан ташвиш қилмасам, кўркмасам ҳам бўлади”. Афсуски, на унинг мол-дунёси, на оиласи, на уй-жойи уни ажал, ўлим чангалидан қутқара олмайди. "Шримад Бхагаватам"(2.1.4)да шундай дейилган:

*дехапатйа-калатрадишв атма-саинйешв асатсв апи
тешам праматто нидҳанам паийанн апи на паийати*

“Ақлсиз, нодон одам шундай ўйлайди: ”Менинг танам бақувват, бой-бадавлатман, катта-катта ўғилларим, меҳрибон хотиним бор. Улар мени ҳамиша ҳимоя қиладилар”. Моддий олам худди жанг майдонига ўхшайди. Бизларнинг жангчиларимиз - хотинимиз, бола-чақамиз, юртдошларимиз, бойлигимиз. Лекин "Шримад Бхагаватам" бизни огоҳлантириб айтадики, “бундай ўзлари ҳам ўлимга маҳкум бўлган жангчиларга ишонманг!” Гарчи ҳар бир одам бобоси, отаси аллақачон ўлиб кетганини билса ҳам, ўзи, атрофидаги қариндошларининг барчаси бир куни албатта ўлиб кетишига ишонгиси келмайди. Қандай қилиб ота ўзининг ўғлини ўлимдан сақлаб қолиши мумкин? Қандай қилиб ўғил отасини ўлимдан олиб қолиши мумкин? Ҳаётда фақат ҳайвоний эҳтиёжларини қондиришга интилиб, яшашдан мақсад - еб-ичиш, бола-чақа қилиш, ухлаш, ўзини ҳимоя қилиш деб юрган одамнинг фикрига ҳеч қачон бундай саволлар келмайди.

4. Туғилиш ва ўлишдан биратўла халос бўлиш

Шукадева Госвами давом этди: “Ажамиланинг кўзи бирдан даҳшатли қиёфадаги уч махлуққа тушиди: уларнинг баҳайбат кўрқинчли таналаридаги сочлари хурпайган, башаралари одамни даҳшатга соларди. Улар Ажамилани боғлаб, Ямаражнинг олдига олиб кетишга шай бўлиб, қўлларида арқон, кишан ушлаб турардилар. Саросимага тушиб қолган Ажамила, шу ерда ўйнаб юрган севимли ўғлини чақира бошлади. Кўзлари ёшга тўлиб, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, Ажамила Худонинг муқаддас "Нараяна" номини тилига олди. (шб.6.1.28-29).

Даҳшатли ажал

Ҳар бир одам, айниқса агар умри давомида жуда кўп гуноҳ ишлар қилган бўлса, ажали келган пайтда кимдандир нажот истайди, ажал балосидан қутулиш йўлини ахтаради. Албатта, руҳ ҳеч қачон ўлмайди(*на ханйате ханйамане шарире*), лекин бир танани тарк этиб, иккинчи танага ўтиш жараёни ҳамиша жуда оғир қийинчиликлар, азоб-укубатлар билан бирга бўлади. Ажали етган пайтда тирик мавжудот шу қадар қаттиқ изтироб чекадики, танасини тарк этишга мажбур бўлади. Яшаш шу қадар қийин бўлиб, азоб-укубатлар жонига тегиб кетган одам одатда ўзини ўзи ўлдиради. Лекин бундай қилиш оғир гуноҳ ҳисобланади, бундай гуноҳкор албатта карма қонунларига кўра оғир жазога маҳкум бўлади.

Ажали етган Ажамиланинг кўзи олдида кўлига кишан ва арқон ушлаган, уч нафар баҳайбат махлуқ пайдо бўлди. Уларнинг бутун танасини дағал юнг босган бўлиб, улар даҳшатли хурпайиб турар эди. Бу махлуқлар ямадуталар - Азроилнинг хизматкорлари эди. Улар Ажамилани танасидан чиқариб олиб, хўжайинининг олдига савол-жавобга олиб кетиш учун келган эдилар. Баъзан, ўлими олдидан ямадуталарни кўрганида, гуноҳкор одам кўрққанидан ҳатто қаттиқ қичкириб ҳам юборади. Ажамила ҳам шундай даҳшатга тушиб кетган эди.

Унинг бахтига, гарчи ўзининг ўғлини чақирган бўлса ҳам, у ўзи ҳам билмаган ҳолда Парвардигор Нарайананинг муқаддас номини тилга олган эди. Шу заҳотиёқ Ажамиланинг ўлим тўшаги олдида вишнудуталар, Парвардигор Нарайананинг хизматкорлари пайдо бўлдилар. Қўлларига кишан ва арқон ушлаган Азроилнинг хизматкорлари олдида кўрққанидан Ажамила кўзлари ёшга тўлиб, Парвардигор Нарайананинг номини такрорлаб ётарди. Аслида у Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ҳақида ўйламаган эди - у

фақат ўзининг ўғлини чорлар эди.

Кришнанинг ва Унинг содиқларининг бу оламга ташриф буюриши ва кетишлари

Худонинг содиқлари ҳам, худобехабар иймонсизлар ҳам ўладилар. Шундай савол туғилиши мумкин: “Уларнинг ўлишлари орасидаги фарқ нимада?” Буни тушунтириш учун шундай мисол келтириш ўринли: мушук оғзида ўзининг болаларини ҳам олиб юради, тутган сичқонларни ҳам. Лекин, онасининг оғзидаги мушук боласи онасининг иссиқ меҳрини ҳис қилади, сичқон эса - даҳшатли ўлим нафасини. Худди шундай, Худонинг содиқлари танасини тарк этиб руҳий оламга, лаззат тўла Вайкунтхага йўл оладилар, иймонсиз гуноҳкорлар эса - ямадуталарнинг қўлига тушиб, дўзахда изтироб чекадилар. Ажамилани ҳам ана шундай машъум, даҳшатли тақдир кутиб турган эди.

«Бҳагавад-гита»(4.9)да Парвардигор Кришна шундай дейди: *жанма карма ча ме дивйам* - ”Менинг бу дунёга келишим, кетишим руҳий, илоҳий табиатга эга, бу ишлар оддий одамнинг туғилишига, ўлишига ўхшамайди”. Парвардигор Кришна нимага бу моддий оламга келади? Бу ҳақда ҳам Унинг Ўзи «Бҳагавад-гита»(4.8)да айтган:

*паритранайа садхунам винашайа ча душкритам
дхарма-самстхапанартхайа самбхавами йуге йуге*

“Ҳақиқий дин қонунларини қайта тиклаш, тақводорларни кутқариш ва золимларни яқсон қилиш учун Мен ҳар замон, ҳар замонда бу оламга келиб тураман”. Парвардигор бу дунёга Ўзининг содиқларини ҳимоя қилиш ва иблисларни яқсон қилиш учун келади. Шунинг учун Парвардигор Вишнуни ҳамиша қўлларида қурол - гурзи ва чакра(халқа) ва нилуфар гули ҳамда сур ушлаган ҳолда тасвирлайдилар. Парвардигор қуроллари билан содиқларини ҳимоя қилади, гул ва сур ёрдамида дуо қилиб, уларга бахт-саодат келтиради.

Кришнанинг содиқларининг ҳам бу дунёга келиши ва кетиши руҳий, илоҳий табиатга эга. Вайшнавлар, Кришна(Вишну)нинг содиқлари бу моддий оламга Парвардигорни олқишлаш, шарафлаб қўйлаш учун юборилган, вайшнавларнинг фалсафасига кўра уларнинг бу дунёга келиши ҳам, кетиши ҳам бирдай бахтли воқеа. Шунинг учун бизлар вайшнавларнинг бу дунёга келишини ҳам, кетишини катта байрам сифатида нишонлаймиз.

Аслини олганда, Парвардигор Кришна ва Унинг содиқлари эмас, ҳатто оддий тирик мавжудотлар ҳам ҳеч қачон ўлмайдилар. Баъзан

худосиз атеистлар “Худо ўлган!” - деб даъво қиладилар. Улар билмайдиларки, ҳатто энг кичик тирик мавжудот ҳам аслида ҳеч қачон ўлмайди. Шундай экан, қандай қилиб Парвардигор ўлган бўлиши мумкин? «Бхагавад-гита»да Парвардигор Кришна ана шундай нодон одамларни мудха - аҳмоқ ва ярамас одамлар деб атаган. Гарчи улар ўзларини маълумотли, маданиятли одамлар деб ҳисобласалар ҳам, уларнинг баландпарвоз гаплари на уларнинг ўзларига, на бирор тирик мавжудотга ҳеч қандай фойда бермайди.

Кришна ҳақида ўйлаш - озодликка чиқиш демакдир.

Гарчи деярли бутун умри давомида гуноҳларга тўла ҳаёт кечирган бўлишига қарамай, Ажамила ўлими олдидан Нарайана, Парвардигор Кришна ҳақида ўйлагани сабабли у озодликка чиқишга муносиб зот бўлди. Кришна ҳақида турлича ўйлаш мумкин: Кришнанинг Вриндавандаги дугоналари - гопилар, кўпчилик одамлар адашиб моддий эҳтирос деб ўйлайдиган туйғу таъсири остида ҳамиша Кришнани ўйлаб юрганлар; Шишупала Кришнани ҳамиша қаттиқ нафрат туйғуси таъсирида эслаб юрган; Камса Кришнани ҳамиша ўлим даҳшатидан кўрқиб ўйлаб юрган. Камса ва Шишупала иблислар эди, аммо улар умр бўйи Кришна ҳақида ўйлаб юргани туфайли, уларнинг ажали етганда Парвардигор Кришнанинг Ўзи уларни озодликка чиқарди.

Албатта, Парвардигор Кришнани чуқур муҳаббат туйғуси билан ўйлаган яхши. Бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш айнан ана шундай ўйлашни назарда тутади. Камса ва Шишупала Кришнанинг содиқлари эмас эди, чунки фақат Парвардигор Кришнани чуқур муҳаббат ва садоқат билан эслаб юрган одамни Кришнанинг содиғи деб айтиш мумкин. Лекин Кришна Ўзини душманлик билан эслаб юрган одамни ҳам ҳурмат қилади, уларга ҳам меҳрибонлик қилади. Кришнанинг марҳамати билан ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрганларнинг барчаси, ҳатто Уни ўзига душман деб ўйлаб юрганлар ҳам, буюк йоглар даражасига эришади ва албатта руҳий озодликка чиқадилар. Шунинг учун Камса ва Шишупала, Кришнанинг душманлари бўлса ҳам, буюк йоглар ва риёзатчилар эришадиган даражага - озодликка, руҳий ёғду, брахмажйотига эришдилар. Бутун умри давомида қаттиқ риёзат чекиб интилишлари шарофати билан буюк файласуфлар(ғйанилар) руҳий ёғду, Брахманга эришадилар; душманлик туйғуси билан ҳамиша Кришнани эслаб юрганлар ҳам

худди шундай натижага эришадилар. Бундан кўриниб турибдики, Кришна гйаниларга худди ўзининг душманларидай марҳамат кўрсатади. Ҳавас қилишга арзимайдиган қисмат!

Тирик мавжудот порлаб турган рухий зарра сиатида бироз вақт Брахманнинг нури(брахмажйоти)да бўлиши мумкин. Худди куёш нурлари кичик-кичик нур сочиб турган зарралардан иборат бўлгани сингари, брахмажйоти нурида ҳам сон-саноксиз рухий зарралар - тирик мавжудотлар бор. Аммо, уларнинг барчаси яна бу моддий оламга қайтиб тушадилар. Тирик мавжудот ўзининг азалий табиатига кўра ранг-баранг лаззатларга интилади, аммо шахсиятсиз брахмажйотида ранг-баранглик йўқ. Шу боис, брахмажйотидаги тирик мавжудотларда лаззатланиш истаги пайдо бўлган заҳоти улар яна моддий оламга қайтиб тушадилар. Шундай қилиб, Брахманга қўшилиб кетиш охир-оқибатда яна моддий оламга қайтиб туриши билан тугайди.

Кришнанинг содиқлари моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилмайдилар, уларнинг ягона мақсади - рухий оламдами, моддий оламдами - Кришнага садоқат билан хизмат қилиш. Шунинг учун, Кришнанинг марҳамати билан улар барибир озодликка чиқадилар ва Кришнанинг даргоҳига, Голока Вриндаванага эришадилар. Голока Вриндаванада ҳеч қандай туғилиш, касаллик, кексалик ва ўлиш билан боғлиқ бўлган моддий азоб-уқубатлар мавжуд эмас. Кришнанинг содиқлари имперсоналист-гйанилардан юқорироқ мартабага эришадилар. Кришнанинг содиқлари ҳам брахмажйоти орқали ўтадилар, аммо уларни брахмажйоти ўзига жалб эта олмайди, чунки содиқ хизматкор ҳамisha Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорлари даврасида бўладиган Вайкунтхага, Голока Вриндаванага интилади.

2. Вишнудуталарнинг ямадуталар билан баҳслашиши.

5. Вишнудуталарнинг Ажамиллага ёрдамга келиши

Эй шох, ҳукмдорининг муқаддас номини эшитиб, шу заҳотиёқ, жсон талвасасида ётган Ажамиланинг олдида, Вишнунинг хизматкорлари, вишнудуталар ҳозир бўлдилар. Ажамила муқаддас номни саросима ва кўрқув ичида тилига олган, шу сабабли уни

ҳақоратларсиз, пок ҳолда талаффуз қилган эди. Ямараджанинг хизматкорлари, фоҳиша аёлнинг эри Ажамиланинг руҳини юрагидан суғуриб олишга киришаётган эдилар. Бирданига уларни Худованд Вишнунинг хизматкорларининг момақалдироқдай қудратли овози тўхтатиб қолди. ("Шримад Бхагаватам".6.1.30-31).

Парвардигорнинг элчилари

Ажал ҳукмдори Азроилнинг хизматкорлари Ажамилани олиб кетиш учун келганида, Ажамила даҳшатга тушиб, ўзининг кенжа ўғлини чақира бошлади: “Нарайана, Нарайана, ёрдам бер! Мен ўляпман!” Кришнанинг марҳамати чексиз: ажал талвасасида ётган одамнинг оғзидан “Нарайана! Нарайана!” деган нолишлар чиқиши биланоқ У Ўзининг хизматкорларини Ажамилага ёрдамга жўнатди.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур айтадики, Ажамила Худонинг муқаддас номи “Нарайана”ни тилган олгани шарофати билан Парвардигор Вишнунинг хизматкорлари дарҳол унинг олдида ҳозир бўлдилар. Уларга нимага Ажамила муқаддас номни тилга олганининг аҳамияти йўқ. Ажамила у пайтда ўзининг ўғли ҳақида ўйлаётган эди, аммо, унинг оғзидан Ҳукмдорининг номини эшитиши биланоқ улар унга ёрдамга шошилдилар. Парвардигорни шарафлаб куйлаш учун Унинг муқаддас номларини зикр қиладилар ёки куйлайдилар. Лекин Ажамила Парвардигорни шарафлаб куйлаётган ёки олқишлаётган йўқ эди: у ўзи қаттиқ боғланиб қолган ўғлини чақираётган эди, холос. Лекин, у Худонинг муқаддас номини ҳеч қандай ҳақоратсиз, соф садоқат билан тилига олган бўлса керак, чунки у бир вақтлар Парвардигор Нарайанага садоқат билан хизмат қилган эди. Бутун умри давомида қилган гуноҳлари кечирилиб, Вишнудуталар унга ёрдамга келиши учун мана шунинг ўзи кифоя эди.

“Нарайана” номи ҳам худди Парвардигорнинг Ўзи, Кришна сингари чексиз қудратга эга. Нама-санкиртана, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг сири мана шунда. Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиш билан биз Кришнанинг Ўзи билан алоқада бўламиз, чунки Худонинг муқаддас номлари моддий номлар эмас, улар мутлақ, илоҳий табиатга эга. Кришнанинг номи Унинг Ўзидан фарқ қилмайди.

Рухни танадан чиқариб олиш

Ажамиланинг ўлим тўшаги ёнида пайдо бўлиб, вишнудуталар ямадуталарга буюрдилар: “Тўхтанглар! Уни Азроилнинг олдига олиб кетманглар!”

Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига ўз ихтиёрини топшигган вайшнавага Парвардигор Вишнунинг хизматкорлари ёрдамга келишга ҳамиша тайёр турадилар. Ажамила Нарайананинг муқаддас номини тилга олиб улгурмасдан вишнудуталар келиб, ямадуталарга уни қўйиб юборишни буюрдилар. Ўзларининг гулдурас овозлари билан улар ямадуталарга таҳдид солиб, агар Ажамиланинг юрагидан жонини оладиган бўлсалар, уларни жазолашини айтдилар. Азроилнинг хизматкорлари барча гуноҳкорларни жазолайдилар, аммо Парвардигор Вишнунинг хизматкорлари, агар улар вайшнаваларга тегадиган бўлса, ҳатто Азроилнинг ўзини ҳам жазолашга қодир зотлардир.

Олимлар моддий ускуна-асбоблар ёрдамида тирик мавжудот танасидаги жонни топа олмайдилар, лекин бу ерда аниқ айтилганки, жон юракда жойлашган(хридайа). Ямадуталар айнан Ажамиланинг юрагидан жонини чиқариб олмоқчи эдилар. Муқаддас китоблардан биз биламизки, Олий Рух, Парвардигор Вишну ҳам юракда бўлади: *ишвараҳ сарва-бхутанам хрид-деше “ржуна тиштхати.* Упанишадаларда айтилганки, Олий Рух ва алоҳида рух юракда, худди бир дарахтда ўтирган икки қушдай яшайди. Олий Рух кўринишидаги Парвардигор алоҳида рухнинг энг яқин дўстидир, чунки ҳатто у бир танадан иккинчи танага ўтганида ҳам Олий Рух ҳамиша у билан бирга бўлади. Бунинг устига, алоҳида рухнинг кармаси ва истакларига қараб, Парвардигор майа ёрдамида унинг учун янги тана танлайди. Юрак - тананинг бир қисми бўлиб, худди рухнинг машинасига ўхшайди.

Парвардигор Кришна «Бхагавад-гита»(18.61)да шундай дейди:

*ишвараҳ сарва-бхутанам хрид-деше “ржуна тиштхати
бхрамайан сарва-бхутани йантраудхани майайа*

“Парвардигор ҳар бир одамнинг юрагида ҳам мавжуд, эй Аржун. У худди моддий унсурлардан ясалган машинада ўтиргандай ҳолатдаги алоҳида рухларнинг бу дунёдаги фаолиятини бошқариб туради”.

Янтра - автомобилга ўхшаш машина. Моддий тана машинасини бошқараётган ва унинг эгаси бўлган зот - алоҳида рух. Лекин, охирикватда бу тана-машина ҳам Худонинг Олий Шахсининг мулкидир.

Бизнинг ҳозирги танамиз майа ёрдамида яратилган(*кармана даива-нетрена*), ҳозирги ҳаётда қилаётган ишларимизга қараб, даивиймайя бизга кейинги ҳаётимиз учун машина-тана ҳозирлайди. даивий

хатха-йога эша гуна-майи мама майа дуратйайа. Вакти келганда рух учун дарров янги тана тайёрлайдилар ва у Олий Рух билан бирга ана шу янги танага ўтади. Рухнинг бир танадан иккинчи танага ўтиши ана шундай амалга ошади.

Аммо, гуноҳкор одамнинг руҳи(ҳақиқий ўзлиги) навбатдаги танаи олишдан аввал Азроилнинг хизматкорлари уни у ёки бу дўзах(нарака)га ташлаб, жазолаб, янги танада яшаш учун тайёрлайдилар.

6. Рухий оламда яшайдиган зотлар.

Шукадева Госвами давом этди: “Вишнудуталарнинг огоҳлантирган овозини эшитиб, Куёш худосининг ўзли, Ямаражнинг элчилари шундай дедилар: “Ямаражнинг амрига қарши чиқишга журъат этадиган сизлар ким бўласизлар? Эй ҳурматли зотлар, қаердан келдинглар, ким сизларни бу ерга юборди ва нимага Ажамилага тегишимизга тўсқинлик қилаяпсизлар? Сизлар жаннат сайёраларидан тушган фаришталар ёки фаришталарнинг хизматкорлари ёки Парвардигорнинг энг яхши содиқ хизматкорлари бўлсангиз керак? Кўзларингиз нилуфар гулига ўхшайди, сариқ ипак либосга ўраниб олгансизлар, бўйинингизга нилуфар гулларидан қилинган гулчамбар осилган, бошингизда ҳашаматли тож, қулогингизга чиройли сирга осилган. Эй навқирон йигитлар, сизлар тўрт кўлингизда пайконлар тўла ўқдон, қилич, гурзи, сур, халқа ва нилуфар гули ушлаб турибсизлар. Юзингиздан порлаб таралаётган ёғду бу ернинг зулматини ёритиб юборди. Эй ҳурматли зотлар, нимага бизларга тўсқинлик қилаётирсизлар? (“Шримад Бхагаватам”. 6.1.32-36).

Илоҳий зотларнинг аралашуви

Бутун умри давомида қилган гуноҳ ишлари учун Ажамила Парвардигор томонидан гуноҳкорларга жазо тайинлаш учун тайинланган қудратли фаришта Азроил олдида жавоб бериши лозим эди. Ажамилани Азроилнинг олдига олиб кетишда уларга кимлардир тўсқинлик қилаётганидан Азроилнинг хизматкорлари жуда ҳайратга тушдилар. Ҳали шу пайтгача бутун уч оламда ҳеч ким уларга ўз бурчини бажаришда тўсқинлик қилишга ботина олмаган эди.

Вайкунтхада яшайдиган вишнудуталарнинг кўриниши жуда

галати эди: уларнинг ҳар бирининг тўрт қўли бор эди. Азроилнинг хизматкорлари дарров уларга хурмат эҳтиром кўрсатдилар. Улар вишнудуталарнинг қаердан келганини тахминан билардилар: “Сизлар олий сайёралардан келган бўлсанглар керак? Нимага сизлар бизга халақит беряпсизлар? Бизлар - ямадуталармиз, бизларнинг бурчимиз - гуноҳкорларни олиб кетиш. Ажамила бутун умри давомида гуноҳ ишлар қилди, энди унинг умри ниҳоясига етди, бизлар уни Азроилнинг олдига савол-жавобга олиб боришимиз лозим. Азроил Қуёш фариштаси Вивасваннинг ўғли бўлади. Нимага сизлар бизга тўсқинлик қиласизлар?”

Ямадуталар Вишнунинг элчиларини сиддха-саттамах, яъни “мукамалликка эришган зотлар ичида аълоси” деб атадилар. «Бхагавад-гита»(7.3)да айтилганки, жуда кўп миллион одамлар орасида биргина одам сиддха, комил инсон бўлишга, яъни рухий ўзлигини англашга интилади; *манушийанам сахасрешу кашчид йатати сиддхайе*. Ҳақиқий ўзлигини англаб етган киши ўзининг аслида тана эмас, мангу рух эканини тушунади(ахам брахма асми). Биз яшаётган даврда деярли ҳеч ким ўзининг рухий табиатга эга эканини билмайди. Агар мабодо кимдир шуни англаб етган бўлса, у комил инсон, *сиддха* даражасига кўтарилган бўлади. Ана шундай комил инсон, *сиддха*, алоҳида рух аслида Олий Рухнинг ажралмас заррачаси эканини тушуниб, Олий Рухга садоқат билан хизмат қила бошласа, у *сиддха-саттама* бўлади. Ана шундай инсон рухий оламдаги Вайкунтха сайёраларининг бирида ёки Кришналокада яшаш ҳуқуқига эга бўлади. Шундай қилиб, сиддха-саттама - моддий табиат тутқунлигидан бутунлай озод бўлган Кришнанинг соф содик хизматкори.

Сиддха-саттама Азроилнинг хизматкорлари бўлган ямадуталар сиддха-саттамалар ҳатто барча фаришталардан, уларнинг хизматкорларидан, умуман олганда моддий оламдаги барча тирик мавжудотлардан устун туришини яхши билардилар. Шунинг учун ямадуталар ҳайрон бўлган эдилар: ана шундай қудратли вишнудуталар бу гуноҳкор банда Ажамиланинг ўлим тўшаги олдида нима қилиб юрибди?

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Ажамила ҳалигача тирик эди: ямадуталар ҳали унинг жонини юрагидан энди чиқармоқчи бўлиб турган эдилар. Лекин уларга вишнудуталар халақит бергани сабабли, Ажамила ҳали ўлиб улгурмаган эди. Бу кейинги шеърлардан маълум бўлади. Ямадуталар билан вишнудуталар орасида Ажамиланинг руҳини кимлар олиб кетишини аниқлаш борасида баҳс бўлиб ўтганда

Ажамила “хушидан кетиб” ётарди.

Рухий гўзаллик

Вишнудуталар Парвардигор Вишнуга жуда ўхшаш бўладилар. Фақат гунохкор одамлар билан иш кўрадиган ямадуталар аввал ҳеч қачон бундай чиройли зотларни учратмаган эдилар. Шунинг учун вишнудуталарни кўриб, улар хайратга тушдилар. “Сизларнинг гўзал қиёфангизга қараганда - деди улар вишнудуталарга - сизлар жуда олийжаноб ва улуғвор зотларсиз. Сизлар худди олий сайёраларда яшайдиган зотлардай қудратлисизлар. Сизлардан таралаётган ёғду моддий оламдаги қоронғу зулматни ёритиб юборди. Нимага сизлар ўз бурчимизни адо этишимизга тўсқинлик қиляпсизлар?” кейинроқ бизга маълум бўладики, Ажамилани гунохкорлар сафига кўшиб, ямадуталар адашган, хато иш қилган бўладилар. Гарчи Ажамила бутун умри давомида гуноҳ ишлар қилган бўлса ҳам, ҳамиша Худонинг, Нарайананинг муқаддас номларини зикр қилиб юриш шарофати билан у барча гуноҳларидан покланган эди.

Вишнудуталар руҳий оламда яшайдилар, у жойда ҳама нарса нурга тўлган, шу боис уларнинг танаси ҳам ўзидан нур таратиб турарди. «Бхагавад-гита»(15.6)да Парвардигор Кришна шундай дейди: “на тад бхасайате сурйо на шашанко на павакаҳ - “Менинг даргоҳим на қуёш, на ой, на олов ва на электр нури билан ёритилмайди”. Ямадуталар бу ярқираган, ўзидан порлоқ нур таратиб турган, илоҳий гўзал тўрт қўлли зотларнинг қаердан келганини билмай, олдида турган зотлар оддий тирик мавжудотлар эмаслигидан беҳабар турардилар.

Бу шеърларда Вайкунтхалокада яшайдиган зотларнинг қиёфаси қандай бўлиши аниқ тасвирланган. Вайкунтхада яшайдиган зотлар сариқ ипак либослар кийиб олган, гулчамбарлар осган, ўзларининг тўрт қўлида улар ҳар хил қурооллар олиб юрадилар. Уларнинг кўриниши Парвардигор Вишнуга жуда ўхшаб кетади. Улар озодликка чиқишнинг сарупйа турига эришганлари сабабли, улар Парвардигор Вишнуга жуда ўхшаб кетадилар, аммо ҳамиша ўзларини Унинг хизматкори деб биладилар. Вайкунтхада яшайдиган зотлар яхши биладиларки, Нарайана, Кришна - уларнинг мангу хўжайини, хукмдори, улар эса - Унинг мангу хизматкорлари. Уларнинг ҳаммаси - нитйа-мукталар, ўзларининг руҳий табиатини англаб етган мангу озод руҳлардир. Улар ўзларини Нарайана ёки Вишну деб аташлари

мумкин эди, аммо улар ҳеч қачон бундай қилмайдилар. Улар ҳамиша Кришна онгида қолган ҳолда садоқат билан Парвардигорга хизмат қиладилар. Вайкунтхалокада яшайдиганларнинг ҳаёти ана шундай ўтади. Кришнани англаш Халқаро жамиятида Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар ҳам моддий олам билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган Вайкунтхалокада яшаётган бўладилар.

Моддий оламдан ташқарида

Бизлар, моддий оламда тутқунликда, асирликда яшаётганлар руҳий оламнинг мавжудлигини билмаймиз, аммо руҳий олам ҳақиқатан ҳам мавжуд. «Бхагавад-гита»(8.20)да Парвардигор Кришна шундай дейди: парас тасмат ту бхаво “нйо - “Куйи, моддий табиатдан ташқари бошқа, олий табиат ҳам бор”. Моддий олам бу - руҳий осмоннинг бир чеккасидаги миллиардлаган коинотлардан иборат. Биз ҳатто ўзимиз яшаётган, миллионлаган юлдузлардан, сайёралардан иборат бўлган коинотнинг ўлчамларини билишга қодир эмасмиз, моддий оламда миллиардлаган ана шундай коинотлар бор. Шунга қарамай моддий олам - бутун борлиқнинг тўртдан бир қисмини эгаллаган. Бошқача қилиб айтганда, моддий оламни Кришнанинг қувватининг тўртдан бир қисми таъминлаб туради. Борлиқнинг қолган тўртдан уч қисмини - руҳий олам эгаллаган. Гофил одамлар бизнинг сайёрамиз ягона, ўзига хос сайёра деб ўйлайдилар, аммо бундай фикрлар “қурбақалар фалсафаси”ни эслатади. Умр бўйи кичкина қудуқда яшаган, қудуқдан бошқа ҳеч нарса кўрмаган қурбақа ҳамма нарса ўзининг қудуғига таққослаб тасаввур қилади. Агар унга океан ҳақида гапирсангиз, у океаннинг қанчалик бепоён эканини тасаввурга сиғдира олмайди. Ана шу қурбақага ўхшаб фикрлайдиган одамлар шундай ўйлайдилар: “Парвардигорнинг киёфаси ундай, Худонинг даргоҳининг кўриниши бундай...” баъзилари ўзини Худо деб эълон қиладилар, баъзилари Худо умуман йўқ нарса деб ўйлайдилар... Буларнинг барчаси бемаъни, ҳақиқатдан йироқ бўлмағур гаплардир.

7. Ҳақиқий дин сохта динлардан қандай фарқ қилади

Шукадева Госвами давом этди: - Азроилнинг хизматкорларининг гапларини тинглаб бўлиб, Васудеванинг хизматкорлари мийиғида қулиб қўйдилар ва гулдурас овоз билан уларга жавоб бера

бошладилар. Парвардигор Вишунинг эзгу ниятли элчилари, вишнудуталар шундай дедилар: - Агар сизлар ҳақиқатан ҳам Азроилнинг хизматкорлари бўлсангизлар, тушунтириб беринглар-чи: "ҳақиқий дин" дегани нима? Худосизлик дегани нима? Қандай қонунларга асосланиб гуноҳкор инсонга жазо белгиланади? Қандай одамлар жазога маҳкум? Ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интилайтган кармиларнинг ҳаммаси ҳам жазога маҳкум бўлаверадими? ("*Шримад Бхагаватам*". 6.1.37-39).

Дхарманинг хизматкорлари нималарни билиши лозим

Ямадуталар вишнудуталарга тана қила бошладилар: “Эй улуғвор зотлар, бизга халақит бериш сизларга ярашмайди”. Ана шундай улуғвор, олийжаноб зотларнинг Азроилнинг гуноҳкор одам устидан одил ҳукм чиқаришига тўсқинлик қилиши ямадуталарни ажаблантирарди. Ўз навбатида вишнудуталар ҳам, ўзларини ҳақиқий дин қонунини мукамал биладиган Азроилнинг хизматкорлари деб атаган зотларнинг диний қонунлардан амалда қандай фойдаланишни билмаётганини кўриб ажабландилар. Вишнудуталар: “Булар нима деяптилар ўзи! Агар улар ҳақиқатан ҳам Азроилнинг хизматкорлари бўлса, Ажамилани унинг олдида олиб кетишга ҳаққи йўқлигини билишлари керак” - деб ўйлаб, кулиб қўйдилар.

Гулдурос овз билан вишнудуталар ямадуталарга шундай деб жавоб бердилар: “Сизлар ўзларингизни Азроил(Дхармараж)нинг хизматкори деб айтяпсизлар. Дхармараж ўлимни бошқарадиган ва ҳақиқий дин қонунларини ҳимоя қиладиган зот. Бизларни сизларга ўз бурчингизни адо этишга халақит берганликда айбляпсизлар. Агар сизлар ҳақиқатан ҳам дин қонунларининг посбони бўлган Азроилнинг хизматкорлари бўлсангизлар айтинглар-чи, ҳақиқий дин, дхарма дегани нима-ю, динсизлик, худосизлик дегани нима? Агар сизлар азроилнинг хизматкорлари бўлсангизлар бунини албатта билишингиз керак?”

Вишнудуталар ямадуталарга жуда муҳим савол бердилар. Хизматкор ўз ҳукмдорининг вазифасини, буйруғини аниқ тушунган бўлиши керак. Ямадуталар Азроилнинг амрини бажаряпмиз, деб айтган эдилар. Уларга ҳақиқий диннинг сохта динлардан фарқи нимада эканини сўраб вишнудуталар жуда тўғри иш қилдилар. Худонинг Олий Шахсининг кўрсатмаларидан вайшнав буларнинг ҳаммасини яхши билади. Парвардигор айтганки: *сарва дхарман паритйаджйа мам экам шаранам враджа* - “Барча динларни тарк эт,

ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир!” Ҳақиқий диннинг асосий коидаси ана шундай: ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигорга топшириш. Парвардигор Кришнага ўз ихтиёрини топширишни истамайдиган ва моддий табиат қонунлари остида яшайдиган одам, бу дунёда қанчалик обрўли, мартабали бўлмасин, гуноҳкор, иймонсиз осий ҳисобланади. Улар ўз ихтиёрини Кришнага топширишни истамайдилар, чунки ҳақиқий дин қонунларини билмайдилар, шунинг учун уларни гуноҳкор осийлар, энг пасткаш одамлар, ғофилликка ботган мудроқ одамлар деб ҳисоблаш керак. Парвардигор Кришна «Бхагавад-гита»(7.15)да шундай дейди:

*на мам душкритино мудхаҳ прападийанте нарадхамах
майайанахрита-жнана асурам бхавам ашритаҳ*

“Ғофил ва нодон гуноҳкорлар, одамлар ичида энг пасткашлари, шунингдек, илмини алдамчи қувват ўғирлаган одамлар ва иймонсиз-иблислар ҳеч қачон Менга ўз ихтиёрини топширмайдилар”.

Вишнудуталар жуда ўринли савол бердилар. Аслини олганда, бирор одамнинг номидан ҳаракат қилиш учун унинг ниятини, мақсадини яхши билиб олиш керак. Шунинг учун Кришнани англаш ҳаракатининг аъзолари ҳам Кришнанинг ва Чайтанья Махапрабхунинг ниятини, вазифасини яхши тушуниб олишлари лозим, акс ҳолда уларни ҳеч ким писанд билмайди. Барча содиқлар, айниқса Кришнани англаш таълимотини бошқаларга тарғибот қилиб юрган содиқлар одамларнинг олдида кулгили аҳволга тушиб қолмаслик учун Кришнани англаш таълимотини яхши билишлари лозим.

Парвардигор Чайтанья шундай деган эди: йеи кришна-таттва-ветта, сеи гуру хайа -”Гуру бўлиш учун Кришнани англаб олиш керак”. Ҳар қандай одам ҳам гуру бўлавермайди. Шунинг учун вишнудуталар ямадуталарни синамоқчи бўлдилар: “Агар сизлар ҳақиқатан ҳам Азроилнинг элчилари бўлсангизлар, ҳақиқий дин нима-ю, динсизлик нима эканини яхши билишларингиз лозим. Фақат шу йўл билан биз ҳақиқий диндор, тақводор одам турганини билиб олишимиз мумкин. Ҳар қандай одам ҳам диндор, тақводор одам ёки гуру бўлишга муносиб бўлавермайди. Аксарият одамлар ғофил одамлар бўлгани сабабли, кўпчилик фирибгар қаллоблар ўзларини Худо деб эълон қиладилар ва дин ниқоби остида ҳар хил бўлмағур, бемаъни ғояларни тарғибот қиладилар. Агар кимдир сизга “Мен - Худоман” ёки “Мен сеҳрли йога билан шуғулланиб, Худо бўлдим” деса, албатта уни синаб кўринг. Ана шундай қаллоблардан биттаси Америкада тарғибот қиларди: “Мен - Худоман. Сизларниг ҳар

бирингиз ҳам Худосизлар” - шу тарзда у жуда кўп шогирдлар тўплади. Бир куни унинг тиши оғриб қолди, шунда мен ундан сўрадим: “Агар оддий тиш оғриғидан қийналиб дод-вой солиб юрган бўлсанг, сен қандай Худосан ўзи?” фақат ақлдан озган жинни ёки фирибгар қаллоб ўзини Худо деб эълон қилиши мумкин.

Дин қонуни посбонлари

Бошқаларни жазолаш ҳуқуқига эга бўлган одам дуч келган одамни жазолайвермаслиги керак. Тирик мавжудотларнинг сон-саноғи йўқ, уларнинг аксарият кўпчилиги - нитйа-мукталар - рухий оламда яшайдиган мангу озод руҳлар. Албатта, улар ҳеч қандай жазо олмайдилар. Тирик мавжудотларнинг фақат озгина қисми, тахминан тўртдан бири моддий оламда яшайдилар. Лекин, уларнинг аксарият кўпчилиги мавжуд 8.400.000 хил ҳаёт турининг 8.000.000 турига, инсонлардан паст турадиган ҳайвонот оламига мансуб тирик мавжудотлар бўлиб, улар ҳам жазога маҳкум эмас: улар бир танадан иккинчи танага табиат қонунларига тўла бўйсунган ҳолда ўтадилар. Барча тирик мавжудотлар ичида фақат инсон танасига эга бўлган тирик мавжудотларгина ўзларининг қилган ишларига жавоб берадилар, чунки уларга юксак даражада ривожланган онг ато этилган. Аммо, ҳатто одамлар орасида ҳам ҳамма бирдай жазога маҳкум этилавермайди. Ҳамиша ҳалол, иймон билан Худонинг амрига бўйсуниб иш тутадиган одамлар жазоланмайдилар. Фақат гуноҳкор, осий одамлар жазога маҳкум этиладилар. Шунинг учун вишнудуталар ямадуталардан кимлар жазоланиши керак, нима учун ким жазо олиши керагу, ким жазоланмаслиги кераклигини Азроил ҳал қилиши керак, деб сўрадилар. Одамнинг гуноҳкор ёки гуноҳкор эмаслигини қандай аниқлаш мумкин? Азроил ўзининг қарорини нима билан тасдиқлайди? Вишнудуталар ямадуталарга ана шундай саволларни бердилар.

Ямадуталар ўзларининг тўғри ҳаракат қилаётганига иймони комил эди, чунки улар бегуноҳ Азроилнинг амри билан иш қўраётган эдилар. Фақат жинойтчиларга жазо белгилаётгани учунгина қозини гуноҳкор деб ҳисобламаслик керак. Қози аслида ҳукуматнинг амрини бажараётган бўлади. Худди шундай дўзахга ҳукмронлик қилиб, гуноҳкорларни жазолаётган Азроил ҳам, шунчаки Худонинг амрини бажарувчи зотдир, аслида у ҳам Худонинг соф содиқ хизматкори бўлади.

Милиция ходими ҳукумат қонунларини яхши билиши ва шу қонунлар асосида кимни қамаш, кимни ҳимоя қилиш кераклигини билиши лозим. Агар у дуч келган одамни қамокқа олаверса, унинг ўзи қонунбузар жиноятчига айланади. У ҳеч қачон ҳукумат қонунларига бўйсуниб юрган одамга тегмаслиги керак. Худди шундай ямадутапар ҳам дуч келган одамни Азроилнинг олдига олиб боравермаслиги керак. Улар Азроилнинг олдига фақат гуноҳқорларни ва иймонсиз золимларни олиб бориши керак. Азроилнинг ўзи уларни огоҳлантириб, ҳеч қачон вайшнавларга тегмасликни буюриб қўйган.

Лекин ямадутапар нима сабабдан умр бўйи шунча гуноҳ иш қилган Ажамилани Азроилнинг олдига олиб бориш мумкин эмаслигини билмасдилар.

Худонинг содиқлари ва иймонсиз-иблислар

Моддий оламда одамлар икки тоифага бўлинадилар: девалар ёки суралар деб аталадиган Худонинг содиқлари ва асурлар, иблислар деб аталадиган майа(шайтон)нинг малайлари.

Руҳий олам ҳамма тирик мавжудотлар бир тоифага киради: уларнинг барчаси Худонинг содиқлари ҳисобланадилар. Шунинг учун руҳий олам мутлақ олам деб аталади. Руҳий оламда ҳеч қандай жанжал бўлиши мумкин эмас, чунки у жойда ҳамманинг ҳаёти биргина Кришна атрофида мужассам бўлган. Уларнинг ҳаммаси Кришнага бирор манфаат кўзлаб эмас, муҳаббат юзасидан хизмат қиладилар. Ёлланма хизматкор фақат пул тўласангизгина сизга хизмат қилади, аммо Вайкунтхада аҳвол бутунлай бошқача. Вайкунтхада яшайдиган одамлар озод ва худди Парвардигорнинг Ўзидан бой-бадавлат, аммо уларнинг ҳаммаси Парвардигорга садоқат билан хизмат қиладилар. Моддий оламда одамлар муҳтожликдан бировга хизмат қиладилар, руҳий оламда эса - севганидан, муҳаббат билан хизмат қиладилар. Руҳий оламда яшайдиган зотлар ҳеч нарсага муҳтож эмас, чунки уларнинг ҳамма нарсаси етарли. "Брахма-самхита"да айтилганки, руҳий олам калпа-врикша деган дарахтлар ўсади, улар одамнинг истаган ниятини амалга оширади.

Моддий оламда ҳар бир одам меҳнат қилиши, кимгадир хизмат қилиши керак, бўлмаса очдан ўлади. Ҳатто шохлар ҳам кимгадир хизмат қилиши керак, камбағал ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Парвардигорнинг амри билан моддий қувват ҳар бир одамни худди ўргатилган итдай ўйнашга мажбур қилади. Ҳукмдор итига буйруқ беради: "Рақсга туш!" ит рақсга тушишга мажбур, чунки рақсга

тушмаса оч қолади.

Моддий оламда ҳам, руҳий оламда ҳам ҳамма - хизматкордир, аммо бу ерда, моддий оламда ғофил одамлар ўзларини ҳукмдор деб ҳисоблайдилар. Оила бошлиғи ўзини хотинининг ва болаларининг хўжайини деб билади, аслини олганда у уларнинг хўжайини эмас, хизматкори. Ҳукумат бошлиғи ўзини президент ёки шоҳ деб билади, лекин аслини олганда у ўз фуқароларининг хизматкори. Унинг мартабаси уни халққа фуқаролар истаганидай хизмат қилишга мажбур қилади, акс ҳолда уни лавозимидан олиб ташлайдилар ёки иккинчи марта сайламай қўядилар.

Моддий олам ҳар ким ўз соҳаси бўйича биринчи бўлишга интилади, шунинг учун ҳама жойда кураш боради: сохта “худо”лар орасида, ҳукумат бошлиқлари орасида, ҳатто дўстлар ва қариндошлар орасида ҳам ўзаро кураш юзага келади. Сохта устунликка, сохта ҳукмронликка интилиб олиб бориладиган бу курашда ҳеч ким ғалабага эришолмайди. Махатма Гандини миллатнинг отаси сифатида ҳамма ҳурмат қиларди, лекин аслида у миллатнинг хизматкори эди. Кимгадир унинг қилган хизмати ёқмай қолган эди, натижада уни ўлдирдилар. Президент Кеннеди Америкада жуда обрўли эди, лекин кимдир унинг халққа қилаётган хизматидан ҳам нуқсон топди, Кеннедини ҳам ўлдирдилар. Бу дунёда ҳеч ким ҳукмдор эмас. Ҳар бир одам албатта кимгадир хизмат қилади: ё Парвардигорга, ёки майя(шайтон, алданиш)га.

Ҳар бир фуқаро ҳукумат қонунларига риоя қилиши, бўсуниши лозим. Аммо жинойтчи алданиш, шайтон домига тушиб ҳукумат қонунларига бўйсунмаса ҳам бўлади деб ўйлайди. Шунда ҳукумат уни қамоқхонага ташлаб, қонунларни ҳурмат қилишга ўргатади. Қамоқхонада қонунларга бўйсунсамми, йўқми деб танлаб ўтиришга унинг иложи қолмайди. Аслида бизлар барчамиз Парвардигорнинг хизматкорларимиз, аммо иблис-асурлар Худонинг Ўзини ҳам, Унинг қонунларини ҳам инкор этадилар. Бу ярамаслар Худо йўқ, бизларнинг ҳар биримиз Худомиз, деб ўйлайдилар. Лекин ана шу “худоча”лар ҳам ҳақиқий Худонинг қонунига бўйсунмишга мажбур бўладилар: улар ҳам албатта туғилдилар, касал бўладилар, кексаядилар, ўладилар.

Фақат шайтон йўлдан оздирган, ғофиллик ботқоғига ботган одамларгина Худога садоқат билан хизмат қилишдан юз ўгирадилар. Ана шундай одамлар ўз ихтиёри билан Худога хизмат қилиш ўрнига майанинг, Худонинг алдамчи қуввати(шайтон)нинг малайларига айланадилар. Жин урган одам ҳар хил бемаъни гапларни гапира бошлайди. Худди шундай шайтон(майя), алдамчи моддий қувват

йўлдан адаштирган одам ҳам ҳар хил бемаъни гапларни гапира бошлайди, уларнинг ичида энг катта нодонлик - ўзини Худо деб эълон қилишдир.

Девалар ва асурлар ўртасида ҳамиша кураш боради. Асурлар ҳамиша Худога қарши кураш олиб бордилар, девалар эса, ҳамиша Худога бўйсундилар. Махарад Прахладанинг тарихидан биламизки, ҳатто бир оиланинг ичида ҳам девалар ва асурлар бирга яшаши мумкин. Прахлад Махаражнинг отаси Хиранйакашипу асур эди, Прахлад Махаражнинг ўзи эса - дева. Оталар одатда ўз фарзандларини севадилар, аммо, Хиранйакашипу иблис, асур, унинг ўғли Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлгани учун, отаси ўз ўғлининг ашаддий душманига айланди. Иймонсиз-иблисларнинг табиати шундай.

Ҳатто йўлбарслар ҳам ўзларининг болаларини яхши кўрадилар, Хиранйакашипу ҳам аввалига ҳали беш ёшидаёқ жуда тартибли, ақлли бўлган ўғлига нисбатан оталик меҳрини берган эди. Бир куни у ўғлига шундай деди: “Ўғлим, мактабда устозларингдан ўрганган илмлар ичида сенга энг ёққани қандай илм бўлди?”

Прахлад Махараж жавоб бериб шундай деди: “Биз Парвардигорни англаб етиш учун ҳаётда ҳамма нарсадан воз кечишимиз лозим. Чунки инсон танасида туғилган тирик мавжудотга рухий юксалиши учун ҳамма имконият берилган. Инсон умрини ана шу мақсадга сарфлаши керак”.

Хиранйакашипу ўғлининг устозларига ғазабланиб қаради: “Унинг миясига нима балоларни тиқиштиргансизлар?”

Улар даҳшат ичида титраб жавоб бердилар: “Хукмдор, унга бу гапларни бизлар ўргатмадик. У табиатана Худога боғланган, бизлар ҳеч нарса қилолмадик. Имкони топилгунча у синфдаги дўстларини Худони англаш илмига ўргатади”. Устозлари хонадан чиқди дегунча Прахлад Махараж унинг ўрнига ўтиб, дўстларига мурожаат қиларди: “Дўстлар! Инсон ҳаёти бизга ҳиссиётимиз талабини қондириш учун эмас, Парвардигорни англаб етиш учун берилган. Шунинг ҳеч қачон эсдан чиқарманглар!”

биз ҳам шунинг учун одамларга Худонинг илмини ўргатишни бошладик, чунки ҳозирги даврда одамларнинг аксарият кўпчилиги ўткинчи лаззатлар ортидан қувиб, нодир инсон умрини хазон қилиб юрибдилар, бу эса уларга ҳеч қандай яхшилиқ олиб келмайди. "Шримад Бхагаватам"(5.5.4.)да Ришабхадева шундай дейди: нунам прамаптаҳ куруте викарма йад индрийа-притайа априноти “Бир лахзалик ўткинчи лаззат учун одамлар жуда кўп гуноҳларга кўл

урадилар. Улар худди телбаларга ўхшаб иш тутадилар”. Ақлдан озган телба одам нима қилаётганини билмайди. Иймонсиз материалистлар хиссий лаззатларга шунчалик муккасидан кетганларки, ақлдан озиб, тап тортмасдан ҳар қандай гуноҳга қўл урадилар.

Парвардигор Ришабхадева гуноҳкор ҳаётнинг қанчалик хатарли эканини айтяпти. Ҳиссиётининг қули бўлиб қолган одамни яна моддий оламда туғилишга мажбур қилиб, Кришна лаззатланиш учун бғарча имкуониятни яратиб беради. Масалан, маймунлар ўзлари истаганча жинсий алоқа қилишлари мумкин. Лекин бир томондан улар қийин шароитда яшайдилар: яланғоч юрадилар, фақат мевалар билан озиқланадилар. Аммо, эркак маймуннинг ўн-ўн беш хотини бўлиши мумкин. Ўзларини таркидунё қилган одамдай кўрсатиб, садхуларнинг кийимини кийиб олган, лекин аслида ҳар хил гуноҳ ишлар қилиб юрган одамлар ҳам худди маймунларга ўхшайди. Ана шундай садхулар - ҳақиқий иблислардир.

Иблислар, асурлар Парвардигорга ишонмайдилар ва ҳаётда ўзлари истаганча яшайдилар. «Бҳагавад-гита»(7.15)да Парвардигор Кришна уларни шундай таърифлайди:

*на мам душкритино мудхаҳ прападйанте нарадхамаҳ
майайанахрита-жнана асурам бхавам ашритаҳ*

“Ғофил ва нодон гуноҳкорлар, одамлар ичида энг пасткашлари, шунингдек, илмини алдамчи қувват ўғирлаган одамлар ва иймонсиз-иблислар ҳеч қачон Менга ўз ихтиёрини топширмайдилар”. Бу ерда Кришна аниқ айтяпти: асурам бхавам ашритаҳ. Иймонсиз-иблислар - қанчалик маълумотли бўлмасин, сиёсатда ёки илм-фанда қанчалик ютуққа эишмасин, одамлар орасидаги энг пасткашларидир. Кимдир бундай гаплардан норози бўлиб, жаҳли чиқиши мумкин: “Сиз қандай қилиб университет битирган маданиятли одамларни иймонсиз-иблис деб айтишга журъат этасиз? Улар Худога ишонмагани билан улар ҳаётда кўп нарса биладилар”. Лекин шастраларнинг одамларни белгилаш учун ишлатадиган мезонлари жуда қаттиқ: улар қанчалик билимдон бўлмасин, уларнинг илмини майя ўғирлаган, чунки улар иймонсиз-иблислар.

Муқаддас китобларнинг гаплари баъзи одамларга ёқмаслиги мумкин, лекин уларда ҳақиқат баён этилган, биз, Худонинг содиқлари уларни одамларга етказишимиз лозим. Инсон ҳаётининг жнг муҳим муаммоларига кўз юмиб бўлмайди. Биз аслида ким эканимизни, ҳақиқий дин нима-ю, иймонсизлик нима эканини яхши билиб олишимиз лозим. Ҳақиқий дин - Худонинг қонунларини тан олиб, уларга амал қилиш, динсизлик, иймонсизлик эса - Худонинг амрига

қарши чиқишдир.

8. Ҳақиқий дин.

Ямадутаалар шундай деб жавоб бердилар: Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг кўрсатмалари - дҳарма, ҳақиқий дин қонунлари ҳисобланади. Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган ҳар қандай иш худосизлик деб аталади. Ведалар - Парвардигорнинг Ўзи, Нараяна. Уларни (инсон эмас) Худонинг Ўзи нозил қилган. Биз Ямараждан шундай деб эшитганмиз. ("Шримад Бхагавадам". 6.1.40).

Ишонарли илм

Ведаларда ишонарли, энг ишончли илм берилган, чунки бу илм Парвардигорнинг Ўзидан, Кришнадан чиққан. Давлат қонунлари ҳукуматнинг обрўси билан тасдиқлангани сингари, ведавий битикларнинг обрўси ҳам Худонинг Олий Шахсининг обрўси билан тасдиқланган.

Ҳақиқий дин нима-ю, худосизлик нима эканини аниқлашда оддий одамнинг фикри ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бундай ҳолларда: “Менимча бундай,” “Мен бундай деб биламан”, “Менинг фикримча” деган гаплар тўғри келмайди. Парвардигорни Унинг ҳақиқий вакилининг гапларини тинглаш орқали англаб олиш мумкин, ана шу жараён Ведалар тилида *иушрума* деб аталади. «Бхагавад-гита»(4.1)да Парвардигор Кришна шундай дейди:

*имама вивасвате йогама проктаван ахам авйайам
вивасван манаве праха манур икшвакаве “бравит*

“Бу мангу йога илмини Куёш худоси Вивасванга ўргатганман; Вивасван уни инсоният бобокалони Мануга берган, Ману эса уни Икшвакуга ўргатган”. Шундай қилиб, Ведалар илмини ўрганиш учун бу илм мукамал биладиган обрўли зот - руҳий устозни тинглаш керак.

Ямадутаалар вишнудутаалардан уларга тўсқинлик қилмасликни талаб қилдилар, чунки улар қудратли Азроилнинг амрини бажараётган эдилар. Азроил - ўн икки маҳажандан - ҳам руҳий, ҳам моддий илм бўйича таниқли билимдон донишмандлардан бири бўлиб, Парвардигорнинг буюк содиғи ҳисобланади. Азроил - вайшнав, лекин

унга жуда оғир вазифа - гуноҳкорларни жазолаш юклатилган. Худди давлатда милиция бошлиғи ҳукуматнинг итоаткор хизматкори бўлгани сингари, Азроил ҳам Парвардигор Нарайана(Кришна)нинг итоаткор хизматкори ҳисобланади. Ҳатто оддий дунёвий ҳукуматда ҳам суд органлари бўлса, нимага энди Парвардигорнинг ҳукуматида суд бўлмаслиги керак?

Ведалар илмининг таниқли билимдонлари бўлган ўн икки донишманд "Шримад Бхагаватам"да санаб ўтилган: Тангри Браҳма, Нарада Муни, Тангри Шива, тўрт Кумарлар, Парвардигор Капила(Девахутининг ўғли), Сваямбхува Ману, Прахлад Махараж, Бхишмадева, Махараж Жанак, Шукадева Госвами, Махараж Бали ва Азроил. Бу буюк содиқлар Парвардигорнинг қандай эканини аниқ биладилар, улар бизга Парвардигорни излашнинг, Унга эришишнинг энг тўғри йўлини кўсата оладилар. Шунинг учун шастралар уларнинг насиҳатларига амал қилишни тавсия этадилар.

Ана шу маҳажанларнинг изидан бормай туриб, ҳеч ким Худога эриша олмайди, чунки ҳеч ким фақат ўзининг ақлига, тафаккурига ишониб ҳақиқий дин нима эканини тушунишга қодир эмас. Ҳақиқий дин қонунларини Парвардигорнинг Ўзи белгилайди(*дхарма ту сакшад бхагават-пранитам*), ҳақиқий дин йўлидан бориш - Парвардигорнинг ва Унинг вакилларининг айтган гапларига амал қилиш демас. «Бхагавад-гита»(18.66)да Парвардигор Кришна шундай дейди: *мам экам шаранам враджа* - “Менга ўзингни топшир!” Мана шу ҳақиқий дин ҳисобланади. Бундан бошқа ҳамма нарса - худосизликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Одамларнинг ўзлари ўйлаб топган дин - ҳақиқий дин эмас, шунчаки қаллоблик, алдов. Ҳозирги даврда ҳар ким ҳақиқий обрўли маҳажанларнинг айтганларига мутлақо алоқаси бўлмаган ўзининг динини яратишга ҳаракат қилади; бу ўзига яраша оммавий тусга, мода тусига кирган. Лекин шуни аниқ билиш лозимки, дхарма, ҳақиқий дин - инсоният учун Парвардигорнинг Ўзи яратиб қўйган қонунлардир. Маҳажанлар ана шу ҳақиқий динга амал қиладилар, шунинг учун бизлар ҳам уларнинг изидан боришимиз лозим. Парвардигор ким эканини, дхарма, ҳақиқий дин нима эканини фақат маҳажанлар изидан бориб билиб олиш мумкин.

Рухий устознинг вазифаси

бу моддий оламда ҳақиқий дин нима эканини ҳеч ким ўзи аниқлашга қодир эмас. “Мундака-упанишад”(1.2.12)нинг

кўрсатмасига биноан, бунинг учун рухий устознинг ёрдами керак.

Тад-вижнанартхам са гурум эвабхигаччет: “Илохий илмни ўрганиш учун гуруга мурожаат қилиш керак”. Бу қоидадан четга чиқиб бўлмайди. “Менга рухий устознинг нима кераги бор? Мен ўзим илохий илмни ўргана оламан” - деб даъво қилишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг ҳеч қандай иложи йўқ. Вайшнавлар фалсафасига кўра: рухий илм ўрганишда қўйиладиган биринчи қадам - гуруга мурожаат қилиш(*адау гурв-аишрайам*). Ҳақиқий рухий устоз, гурунинг паноҳига кириб уч шартни бажариш лозим: ўз ихтиёрини гуруга топшириш; унга саволлар бериш; унга хизмат қилиш(*тад видхи пранипатена парипрашнена севайа*). Фақат шу йўл билангина рухий илмни ўрганиш мумкин.

Санатана Госвами Парвардигор Чайтанйага насиҳат сўраб мурожаат қилар экан, итоаткорлик билан шундай деди: “Эй азиз Худойим, мен шоҳнинг вазири бўлиб юрганамда одамлар мени жуда билимдон олим одам деб ҳисоблардилар, мен ҳам бунга ишонардим. Лекин, аслини олганда мен энг ғофил одамман, чунки ҳатто ўзимнинг ким эканимни билмайман. Мана менинг билимдонлигим: мен энг муҳим нарса - мен кимман ва бу дунё азобларидан қандай қутулишдан бошқа ҳамма нарсани биламан”.

Ҳозирги замондаги олий маълумотли одамлар ҳам мана шу саволларга жавоб беролмайдилар. Қандайдир профессор ҳар хил мавзуларда соатлаб гап сотиши мумкин, лекин ундан аслида сен ўзинг кимсан, деб сўрасангиз, у бунга жавоб бера олмайди. Университетда ўқиб илмий унвон олган одам фахр билан: “Энди мен фан докториман, билимдон мутахассисман” деб ўйлаши мумкин. Лекин ундан ўзинг кимсан, ҳаётда нима учун яшаяпсан, инсон ҳаётининг мазмуни нимадан иборат, деб сўрасангиз, унинг сизга берадиган жавоблари фақат унинг ўткинчи танасига тааллуқли бўлган гаплар бўлади: “Мен америкаликман, мен эркакман, мен у ман, мен бу ман...”. У ўткинчи моддий танасини ўзим деб билади. Аслида у ўзининг моддий танасидан фарқ қилишини билмайдиган, энг ғофил одам бўлиб чиқади.

Аржун ҳам аввалига худди оддий одамлардай фикр юритган эди: “О Кришна, мен қандай қилиб жангга киришим мумкин? Ахир улар менинг оғайниларим, тоғаларим, жиянларим, куёвларим-ку! Агар мен уларни ўлдирсам, уларнинг хотинлари бева бўлиб қоладилар ва ёмон йўлга кириб кетадилар, натижада бутун дунёни ҳароми одамлар босиб кетади”. Аржун жуда билимдон одам эди, ҳатто у ҳам гангиб қолган эди: “Азизим Кришна, мен нима қилишимни билмай қолдим. Мен -

кшатрийман, менинг бурчим - жанг қилиш. Аммо мен ўз бурчимни бажаришдан бош тортяпман, чунки нима қиларимни билмай гангиб қолдим. Нима қилишим кераклигини фақат Сен айта оласан. Энди мен Сенинг шогирдинг бўламан. Илтимос, менга йўл кўрсат!"(бг.2.7).

Ведаларда айтилганки, гуру, рухий устоз танлаш - жуда жиддий, муҳим иш. "Мен ҳам рухий устоз танлашим керак, ҳозир бу мода, одат бўлиб қолган. Лекин унинг кўрсатмаларига амал қилиш унчалик шарт эмас" - деб ўйламаслик керак. Ана шундай рухий устозлар ва шундай шогирдлар ҳеч нарсага ярамайди. Рухий устоз танлашга жуда жиддий ёндошиш лозим. Ҳаётнинг энг муҳим, энг асосий муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бера оладиган ҳақиқий рухий устозни топиш лозим. Фақат азоб-уқубатларга тўла бу моддий олам тутқунлигидан биратўла халос бўлишга жиддий қарор қилган одамгина ҳақиқий рухий устозга мурожаат қилиши лозим.

"Шримад Бхагаватам"(11.3.21) шундай дейилган:

*тасмад гурум прападиета жижнасух шрейя уттамам
шабде паре ча нишнатам брахманй упашамашрайам*

Инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришишга интилаётган одам ҳақиқий рухий устоз топиб, унга ўз ихтиёрини топшириши лозим. Гуру ведавий муқаддас китобларни мукамал биладиган, уларнинг якуний хулосасини англаб етган бўлиши керак. Ҳақиқий рухий устоз шунчаки ведаларнинг якуний хулосасини англаб етибгина қолмасдан, ведаларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб, улардан бир қадам ҳам четга чиқмасдан яшайдиган одам бўлиши керак. Ҳақиқий рухий устоз мол-дунёга, аёлларга ва шон-шуҳратга интилмайди. Ҳақиқий рухий устоз бутунлай рухий ҳаётга ғарқ бўлган ва Парвардигор Кришнага, Худонинг Олий Шахсига бутунлай ўз ихтиёрини топширган одамдир. Ана шундай одамни топаиб, уни рухий устоз сифатида қабул қилишга интилиш керак.

Азроилнинг хизматкорлари вишнудуталарга мақтовга муносиб жавоб бердилар. Улар ҳақиқий дин нимаю, худосизлик нима эканини аниқлашда ўзларича фикр юритмадилар. Улар ўзларининг ҳукмдори, барча диний қонунлар билимдони бўлган Азроилдан эшитганларини айтдилар. *Махажано йена гатаҳ са пантхах*: ҳар бир одам ҳаётда Ведалар илмини мукамал биладиган ўн икки махажан изидан бориши керак. Азроил ана шу махажанлардан бири, шунинг учун унинг хизматкорлари, ямадуталар, *шушрума*(биз шундай эшитганмиз) деб, ўзларининг берган жавобининг тўғрилигидан мутлақо хавотирланмасдилар.

9. Қасос

Азроилнинг хизматкорлари давом этдилар: “Барча сабабларнинг олий сабабчиси Нараяна, Ўзининг руҳий даргоҳида яшайди. Моддий табиатнинг уч гунаси - саттва-, раджа- ва тама-гуналар яратган моддий оламдаги ҳамма нарсани Унинг Ўзи бошқариб туради. Унинг амри билан бу дунёдаги ҳамма тирик мавжудотлар ҳар хил таналарга, сифатларга, номларга (браҳман, кишатрий, вайширя ва ҳк.), варнашрама жамиятида белгиланган вазифаларига эга бўладилар. Бошқача қилиб айтганда, Нараяна - бутун борлиқнинг манбаидир. Тирик мавжудотнинг ҳар бир қилаётган ишини кузатиб турувчи гувоҳлар бор. Улар - қуёш, олов, осмон, ҳаво, фаришталар, ой, кечқурун, кун ва тун, оламнинг томонлари, сув, ер ва Олий руҳ. Мана шу гувоҳларнинг бирортаси гувоҳлигида ўзининг Ведаларда кўрсатилган вазифаларини бажармаган одам жазога маҳкум бўлади. Қилган ишларининг натижаларидан лаззатланиши ниятида меҳнат қилиб юрган ҳар бир одамни содир қилган барча гуноҳлари учун муқаррар жазо кутади. Эй Вайкунтҳада яшайдиган бегуноҳ зотлар, сизлардан фарқли равишда, моддий оламда яшайдиганларнинг барчаси, хоҳ у гуноҳкор бўлсин, хоҳ тақводор бўлсин, қилган ишлари натижасидан лаззатланишига интиладилар. Улар ҳаётда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилишлари мумкин, чунки улар табиатнинг уч гунаси таъсири остига тушиб қолган ва шунга яраша ҳаракат қилишига мажбурдир. Моддий танага эга бўлган ҳар қандай тирик мавжудот ҳаракат қилмасдан бир лаҳза ҳам туролмайди, табиат гуналари таъсири остида у албатта гуноҳ ишлар қилишига мажбур. Шунинг учун бу дунёдаги ҳар бир зот албатта жазога маҳкум бўлади. Инсон ҳаётда, бутун умри давомида қанча гуноҳ ёки савоб ишлар қилган бўлса, карма қонуни бўйича, унинг кейинги ҳаётидаги тақдирига шунча мусибат ва шодликлар ёзилади. (“Шримад Бхагаватам”. 6.1.41-4).

Бу дунёдаги ҳамма воқеа-ҳодисаларнинг сабаби

“Шветашватара-упанишад”(6.8)да шундай дейилган:

*на тасйа карйам каранам ча видйате
на тат-самаш чабхйадхикаш ча дришйате
парасйа шактир вивидхаива шруйате
свабхавики жнана-бала-крийа ча*

Нарайана - ҳамма нарсага қодир, қудратли Парвардигор, Худонинг Олий Шахси. У ҳар турли, сан-саноксиз қувватлар эгасидир, шу боис, Ўзининг даргоҳини тарк этмай туриб, ҳеч қийналмасдан, бутун моддий оламни назорат қилиб туришга, ва унинг фойятини моддий табиатнинг уч гунаси - саттва-, раджа-, ва тамо-гуналарнинг ўзаро ҳаракатлари ёрдамида бошқариб туришга қодир. Моддий табиат гуналарининг ўзаро ҳаракатлари моддий оламда ҳар хил нарсаларни - таналарни, ҳаракатларни, ўзгаришларни, жараёнларни мукамал даражада юзага келтиради. Парвардигор мукамал, шу боис бу оламдаги ҳамма жараёнлар ҳам, худди Унинг Ўзи бошқараётгандай мукамал ҳолатда амалга ошади. Қалб кўзлари, тафаккур кўзлари моддий табиат гуналари туманида кўрмай қолган иймонсиз одамлар ҳар қандай фаолиятнинг асосий, бошланғич олий сабабчиси Нарайана эканини кўра олмайдилар. Шунинг учун Парвардигор Кришна «Бҳагавад-гита»(7. 13)Да шундай дейилган:

*трибхир гуна-майаир бхаваир эбхиҳ сарвам идам жагат
мохитам набхиджанати мам эбхйаҳ парам авйайам*

“Моддий табиат уч гунаси адаштириб қўйган бутун жаҳон Мени, ана шу гуналар таъсирига берилмайдиган ва чексиз Зотни англай олмайди”.

Ҳаракат қилишга бизни нима ундайди?

Парвардигорнинг уч турли қуввати бор: ички(*пара-шакти*), оралиқ ва ташқи. Оралиқ қувват тирик мавжудотлардан таркиб топган бўлиб, улар ички қувват таъсири остида ҳам, ташқи қувват таъсири остида ҳам бўлиши мумкин. Ўзларининг табиатига кўра тирик мавжудотлар *пара-шакти* қувватига мансуб, лекин, улар моддий қувват таъсири остига тушиб қолганида, улар кшетра-гйа-шакти, яъни “моддий танани биладиган” қувватга айланадилар. Шундай қилиб, Парвардигорнинг ички қуввати руҳий табиатга эга(*пара*), тирик мавжудотлар ҳам табиатига кўра руҳий, аммо моддий қувват(*кшетра*) билан аралашиб, тирик мавжудотлар ўзини моддий танага қиёслаб бошлайдилар ва танадаги беш сезги органи ёрдамида ҳаракат қила бошлайдилар.

Ямадутапар айтадики, моддий танага эга бўлган ҳар бир рух

албатта ҳаракат қилиши, ишлаши керак. Бу дунёда ҳамма: чумолидан тортиб то филгача ишлашга мажбур. Тирикчилик қилиш учун чумолига кунига бир дона шакар зарраси етарли, лекин фил кунига уч юз килограмм овқат ёйди. Лекин, тирикчилик қилиш учун уларнинг иккови ҳам барибир ишлаши керак. Нодон одамлар вайшнавлар ишламайди, деб айтадилар, аслида вайшнавлар кечаю-кундуз Кришна учун тиним билмай ишлайдилар. Вайшнавлар қандайдир дангаса, ялқов одамлар эмас. Токи биз бу моддий оламда яшар эканмиз, ҳамма ишлаши керак, ammo биз фақат Кришна учун ишлаймиз. Лекин бундай иш оддий иш эмас, бундай иш карма, оқибат олиб келмайди. Кришна учун ишлаш карма эмас, дхарма, ҳаракатдаги дин бўлади. Одам Парвардигор учун, Кришна учун ишламаса, унинг бутун фаолияти -адхарма, гуноҳ иш, ҳиссиётини, нафсини кондирishга қаратилган бемаъни иш бўлади.

Ўзининг табиатига мос бўлган фаолият

Инсон ҳаётининг асосий, ҳақиқий мақсади, мазмуни - Кришнани мамнун қилиш, Худони рози қилиш. Варнашрама-дхарма тизимининг вазифаси инсонлар жамиятини ана шу мақсадга яқинлаштиришдан иборат. Варнашрама тизими жамиятни тўрт руҳий ашрамга ва тўрт варнага бўлади. Руҳий ашрамлар - брахмачарилар(уйланмаган шогирдлар), грихастхалар(дин қонунлари билан яшайдиган оилали одамлар), ванапрастхалар(оила ташвишларини тарк этган одамлар), саннийасилар(таркидунё қилган одамлар). Тўрт варна(табақа) - брахманлар(руҳонийлар ва руҳий устозлар), кшатрийлар(хукмдорлар ва жангчилар), вайшйалар(ер эгалари ва савдогарлар), шудралар(ишчи ва хизматчилар). Фақат варнашрама тизими қоидаларига риоя қилиб яшашгина инсонлар жамиятини ҳайвонлар тўдасидан ажратиб туради. Ҳар кимнинг қобилиятига, шахсий сифатларига қараб табақаларга, варна ва ашрамларга бўлинган жамиятгина инсон деган буюк номга муносиб бўлган маданиятли жамият ҳисобланади. «Бхагавад-гита»(4.13) Парвардигор Кришна шундай дейди: чатур-варнайам майа сриштам гуна-карма-вибхагашах - “Мен одамларнинг сифатларига ва (қобилият)касбларига қараб одамлар жамиятини тўрт табақага бўлдим”.

Моддий оламда ҳар бир одам ҳар хил гуналар таъсири остида бўлади, шунинг учун ўзида маълум сифатларни ривожлантириб, ҳар ким турлича табиатга эга бўлади. Шунинг учун одамлар қобилиятига ва сифатларига қараб у ёки бу варнага, табақага бўлиниши керак.

Ҳозир кўпчилик одамлар жамиятни бирор табақаларга ёки синфларга бўлишга умуман қаршилиқ кўрсатадилар, лекин табиий равишда, одамларнинг ҳар хил табиатли эканини, улар барибир бир биридан фарқ қилишини инкор этиб бўладими? Жамият табиий равишда синфларга бўлинган. Жамиятда албатта брахманлар синфи - яъни бошқаларга Ведалар илмини ўргатишга қодир бўлган билимдон, маълумотли одамлар бўлиши шарт. Одамларни бир биридан ҳимоя қиладиган, жамиятни бошқариб, тартиб сақлаб турадиган одамлар - кшатрийлар ҳам бўлиши керак. Жамиятга савдо-сотик, кишлок-хўжалик ишлари билан шуғулланадиган, сигирларни ҳимоя қиладиган вайшйалар ҳам керак. Жамиятда мана шу варнадаги одамларга ёрдам берадиган шудралар синфи ҳам албатта бўлиши шарт. Ўзининг табиатига, қобилиятига қараб ҳар бир одам мана табақаларнинг бирига мансуб бўлиши, ва шу табақага мансуб фаолият билан шуғулланиши мумкин.

Ҳар ким ўз бурчини бажариши, қонунни бузмаслиги лозим

Одам қайси варна ёки ашрамга мансуб бўлмасин, агар ўзининг фаоляти, ўз бурчини ҳалол, виждонан бажариши билан Худони рози қилса, Парвардигор Вишну(Кришна)ни мамнун қилса, комил инсон ҳисобланади. Бу ҳақда Парвардигор Кришнанинг Ўзи «Бхагавад-гита»(3.9)да шундай дейган:

*йаджнатрхат карmano “нийатра локо “йам карма-бандханаҳ
тад-артхам карма каунтейа мукта-сангаҳ самачара*

“Ҳар қандай ишни Вишну(Парвардигор)га қурбонлик, эҳсон сифатида бажариш керак, акс ҳолда у иш одамни моддий оламга қаттиқроқ боғлаб қўяди. Шунинг учун, о Аржун, жамиятдаги ўз бурчингни Худо учун бажар, шунда сен моддий тутқунликдан бутунлай озод бўласан”. Инсон ҳаётининг мақсади ва мазмуни ана шундан иборат. Ҳаётда барибир ишлашга мажбур эканмиз, яхшиси Кришна учун, Худо учун ишлаш ва шу тариқа гуноҳ иш қилишдан бутунлай қутулиш керак.

Ўзимиз, ўз нафсимиз, ҳиссиётимиз учун ишласак, қилган ҳар бир ишимиз, гуноҳларимиз учун умрлар оша жавоб бериб, қийналиб юраверамиз. Ҳиссий лаззатлар ортидан қувишдан тўхтамас экан, одам ҳеч қачон туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқолмайди.

Чайтанйа Махапрабху шундай деган: живера сварупа хайа - кришнера нитйа-даса - “Ўзининг табиатига кўар барча тирик мавжудотлар - Кришнанинг мангу хизматкорлари”

(чч.Мадхйа.20.108). Фақат шу ҳақиқатни англаб етгандан кейингина биз нажот топа оламиз.

Ўзини Кришнанинг мангу хизматкори эканини англаб етган одам ҳаётда ўзини қандай тутади, қандай яшайди? Бу ҳақда Прахлад Махараж шундай дейди:

*ираванам киртанам вишноҳ смаранам пада-севанам
арчанам ванданам дасйам сакхйам атма-ниведанам*

“Парвардигор Вишнунинг муқаддас номларини зикр қилиш ва тинглаш, Унинг илоҳий қиёфасини, сифатларини, анжомларини ва кароматларини шарафлаш; Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш; чуқур эҳтиром ва муҳаббат билан Парвардигорга сажда қилиш; Уни ўзининг энг яқин дўсти деб билиш ва Унинг учун ҳамма нарсадан воз кечиш - Худога соф садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз таркибий қисми мана шулардан иборат”(7.5.23).

Худога соф садоқат билан хизмат қилишда бутунлай машғул бўлиш учун руҳий ҳаёт қоидаларига риоя қилиб яшаш керак: гўшт истеъмол қилмаслик, зино қилмаслик, маст қиладиган нарсалар истеъмол қилмаслик; кимор ўйнаш ёки бошқа ҳаром йўл билан пул топмаслик керак. Фақат шундагина биз Ҳаре Кришна махамантрасини зикр қилиш кўрсатмасига амал қила оламиз ва юқорида кўрсатилган тўққиз усулнинг бирортаси билан Худога хизмат қила оламиз. Агар биз ҳаётда ана шу қоидаларга амал қилиб яшасак, инсон танасида ўтказадиган моддий ҳаётимиз ҳам, руҳий ҳаётимиз ҳам муваффақият билан ниҳоясига етади. Агар шу руҳий ҳаёт қоидаларига риоя қилмасак, ҳиссий лаззатлар кегидан кувиб, ҳар хил гуноҳ ишлар қилишга, натижада эса ит ва мушукларга ўхшаб азоб-укубатларга дучор бўлишдан бошқа иложимиз қолмайди: биз тақрор ва тақрор туғилишга, ўлишга, касалланишга ва кексайишга мажбур бўламиз.

Унутувчанлик

Биз моддий танамизни ўзим деб биламиз. Лекин биз тана эмасмиз, бизнинг танамиз бор - биз танага эгамиз. Худди шундай биз уй эмасмиз, бизнинг уйимиз бор, биз уйнинг ичида яшаймиз, унинг эгасимиз. Руҳни дехи, яъни “тананинг эгаси” деб атайдилар. Худди шундай биз: “Менинг қўлим, менинг оёғим” деб айтамыз, лекин, “мен қўлман, мен оёқман” демаймизку? Шунга қарамай танамизни “ўзим” деб адашишда давом этаверамиз. Мангу руҳ учун ҳозирги тана

шунчаки бу дунёда ҳаракат қилиш воситаси, холос. Баъзан авария пайтида машина пачақ бўлса, унинг эгаси учун бу шундай оғир кулфат бўладики, гўё машина эмас, унинг ўзи пачақ бўлгандай. Аханкара -”сохта ўзлик” ўзини бирор нарсага қиёслаш руҳга ана шундай таъсир қилади.

Биз ҳозир ғофиллик ботқоғига ботганмиз, шунинг учун аввалги ҳаётимизда қандай танага эга бўлганимизни эслай олмаймиз. Биз ҳатто ҳозирги танада, кичкина гўдак пайтимизда онамизнинг кўлида ётган пайтларимизни эслай олмаймиз. Умримиз давомида ҳаётда жуда кўп воқеалар бўлиб ўтган, аммо биз уларнинг аксарият қисмини унутиб, эсдан чиқариб юборганмиз. Ҳатто ҳозирги ҳаётимизда бўлган воқеаларни унутиб юборган бўлсак, қандай қилиб аввалги ҳаётимизни эслай оламиз?

Одам ўзи билмаган ҳолда гуноҳ иш қилишда давом этаверади, чунки у аввалги ҳаётида қилган гуноҳлари оқибатида ҳозирги танасида уч турли азоб укубатларга дучор бўлиб юрганини, танаси бутунлай моддий табиат қонунлари ҳукми остида эканини билмайди. "Шримад Бхагаватам"(5.5.4)нинг бешинчи кўшиғида Ришабхадева ўзининг ўғилларига шундай дейди: *нунам праматтаҳ куруте викарма* - “ҳиссий лаззатларга интилаётган одам оқибати нима бўлишини ўйлаб ўтирмасдан гуноҳ ишларга қўл уради”. *Йад индриия-притайа априности* - “У фақат ҳиссиётининг талабини қондириш учун гуноҳ иш қилади”. *На садху мание* - ”Албатта бундан ҳеч қандай яхшилик кутиб бўлмайди” *йата атmano* “*йам асанн апи клешада аса дехаҳ* - “Ахир биз гуноҳ иш қилиш оқибатида ўзимизни яна бир тана олишга маҳкум этамиз-ку, у танада ҳам, худди ҳозир аввалги гуноҳларимиз оқибатида азоб чекаётганимиз сингари қийналамиз”.

Ведавий илмдан маҳрум бўлган одам ғофиллик ботқоғига ботган одамдир: у аввалги ҳаётида нима ишлар қилганини ҳам, ҳозирги ҳаётида нимага яшаб юрганини ҳам, ҳозирги ишлари учун келажақда уни қандай азоб-укубатлар кутиб турганини ҳам билмайди. У ғофиллик зулматида адашиб юрган одамдир. Шунинг учун Ведалар бизга даъват этади: *тамаси ма* - “Зулматда қолиб кетма!” *Джйотир гама* - “Ёруғликка чиқ!” Ведалар, муқаддас китоблар илми, ведавий донишмандлик илми ҳақиқий ёруғликдир. Фақат эзгулик гунасида яшаётган одам Ведалар илмини англай олади. Фақат Худога ва руҳий устозига садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида одам моддий табиат гуналари таъсиридан юқори кўтарилиб, эзгулик гунасига эришади, шунда у ведалар илмини ўрганишга қодир бўлади.

Ҳақиқат илмини фақат садоқат билан хизмат қилиш орқали эгаллаш мумкин

“Шветашватара-упанишад”(6.23)да шундай дейилган:

*йасйа деве пара бхактир йатха деве татха гурау
тасйаите катхита хатха-йога артхаҳ пракашанте махатманаҳ*

“Ведалар илмининг мазмуни фақат Парвардигорга ва руҳий устозига чуқур иймон келтирган буюк руҳларга очилади”. Ведалар тавсия қиладики: тад-виджнанартхам са гурум эвабхигачхет - Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлиш учун Ведалар илмини мукамал биладиган руҳий устозга мурожаат қилиш ва унинг ҳамма кўрсатмаларига сўзсиз амал қилиш керак. Шунда бизга ведавий илмлар сири очилади, шунда биз бу моддий олам зулматида қолиб кетмаймиз.

Тирик мавжудот қандай гуналар билан аралашса - эзгулик, эҳтирос ёки ғафлат гунаси - шунга мос равишда моддий тана олади. Ҳақиқий браҳман эзгулик гунасида бўлади. Унга ҳозир бўлиб турган воқеалар, аввалги воқеалар ва келажак аён, чунки у Ведалар илмини ўрганади, ҳаётга муқаддас китоблар кўзи билан қарайди(*шастра-чакшух*). У ўзининг аввалги ҳаёти қандай бўлганини, нима сабабдан бу дунёга шу танада келиб қолганини, яна моддий танада туғилмаслик учун, майа тузоғидан қандай қилиб чиқиб кетиш йўлини билади. Буларнинг барчасини фақат эзгулик гунасида бўлиб тушуниш мумкин. Лекин, афсуски, бахтга қарши бу дунёдагиларнинг аксарият қисми эҳтирос гунаси ва ғафлат гунаси таъсири остидаги одамлардир.

Ғафлат ботқоғига боган одам ўзининг аввалги ҳаётини ҳам, келажagini ҳам билмайди: у фақат ўзининг ҳозирги танасини ўйлайди. Ғафлат гунаси таъсирига берилиб, ҳозирги танасининг эҳтиёжини кондиришга муккасидан кетган одам ҳайвондан фарқ қилмайди, чунки ҳайвонлар ҳам яшашнинг мазмуни ва мақсади фақат қоринни тўйғазиш деб ўйлайдилар. Ўзининг аввалги ҳаёти қандай бўлганини, келажакда яхшироқ шароитда яшаш имкониятига эга бўлишга ҳаракат қилиш учун инсон илм ўрганиши, ҳаёт қонунларини ўрганиши керак. Ҳатто махсус “Бхригу-самхита” деган китоб ҳам бор, шу китоб ёрдамида астрологик ҳсиоблашлар билан ҳар бир одам ўзининг аввалги, ҳозирги ва кейинги ҳаёти қандай бўлишини билиб олиши мумкин. Ҳар ҳолди ўзининг аввалги, ҳозирги ҳаётини ва келажagini ҳар бир фаросатли одам билиши керак. Фақат ҳозирги

ҳаёти билан яшаб юрган, ҳаётдан иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолишни ўйлаб юрган одам ғофиллик ботқоғига ботган аҳмоқ одамдир. Ундай одамнинг келажаги қоронғу зулмат ва азоб-укубат бўлади. Ҳайвонлар сингари ғофиллик ботқоғига ботган одам келажакдан бундан бошқа нима ҳам умид қилиши мумкин? Ҳозирги замонда деярли бутун инсоният ғофиллик ботқоғига ботган: ҳар бир одам ўзининг ҳозирги танасини энг буюк бахт деб ҳисоблайди, ҳеч ким ўзининг аввалги ҳаётини, бу танаси қандай мақсадда берилганини ва келажаги нима бўлишини билишга интилмайди.

10. Кейинги ҳаётимиз қандай бўлиши ўзимизга боғлиқ

*Ямадута*лар давом этдилар: “Эй фаришталарнинг аълолари, уч гуна таъсирига берилиб, қанчалик булгангани даражасига қараб, ҳар бир одам уч ҳолатда бўлади. У хотиржам ва осойишта ҳолатда, ёки орзу-истаклар кетидан чопиш ҳолатида ёки гофил ва нодонлик ҳолатида бўлади; у - ёки бахтиёр, ёки ҳам қийналиб, ҳам қувониб юрган, ёки изтироб чекаётган ҳолатда бўлади; у - ёки эзгу ниятли тақводор, ё гуноҳкор, ё аралаш табиатли бўлади. Одамнинг ҳозирги ҳаётида қандай яшаётганига қараб, унинг кейинги ҳаёти қандай бўлишини аниқлаш қийин эмас. Баҳор кириб келганида, биз ўтган йили унинг қандай бўлганини эслаймиз ва унинг бу йил қандай ўтишини тасаввур қиламиз. Худди шундай, инсон ҳаётини ҳам - бахтлими, азоб-укубатларга тўлами ёки гоҳида азобда, гоҳида лаззатдами - ҳозирги ҳолатига қараб, унинг олдинги ҳаётида қандай яшаганини, кейинги ҳаёти қандай бўлишини тасаввур қилиши мумкин. Қудратли Азроил, аслида Тангри Браҳмага тенг бўлган бюук зотдир: у ўзининг даргоҳида, айни пайтда Параматма сингари, ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган ҳолда, тирик мавжудотнинг аввалги ишларининг ҳаммасини хаёлан тасаввур қилади ва унинг кейинги ҳаётда қандай иш тутишини олдиндан кўра олади. Одам тушида ўзини умуман бошқа қиёфада ҳис қилади ва аслида ўзим шундайман деб ўйлайди. Худди шундай, ҳозирги ҳаётида ҳам ўзини ҳозирги танасига қиёслайди. Бу танаси эса, унинг аввалги ҳаётида содир қилган гуноҳ ва савоб ишлари натижасида олинган. У ўзининг аввалги ҳаёти ҳақида ҳам, кейинги ҳаёти ҳақида ҳам ҳеч нарса билмайди. (“Шримад

Аввалги, ҳозирги ва келажакдаги кармалардан қандай халос бўлиш мумкин?

Моддий табиат гуналари ҳамиша бизнинг ҳаётимизга таъсир қилиб турганига амин бўламиз. Баъзида биз бахтиёр одамларни, баъзан бахтсиз, баъзан эса, гоҳида қувониб, гоҳида йиғлаб юрган одамларни учратишимиз мумкин. Бу шундан далолат берадики, аввалги ҳаётида улар ҳар хил гуналар таъсири остида бўлган - баъзан эзгулик гунаси таъсирида, баъзан эҳтирос гунаси баъзан ғафлат гунаси таъсири остида ҳаракат қилганлар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, тирик мавжудот ҳозир қайси гуналар бирикмаси таъсири остида фаолият кўрсатаётган бўлса, келгуси ҳаётида бахтли бўлиши, бахтсиз бўлиши ёки аралаш ҳолатда бўлиши шунга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳозирги танамизда ҳаёт кечиришнинг энг тўғри йўли шундан иборатки, табиатнинг уч гунаси билан бирортаси билан ҳам аралашмасдан, уларнинг зарарли, оқибат келтирадиган таъсиридан юқори кўтарилиб яшаш керак. Лекин бунга фақат ўзини бутунлай худонинг ихтиёрига топширган, Худога соф садоқат билан хизмат қилишда бутунла машғул бўлиб юрган одамгина қодир бўла олади. «Бхагавад-гита»(14.26)да Парвардигор Кришнанинг ўзи айтадики:

мам ча йо “вйабхичарена бхакти-йогена севате

са гунан саматитйаитан брахма-бхуйайа калпате

“Худога соф садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бахшида этган ва ҳеч қачон бу йўлдан қайтмайдиган одам жуда тез вақт ичида моддий табиат гуналаридан юқори кўтарилади ва руҳий поғонага кўтарилади”. Агар биз ҳаётимизни Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишламасак, моддий табиат гуналари таъсирида бўлганишдан ўзимизни сақлай олмаймиз, натижада яна такрор ва такрор бу дунёда туғилиб, азоб-уқубат чекиб яшашга мажбур бўламиз.

Тана алмаштириш

Парвардигор гуноҳкор одамларга муносиб жазо белгилашни Азроилга топшириб қўйган. Кейинги ҳаётда қандай тана олишимиз, қаерда туғилишимиз ҳозирги ҳаётимизда қилаётган ишларимизга қараб белгиланади. Парвардигор Капила шундай дейди:

*кармана даива-нетрена жантур дехонапаттайе
стрийях правишта ударам пумсо ретах-канаширайах*

“Парвардигорнинг назорати остида, ўзининг ҳаётда қилган ишлари асосида тирик мавжудот, шартланган руҳ эркак кишининг уруғлигига кўшилади ва у билан бирга маълум танага эга бўлиш учун аёл қорнига киради”(3.31.1).

Аслини олганда биз танамизни ҳар куни, ҳар бир минут, ҳар бир секунд сайин алмашлаб турамыз. Биз ўсиб-улғайяпмиз, деб айтадилар, аслида эса, тана алмашиш жараёни бораётган бўлади. Ўсиш - эски танани ташлаб янги тана олишдемак. Орадан анча вақт ўтгандан кейин ёш бола ўсмирга айланади, кейин ёш йигитга. Демак, у танасини алмаштирди. Танамиз кексайиб, яроқсиз ҳолга келиб қолганда эса, худди эскириб қолган кийимни ташлаб янги кийим кийганимиз сингари, бу танамизни ташлаб, янги танага ўтишга мажбур бўламиз.

Бу ўзгаришларнинг барчаси олий, илоҳий кучлар(*дайва-патрена*) назорати остида амалга ошади. Ўзимиз содир қилаётган савоб ва гуноҳ ишлар натижасида биз ўзимиз учун янги тана яратаётган ва у билан бирга янги азоб-уқубатлар, янги қувончлар тайёрлаётган бўламиз. Бу дунёда яшаётганларнинг барчаси уч хил азоб-уқубатларга дучор бўлади: адхибхаутика, адхйатмика ва адхидайвика. Адхйатмика - бу, ўзимизнинг танамиз ва ақлимиз юзага келтирадиган азоб-уқубатлар; адхибхаутика - бошқа тирик мавжудотлардан келадиган азоб-уқубатлар: адхидайвика - биздан юқори бўлган кучлар(девалар) келтирадиган азоб-уқубатлар: зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, очарчилик ва ҳоказо. Биз улардан қочиб қутула олмаймиз. Худди шундай олий кучлар ўлганимиздан кейин бизга янги тана ҳозирлаб кўяди, биз ундан воз кеча олмаймиз: “Йўқ, бу тана менга ёқмайди, менга бундай тана керак эмас!” Йўқ, биз улар тайёрлаган танани қабул қилишга мажбуримиз.

Чекланган мустақиллик

Моддий таналарда жуда кўп, сон-саноксиз марта туғиш ва ўлишлар орқали ўтгандан кейин биз аслида Парвардигорнинг ажралмас бир бўлаги, зарраси эканимизни, бир пайтлар У билан бирга юрганимизни, кейин бу моддий оламга тушиб қолганимизни унутиб қўйганмиз. Биз қачон Худони эрдан чиқарганимизни айтиш кийин - бу жуда қадим замонларда рўй берган. Аммо, Парвардигор, Парвардигор Кришна шунчалик марҳаматлики, бизларга руҳий

табиатга эга эканимизни эслатиш, Парвардигор билан бир эканимизни эслатиш учун, биз унутиб юборган нарсаларга бизни қайтадан ўргатиш учун Ўзи бу дунёга ташриф буюради. Бу оламдан кетганида Парвардигор бизга муқаддас китобларни қолдириб кетади. Улардан энг асосийси «Бҳагавад-гита», унда Парвардигор бизга шундай дейди: сарва-дхармаан паритйаджйа мам экам шаранам враджа - “Ҳамма нарсани тарк эт ва ўзингни Менга топшир. Мен сени Ўзим ҳимоя қиламан”(бг.18.66).

Кришна - барча тирик мавжудотларнинг отаси. Мангу руҳий табиатга эга бўлган тирик мавжудотларнинг моддий оламда чўққалар сингари жирканч, аянчли ҳаёт кечираётганини кўриб У чидаб туролмайди, шунинг учун У бу олмага Ўзининг вакилларини юборади. Масалан, Иисус Христос - Кришнанинг ўғли. Иисус Христоснинг ўзи “Мен Худонинг ўғлиман!” деган. Албатта, бизларнинг ҳар биримиз Худонинг ўғлимиз, лекин Иисус Худонинг алоҳида суюкли ўғли эди, Парвардигор адашган руҳларни Ўзининг даргоҳига чақириш учун уни маълум давлатга юборади.

Лекин, агар биз ўзимиз бу моддий оламда қолишга қатъий қарор қилган бўлсак, Кришна ва Унинг вакиллари нима ҳам қила олардилар? Уларнинг бизга дунёвий ишлар билан машғул бўлишга имконият яратиб беришдан бошқа иложи қолмайди, чунки моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш учун энг аввало ҳар ким ўзи шуни исташи, шунга интилиши лозим. Азоб-уқубатларга тўла бу дунёда яшаш жонимизга текканида, биз Худога илтижо қиламиз: “Эй азиз Худойим, мен узоқ вақтлардан бери эҳтиросимга, ғазабимга, тўймас, очофат нафсимга хизмат қилиб келдим, лекин барибир уларни қаноатлантира олмадим. Бундан кейин мен уларнинг кули бўлиб қолишни истамайман. Ниҳоят менинг ақл кўзим очилди, мудраб ётган энди тафаккурим уйғонди, мана Сенга ёлвориб илтижо қилиб турибман. Илтимос, Сенга хизмат қилишга изн бер!”

Тирик мавжудот - Парвардигорнинг оралиқ қуввати(татастхашакти), бу дегани, у танлаш ҳуқуқига эга: куйи, моддий қувватга бўйсунсинми ёки олий руҳий қувватга бўйсунсинми? Биз, Худонинг содиқлари Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлишга қарор қилганмиз. Бошқача қилиб айтганда, бизлар ўз ихтиёримизни Кришнага топшириб, Унинг ички, руҳий қуввати паноҳидан нажот топишга рози бўлдик. Ўз ихтиёрини Худога топшириш Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишдан бошланади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. “Харе” “содиқлик қуввати” деганни,

“Кришна” - “хаммани Ўзига жалб этувчи Худонинг Олий Шахси”,
“Рама” - “олий лаззатланувчи” деган маънони англатади.

Худонинг даргоҳига камдан кам одам эриша олади, чунки Кришнанинг ички кувватига камдан кам одам бўйсунушга рози бўлади. Аммо Кришна ҳеч кимга тазйиқ ўтказмайди. У: “Сен моддий оламда қолишинг ҳам, Менинг даргоҳимга қайтишинг ҳам мумкин. Ўз хоҳишинг билан иш тут!” Бизга ўзимиз қандайдир қарорга келиш учун ақл берилган, мустақиллик, танлаш эркинлиги берилган.

Уйғонинг!

Илм ўрганишда энг муҳим аъзо - кулоқ. Агар биз энг кўп фойда, кўпроқ самара кўрмоқчи бўлсак, ҳаётда нима қилиш керак, қандай ишлардан четланиб юриш кераклигини ишонарли рухий устоздан сўраб, унинг айтганларини диққат билан тинглашимиз лозим. Тунда биз ҳеч нарсадан кўркмасдан, биров келиб калламизни кесиб кетади деб ўйламасдан бемалол ухлаб ётамыз. Аммо эшитиш қобилиятимиз ҳамиша сергак, бирор хавф-хатар туғилганда кимдир “Уйғон! Уйғон! Сени ўлдиришмоқчи!” - деб кичқирса, биз ўлимдан қутуламыз. Ҳозир биз моддий табиатнинг кучоғида, ғафлат уйқусида ухлаб ётибмиз. Биз ҳаётда уйғоқ, ҳаракат қилиб юрганга ўхшаймиз, лекин аслида ҳаракат қилаётган биз эмас, *пракрити*(моддий табиат). Биз ўз хоҳишимиз билан эмас, моддий табиат гуналари таъсири остида айнан шундай ҳаракат қилишга мажбурмиз. Лекин, биз ўзимиз моддий табиат гуналари кучоғида ухлаб ётган бўлсак ҳам, кулоғимиз, эшитиш қобилиятимиз ҳамиша уйғоқ, унинг ёрдамида биз ғофиллик иллатидан қутулиб кетишимиз мумкин. Агар биз рухий устознинг ведалар илмини қандай тушунтириб бераётганини диққат билан тингласак, ғафлат уйқусидан уйғонамиз ва ўзимизнинг табиатимизга кўра биз Кришнанинг мангу хизматкори эканимизни англаб етамыз. Уйғониш учун босадиган биринчи қадамимиз - шраванам, Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан иборат. Агар биз Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрсак, ғафлат уйқусидан уйғонамиз. Ведалар бизни чорляпти: *уттиштхата жаграта прайа варан нибодхата* - “Уйғон! Кўзингни оч! Инсон танасида ҳаёт кечириш энг буюк бахт, энг нодир имконият! Шуни яхши англаб, моддий табиат гуналари чангалидан қутулиш учун ундан фойдаланиб қол!” Буни қандай амалга оширишни «Бхагавад-гита»(7.14)да Парвардигор Кришна тушунтириб берган:

дайви хй эша гуна-майи мама майа дуратйайа

мам эва йе прападйанте майам этам таранти те

“Уч гунадан таркиб топган Менинг илоҳий қувватимни енгиш жуда мушкул. Аммо, Менга ўз ихтиёрини топширган одам, осонлик билан унинг ҳукми остидан озодликка чиқади”. Кришнага ўз ихтиёрингизни топширинг, ҳамиша Кришна онгида қолинг. Инсон танасига эга бўлган тирик мавжудотларнинг ҳаётда энг олий мақсадга эришиш учун қилиши лозим бўлган ягона иши шундан иборат.

11. Ҳиссиётлар салтанати

*Ямадута*лар давом этдилар: “*Беи сезги органидан, беи ҳаракат қилиши органидан ҳамда сезгилар ёрдамида сезиладиган беи объектдан устунроқ ўн олтинчи унсур туради, бу - ақл. Ақлдан ҳам устунроқ - ўн еттинчи унсур, тирик мавжудотнинг ўзи, руҳ туради. Биргина унинг ўзи, қолган ўн олти унсур ёрдамида моддий оламдаги ҳаётдан лаззатланади ва бунда уч ҳолатни бошидан кечиради: бахтиёрлик, мусибат ва уларнинг аралаш ҳолати. Нафис тана ўн олти қисмдан иборат: беи сезиш аъзолари, беи ҳаракат аъзоси, беи сезиладиган объект ва ақл. Нафис тана - табиатнинг уч гунасининг маҳсулидир. Нафис тана эришиб бўлмайдиган орзу-истаклардан иборат ва ҳамиша бир танадан иккинчи танага кўчиб юриб, тирик мавжудотни гоҳида инсон, гоҳида ҳайвон, гоҳида фаришта танасини олишга мажбур қилади. Фаришта танасини олганда тирик мавжудот лаззатланиб яшайди, инсон танасини олганида эса мусибат чекади, ҳайвон танасида яшаганида кўрқув азобидан қийналади. Лекин, аслини олганда, тирик мавжудот ҳар қандай тана ичида ҳам бахтсиз бўлиб қолаверади. Мана шу ачинарли ҳолат - самсрити, яъни “руҳнинг бетиним кўчиб юриши”, ёки “моддий ҳаёт чархпалагида айланиб юриши” деб аталади. Моддий танага қамалган тирик мавжудот, ҳиссиёти ва ақлини жиловлашга кучи етмаганидан, ўзи истамаган ҳолда табиатнинг уч гунаси амрига бўйсунушига мажбур бўлади. Ўзининг сўлагидан ўзига уя тўқиб, унинг ичига қамалиб, ташқарига чиқолмай қоладиган пилла қурти сингари, тирик мавжудот ҳам, ўзининг кармали фаолияти чангалига тушиб, ундан озодликка чиқолмай қолади. У ҳамиша саросимада юриб,*

такрор ва такрор ўлишга ва яна тугилишга мажбур бўлади. Бирор тирик мавжудот ҳаракатланмасдан бир лаҳза ҳам туролмайди. Ҳар ким моддий табиат гуналари таъсиридан келиб чиқадиган, тирик мавжудотни муайян тартибда ҳаракат қилишга мажбур қиладиган ўзининг табиатига, характерига қараб иш тутади. Тирик мавжудотнинг кармали фаолияти, хоҳ гуноҳ иш бўлсин, хоҳ хайрли, савоб ишлар бўлсин, ўзининг орзу-истакларининг рўёбга чиқишига яширин сабаб бўлади. Унинг ҳар хил таналарда тугилишига сабаб ҳам ўзининг кармали фаолиятidir. Енгиб бўлмас интилишлар натижасида тирик мавжудот маълум оилада тугилади ва ташқаридан қараганда отаси ёки онасига ўхшаган бўлади. Шу тариқа, тирик мавжудотнинг нафис ва қўпол танаси ўзининг интилишлари асосида яратилади. Тирик мавжудот моддий табиат билан аралашиб юргани сабабли, унинг ҳозирги ҳаёти ачинарли ҳолатдир, лекин у инсон танасига эга бўла туриб, Парвардигор ёки Унинг содиқ хизматкорлари билан алоқа ўрнатиб, улар билан ҳамсуҳбат бўлишни ўрганса, унинг ҳаётдаги барча мусибатлари биратўла тамом бўлади("Шримад Бхагаватам".6.1.50-55).

Ёлғиз кураш олиб бориш

Бу шеърларда моддий табиат гуналари ҳукми остига тушиб қолган руҳнинг қандай қилиб моддий тана қафасига кириб қолиши таърифланган. Ҳар бир одам хат ҳақида ўзининг тасаввурларига мос келадиган қандайдир мақсадга эришиш учун қўлларини, оёқларини ва танасининг бошқа аъзоларини ишлатиб ҳаракат қилади. Умуман олганда, инсон ҳаётининг ҳақиқий мазмуни, мақсади Парвардигорни рози қилиш эканини билмасдан, ҳар бир тирик мавжудот бу дунёдаги беш хил лаззат келтирадиган нарсалар билан лаззатланишга интилади: шакл, товуш, таъм, ҳид, танага тегадиган нарсалар. Парвардигорнинг амрига қарши чикқан тирик мавжудот моддий оламгу тушиб қолади ва ўзининг аввалги, руҳий оламдаги лаззатли ҳолатини мана шу ердан топмоқчи бўлади: бунда у Худонинг Олий Шахсининг муқаддас китобларда берилган насиҳатларига кулоқ солмасдан фақат ўзига ишониб бахли бўлгиси келади. Лекин, шунда ҳам, Парвардигор барибир шу қадар чексиз марҳаматли ва кечиримлики, Ўз бу моддий оламга келиб, адашган руҳларни Ўзининг амрига бўйсунтиришлари шарт эканига ишонтиришга уринади. Фақат шундагина тирик мавжудотлар Унинг мангу даргоҳига, илм ва лаззатга тўла ҳаёт ҳукм сураётган ўзларининг ҳақиқий маконига

қайтиши мумкинлигини уқтиради.

Тирик мавжудотнинг танаси - моддий унсурлардан таркиб топган жуда мураккаб қурилма. Мана шу танада у ёлғиз ўзи қолган ҳолда ҳаёт учун кураш олиб боради. Унинг ёлғизлиги бу ерда экас ту ибораси билан таъкидланган. Океан ўртасига тушиб қолган одам ташқаридан бировлар келиб ёрдам беришига умид қилмаса ҳам бўлади. Океанда ҳар хил мавжудотлар сузиб юрган бўлиши мумкин, аммо у нажот топиши учун фақат ўзининг кучига ишониши лозим. Худди шундай бу шеърда ҳам айтилганки, шартланган руҳ, яъни ўн еттинчи унсур, ёлғиз ўзи озодликка чиқиш учун кураш олиб боради. Биз яқин одамлар, дўстлар даврасида бўлишимиз мумкин, аммо ҳеч ким - Парвардигор, Парвардигор Кришнадан бошқа ҳеч ким - бизга ҳақиқатан ҳам ёрдам бера олмайди. Улар фақат ҳамдард бўлиши мумкин, холос.шн биз ҳаётда қандай қилиб бўлса ҳам Кришнани мамнун қилиш, Унга яқинроқ бўлиш йўлини ахтаришимиз лозим. Кришна ҳам биздан фақат шуни кутади(*сарва дхарман паритяджйа мам экам шаранам враджа*). Моддий табиат алдовига учган одамлар бирлашишга, ер юзида яшаётган барча халқларни бирлаштиришга интиладилар, лекин уларнинг барча уринишлари барибир бекор кетаверади. Аввалгидай ҳар бир одам ёлғиз ўзи моддий табиатнинг бешафқат қонунларига қарши ҳаёт учун кураш олиб боришга мажбур. Ҳаётда биз учун ягона нажот йўли - Кришнанинг насихатларига қулоқ солиш ва ўз ихтиёримизни бутунлай Унга топшириш, чунки фақат Унинг Ўзи бизларни бу ғафлат уммонидан озодликка олиб чиқишга қодир. Шунинг учун Шри Чайтанйа Махапрабху илтижо қилиб Парвардигорга шундай дейди:

*айи нанда-тануджа кинкарам патитам мам вишаме бхавамбудхау
крипайа тава пада-панкаджа-стхита-дхули-садришам вичинтайа*
“О Кришна, о Нанда Махаражнинг суюкли дилбанди! Мен - Сенинг мангу хизматкорингман, лекин қандайдир сабаблар билан бу ғафлат уммонига тушиб қолдим. Мен озодликка чиқишга бор кучим билан ҳаракат қиляпман, лекин бу ёлғиз ўзимнинг қўлимдан келмаяпти. Агар марҳамат кўрсатиб Сен Ўзинг мени бу уммондан чиқариб, нилуфар қадамларинг пойида бир гард қилишингни ёлвориб сўрайман”.

Бхактивинода Тхакур ҳам ўзининг кўшиқларидан бирида Унга жўр бўлади:

*анади карама-пҳале, пади бхаварнава-жале,
тарибаре на декхи упайа*

“Эй азиз Худойим, бу ғафлат уммонига қачон ва қандай тушиб

қолганимни билмайман, ундан қандай озодликка чиқишни ҳам билмайман”. Ҳар ким ўзи учун, ўз тақдири учун фақат ўзи жавобгар эканини англаб етиши керак. Агар одам Кришнанинг соф содиғи бўлса, у бу ғофиллик уммонидан озодликка чиқиб нажот топа олади.

Қувонч ва мусибатлар

Моддий оламда ҳақиқий қувонч, шодлик бўлиши мумкин эмас: бу ердаги ҳар бир воқеа охир-оқибатда бизга мусибатга айланаверади. Ҳиссиётимизнинг талабини қондиришга интилиб биз бахтли бўлишга интиламиз, лекин охир-оқибатда барибир умидларимиз пучга чиқиб, пушаймон, алам билан бирга қолиб кетамиз. Мана шу майя, иллюзия, алданиш деб аталади.

Дунёвий шодликларнинг ҳақиқий табиатини, ҳақиқий башарасини Парвардигор Будда яхши билган. У шоҳ хонадониди дунёга келган, ҳар хил ҳиссий лаззатларга берилиб яшаган эди, аммо кейинчалик шоҳона салтанатни тарк этганди. У муруқаблага берилиб, ҳиссиётининг фаолиятини бутунлай тўхтатиб қўйганди, чунки айнан ҳиссиётимиз бизга оғриқ ва шодликларни ҳис этиш имконини беради. Салтанатдан воз кечиб Будда бизга ҳиссиётимизнинг қули бўлиш билан биз ҳеч қачон бу дунёнинг шодлик ва мусибатларидан озодликка чиқолмаслигимизни кўрсатди.

Буддизм таълимоти бизга тана биз учун азоб-уқубатлар манбаи, ундан иложи борича тезроқ, биратўла қутулиш керак, деб ўргатади. Моддий табиат гуналари танамизга таъсир кўрсатиб тургани сабабли биз ҳаётда бахт, шодлик ёки мусибат, азоб-уқубат ҳис қиламиз. Улардан эса, фақат моддий унсурлар бирикмаси бўлган бу моддий танадан биратўла қутулиш орқалигина халос бўлиш мумкин. Буддизм таълимоти билан амалда шуғулланишнинг мақсади - нирванага - мана шу моддий унсурлар бирикмасига боғланишни яқсон қилиш орқали эришилади, чунки фақат танамиз мавжуд бўлгани учунгина биз шодлик ва мусибатларга дучор бўламиз. Аммо, буддизм фалсафаси бизга тананинг эгаси бўлган руҳ ҳақида илм бермайди. Шунинг учун ҳам буддизм фалсафаси мукамал эмас.

Буддизм таълимоти мукамал эмас, лекин бу - Парвардигор Будданинг Ўзи ҳақиқат илмини билмаган дегани эмас. Ўқитувчи тўлиқ Университет маълумотига эга бўлган ҳолда ўзининг шогирдларига фақат Алифбени ўргатиши мумкин. Аммо,

Ўқитувчининг илми фақат алифбе билан чекланиб қолмайди. Худди шундай Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфаларидан (*шактявеша-аватара*) бирортаси бу оламга келганида, улар замон, макон ва вазиятга қараб иш тутадилар. Ҳатто руҳий устоз ҳақиқат илмини мукамал билса ҳам, шогирдлари мураккаб илоҳий илмни тўлиқ қабул қилишга тайёр бўлмаслиги мумкин.

Айнан шу сабабли бутун жаҳонда ҳар турли фалсафий оқимлар ва диний таълимотлар мавжуд: буддизм, Шанкарачарйанинг майавада таълимоти ва ҳоказо. Буддизм ҳам майавадилар ҳам ўзининг издошларини ҳиссиётимиз орқали келадиган шодлик ва мусибатлардан халос бўлишга, озодликка чиқишга чақиради. Ҳеч бир ҳақиқий донишманд, файласуф одам ўзининг издошларини ҳиссиётининг қули бўлиб қолишга чақирмайди. Будда очикдан очик айтган: нирвана ҳолатига эришиш учун тана таркиб топган моддий унсурлар бирикмасини йўқотиб, эритиб юбориш керак. Моддий тана беш турли моддий унсурдан таркиб топган: ер, сув, олов, ҳаво ва эфир, айнан ана шу бирикма бизларнинг шодлик ва мусибатларимизга сабабчи бўлаяпти, агар уларни яксон қилсак, шодлик ҳам мусибат ҳам ўз-ўзидан ғойиб бўлади.

Шанкарачарйа ана шу беш моддий унсурнинг бирикмасидан таркиб топган тана тутқунлигидан халос бўлиб, азалий, бошланғич руҳий ҳолатга қайтиш лозимлиги ҳақида гапирган. Мана шу майавадаларнинг асосий қонуни: брахма сатйам жаган митхйа - “Брахман, Мутлақ - Ҳақиқат, моддий олам эса - алданиш”. Шанкарачарйа руҳ ҳақида илм бермагани сабабли буддизм фалсафасини инкор этди. Ҳақиқатан ҳам, Будда фақат моддий унсурлар ва уларнинг тарқалиб кетиши ҳақида гапиради ва эришиш лозим бўлган ҳолат - бўшлиқ деб ўргатади.

Буддизм ҳам, майавадалар ҳам фақат ҳақиқатнинг бир қисмини очадилар. Майавадалар фалсафаси Браҳманни, руҳни тан оладилар, аммо руҳнинг табиатини тўла таърифлаб беролмайди. Майавадиларнинг фикрига кўра, биз ўзимизнинг руҳ эканимизни англаб етган заҳоти (*ахам брахма асми*), бизнинг ҳиссиётимиз, сезгиларимиз фаолият кўрсатишдан тўхтайтиди. Лекин, аслида мутлақо бундай эмас. Тирик мавжудот ҳамиша фаол. Муруқабани пайтида одамнинг барча ҳиссиёти ҳаракатдан тўхтайтиди деб ўйлаш мумкин, аммо, муруқабанинг ўзи ҳам ҳаракат, фаолият-ку.

Брахманга муруқабани қилар экан, майавади энди Худо бўлдим деб ўйлайди. Қайсидир маънода биз Парвардигор билан бир бўлишимиз мумкин, чунки бизлар барчамиз - руҳлар, сифат жиҳатдан Худодан

фарқ қилмаймиз. Лекин биз ҳеч қачон худди Парвардигордай буюк бўлолмаймиз. Парвардигор Кришна «Бхагавад-гита»(15.7)да тирик мавжудотларни Ўзининг ажралмас заррачалари деб атаган. Кришна бутунлай руҳий табиатга эга(*сач-чид-ананда*) бўлгани учун, унинг ҳар бир зарраси ҳам руҳий табиатга эга; худди олтин узук олтин қонидаги олтин билан бир хил сифатга эга бўлгани сингари, сифат жиҳатдан улар бир биридан фарқ қилмайдилар. Лекин, олтин узук олтин қони эмас-ку.

Майвадиларнинг хатоси шундаки, улар бутуннинг бир бўлагини бутунга тенглаш мумкин, деб ўйлайдилар. Майвадиларнинг фикрига кўра, улар Худонинг бир бўлаги, демак, улар ҳам - Худо. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"(10.2.32)да имперсоналистларнинг ақли нопок, улар ғофиллик ботқоғига ботган(*авишуддхабуддхайах*) деб айтилган. Майвадилар илм ўрганиб ўзлари ҳам Худога қўшилиб кетишига ишонадилар, шунинг учун бир бирига "Нарайана" деб мурожаат қиладилар. Мана уш уларнинг энг катта хатоси. Биз ҳеч қачон Нарайана бўлолмаймиз, чунки У - вибху, "буюк, чексиз", бизлар эса, ану, "жуда кичик, чекланган"миз. Руҳнинг ўлчами соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагича келади. Шундай экан, қайси бир фаросатли одам ўзини Худо деб эълон қила олади?

Одамларга улар аслида тана эмас, руҳий табиатга эга бўлган зот эканини тушунтириш учун Шанкарасарйя Брахман тушунчасига мурожаат қилган(*ахам брахма асми*). Ведалар таълимоти ҳам бизга шуни ўргатади. Озодликка чиққан, муктига эришган одам аслида тана эмас, руҳ эканини аниқ тушунади. Аммо бу ҳали руҳий ўзликни англашнинг охириги поғонаси эмас. Ўзининг руҳ эканини тушунган одамда табиий равишда савол туғилади: "Агар мен мангу руҳ бўлсам, менинг мангу машғул бўладиган ишим, фаолиятим нима?" Бунинг жавоб: Худога садоқат билан хизмат қилиш.

«Бхагавад-гита»(18.54) Парвардигор Кришна тушунтирганки, Брахманни англаб етган одам Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди.

*брахма-бхутах прасаннатма на шочати на канкшати
самах сарвешу бхутешу мад-бхактим лабхате парам*

«Илохий поғонага кўтарилгандан кейин одам шу заҳотиёқ Олий Брахманнинг табиатини англаб етади ва қалби қувончга тўлади. У ҳеч нарсени қайғурмайди, ҳеч нарсага интилмайди ва барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Шу пайтдан бошлаб у ўзини Менга соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди».

Гарчи ўзлари аввалгидай дунёвий ўйин-кулгу ва мусибатларга

берилиб юрган бўлсалар ҳам, ҳурматли свамилар тез-тез Брахманни англаб етиш ҳақида мулоҳаза юритадилар. Улар дунёвий инсонпарварлик, эзгу ишлар билан шуғулланиб, гўё шу ишлар ватандошларига ёрдам берадигандай, мактаб ва шифохоналар куриш билан шуғулланадилар. Аммо, брахма-бхута даражасига кўтарилган одамнинг шунчаки, танаси шу ерда туғилгани учун қайсидир давлатнинг моддий муаммолари ҳақида бош қотиришининг нима маъноси бор? Мангу рух бирор мамлакатга ёки миллатга тегишли эмас. Биз маълум танада, маълум давлатда туғиламиз, аммо тана ўлган заҳоти бу давлат билан бўлган алоқамиз бутунлай узилади. Агар одам ўзини озод деб ҳисобласа, лекин амалда қандай дир дунёвий нарсаларни қайғурса, демак, у ҳали дунёвий бахт ва мусибатларга боғланган, яъни озодликка чиқмаган. Демак, у ҳали ҳақиқий шодликка эришган эмас, чунки ҳақиқий бахтга, ҳақиқий шодликка эришган одам мусибат нималигини билмайди. Жуда кўп таркидунё қилган, буюк билимдон саннийасилар яна дунёвий ишларга қайтиб келадилар, чунки улар аслида Брахманни тўла англаш даражасига кўтарилмаган. Брахманни англаб етиш осон эмас. Биз аввал айтганимиздай, моддий табиат гуналари жуда қудратли. Худди курт ўзи ўраган пилланинг ичига қамалиб қолгани сингари, тирик мавжудот ҳам ўзининг кармали фаолиятининг тўрига қамалиб қолади ва Парвардигорнинг ёрдамисиз ёлғиз ўзи озодликка чиқишга қодир эмас.

Рухий сезгилар

Ҳақиқий илмга эга бўлиш учун ҳиссиётимизни Кришнага садоқат билан хизмат қилиш мажбур қилиш керак. Ҳозир бизнинг ақлимиз ва ҳиссиётимиз танамизга боғланган, шунинг учун биз: “Мен - америкаликман, мен - ҳиндман, мен - инглизман” деб ўйлаймиз. Ана шундай онг бизни оиламизга, жамиятга, миллатга хизмат қилишга мажбур қилади. Лекин бу атамаларнинг барчаси вақтинчалик, ўткинчи тушунчалардир. Азалий, асл ҳолда биз ҳар биримиз Брахман, соф, пок, мангу руҳмиз. Биз ўзимизни ўткинчи, вақтинчалик нарсаларга қиёслашни тарк этмагунча Кришнага ўз ихтиёримизни топшира олмаймиз.

Аввал айтганимиздай, Брахманни англаб етиш - руҳий илм эгаллашнинг охириги поғонаси эмас. Рухий илм ўрганишни уч поғонага бўлиш мумкин: Брахманни англаб етиш, яъни одам ўзининг тана эмас, рух эканини англаб етиши; ўзининг қалбида мавжуд

бўлган Парвардигор - Параматмани англаб етиш; Бхагаванни, Худонинг Олий Шахси Кришнани англаб етиш.

Брахманни англаб етгандан кейин Параматмани англаб етиш керак. Бу - Кришна қалбимизда Олий Рух кўринишида ҳамиша мавжуд эканини англаб етишдир. Брахманни англашни ёруғлик манбаи бўлган куёш шарини англаб етиш билан тенглаш мумкин. Рухий илм ўрганишда давом этиб, илоҳий Вайкунтха сайёраларига эришиш ва у ерда Худонинг Олий Шахси билан юзма-юз учрашиш мумкин. Мана шу руҳий илм ўрганишнинг охириги поғонаси, буни Куёш фариштаси билан учрашишга ўхшатиш мумкин. Куёш нурлари, Куёшнинг ўзи ва Куёш фариштаси бир биридан ажралмайдиган, бўлинмас, аммо барибир бир биридан фарқ қилади. Куёш нурлари - куёшнинг шахсиятсиз ёғдуси, куёш сайёраси - маълум жойда жойлашган самовий тана, куёш фариштаси эса - куёш нурининг ҳам, куёш сайёрасининг ҳам манбаи бўлган шахс. «Бхагавад-гита»(14.27) Парвардигор Кришна айтадики, Брахманнинг ёғдуси Унинг Ўзидан таралиб туради. У шундай дейди: брахмано хи пратиштхахам - “Мен шахсиятсиз Брахманнинг манбаиман”. “Ишопанишад”да(15) Парвардигорга илтижо қилаётган содиқнинг гаплари келтирилган?

хиранмайена патрена сатйасйапихитам мукхам

тат твам пушанн апаврину сатйа-дхармайа дриштайе

“Эй бутун борлиқни, барча тирик мавжудотларни таъминлаб турган Худойим! Сенинг ҳақиқий жамолинг Сенинг кўзни камаштирувчи нурларинг ортида кўринмай турибди. Ана шу нур пардасини олиб ташла ва содиқ хизматкоринга жамолингни кўрсат!”

Шундай қилиб, фақат Брахманни билиб олиш етарли эмас. Касал одамнинг иссиғи тушгани ҳали у бутунлай соғайиб кетди дегани эмас. Қачон у иссиғи чиқишидан кутулиб, аввалги соғлом ҳолатига етиб, аввалгидай яшай бошлаганидагина уни соғлом деб аташ мумкин. Шунгача унинг касали яна хуруж олиш хавфи сақланиб қолади. Худди шундай, одам ўзининг тана эмас, рух эканини англаб етиши ҳали у алданиш тузоғидан озодликка чиқди дегани эмас. Қачон одам ўзининг Кришнанинг мангу хизматкори эканини англаб етса ва ҳаётда Худонинг содиқ хизматкоридай иш тута бошласа, шундагина уни руҳий ўзлигини англаб етган зот деб аташ мумкин.

**Парвардигорнинг ҳозирги давр одамларига
кўрсатган алоҳида марҳамати**

Кали-югада яшаётган одамларга руҳий ўзликни англашнинг энг осон йўли берилган - Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре ҲареҲаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Ҳозирги замон одамлари шу қадар гуноҳи азимларга ботиб, тубанликка мубтало бўлиб кетганки, Ведаларнинг қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашга қодир эмас. Шунинг учун Кришнанинг Ўзи чексиз марҳамат кўрсатиб, Шри Чайтанья Махапрабху қиёфасида ташриф буюриб, Кали-юганинг ғофиллик ботқоғига ботган одамларига кўрсатган алоҳида инояти белгиси сифатида Ҳаре Кришна мантрасини бериб кетди. Адашган руҳларни озодликка чиқариш учун У беш юз йил олдин ер юзига келиб, санкиртана - Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш ҳаракатини бошлаб берди. Парвардигор Чайтанья “Брихад-нарадия-пурана”(38.126)дан олинган бир шеърни тез-тез такрорлаб айтарди:

*харер нама харер нама харер намаива кевалам
калау настй эва настй эва настй эва гатир аниатха*

“Бу ўзаро жанжаллар ва иккиюзламачилик даврида нажот топишнинг ягона йўли бор - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш. Бошқа йўли йўқ, бошқа йўли йўқ, бошқа йўли йўқ”.

Кришнани англаш ҳаракати бу усулнинг қанчалик қудратли эканини амалда исботлади. Бизнинг бу ҳаракатга қўшилган одамлар бошқалар “она сути билан кирган” деб атаган ҳар хил бемаъни одатларини тарк этдилар. Улар ҳақиқатан ҳам бахтга эришган, омадли одамлардир. Шри Чайтанья Махапрабху шундай дейди:

*брахманда бхрамите кона бхагйаван жива
гуру-кришна-прасаде пайа бхакти-лата-биджа*

“Тирик мавжудот умрлар оша бир сайёрадан иккинчи сайёрага ўтиб, бир танани ташлаб иккинчи танага эга бўлиб, коинотда сарсон бўлиб юради. Аммо агар унинг омади келиб қолса, Кришнанинг марҳамти билан у ҳаёт йўлида ҳақиқий руҳий устозни учратади. Руҳий устоз унга бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш дарахтининг уруғини беради”(чч. Мадхйа.19-151). Агар одам фаросатли бўлса, мана шу уруғни ўзининг қалбига ўрнатади ва уни авайлаб парваришлай бошлайди. Оддий уруғ униб чиқиши учун унга мунтазам равишда сув куйиб туриш керак. Худди шундай бхакти уруғини ҳам суғориб туриш керак. Бхакти уруғини нима билан суғориш мумкин? Шраванам ва киртанам суви билан: Худога садоқат билан хизмат қилиш дарахти ўсиб ривожланиши учун биз мунтазам

равишда Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юришимиз, Уни шарафлаб куйлашимиз лозим.

Қалбимизда Худога садоқат билан хизмат қилиш туйғусини ўстириб, азоб-уқубатлардан биратўла халос бўламиз ва бу моддий оламни биратўла тарк этамиз. Парвардигор Кришна моддий оламни «Бхагавад-гита»да духкхалайам - “мусибатлар макони” деб атаган. Бошқача қилиб айтганда, агар биз Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ва тинглаш билан Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кирсак, мусибатларга тўла бу дунёда туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан қутулиб кетамиз.

Нафис тана

"Шримад Бхагаватам"да тирик мавжудотнинг қандай қилиб моддий оламда туғилиши батафсил таърифлаб берилган. Ўзининг кармасига қараб у бўлғуси отасининг эркаклик уруғига кейин эса, она қорнига тушади ва моддий танага эга бўлади. Ота ва онанинг жинсий алоқа пайтидаги онги, кайфияти, уларнинг бўлғуси фарзандига ўтади.

Барча таналар бир биридан фарқ қиладилар, ҳеч қачон бир бирига бутунлай ўхшаш таналар учрамайди. Бунинг сабаби кармаларнинг ҳар хиллигида. Бизнинг қилаётган ишларимиз ақл, тафаккур ва сохта ўзликдан иборат бўлган нафис танагатаъсир қилади; мана шу нафис тана бизнинг кейинги ҳаётда оладиган навбатдаги моддий танага асос бўлади. «Бхагавад-гита»(8.6) Парвардигор Кришна шундай дейди:

*йам йам вапи смаран бхавам тйаджантй анте калеварам
там там эваити каунтейа сада тад-бхава-бхавитах*

“Ҳозирги танасини тарк этаётиб, инсон ҳаётнинг қандай кўринишини эсласа, кейинги ҳаётида ана шундай ҳаёт кечирадиган танага эга бўлади². Ўлим олдидан нафис тананинг ҳаёт ҳақидаги тасаввури ҳозиргиҳаётда қўпол тана ёрдамида кўрсатган фаолиятга боғлиқ бўлади. Агар одам ўзининг нафис танасини бутун ҳаёти давомида Кришнага хизмат қилиш билан машғул қилиб юрган бўлса, у ажали етганида, кейинги ҳаётида ҳам Кришнага садоқат билан хизмат қилишга қодир бўлган тана яратади. Агар Худога соф садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришган бўлса, ҳеч қандай моддий тана олмасдан, бирданига ўзининг руҳий танасида ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига йўл олади. Мана шу инсон ҳаётида эриша олиш мумкин бўлган энг юксак камолот чўққисидир.

12. Эҳтирос домига тушиб қолган

Ёшлигида бу браҳман, Ажамила, барча Ведаларни ўрганган, тақводор, хушхулқли ва жуда эзгу ниятли одам эди. У ведаларнинг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилар, итоаткор ва хушомадгўй, ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олган табаррук зот эди. Ажамила ҳамшиша рост гапирар, ведавий мантраларни тўғри тиловат қилар ва жуда покиза, ҳалол ҳаёт кечирарди. У руҳий устозини, олов фариштасини, меҳмонларни ва оиланинг ёши катталарини жуда эъозлар, ҳурмат қиларди. Манманлик ҳисси унга бегона эди, у ҳаммага нисбатан адолатли ва меҳрибон, ўзи тартибли, ҳар бир гапини ўйлаб гапирар, ҳеч кимга ҳасад қилмасди. Бир куни браҳман Ажамила отасининг амри билан, Илоҳларга сизинишида маросимида керак бўладиган мева, гул, шунингдек самит ва куша майсаларини териб келиш учун ўрмонга жўнади. Уйига қайтаётиб, йўлда у энг паст табақадан бўлган бир шудрани кўриб қолди. Шудра беҳаёларча бир фоҳишани қучоқлаб, ўпиб турарди. Шудра, ҳеч уялмасдан қўшиқ айтар, ҳиринглаб куларди. У ҳам, фоҳиша ҳам маст эди. Ярим ялангоч фоҳиша унинг ёнида сармаст кўзларини сузиб турарди. Ажамила уларни айнан шундай ҳолатда кўриб қолганди. Шудра куркумадан саргайган қўллари билан фоҳишани қучоқлаб бағрига босаётганини кўрганида, Ажамиланинг қалбидаги шу пайтгача мудраб ётган эҳтирос алангаси ўт олиб, у алданиш чангалига тушиб, ўзини тутолмай қолди. Ажамила шастраларда бегона аёлларга ҳатто қараиш ҳам мумкин эмаслиги ёзилгани жойларни эслашга уринди. Илми ва тафаккурини ёрдамга чақириб, тобора авж олаётган бу бемаъни шаҳвоний эҳтиросини жиловлашга уринди. Аммо, барибир унинг қалбидаги Камадева ундан кучлироқ эди. Ажамиланинг ақлу-хаёли ўзига бутунлай бўйсунмай қўйди. ("Шримад Бхагаватам". 6.1.56-62).

Брахманларга хос фазилатлар

Азроилнинг хизматкорлари, ямадуталар эзгу ишлар нима-ю, қандай ишлар гуноҳ эканини ва тирик мавжудот қандай қилиб моддий олам чангалига тушиб қолишини тушунтириб берадилар.

Ажамиланинг ҳаёт йўлини таърифлаб берар экан, улар унинг аввал Ведалар илмининг билимдони эканини эслаб ўтадилар. Бунинг устига у покдомон, ҳалол, меҳр-оқибатли, яхши тарбия олган эди. У ҳақиқатан ҳам намунали хулқ-атворга эга одам, яъни намунали браҳман эди. Браҳман ведаларнинг барча кўрсатмаларига риоя қилиши, тақводор, художўй ва эзгу ниятли, одамларга яхшилик қиладиган бўлиши керак. Бу шеърдаги белгиларга қараганда эзгу ниятли, яхши одамнинг фазилатлари шундай бўлиши керак.

Ҳақиқий браҳмачари сифатида Ажамила жинсий покликка риоя қиларди, қалби юмшоқ, меҳрибон, ростгўй, қалби ва ишлари пок эди. Қандай қилиб у йўлдан адашди ва сал бўлмаса Азроилнинг олдида савол-жавобга боришига оз қолди. Буларнинг барчаси ҳали батафсил тушунтирилади.

Ажамила браҳман оиласида туғилгани учун, у шрута-сампанна эди. Яъни у ёшлигидан Ведаларни кўп тинглаган ва уларни яхши билган. Ҳидистонда браҳманларни *пандит* - “билимдон, олим одам” деб атайдилар. Браҳман ғофил ёки ярамас одам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун Ведаларни яхши билмайдиган одам ўзини браҳман деб аташга ҳаққи йўқ. Аммо Ведаларни ҳозирги билимдон олимлар ўргангандай ўрганишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Ведаларни ўрганиш натижасида олинган илмларни ҳаётда, амалда қўллаш керак. Ҳозирги олимлар “Веданта”ларни оғзига сигарета қистириб ўқийдилар, ведаларни бундай ўрганиш уларга нима фойда беради? Бу илоҳий илм ўрганиш эмас - уларни ҳақорат қилишдир! Биз "Веданта-сутра" ҳақида фикр юритадиган, лекин ўзлари тинмасдан чекадиган жуда кўп ана шундай сохта саннийсиларни кўрганмиз. Аммо Ажамила ундай браҳманлардан эмасди. У ведаларни фақат юзаки ўрганибгина қолмасдан ҳаётда уларга амал қиладиган одобли, хуш хулқ бола эди. Браҳман ҳақиқий гуру раҳбарлиги остида ведаларни ўргангандан кейин упанаяна-самскара деб аталадиган покляниш маросими орқали ўтади ва иккинчи бор туғилади - двиджа бўлади. Шунда унга муқаддас чилвир, зуннор берадилар. Зуннор одамнинг расмий равишда руҳий устоз қабул қилганини билдиради. Бу уни бошқа ғофил одамлардан ажратиб турадиган белги ҳисобланади.

Шу тарзда иккинчи бор туғилмаган одам ведаларнинг мазмунини англаб етишга қодир эмас. Агар одам санскрит тилини озгина билгани билан у ведаларнинг донишмандлик илмини ўрганган ҳисобланмайди. Ғарбий давлатларда жуда кўпчилик олимлар ведаларни ўз тилларига таржима қилганлар, аммо биз уларнинг таржималарини ишонарли, обрўли таржима деб ҳисобламаймиз. чунки

ведаларни ўрганган одам двиджа, иккибор туғилган одам бўлиши керак. Двиджа деб эса, фақат ростгўй, ўзининг ҳиссиётини ва ақлини жиловлаб олган, пок ва ҳалол, оддий, сабрли, руҳий илмга эга бўлиб, унга асосан яшаб юрган ва Парвардигорга, Кришнага тўлиқ иймон келтирган одамга айтилади. Мана шундай одам Ведаларни ўрганишга ва уларнинг мазмунини тўғри тушунишга қодир бўла олади.

Ажамила фақат браҳман хонадонидида туғилибгина қолмасдан ёшлигида Ведаларни чуқр ўрганди. У жуда итоаткор(*шилаван*) эди. У яна *сад-ачара* эди, яъни покдомон, эрта турадиган, эҳромда мангала-аратига ва бошқа сиғиниш маросимларига борадиган одам эди. Бошқача қилиб айтганда у барча эзгу фазилатлар тимсоли эди. Агар ҳамиша пок, ҳалол юриб, мунтазам равишда мангала-аратига қатнашсак, ҳар куни тасбеҳда ўн олти доира мантра айтиб юрсак, биз ҳам сад-ачара бўламиз. Шу тарзда биз моддий иллатлардан аста-секин поклана борамиз.

Шогирд руҳий устоздан фотиҳа олганида у ҳар куни руҳий ҳаёт билан шуғулланиш учун маълум вақт ажратишга қасам ичади. Ҳатто руҳий одзодликка чиққан одамлар бўлишига қарамай, Вриндавандаги олти госвами ҳам ҳар куни узоқ вақт тасбеҳда Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш билан шуғулланганлар.ва ҳеч қачон Илоҳларга ва Худонинг содиқларига сажда қилишни қанда қилмаганлар. Масалан, Рагхунатха дас Госвами ҳар куни санаб маълум марта дандават - юзтубан йиқилиб Илоҳларга, Худонинг содиқларига сажда қиларди. Бу - Госвамирлар дхрита-враталар - ярни қатъий қасамлар ичиб, уларга ҳамиша амал қилишга қодир одамлар бўлганини билдиради. Риёзат чекмай туриб, муқаддас қасамларга амал қилмай туриб, Худога яқинлашишнинг иложи йўқ. Руҳий баркамолликка эришишга самимий интилаётган одам мана шу қоидаларга қатъий амал қилиши лозим.

Ажамила барча браҳманлик фазилатларига эга ва браҳманлар билиши лозим бўлган ҳамма мантраларни билар эди: гаятри мантрасини, Ҳаре Кришна мантрасини ва бошқа мантраларни. У тинмасдан ўзининг руҳий устозига хизмат қиларди. Мана шулар - ҳақиқий браҳманга хос фазилатлардир. Ведавий маданиятда олий табақага мансуб хонадон аъзолари ҳар куни эрта туриб, Ганга сувида чўмилиб покланганлар, ведавий мантралар тиловат қилганлар, муқаддас олов ёқиб қурбонлик маросими ўтказганлар. Уларнинг уйида тинмасдан муқаддас гулхан, агни ёниб турган. Хонадоннинг барча аъзолари оловга, гуруга ва ёши катталарга сажда қилганлар. Шу тарзда улар ҳар куни ота-онасини ва руҳий устозини ҳурмат

қилганлар. Ҳозирги пайтда ҳеч ким бундай яшамайди, аммо ведалар маданияти гуллаган пайтда маданиятли одамлар шундай яшаганлар.

Ёши улуғларни қандай ҳурмат қилиш лозимлигига Махараж Юдхиштхира, Пандулар хонадонига мансуб бўлган такводор шоҳ ажойиб намуна кўрсатиб кетган. Курукшетрадаги уруш ниҳоясига етгандан кейин Юдхиштхира ва тўрттала пандузода ҳар куни эрталаб отасининг акаси бўлган Дхритараштранинг олдига кириб, унга эхтиром кўрсатардилар. Дхритараштра бутун умри давомида ҳар хил йўллар билан пандузодаларни ўлдиришга уриниб келган, ҳатто уларга қарши уруш эълон қилган, ана шу урушда ўзининг юз нафар ўғли ҳалок бўлган эди. Аммо, урушда мағлубиятга учрагандан кейин ҳам, у ўзининг жиянларини кўргиси келмас, бу билан Юдхиштхиранинг жиғига тегмоқчи бўлар эди.

Бир куни Дхритараштранинг олдига укаси буюк вайшнав бўлган Видура келди. У Дхритараштрага тана қила бошлади: “Бир вақтлар сен пандузодаларга қарши уруш эълон қилган эдинг, энди эса, қариганинга шоҳ Юдхиштхиранинг саройида яшайсан. У сенга овқат беради, лекин сен уни ҳатто меҳмон сифатида ҳам қабул қилишни истамайсан наҳотки сен бутунлай виждонингни йўқотган бўлсанг?” Видура бу гапларни унга фақат ўзининг оила аъзоларига бўлган боғланишдан тезроқ халос бўлишга ёрдам бериш учун айтди. Дхритараштра кексайиб қолган эди, унинг ҳамма фарзандлари ўлган, унинг ўзи эса ҳалигача шоҳона саройда яшаб, ширин таомлар билан лаззатланиб яшарди. Оилавий ҳаётга боғланиб қолиш унда шунчалик кучли эди. Видура ёрдам бериш учун акасини аяб ўтирмади: “Сен шунчалик кексайиб қолгансанки, йўталиб, қон тупурясан. Буйрагинг ҳам касал. Ажалинг яқинлашиб қолган, лекин сен худди итларга ўхшаб, ҳалигача юмшоқ тўшакларда ўтирибсан. Наҳотки сенинг виждонинг қачон хўжайиним бир суяк ирғитар экан деб кутиб ўтирадиган итникидан сал бўлса ҳам кўпроқ бўлмаса?”

Укасидан ана шундай аччиқ заҳарли гапларни эшитганида, Дхритараштранинг юраги титраб кетди. У укасининг гапларини маъқуллади: “Ҳа, бу ҳақ гап. Видура, укажон, айт, мен нима қилишим керак?”

Видура унга шундай деди: “Мен билан бирга ҳозироқ ўрмонга жўна. Умрининг қолган кунларини Кришна онгида Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бағишла!” шунда, ҳеч кимга бу ҳақда айтмасдан, Видура ва ўзининг садоқатли хотини Гандхари билан бирга қолган умрини Парвардигорга муроқабачилик қилиб ўтказиш учун ўрмонга йўл олди.

Эрталаб, одатдагидай, шоҳ Юдхитхира Дхритараштрага хурмат-эҳтиром кўрсатиш учун кирди, - лекин уларни топа олмади. У бундай қаттиқ ҳаяжонланди, чунки Дхритараштра кексайиб қолган эди-да. Шунда Юдхитхиранинг олдида буюк донишманд Нарада муни пайдо бўлди. “Ташвишланма, - деди у. - Дхритараштра ва Гандхари Видура билан бирга ўрмонга кетдилар”.

"Шримад Бхагаватам"да келтирилган бу ҳикоядан оилада ёши улуғларни хурмат қилиш қандай бўлишини кўриш мумкин. Маданиятли одам ўзининг эрталабки руҳий вазифаларини адо этиб бўлгандан кейин бориб руҳий устозига ва оиаланинг ёши улуғларига сажда қилиб, хурмат-эҳтиром кўрсатиши керак. Меҳмонларга ҳам муносиб хурмат кўрсатиш керак. Одатда биз қачон ким меҳмон бўлиб келишини олдиндан биламиз. Лекин, шундай ҳоллар учраб турадики, меҳмон кутилмаганда келиб қолади, шунда уни ҳам муносиб кутиб олиш лозим. Кутилмаган меҳмон ведалар маданиятида Худонинг вакили ҳисобланади.

Яна бир қоида бор: оилавий ҳаёт кечираётган уй эгаси аввало оиланинг кекса аъзоларини, кейин болаларни кейин бошқаларни овқатлантириши керак. Унинг ўзи энг охирида овқатланиши керак. Овқатланишга ўтиришдан олдин у кўчага чиқиб, “Кимнинг қорни оч бўлса келсин, менда Худонинг марҳамати бор, бирга баҳам кўраимиз!” - деб, уйга қорни оч одамларни таклиф қилиши лозим. Оилали одамнинг уйида ҳамиша кутилмаган меҳмон учун бирор егулик бўлиши керак. Ведавий қоидаларга кўра, бирор одам хонадонга келиб, “Эй ҳукмдорим, менинг қорним оч!” - деса, мезбон, уй эгаси ҳатто ўзи оч қолса ҳам, унга ўзининг ризқини бериши керак. Ҳақиқий грихастха-ашрам ана шундай бўлиши керак. Мен жуда кўп марта эътибор берганман: ёши кичик тарбияли одам ёши каттанинг олдида, ҳатто у бегона одам бўлса ҳам, ундан руҳсат сўрамасдан сигарета чекмайди. Маданиятли одам фақат ўзининг оиласидаги катталарга эмас, ҳатто бегоналарга ҳам хурмат кўрсатади. Ведалар маданиятида катталарни хурмат қиладилар. Бу жуда муҳим қоида бўлмаса ҳам, Ҳиндистонда ҳалигача сақланиб келаётган урф-одат.

Шундай қилиб, Ажамила ёшлигидан руҳий устозини ва оиладаги катталарни хурмат қилган.мана шу сад-ачара бўлган одамнинг яна бир сифати. Унинг яна бир фазилати - кечириллик. Ажамила ҳаммага бирдай меҳрибон эди. Ҳақиқий браҳман барча тирик мавжудотларга бирдай, ҳатто чумолига ҳам меҳрибонлик қилади.

Бу ерда бир овчи билан Нарада муни ҳақидаги бир ҳикояни эслаш ўринли. Бир куни Праяг яқинидаги бир ўрмондан ўтиб

бораётганида Нарада муни ўқ теккан, лекин ўлолма кийналиб ётган жуда кўп хайвонларни кўрди.

- Бечора, беозор хайвонларга бунчалик озор бериб ўлдириб юрган ким ўзи?

Унинг овозига ўрмон ичидан ёввойи-овчи Мригари чиқиб келди:

- Ҳой донишманд, бу мен, ўзимнинг ҳар кунги ишим билан машғулман, менга халақит берма. Агар мендан кийик терисини сўраб келган бўлсанг, беришим мумкин.

- Менга кийик териси керак эмас, лекин айт-чи, нимага сен хайвонларни ярадор қилиб кийнаб қолдирасан? Бу катта гуноҳ-ку. Яхшиси уларни бирданига ўлдир.

- Мен овчиман. Отам менга шундай ов қилишни ўргатган. - жавоб берди овчи. - лекин мен бунинг гуноҳ эканини билмасдим.

- Бу жуда оғир гуноҳ. Бунинг учун сен кейин қаттиқ изтироб чекасан.

Овчи чуқур ўйга толди.

- Энди мен нима қилишим керак? - ниҳоят савол берди овчи.

- Бу ярамас ҳунарингни тарк эт.

- Унда мен нима билан тирикчилик қиламан?

- Сенга мен ўзим егулик нарсаларни юбориб тураман.

- Ҳўп, агар ундай бўлса, мен ов қилишни тарк этаман.

Донишманд Нарада муни Овчига муқаддас Ганга дарёси қирғоғида, туласи дарахти ёнида ўтириб, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш билан шуғулланишни буюрди. Ўзи эса яқин атрофдаги қишлоққа бориб, одамларга Ганганинг қирғоғида Парвардигорнинг соф содиғи, табаррук вайшнава Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб ўтирганини айтди. Қишлоқ одамлари дарё қирғоғига келиб, у ерда осойишта ҳолатда Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб ўтирган овчи Мригарини кўрганларида ҳайратдан қотиб қолдилар: “Наҳотки у ов қилишни ташлаб, энди Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш билан машғул бўлган бўлса? Улар авлий бўлган Мригарини кўриш учун тез-тез Ганга қирғоғига кела бошладилар. Қишлоқ одамлари унга гуруч, мош, мева ва бошқа егулик олиб келардилар. Мригарининг олди ҳар хил егуликларга тўлиб кетарди.

Аввал овчи бўлган Мригари ҳайрон бўларди: “Нимага донишманд Нарада муни менга шунча егулик юборяпти? Ахир менинг хотинимдан бошқа ҳеч кимим йўқ-ку?” Кейин у ортиқча егуликларни келган одамларга улаша бошлади. Шу тариқа, ҳар куни мунтазам равишда Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш билан машғул бўлиб,

одамларга прасад улашиб, у ҳақиқий вайшнавга айланди. Ҳар куни Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ва одамларга прасад улашиш Кришнани англаш Халқаро жамиятида ҳам йўлга қўйилган. Жаҳондаги ҳар бир эҳромда ҳар куни шундай қиладилар.

Орадан анча вақт ўтди. бир куни Нарада мунинг ўзининг дўсти Парвата мунига шундай деди: “Менинг бир ажойиб шогирдим бор, у аввал овчи бўлган эди. Юр, унинг ишлари қандай эканини кўриб келамиз”. Парвата рози бўлди. Мригари яшаётган жойга яқинлашганларида улар кулбаси олдида Мригари безовталаниб, оёқ учида юрганини кўрдилар. Нарада мунини кўриб, Мригари унинг оёқларига сажда қилмоқчи бўлди. Аввало ҳашаротларга озор бермаслик учун дхотисининг чети билан ерда юрган чумолиларни бир четга супуриб ташлаб, кейин сажда қилди. Авваллари катта-катта хайвонларни чала ўлдириб қийнаб озор бериб юрган овчи Мригари энди ана шундай бўлиб қолган эди. Энди у ҳатто чумолига ҳам озор беришни истамасда. Ҳақиқий вайшнав ана шундай бўлиши керак.

Шундай қилиб, брахман сифатида Ажамила барча тирик мавжудотларга нисбатан меҳрибон ва ўзининг билимдонлиги билан ҳеч қачон мағрурланмас эди. У *аханкара*, сохта ўзлик таъсиридан пок эди. *Аханкара* ибораси “Мен ундай қиламан, мен бундай қиламан!” - деганни билдиради. Биз шундай деб ўйлаганимизда ўзимизни буюк инсон деб ҳисоблай бошлаймиз. Ажамила манман, мағрур эмасди, у бошқаларга ҳасад қилмасди. Ҳозирги пайтда одамлар шунчалик пасткаш бўлиб кетганларки, ҳамма бир бирига ҳасад кўзи билан қарайди. Аммо, Ажамила сингари ҳақиқий брахман ҳасад нима эканини билмайди. Фақат ҳақиқий брахманларга хос фазилатларга эга бўлган ва брахманларга хос ҳаёт кечирадиган одамгина моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқа олади.

Эхтирос чангалида

Бахтга қарши, юкоридаги шеърларда маълум бўлишича, Ажамила брахман деган номга муносиб бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Бир куни, ҳали у ёш йигит пайтида, отаси уни Илоҳларга сиғиниш маросими ўтказиш учун зарур бўлган гуллар ва майсалар олиб келиш учун ўрмонга жўнатди. Уйига қайтаётганида Ажамила бир фоҳиша аёлнинг куппа-кундуз куни бир пасткаш шудранинг кучоғида турганини кўриб қолди. Уларнинг қандай ҳолатда экани шеърда батафсил таърифланган. Авваллари ҳам маст одамлар бўлган,

лекин ҳозирги даврдагидай кўп бўлмаган. Ҳозир, Кали-юга даврида, маст-аласт одамларни ҳар қадамда учратиш мумкин, чунки ҳозирги одамлар уят, ор-номус нималигини билмайдилар. Узоқ ўтмишда, жамиятда фақат маданиятли одамлар яшаган даврларда фоҳиша аёл билан маст кишининг бирга турганининг ўзи намунали брахман бўлган Ажамиланинг йўлдан адашишига сабаб бўлган. Ҳозир биз яшаётган даврда бундай ҳолларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Уларга кўзи тушган шогирд-брахмачарийнинг қандай аҳволга тушишини тасаввур қилиш мумкин. Фақат барча қонун-қоидаларга сўзсиз риоя қиладиган шогирдларгина қатъий брахмачарий бўлиб қолишлари мумкин. Лекин, агар биз қатъий ишонч билан Кришнани англаш таълимотини амалда самимий қўллаб юрсак, ҳар қандай вазиятда ҳам гуноҳ ишлардан ўзимизни тийиб юришга қодир бўламиз.

Бизларнинг жамиятда никоҳдан ташқарида жинсий алоқа билан шуғулланиш, маст қилувчи ичимликлар ичиш, гўшт истеъмол қилиш ва ҳаром йўллар билан ёки қимор ўйнаш билан пул топиш ман қилинган. Кали-югада, айниқса ғарбий давлатларда ярим яланғоч аёлнинг маст эркак билан кўчада бирга туриши одатдаги ҳол, ана шундай манзараларни кўриб юрган одамнинг ўз хиссиётини жиловлаб олиши жуда қийин бўлади. Лекин, Кришнанинг марҳамати билан содиқ ҳамиша ўзининг берган ваъдаларига, муқаддас қасамларига содиқ қолиб, ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрса, Кришна ҳамиша уни адашишдан ҳимоя қилади. Кришнанинг Ўзи ваъда бериб, айтганки: *каунтейа пратиджанихи на ме бхактаҳ пранашиятати* - “Менинг содиқ хизматкорим ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди”. Шунинг учун Кришнани англашга интилиб юрган ҳамма шогирдлар бизнинг кўрсатмаларга қатъий амал қилиб, ҳамиша Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юришлари лозим. Шунда ҳеч нарсадан кўркмасе бўлади. Акс ҳолда шогирднинг аҳволи, айниқса ҳозирги Кали-юга даврида, жуда хатарли бўлади.

Ажамила ёшлигида руҳий ҳаётнинг барча қонун-қоидаларига риоя қилишга ваъда берган. Бу ерда кўриниб турибдики, ҳатто улуғвор фазилатларга эга бўлган одам ҳам йўлдан адашиб кетиши мумкин экан. Ажамиланинг ҳақ йўлдан адашишига унинг ўрмонда дуч келган манзараси сабаб бўлган: пасткаш шудра кундуз куни фоҳиша аёл билан жинсий яқинлик қилиб турарди. Ҳаммага маълумки, эркаклар билан аёллар жинсий алоқа қиладилар, лекин бу ишларни хилватда, одамлар кўзидан йироқда қилиш керак.

Ҳаммининг кўзи олдида одамлар эмас, фақат ҳайвонлар бир бирига яқинлик қиладилар. Жинсий алоқа қилиш учун ҳар хил аёллар билан учрашавериш ҳам оғир гуноҳ. Бу ҳол ҳозирги даврда, айниқса ғарбий давлатларда одатдаги ҳолга айланиб қолган. Ёш қизлар: “Бир йигитнинг бошини айлантираман ва у билан бирга бўламан. Албатта, дарров унга эрга чиқмайман, асло! Аввал у билан бирга бўламан, кейин бошқаси билан. Қачон ўзимга ёқадиганини топсам, шунга эрга чиқишим мумкин”. Фақат бузуқи, фоҳишалар ана шундай фикрлайдилар. Ёш йигитлар ҳам қизларни пойлаб юрадилар. Руҳий илмдан, ҳақиқий маданиятдан маҳрум бўлган ғарбий халқларнинг ёш авлоди ана шундай одамлардан иборат.

Бундай жамиятда, итлар ва мушуклар жамиятида албатта на барқарор тинчлик, на осойишталик бўлиши мумкин эмас. Барча давлат раҳбарлари тинчлик ҳақида бош қотирадилар. Ҳар хил конференциялар чақирилади, ҳар турли резолюциялар қабул қилинади, лекин тинчлик аввал қандай бўлса ҳозир ҳам йўқ, бўлмайди ҳам. Токи жамиятнинг маданияти, жамият тузилиши ўзгармас экан тинчликка эришиб бўлмайди. Бу эса одамлар Парвардигорни англашга киришсаларгина, одамлар Кришнани англаш таълимотига мурожаат қилсаларгина амалга ошади.

Худди одамда бемаъни одатлар бемаъни одамлар билан бирга бўлиш натижасида пайдо бўлгани сингари, ҳаётда Кришна онги билан яшашни ҳам Кришнанинг содиқлари билан бирга бўлиш, улар билан ҳамсуҳбат бўлиш орқали ўрганиш мумкин. "Шримад Бхагаватам"(5.5.2) да Парвардигор Ришабхадева шундай дейди: махат-севам дварам ахур вимуктес тамо-дварам йошитама сангисангам - “Озодликка чиқишга интилаётган одам махатмаларга Худонинг соф содиқларига хизмат қилиши, дўзахга боришга интилаётган одам эса, аёллар ортидан юрган одамлар даврасини излаши лозим”. Ўзларини маданиятли одамлар деб ҳисоблаб юрган замонавий одамлар шахвоний эҳтирос домига тушган, инсон ҳаётининг мақсади, мазмуни билан, Кришна онги билан яшашга, Парвардигорни, Кришнани англашга умуман қизикмайдилар. Улар ўзидан катталарни ҳурмат қилишни истамайдилар. Улар ўзлари истаган жойда - кўчадами, пляждами, кинодами - ҳаром, ифлос ишларга берилиб кетаверадилар. Оммавий ахборот воситаларида берилаётган рекламаларнинг ҳаммаси шахвоний эҳтирос асосида тузилган, чунки бу одамларни ўзига жалб этади. Шу тариқа иймонсиз одамлар ғофил одамларни йўлдан уриб, ҳаммага тўппа-тўғри дўзахга олиб борадиган йўлни кўрсатадилар.

Бир-бири билан кучоклашиб турган фоҳиша ва шудрани кўрганида, Ажамиланинг бутун эзгу фаолияти хазон бўлиб, ниҳоясига этган эди. Улар иккови ҳам маст бўлиб, бир бирларига кўзини сузиб қараб турардилар. Фоҳиша аёл ярим яланғоч эди. Ҳозир аёллар танасининг ярми очиқ қоладиган либосларни кийишни ёқтирадилар, лекин бу аҳмоқона мода. Бундай либослар фақат эркакларнинг шаҳвоний эҳтиросини уйғотади, холос. Маълумки, куркума кукуни ҳам эркакнинг эҳтиросини уйғотади, шунинг учун шудра устига куркума кукунини сепиб олган эди. Шудра ҳам, фоҳиша аёл ҳам гуноҳларга шунчалик ботиб кетган эдиларки, уят, ор-номусни бутунлай унутиб юборгандилар. Теварак атрофда одамлар борлиги уларни бутунлай қизиқтирмас эди. Улар ҳиринглаб кулар, кўшиқ айтар, бир бирига ёпишиб турардилар. Уларнинг ёнидан ўтиб бораётган Ажамила бу ишларнинг барчасини кўзи билан кўришга мажбур бўлган эди.

Ҳозирги даврда бундай нарсалар телевизор экранларида тўлиб ётибди. Шунинг учун ҳозирги ёшларнинг қалбида ҳаёт ҳақида қандай тасаввурлар юзага келишини тахмин қилиш қийин эмас. Ажамила бундай воқеани бир мартагина кўрди ва тўғри йўлдан адашди. Шу тариқа унинг бутун руҳий ҳаёти барбод бўлган эди. У худди яшин ургандай қотиб қолган эди. Одам севги фариштаси Кама домига тушиб қолганида ўзининг барча эзгу фазилатларидан, илмидан маҳрум бўлади. Шунинг учун ҳар бир фаросатли одам ўзини шаҳвоний эҳтирос домига тушган бузуқи, маданиятсиз, аёллар билан ҳеч қандай чегарасиз бирлашиб кетаверадиган одамлар таъсиридан эҳтиёт қилиши керак. Чанакйа пандит шундай дейди: "Ҳиссий лаззатларга муккасидан кетган одамлар билан бирга бўлишдан қочинг. Яхшиси Худонинг содиқлари билан, руҳий юксалишга интилиб юрган одамлар билан бирга бўлишга интилинг!" Шунинг учун ҳам ведавий жамиятда ёш болани беш ёшидан гурукулага - ҳақиқий руҳий устознинг уйига жўнатганлар.

Етарли илмга ва сабр-тоқатга эга бўлмаган одамнинг ўзининг танасини, ақлини ва тафаккурини жиловлаб олиши, шаҳвоний эҳтиросини бошқариши жуда қийин. Шунинг учун фоҳиша аёлни кучоклаб турган шудрани кўрганида, ҳатто билимдон браҳман бўлган Ажамила ҳам, қалбини ларзага солган шаҳвоний эҳтиросни жиловлаб ололмай қолди ва бутунлай унинг чангалига тушиб қолди. Агар одам Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлмаса, агар Худонинг, Унинг содиқ хизматкорининг марҳаматига эришиб, уларнинг паноҳи остига кирган бўлмаса, ўзини бошқариши, дунёвий ҳаётнинг, моддий

табиат гуналарининг таъсирига бардош бериши жуда мушкул.

13. Ажамиланинг бемаъни ҳаёти

Ямадута­лар давом этдилар: “Баъзида, настки сайёра­лар тўсиб қўйган­да Қуёш ва Ой тутилгани сингари, Ажамиланинг тафаккури ҳам бутун­лай хиралашиб қолди. Ажами­ла энди куну-тун ўша фоҳиша аёл ҳақи­да ўй­лай бошлади. Охир-оқибат­да, орадан кўп вақт ўтмай у ўша аёл­ни уйига хиз­мат­кор қилиб олди ва ҳаёт­да бра­ҳман­лар­нинг турмуш тар­зи тақозо қиладиган ҳам­ма бурч-ва­зи­фалардан юз ўгирди. Шу фоҳиша аёл­ни ҳам­иша ўзидан мамнун қилиш учун Ажами­ла отасининг мол-мулк­ини ҳар хил сов­га­лар харид қилиш­га сарф­лай бошлади. Фоҳишанинг хоҳи­ши билан у бра­ҳман­лик ва­зи­фаларини бажариш­дан бутун­лай воз кечди. Фоҳишанинг шаҳ­воний эҳти­рос­га тўла нозу-караш­ма­лари таъ­сири остида бра­ҳман Ажами­ла умуман ақ­ли­ни йўқотиб, гуноҳи-азим­лар­га гарқ бўлиб у билан бир­га яшай бошлади. У ҳат­то ўзининг об­рў­ли бра­ҳман ои­ласидан чиққан, чирой­ли, ёш хотинидан ҳам юз ўгирди. Фоҳиша билан қў­ши­либ, ақл-идрокидан айрилган бу яра­мас, аслида бра­ҳман ои­ласи­да ту­гилган бўлса ҳам, ҳар хил пок ва но­пок йўл­лар билан пул то­пиб, топган пул­ларининг ҳам­масини фоҳиша аёл ту­ғиб берган фар­занд­ларига сарф­лай бошлади. Бу бра­ҳман инсон ҳаётининг ма­з­му­ни, мақсади ҳақи­да ўй­лан­масдан, ўзининг узоқ умрининг ҳам­масини бе­кор­га ха­зон қилди. У муқад­дас китоб­лар­нинг қонун-қои­даларини ҳат­то э­си­га ҳам кел­тир­мас, ўзи хоҳ­ла­ган иш­лар­ни қилиб, фоҳиша тайёр­ла­ган таом билан ов­қат­ланиб яшарди. Шу боис, у гуноҳ­лар­га ботиб, иф­лос, но­пок ва ҳам­иша бе­маъ­ни иш­лар билан маш­ғул бўлиб юрди. Ажами­ла қилган шун­ча гуноҳ­лари оқибатидан пок­лан­ма­ди, бутун умри да­во­ми­да гуноҳ­лар­га тўла ҳаёт кечиргани учун, уни му­но­сиб жа­зо­ла­ш­га ҳукм чиқариш учун биз ҳозир уни Я­ма­раж­нинг ол­ди­га олиб боришимиз керак. У қил­ми­ши­га яраша жа­зо­сини олади ва шу тариқа бар­ча гуноҳ­ларидан пок­лана­ди. (“Шри­мад Бха­га­ва­там”. б. 1. 63-68).

Биз хизмат қилишимиз лозим... лекин кимга?

Аввал ай­тиб ўтган эдикки, Ажами­ла ёшли­гидан бош­лаб, ҳақиқий

брахманлар сингари, ўзининг рухий устозига, отасига, оиласидаги бошқа ёши катталарга ва Парвардигорга сажда қиларди. Лекин, фоҳиша аёл билан қўшилгандан кейин у барча эзгу амалларини тарк этиб, майанинг, алдамчи қувватнинг малаига айланди.

Инсон ҳаётда майянинг, ёки Парвардигорнинг хизматкори бўлиб яшайди. Ўзининг бошланғич, азалий ҳолатида тирик мавжудот - Кришнанинг хизматкори. Парвардигор Чайтанья ҳам буни тасдиқлаган: *живера сварупа хайа - кришнера нитйа даса* - “Азалдан барча тирик мавжудотлар - Кришнанинг хизматкорларидир” (чч.Мадхйа.20.108).бу дунёда ҳар бир одам хўжайин бўлишга интилади, ё ҳамма бир бўлиб, ё ҳар ким ўз ҳолича ўзимизни ишонтиришга ҳаракат қиламиз: “Мен - атрофимдаги ҳамма нарсанинг хўжайиниман”. Лекин бундай фикрларнинг барчаси - алданиш таъсири остидаги бемаъни, бефойда гаплар, чунки ўзимизнинг табиатимизга кўра бизлар барчамиз - хизматкорлармиз. Кришнага сиғиниш ўрнига бизлар ўзимизнинг ҳиссиётимизга хизмат қиляпмиз. Барибир, кимга хизмат қилсак ҳам барибир биз хизматкор бўлиб қоляпмиз. Шунинг учун фаросатли одам шундай фикр юритади: “Агар мен барибир кимгадир хизмат қилишга мажбур бўлсам, нимага энди Кришнага хизмат қилмаслигим керак?” Фақат Худонинг содиқларини, Кришна онги билан яшаётган одамни рухий жиҳатдан соғлом одам деб ҳисоблаш мумкин, чунки у ўзининг аслида Кришнанинг мангу хизматкори эканини тушунади.

Ведалар маданиятининг асосий мақсади одамларни Парвардигор Кришнага сажда қилишни ўргатишдан иборат, лекин баъзи чаласавод ведантистлар буни тан олгилари келмайди. Улар қайсидир фариштага сиғинадилар ва ҳар бир одам фаришталардан ўзи истаган бирорта фариштага сиғиниши мумкин, деб ўйлайди. Йўқ, мутлоқо бундай эмас! Ахир фаришталарга ҳатто иблис, асурлар ҳам сажда қиладилар-ку. Равана Тангри Шиванинг буюк содиқ хизматкори эди, Хираньякашипу эса Тангри Браҳманинг содиғи бўлган. Лекин уларнинг иккови ҳам асур. Парвардигор Вишнунинг содиқ хизматкори бўлмаган ҳар бир одам асур ҳисобланади. Ведаларнинг чиқарган хулосаси шундан иборат. Ажамила брахман эди, демак у Парвардигор Нарайананинг хизматкори, яъни вайшнав бўлган.

Парвардигор Кришна - олий ҳукмдор ва олий лаззатланувчи эканини ҳамда қолган барча тирик мавжудотлар - Унинг хизматкорлари эканини англаб етган одамни вайшнав деб атайдилар. Худди хўжайин, ҳукмдор одам ўз мулкининг барча фойдалари, саодатларидан роҳатланиб, лаззатлангани сингари, Парвардигор

Кришна ҳам бутун борлиқдаги, ҳам руҳий, ҳам моддий оламдаги барча тирик мавжудот ва нарсалардан лаззатланиб яшайди. Ким бўлишидан қатъий назар Парвардигор Кришнадан бошқа ҳеч ким бирор нарсадан лаззатлана олмайди.

Бизлар аслида Кришнанинг мангу хизматкорлари эканимизни унутиб, биз ўзимизнинг шахсий ҳиссиётимизга хизмат қиламиз. Сезгиларимиз, ҳиссиётимиз алдовига учиб, уларга эргашиб, алданиш зулматига ғарқ бўламиз ва охир-оқибатда Азроилнинг олдида савол-жавобга бориб қоламиз. Баъзан биз қалбимиздан чиқаётган виждон овозини эшитиб қоламиз: “Бундай қилма!” Лекин унинг овозига эътибор бермасдан, нафсимизга ва эҳтиросимизга бўйсуниб, қилиш лозим бўлмаган ишни қиламиз. Кришна бизнинг қалбимизда бўлгани учун бизни огоҳлантиради: “Тўхта!” лекин биз Унга қулоқ солмаймиз ва гуноҳ қилишда давом этамиз. Ҳиссиётимизнинг талабини бажариш билан биз ўзимизни оғир азоб-уқубатларга мубтало этамиз. Агар биз барибир кимгадир хизмат қилишга мажбур бўлсак, нимага энди Кришнага хизмат қилмаймиз? Барибир ҳеч қачон тўйдириб бўлмайдиган нафсимизга, ҳиссиётимизга хизмат қилишдан нима фойда? Парвардигорга хизмат қилиш натижасида биз камолотга эришамиз. Ҳиссиётларимизга хизмат қилиш натижасида эса азоб-уқубатларга маҳкум бўламиз.

Кришнанинг содиқ хизматкори бўлган одамни госвами, “ҳиссиётининг хўжайини” деб атайдилар. Худонинг амрини бажариб юриш учун ҳиссиётининг, нафсининг, сезги аъзоларининг талабларини қондириб яшашни тарк этган одамни ана шундай госвами деб атайдилар. Рупа Госвами ва Санатана Госвами ҳаётда айнан шундай яшаганлар. Госвами - одамнинг қайси оилада туғилганига қараб бериладиган унвон эмас. аввалига Рупа Госвами мусулмон давлатида вазир лавозимида ишлаган, шу сабабли инду-браҳманлар табақасидаги мартабасидан маҳрум бўлган эди. Аммо, у Набоб-Хусайн Шоҳ саройида ишлашни тарк этиб, Чайтанйа Махапрабхунинг амрини бажара бошлаганида, Парвардигор уни Госвами мартабасига кўтарди.

Ҳар бир ҳақиқий госвами айна пайтда вайраги: таркидунё қилган одам ҳамдир. Таркидунё қилиб яшай олмайдиган одам грихастха бўлиши яъни оила қуриши керак. Бошқаларнинг кўзига саннийаси ёки брахмачари бўлиб кўриниб, яширин ҳолда жинсий ҳаёт кечириш энг оғир гуноҳ. Агар оилали одам карма-йога билан шуғулланиб юрса, яъни ҳалол ишлаб топган пуллари билан Парвардигор Кришнага сигиниб юрган бўлса, у аста-секин ҳақиқий таркидунёлик билан яшаш

поғонасига кўтарилади. У натижасидан лаззатланиш учун эмас, балки ўзининг Кришна олдидаги бурчини бажариш учун ишлаши лозим. “Кришна шуни истаяпти, агар мен шу ишни қилсам Кришна мендан хурсанд бўлади” - ҳақиқий содиқ ана шундай ўйлайди. Аржун ўз манфаати учун жанг қилишни истамаган эди, лекин, Кришна унинг жанг қилишини истаётганини англаб етган заҳоти, жанг қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билди: “Мен истайманми, истамайманми, албатта жангда иштирок этишим керак. Агар Кришна мендан шуни истаётган бўлса, мен албатта жанг қиламан!” таркидунё қилган содиқ хизматкор шундай фикрлайди.

«Бхагавад-гита»(18.66) Парвардигор Кришна Аржунга шундай насиҳат беради: “Менга ўз ихтиёрингни топшир, Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман!” Аржун Кришнанинг насиҳатларини ишонч билан қабул қилади: “Мен сен айтгандай қиламан!”(18.73). Агар биз ҳам Аржундан ўрناк олиб, унинг изидан борсак, Кришна бизларни Ўзининг ҳимояси остига олади, шунда биз ҳам моддий, ҳам руҳий ҳаётда ҳар қандай қийинчиликларни енга оламиз. Биз Кришнанинг кўрсатмаларини, насиҳатларини руҳий устозлар силсиласи гуру-парампара орқали руҳий устоздан оламиз. Ана шу насиҳатларни ҳаётда қўллаш учун қабул қилиш шиша - ўз хоҳиши билан руҳий устозга ўз ихтиёрини топшириш деб аталади. Мустақилликка интилиш туйғуси бизни бошқаларнинг, хатто моддий иллатлардан пок одамларнинг ҳам насиҳатларини инкор этишга мажбур қилади. Лекин одам руҳий устознинг кўрсатмаларини ўз хоҳиши билан бажара бошлаганида, айна пайтда у Парвардигор Кришнанинг кўрсатмаларини бажараётган бўлади, яъни у комил инсон ҳаёти билан яшаётган бўлади.

"Шримад Бхагаватам"(11.17.27)да Парвардигор Кришна шундай дейди:

*ачарйам мам виджанийан наваманийета кархичит
на мартйа-буддхйасуйета сарва-дева-майо гурух*

“Билиб қўйиш керакки, ачарйа - Мен Ўзимман, шунинг учун ҳамиша уни эъзозлаш лозим. Ҳеч қачон ачарйага ҳасад қилма, уни оддий одам деб ўйлама, чунки руҳий устоз барча фаришталарнинг вакилидир”. Агар шогирд руҳий устозни оддий одам деб ўйласа, унга ҳасад қилса, у албатта йўлдан адашиб, тубанликка юз тугади. Худога садоқат билан хизмат қилишга кириша олиш учун гуру раҳбарлиги остида тайёргарликдан ўтиш лозим: унга ўз ихтиёрини топшириб, саволлар бериш, унинг хизматини қилиш лозим. Лекин, руҳий устозга ҳасад қиладиган одам ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қила

олмайди.

Ҳалокатли шахвоний эҳтирос ва Худонинг муқаддас номлари

Гарчи Ажамила юқори мартабали брахман бўлса ҳам, бузуқи аёл билан кўшилиши оқибатида шу қадар тубанликка юз тутдики, ўзининг барча брахманлик вазифаларини эсидан чиқариб юборди. Лекин у, гуноҳлари учун тақдирига муқаррар битилган даҳшатли азобдан - дўзахга тушишдан кутулиб қолди, чунки ажали етган пайтда Парвардигорнинг тўрт бўғинли муқаддас номи “Нарайана” тилга олган эди. Св-алпам апи асйа дхармасйа трайате махато бхайат: “Худога садоқат билан хизмат қилишда қилинган озгина амал ҳам инсонни энг катта ҳалокатдан сақлаб қолишга қодир”. Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан бошланадиган жуда қудратли кучга эга: ҳақ йўлдан адашиб, оғир гуноҳлар қилган брахман ҳам агар қандайдир йўллар билан Худонинг муқаддас номларини тилига олса дўзахга тушиб азобланиш қисматидан озод бўлиши мумкин. Худонинг муқаддас номларининг қудрати мўъжизавий даражада қудратли. Шунинг учун Парвардигор Кришна «Бҳагавад-гита»да тақрор ва тақрор Худонинг муқаддас номларини зикр қилишни тавсия этади(*сататам киртайанто мам йатанташ ча дридха-вратах*).

Моддий оламда ҳар қадамда бизни хавф-хатар кутиб турибди, қандай юқори мартаба эгаллаб турганидан қатъий назар, йўлдан адашишдан, тубанликка кулашдан қафолотланмаган. Лекин, Ҳаре Кришна маха-мантрасини зикр қилиш билан биз ҳамини пок ва ҳар қандай хавф-хатарлардан ишонарли ҳимояланган ҳолатда қоламиз. Фоҳиша билан кўшилиб, Ажамила мана шу ҳимояни эсидан чиқарди ва ўзининг барча брахманлик фазилатларидан маҳрум бўлди. Унинг учун айниқса фоҳиша тайёрлаган таомлар кўпроқ ҳалокат келтирган эди. Ифлос, бузуқи аёл пиширган таом - Худонинг содиқ хизматкори учун ҳақиқий заҳардир. Ажамила ана шундай таомдан ерди, натижада унда бемаъни хулқ-атворлар тобора кўпайиб борарди.

Бу шеърларда яна айтилганки, Ажамила отасининг мол-дунёсини талон-тарож қила бошлади. Одатда ота ўлгандан кейин унинг мол-дунёси мерос сифатида унинг ўғилларига ўтади, Ажамила ҳам отасининг мулкига эга бўлган эди. Аммо, у отасининг мулкидан қандай фойдаланди? Отасининг мол-дунёсини Кришнага хизмат қилишга сарфлаш ўрнига у уларни фоҳишага хизмат қилишга сарфлади. Шу гуноҳлари учун у албатта жазо олиши лозим бўлиб,

Азроил дўзахда уни жазолаши керак эди. Нимага бундай бўлди? Ажамила ана шу фоҳиша аёлнинг шахвоний эхтирос билан заҳарланган биргина нигоҳининг қурбони бўлган эди.

Фақат покдомон ва садоқатли хотин ўлган аждодлари олдидаги ўз бурчини бажарадиган, агар улар дўзахга тушган бўлса, қутқара оладиган ўғил фарзандлар туғишга кодир бўлади. *Путра*(ўғил) иборасининг ўзи “аждодларини дўзахдан қутқара олишга кодир” деган маънони англатади. Шри Чайтанья Махапрабху Гаяга бориб, аждодларига қурбонлик эҳсон қилишга бориб, буни Ўз мисолида тасдиқлаб, исботлаб берган. Гая шахрида Парвардигор Вишнунинг эҳроми бор. У ерда ҳали ҳозиргача аждодларга аввало Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойига таклиф этилган эҳсон(*прасадам*) таклиф этадилар. Бу ерда отаси ёки онаси ажина-арвоҳ танасида юрган одамлар Гаяга бориб шундай прасаддан аждодларига тақдим этгандан кейин ота-оналари ана шундай таналардан қутулганига жуда кўп аниқ мисоллар бўлиб туради. Лекин вайшнава бўлиб, Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ўзининг ҳар бир ҳаракати билан минглаб аждодларини дўзах азобидан, ҳар хил қийинчиликлардан халос этади. Ҳатто оилада, авлодда биргина фарзанд ҳақиқий вайшнава бўлса, у бутун авлодидаги ўн тўрт орқа аждодларини ва ўн тўрт орқа авлодларини дўзах азобидан қутқаради. "Шримад Бхагаватам"да шундай деб аниқ ёзилган.

Ҳиссиётларни жиловлаш - ҳаётда тақводор бўлиб яшаш учун қўйилган биринчи қадамдир, ноқонуний жинсий алоқа эса, тубанликка юз тутиш, гуноҳи азимларга ботиш учун қўйилган биринчи қадамдир. Инсон таъқиқланган йўллар билан жинсий алоқа қилмаслиги керак. Муқаддас китобларда инсонга ўзининг никоҳидаги хотини билан фақат фарзанд кўриш ниятидагина жинсий алоқа қилиш рухсат этилган. Одамлар зурёд қолдириш учун жинсий алоқа қилиши керак, шунинг учун Худонинг қонунларида унга рухсат этилган. «Бхагавад-гита»(7.11) Парвардигор Кришна шундай дейди: *дхармавируддхо бхутешу камо сми* - “Мен Худонинг қонунларига зид бўлмаган жинсий алоқаман!” - дейди. Чайтанья Махапрабхунинг Шивананда Сена деган оилали шогирди бор эди. Ҳар йили Шивананда Пурига Чайтанья Махапрабхуни зиёрат қилгани борар эди. У ҳар гал хотини ва болалари билан бирга келарди, бир куни унинг хотини сажда қилиш учун Парвардигорга яқин келганида, Парвардигор Чайтанья унинг ҳомиладор эканини сезиб қолди. Шунда Чайтанья Махапрабху Шиванандага юзланиб, “Бу гал ўғлингнинг

исмини Парамананда дас кўй!” деди. Чайтанья Махапрабху унинг хотинининг ҳомиладорлиги жинсий алоқа натижаси эканини албатта биларди, лекин бу алоқа Худонинг қонунлари асосида бўлгани учун У бунга эътироз билдирмади.

Чайтанья Махапрабхунинг содиқларнинг аёллар билан алоқасига муносабати ҳақида кичик Харидас билан бўлиб ўтган яна бир ҳодисани эслаш мумкин. У таркидунё қилган саннийаси эди, Чайтанья Махапрабху уни ўзига жуда яқин тутарди. Бир куни шу Харидас бир ёш жувонга эҳтирос билан қараб кўйди. Ҳар кимнинг қалбида Параматма қиёфасида мавжуд бўлган Чайтанья Махапрабху унинг шу аёлга жинсий алоқа қилиш истаги билан нигоҳ ташлаганини дарров сездди. Бу шунчаки жинсий алоқа қилиш истаги бўлса ҳам, Чайтанья Махапрабху бошқа содиқлар орқали Харидас энди бутунлай кўзига кўринмаслигини талаб қилди. Сарвабхаума Бхаттачарья, Рамананда Рай ва Чайтанья Махапрабхунинг бошқа ҳамроҳлари Ундан Харидасни кечиришни илтижо қилиб шунча ялиндилар: “Кичик Харидас Сенинг мангу хизматкоринг. У билмасдан гуноҳ қилиб кўйди, уни кечир!” Аммо, Парвардигор Чайтанья Ўзининг қарорини мутлақо ўзгартирмади: “Агар сизлар кичик Харидасни шунчалик яхши кўрсанглар, у билан қолаверинглар, Мен эса кетаман!” шундан кейин бошқа ҳеч ким Ундан Харидасни кечиришни илтимос қилишга ботинолмади. Харитас эса, Чайтанья Махапрабхунинг кечиришидан биратўла умидини узиб, Праягга кетиб, у ерда Ганга ва Ямуна бирга кўшиладиган жойда сувга ғарк бўлди.

Гарчи Чайтанья Махапрабху бу ҳақда билса ҳам, анча вақт ўтгандан кейин ҳамроҳларидан сўради: “Кичик Харидас қаерда?”

Улар: “Эй азиз Худойим, Сен ундан юз ўғирдинг, шунинг учун у ўзини сувга ташлаб ғарк бўлди”.

“Йўғ-е? Жуда яхши!” - деди Парвардигор Чайтанья Махапрабху. Чайтанья Махапрабху баъзида тошдан қаттиқ, баъзида гулдай нозик эди. Худонинг Олий Шахсининг англаб бўлмайдиган ишлари ана шундай. Шивананда ҳақиқий грихастха эди: у ҳамиша оилавий ҳаёт ҳақидаги ҳақиқий дин қонунлари асосида иш кўрарди. Харидас эса, таркидунё қилган одам эди, шунинг учун аёл билан жинсий алоқа қилиш ҳақида ўйлаши биланоқ Парвардигор ундан юз ўғирди. Саннийаси одам оиласини тарк этади ва жинсий ҳаётдан бутунлай юз ўгиришга қасам ичади. Ана шу муқаддас қасамни бузса, у жуда оғир гуноҳ содир қилган бўлади.

Шундай қилиб, фоҳиша аёл билан алоқаси Ажамиланинг рухий

хаётини бутунлай барбод қилди. Инсоният тарихида ҳатто энг пок одамлар ҳам қандайдир бузуқи аёлларга эришиш учун ўзининг бутун мол-дунёсини шамолга совурган. Бузуқи, ифлос аёлларга интилиш қанчалик жирканчли! Шундай аёлларга ўралашиб қолган эркак киши барча яхши фазилатларидан маҳрум бўлади, тубанликка юз тутуди ва бор мол-дунёсидан маҳрум бўлади. Шунинг учун никоҳдан ташқаридаги аёллар билан бўладиган ҳар қандай алоқаларга бутунлай, биратўла чек қўйиш керак. Эркак одам ўзининг никоҳидаги қонуний хотини билан қаноатланиши керак, мана шу қоидадан салгина четга чиқиш ҳам катта бахтсизликларга олиб келиши мумкин. Кришна онги билан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган грихастха буни ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак. У бошқа аёлларга кўз тикмасдан, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб Худога садоқат билан хизмат қилишдан мамнун бўлиб, ўзининг хотини билан тинч-тотув яшаши керак. Акс ҳолда у бир пасда ўзининг барча эзгу фазилатларидан маҳрум бўлиши ва Ажамиллага ўхшаб йўлдан адашиб, тубанликка юз тутиши мумкин.

Ажамиланинг қандай гуноҳларга ботган одам эканини билган ямадуталар уни Азроилнинг олдига олиб боришга вишнудуталарнинг тўсқинлик қилаётганидан ҳайрон бўлдилар. У гуноҳларидан покланмаган эди, шу боис жазоланиб покланиши учун Азроилнинг олдига савол-жавобга бориши лозим эди. Қотиллик қилган одамни ўлимга маҳқум қилиш керак, акс ҳолда у ўлганидан кейин шу гуноҳи учун узоқ вақт оғир жазоланади. Худди шундай, жуда кўп гуноҳ ишлар қилган одам ҳам Азроилнинг ҳукми билан жазоланиши ва шу билан гуноҳларидан покланиши керак. Шунинг учун ямадуталар Ажамилани Азроилнинг олдига олиб боришга вишнудуталар тўсқинлик қилмаслиги кераклигини айтдилар.

14. Ҳукмдорлар алдовига учганлар

Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, мантиқ ва баҳслашишида Худованд Вишнунинг содиқ хизматкорларига ҳеч ким тенг келолмайди. Улар Ямадуталарнинг гапларини тинглаб туриб, уларнинг барча далилларига муносиб жавоб бердилар.

Вишнудуталар шундай деди: - Минг афсуски, дин қонунларини ҳимоя қиладиган зотлар орасида ҳам худосизлик авж олиб кетибди.

Мана, Худонинг қонунларини ҳимоя қиладиган зотларнинг ўзлари беғуноҳ бир бечорани жазолашга қўл уряптилар. Яхши шоҳ ёки ҳукмдор ўзининг фуқаролари учун сеvimли ота, ишончли таянч ва ҳимоячи бўлиши лозим. У фуқароларига муқаддас китоблар асосида насиҳат ва кўрсатмалар бериши ва ҳаммага бирдай адолатли бўлиши лозим. Олий адолатли ҳакам бўлган Азроил ва унинг издоши бўлган ҳар бир зот шундай қилади. Лекин, агар беғуноҳ одамларни жазолаб, улар ўзлари гуноҳ ишга қўл урсалар, одамлар ўзларига ҳимоя ва адолат излаб қаерга борадилар, кимга мурожаат қиладилар? Халқ ҳамини ўз йўлбошчиларидан ўрнак олади ва ҳар бир ишда уларнинг изидан боради. Йўлбошчилар нима деса, халқ уларнинг айтганини ҳақиқат деб қабул қилаверади. Оддий одамлар худосизликни тақводорликдан ажрата олмайдилар. Содда, бефаросат одамлар худди, хўжайинининг албатта ҳимоя қилишига ишониб, унинг оёғисига бошини қўйиб, беташиши ухлаб ётадиган беозор ҳайвонга ўхшайдилар. Шундай экан, ҳақиқатан ҳам ўзини яхши ва ишончли хўжайин деб ҳисоблайдиган ҳукмдор, ўзига самимий ишониб юрган ақсиз, содда одамни жазолашга ёки ўлдиришига ҳаққи борми? ("Шримад Бхагаватам". 6.2.1-6).

Мантиқ ва соғлом фикр

Парвардигорнинг ҳақиқий содиқларига муносиб ҳолда вишнудуталар мантиқ ва соғлом фикрга асосланиб иш тутган эдилар. Парвардигор Кришнанинг одамларга бериб қўйган насиҳатлари қандайдир маъно, мазмунсиз уйдирма гаплар эмас. Ҳар хил диний таълимотлар ҳақиқатан ҳам кўп ҳолларда ҳар хил догма(уйдирма гаплар)ни келтириб чиқаради, аммо " Шри Чайтанья Чаритамрита"нинг муаллифи Шрила Кришнадаас Кавираджа Шри Чайтанья Махапрабхунинг таълимотини ва Кришнани англаш фалсафасини мантиқ ва соғлом фикрга асосланиб, чуқур мулоҳаза қилиб кўришни таклиф этади. Ҳар қандай таълимотга ҳам кўр-кўрона, қандайдир туйғуларга асосланиб эргашиб кетавермаслик керак. Қаллоб ва фирибгарлар ундай енгилтак одамларни дарров алдаб, адаштириб, нотўғри йўлга солиб кетадилар. Баъзи бир чаласавод фирибгар тарғиботчилар “одам машқ қилиш ёрдамида Худо бўла олади” деб одамларни йўлдан уриб юрибдилар, миллионлаган содда одамлар уларнинг гапига ишониб, уларга эргашиб юрибдилар. Наҳотки бунинг иложи бўлса? Бирор марта одамнинг Худо бўлганини

эшитганмисизлар? Бундай тутуруксиз гаплар мантикка тўғри келмайди. Кришнани англаш таълимотини, унинг фалсафасини англаб етиш учун фаросатли одам ўзининг тафаккурига таяниши керак.

Лекин, агар биз тўлиқ иймон, ишонч билан шу фалсафани қабул қилган ва ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олган бўлсак, энди биз у билан баҳслашмаслигимиз ёки уни синамаслигимиз лозим, чунки бундай амаллар руҳий устозни ҳақорат қилиш ҳисобланади ва шогирдни руҳий тубанликка қулашга олиб келади.

Ҳукмдорларнинг бурчи

Вишнудуталар ямадуталарни Ажамилани Азроилнинг олдига олиб боришга уриниб, улар ҳақиқий дин қонунларини бузганликда айбладилар. Парвардигор Азроилга ҳақиқий дин нима-ю, иймонсизлик, худосизлик нима эканини аниқлаш ва худосизларни жазолаш ишларини ишониб топшириб қўйибди. Лекин, у мутлақо бегуноҳ одамларни жазолай бошласа, у ўзини ҳам, ўзининг барча мулозимларини ҳам беобрў қилган бўлади. Дунёвий жамиятда одамлар устидан ҳукм чиқарадиганларга ҳам бу гаплар бирдай тааллуқли.

Инсонлар жамиятида дин қонунларини шоҳнинг амр-фармонлари ёки ҳукумат қонунлари ҳимоя қилиши лозим. Аммо, минг афсуски, Кали-юга даврида ҳақиқий дин қоидалари ҳамма ерда бузиб талқин қилинади, натижада дунёвий ҳукмдорлар кимни жазолаш керагу, кимни мукофотлаш лозимлигини тўғри аниқлай олмайдилар. Муқаддас китобларда айтилганки, Кали-юга даврида чўнтагида пули бўлмаган одам судда адолатдан умид қилмаса ҳам бўлади. Ҳозирги даврда суд ишини ўз фойдасига ҳал этиш учун судьяларга пора бериш одат тусига кириб қолган. Кали-югада ҳатто бутун инсониятнинг бахт-саодати учун одамларга ҳақиқат илмини ўргатиб юрган диндор одамларни ҳам таъқиб қилиш, қамоқхоналарга ташлаш ҳоллари ҳам учраб туради. Вишнудуталар барчага бирдай ҳамдард бўлган вайшнав бўлгани учун ҳозирги даврнинг ана шундай нуқсонлари ҳақида ачиниб гапиряптилар. Барча адашган руҳларга ҳамдардлик билдириб, уларга ачинганидан вайшнавлар одамларга Парвардигор ҳақидаги илмни ўргатишга, ҳақиқат илмини тарғибот қилишга чиқадилар, аммо, Кали-юганинг захарли таъсири остида, бутун умрини Худони шарафлашга бағишлаган ана шундай беозор

одамларни жамоат тартибини бузганликда ноҳақдан айблаб, ҳар хил таъйиқлар ўтказадилар. Кали-юга - ҳар томонлама жуда оғир замон. Бу даврда ягона нажот йўли - Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиб, ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Вишнудуталар ямадуталарни адолатқонунларини бузишда айбладилар. Ҳозирги даврда, Кали-югада судяларнинг сотқин, адолатсизлиги - одатдаги ҳол. Суд давлат қонунларини ҳимоя қилиши лозим. Аммо бунга авж олган сохта гувоҳлик бериш ва порахўрлик ҳоллари халакит беради. Пули кўп одам суднинг ишини ўз фойдасига ҳал этишга судяни мажбур қила олади. Ҳатто судда ҳам адолатни топиш қийин бўлиб қолганда, ҳаётда яшаш жуда қийин бўлиб қолади. Худди ота-оналар ўз фарзандларини ҳимоя қилганидай, ҳукумат ҳам ўзининг фуқароларини ҳимоя қилиши лозим. Ёш бола бутунлай ота-онасига ишонади: “Отам бор, онам бор, мен учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ!” Аммо ота-оналар ўз бурчини бажармай кўйса, фарзандларини ҳимоя қилмаса, уларни ким ҳимоя қилади? Агар ҳукумат ўз фуқароларини ҳимоя қилмаса, улар кимдан, қаердан ҳимоя изласин?

Ҳукумат тепасида турган раҳбарлар нима иш қилсалар, халқ улардан ўрнак оладилар. Шоҳ - ўз фуқароларининг отаси ҳисобланади. Фарзандларини уриб қийнаётганига, ўлдираётганига бирор ота чидаб туролмайди. У фарзандини ҳимоя қилиш учун ўз жонини беришга тайёр. Аммо биз яшаётган замонда фуқароларни жиноятчилардан ҳеч ким ҳимоя қилмайди. Ҳукумат жиноятчиликка қарши миллирдлаб доллар сарфлайди, аммо фуқаролар аввалгидай ўзларини хавф-хатарсиз ҳис қила олмайдилар. Ҳукумат ўз фуқароларининг олдида жавобгардир: у фуқароларни ҳимоя қилиши, уларнинг эҳтиёжларини қондириши лозим. Агар ҳукумат чотқин ва ўз бурчини бажаришга қодир бўлмаса, фуқаролар нима қилиши керак?

Шоҳ ёки ҳукумат ўзининг фуқароларига инсон умрининг мазмуни ва мақсади нимадан иборат эканини тушунтириб, уларга ғамхўрлик қилиши лозим. Инсон ҳаётининг асосий мақсади - руҳий ўзлигини, Парвардигорни, У билан ўзаро муносабатини англаб етишдан иборат. Бундай имконият фақат инсонларга берилган, ҳайвонлар бундай имкониятдан маҳрум. Шунинг учун ўзининг фуқароларига шундай таълим-тарбия бериши лозимки, токи жамиятдаги ҳар бир инсон ўз умрининг асосий мақсадига эришсин - руҳий ўзлигини ва Парвардигор билан ўзаро муносабатларини англаб

етсин. Аввалги буюк шоҳлар ана шундай йўл тутганлар: Махараж Юдхитхир, Махараж Парикшит, Парвардигор Рамачандра, Махараж Амбариша, Прахлад Махараж ва бошқалар.

Ҳукумат тепасида турган шоҳ бенуксон пок, ҳалол бўлиши ва Парвардигорнинг қонунларига қатъий риоя қилиши лозим, акс ҳолда давлатда тартиб ўрнатиб бўлмайди. Афсуски ҳозирги даврда демократия ниқоби остида ҳар хил қаллоб ва ўғрилар юқори ҳукумат лавозимига номзодликка ўзлари сингари фирибгар одамларни тавсия қиладилар. Бунга яққол мисол -яқинда Америкада бўлиб ўтган сиёсий жанжал - жамоатчилик президентни қоралаб, уни лавозимидан олиб ташлашни талаб қилди. Бундай ҳоллар тез-тез учраб туради. Кали-юга даврида одамлар ҳимоясиз қолган. Ҳуқмдорларни заҳарлаб қўйган коррупция сабабли улар ҳамиша ўзларининг мол-мулкидан, ҳаётидан хавфсираб юрадилар. Ҳукумат ўзининг фуқаролари ҳақида шундай қайғуриши лозимки, улар ҳамиша ўзларини ишончли ҳимояланган сезишлари, ҳеч нарсадан хавфсирамаслиги лозим. Ҳар сиёсий ўйинларга берилиб, ҳукумат раҳбарлари фуқароларнинг ишончини суистеъмол қилиб, уларни ҳар хил мусибатларга ташлаб қўйиши жуда ачинарли аҳволдир. Ҳиндистонни бўлиш пайтида ҳукумат раҳбарлари оарсидаги можаролар сабабли индуслар ва мусулмонлар орасида жанжал келиб чиққанига мен ўзим гувоҳ бўлганман: шунча асрлардан бери ёнма-ён тинч-тотув яшаб келган одамлар бирданига бир бирларини ўлдирга бошлашди. Кали-юга ана шундай.

Кали-юганинг яна бир белгиси - беозор ҳайвонларни оммавий равишда яқсон қилиш. Ҳозирги даврда бечора ҳайвонларни ёшлигидан меҳр билан парваришлайдилар, улар ўзларининг хўжайинлари уларни ҳимоя қилишига жуда ишониб қоладилар, аммо етарли семирган заҳоти эгаси уларни қассобларга бериб юборади. Вишнудуталар ва барча вайшнавлар ана шундай ёвузликни қоралайдилар. Аввалроқ "Шримад Бхагаватам"да бошқа тирик мавжудотларга азоб берадиган одамларни келажакда жазо кутиб тургани ҳақида гап борган эди. Хоҳ у инсон бўлсин, хоҳ ҳайвон бўлсин, ўзига ишонган бошқа бир тирик мавжудотнинг ишончини оқламаган киши оғир гуноҳ иш қилган бўлади. Ҳозирги даврда ҳукумат ана шундай ёвузликларга панжа орасидан қараяпти, шу боис бутун инсоният гуноҳи азимларга ботиб кетган. *Мандаҳ суманда-матайю манда-бхагйя хи упадрутаҳ.* Кали-югада одамлар жуда гуноҳкор бўлгани сабабли улар ярамас, укүвсиз(*мандаҳ*), ақли бузилган(*суманда-матайаҳ*), ҳар хил мусибатларга дучор(*манда-бхагйяҳ*) ва тинчлик, хотиржамик нималигини билмайдилар.

Уларнинг ҳозирги ҳаёти ана шундай азоб-уқубатда ўтади, кейинги ҳаётида эса дўзах азоблари кутиб турибди.

Ажамилла жазо олмаслиги керак эди, лекин барибир ямадутапар уни Азроилнинг олдига савол-жавобга олиб бормоқчи эдилар. Бу ҳол ҳақиқий дин қонунларини бузиш - адҳарма бўларди. Вишнудутапар агар бундай ҳолнинг олди олинмаса, бутун инсониятни бошқариш қонун-қоидаларининг асосига болта урилган бўлади, деб ҳисобладилар.

Ҳозир Кришнани англаш Халқаро жамияти инсониятга инсонлар жамиятини бошқаришнинг ҳақиқий қонун-қоидаларини ўрнатишни таклиф этипти, аммо, бахтга қарши Кали-югадаги ҳукумат раҳбарлари бизнинг бу ҳаракатнинг одамларга, бутун инсониятга аниқ келтирадиган бахт-саодатини кўришга, муносиб кадрлай олишга қодир эмаслар, шу боис улар бизни қўллаб-қувватлашга шошилмаяптилар. Кришнани англаш Халқаро ҳаракати ҳақиқатан ҳам бутун инсониятни гуноҳлар, нуқсонлар иллатидан бутунлай халос қилишга қодир, шунинг учун давлат раҳбарлари бутун жаҳонда уни ҳар томонлама қўллаб қувватлашлари лозим.

15. Гуноҳларни ювиш

Ажамилла ўзининг барча қилмишларидан аллақачон покланиб бўлди. У нафақат ўзининг ҳозирги ҳаётида, ҳатто бундан аввал яшаган миллионлаган умрлари давомида қилган гуноҳларидан ҳам бутунлай покланди, чунки у муқаддас Нараяна номини қўрқинчли ҳаяжон билан, саросимага тушиб тилига олди. Гарчи унинг ҳаёлидаги фикрлари нопок бўлса ҳам, барибир у муқаддас номни ҳеч қандай ҳақоратсиз зикр қилди, шунинг учун, у энди бутунлай пок ва озодликка чиқишга муносиб зотга айланди. Авваллари, Ажамилла ўглини овқатланиш ёки бошқа нарса учун чақирганида, "Бу ёққа кел, менинг Нараянам!" - деб чақирарди. У ўзи билмаган ҳолда муқаддас номнинг тўрт бўғинини аниқ талаффуз қиларди(на-ра-я-на) ва шуларнинг шарофати билан жуда кўп умрлар давомида қилган гуноҳларидан покланарди. Парвардигор Вишнунинг муқаддас номларини зикр қилиш - олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаш, ароқ ичиш, дўстига ёки қариндошига хиёнат қилиш,

браҳманни ўлдириш, устозининг ёки ўзи ҳурмат қилиши лозим бўлган ҳар қандай одамнинг хотинига кўз тикиш сингари гуноҳлардан қутулишининг энг тўғри йўлидир. Аёл зотини, шохни, отасини ёки сизирни ўлдириб қўйган ёки бошқа ҳар қандай гуноҳ иш қилган одамнинг тавба қилиб, гуноҳидан покланиши учун энг яхши йўл мана шу. Гуноҳкор одам муқаддас номни тилига олиши билан Парвардигор унга эътибор беради ва шундай деб ўйлайди: -"У Менинг номимни айтяпти, шунинг учун Мен уни ҳимоя қилишим керак!" ("Шримад Бхагаватам"(6.2.7-10).

Барча гуноҳлардан покланиш

Вишнудуталар айтяптиларки, ямадуталар кимни жазолаш керагу кимни жазоламаслик кераклигини билмайдилар. Одатда ямадуталар гуноҳкорларни олиб кетгани келишлари лозим, аммо бу гал улар адашиб, Ажамилани олиб кетгани келдилар. У эса Худонинг муқаддас номини зикр қилган пайтидаёқ ҳамма гуноҳларидан покланган эди. Вишнудуталар ямадуталарга эътироз билдириб, дашном қила бошладилар: “Сизлар ким жазо олиши керак, ким жазо олмаслигини билмайсизлар. Тўғри, Ажамила жуда кўп гуноҳ қилган, лекин энди у қилган гуноҳлари учун жазо олмайди: у Парвардигорнинг муқаддас Нарайана номини тилга олиш билан барча гуноҳларидан покланди, энги бутунлай пок, бегуноҳ инсон. Нимага сизлар худди гуноҳкор одамлардай қилиб уни олиб кетмоқчисизлар? У албатта, Худонинг муқаддас номлари зикр қилиш ҳақида ўйламаган ҳам эди, лекин барибир уни тилига олди ва шунинг шарофати билан барча гуноҳларидан покланди”.

Ямадуталар Ажамила тўғрисида жуда юзаки фикр юритган эдилар. Унинг энди бегуноҳ эканидан беҳабар, бутун умри ҳар хил гуноҳларга ботиб ўтгани сабабли улар уни Азроилнинг олдига олиб бормоқчи эдилар. Вишнудуталар ямадуталарга ажамила ажали олдидан Парвардигорнинг тўрт бўғинли муқаддас Нарайана номини тилига олиш шарофати билан барча гуноҳларидан покланганини тушунтириб беришга мажбур бўлдилар. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур бу шеърга ёзган изоҳида муқаддас китоблардан қуйидаги далилларни келтириб ўтган:

намно хи йавати шактиҳ напа-нирхаране харех

тават картум на шакноти патакам патаки нараҳ

“Шунчаки Парвардигорнинг муқаддас Хари номини зикр қилиш билан гуноҳкор одам ўзи содир қила олиши мумкин бўлган барча

гуноҳлардан ҳам гуноҳлардан покланади” (Брихад-вишну-пурана).

авашенани йан-намни киртите сарва-патакаих

пуман вимучйате садйах симха-трастаир мригаий ива

“Худонинг муқаддас номи, ҳатто алам билан ёки бехосдан, билмасдан тилга олинган бўлса ҳам, худди арслоннинг наъараси барча кичик ҳайвонларни тум-тарақай қилгани сингари, одамни барча гуноҳ ишлар оқибатидан халос этади.(Гаруда-пурана).

сакрид уччаритам йена харир ити акшара-двайам

баддха-парикарас тена мокшайа гаманам прати

“Парвардигорнинг икки бўғиндан иборат Ха-ри муқаддас номини бир марта тилига олган одам олдида озодликка чиқиш йўллари очилади”.(Сканда-пурана).

Вишнудуталарнинг нимага ямадуталарнинг Ажамилани Азроилнинг олдига олиб кетишларига тўсқинлик қилишининг сабабларидан бир нечалари ана шулардир.

Гуноҳлар ҳар хил бўлади. Ўғирлик қилиш ва босқинчилик қилиш - оғир гуноҳлардир. Ароқ ичиб маст бўлиш ҳам гуноҳ вишнудуталар ўғрилари ҳам, ароқ ичадиганларни ҳам гуноҳкор одамлар деб ҳисоблайдилар. Дўстига хиёнат қилиш, браҳманни ёки вайнарни ўлдириш, руҳий устозни ҳақорат қилиш, аёлни, шоҳни ёки сигирни ўлдириш - буларнинг ҳаммаси энг оғир гуноҳлар саналади. Лекин, вишнудуталарнинг гапларига қараганда ҳатто ана шундай гуноҳлар содир қилган одам ҳам атиги бир марта Парвардигорнинг Нарайана деган муқаддас номини тилига олса, гуноҳларидан халос бўлади.

Шридхара Свами шундай дейди: "Нарайананинг, Парвардигор Харининг муқаддас номи Ажамилани фақат гуноҳлардан поклабгина қолмасдан, уни ҳатто руҳий озодликка чиқишга муносиб зот қилди. Шунинг учун, танасини тарк этгандан кейин у руҳий оламга эришди”. Парвардигор Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиш шарофати билан одам ўзи содир қилишга қодир бўлган гуноҳлардан ҳам гуноҳлардан покланади. Ажамила Худонинг муқаддас номларини самимий, ҳақоратларсиз зикр қилди ва шу туфайли барча гуноҳларидан биратўла покланди. Шунинг учун ҳам биз, қалбида озгина иймони бўлган ҳар бир фаросатли одамга Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишни ялиниб илтимос қиламиз. Бу буюк мантрада ҳамма нарса мужассам: барча эзгу, савоб ишлар ҳам, риёзатлар ҳам, қурбонлик маросимлари ҳам. Бошқа ҳеч қандай йога билан шуғулланишнинг ҳам, тавба-тазарру қилишнинг ҳам, қаттиқ риёзатлар чекишнинг ҳам мутлақо ҳожати йўқ; Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз самимий зикр қилиш билан одам барча

қонун-қоидаларга амал қилиш орқали эришиладиган нарсаларга эришади.

Ҳали ажали етишидан анча олдин, ўзининг оиласини боқиш учун ҳар хил гуноҳ ишлар қилиб юрганида ҳам Ажамил Нарайана муқаддас номини ҳақоратсиз зикр қилиб юрарди. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёрдамида гуноҳларимдан покланаман деб, ёки агар Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрсам, истаганча гуноҳ қилавераман деб ўйлайдиган одам Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қилган бўлади (*намно балад йасйа хи папа-будхих*). Аммо Ажамил, гарчи гуноҳ қилиб юрган бўлса ҳам, Худонинг муқаддас номларини гуноҳларидан покланиш учун эмас, шунчаки ўғлини чақириш учун тилига оларди. Унинг мана шу ишлари энди ўз натижасини берган эди: Ажамил жуда кўп умрлар давомида содир этган барча гуноҳлари оқибатидан покланди. Ёшлигида у художўй, тақводор инсон бўлиб ҳаёт кечирган эди. Гарчи у кейинчалик жуда кўп гуноҳ ишлар қилган бўлса ҳам, ҳеч қачон Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қилмаган эди, чунки Нарайана номини тилга олиш шарофати билан гуноҳларимдан қутуламан деб ўйламаган эди. Хмнни ҳамиша ҳақоратларсиз зикр қилиб юрган одам ҳеч қандай гуноҳ иш қилиши мумкин эмас- гуноҳ иллоти унга яқинлаша олмайди.

Бу шеърлардан кўриниб турибдики, Ажамил бир марта гуноҳларидан поклангандан кейин ҳамиша бегуноҳ, пок бўлиб яшади, чунки у ҳамиша Нарайана номини зикр қилиб юрарди. Нарайана деб у ўзининг ўғлини чақириб юрганининг аҳамияти йўқ - Худонинг муқаддас номлари барибир ўзининг қудратини намоён этаверади.

Ғофил одамларнинг фикрига кўра, кимнинг номи зикр қилинса ҳам, хатто фаришталарнинг номини ҳам зикр қилиш орқали барибир бир натижа - худди Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдай натижага эришиш мумкин. Майавадиларнинг фалсафаси шундай. Майавадиларнинг фикрига кўра ҳар бир тирик мавжудот - Парвардигор. улар тўғридан-тўғри шундай деб айтадилар: “Ҳар бир фаришта ҳам - Худо, мен ҳам Худоман, сен ҳам Худосан!” Шунинг учун уларнинг фикрича ҳар қандай номни зикр қилиш билан руҳий озодликка чиқиш мумкин. Бенгалияда кали-киртана жуда кенг тарқалган. Бир неча одам бир жойга тўпланиб олиб, биргаликда Калининг ёки ўзини Худо деб атаб юрган баъзи “аватара”ларнинг номларини куйлайдилар. Бир ярамас ана шундай киртанга ўзининг хотнининг ҳам номини кўшиб кўйган, ғофил издошлари эса уни ҳам шарафлаб куйлашда давом этаверадилар. Уларнинг барчаси адашган

майвадилар ва ҳаммаси биргаликда тўғри йўл билан дўзахга равона бўладилар. Шунинг учун Чайтанья Махапрабху Ўзининг издошларидан майвадиларнинг фалсафасини тинглашни таъқиқлаб қўйган. У айтган эдики, бундай қилиш содиқнинг руҳий юксалишига салбий тасир кўрсатади ва Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини тўсиб қўяди. Биз Худонинг муқаддас номларидан бошқа бирор номни зикр қилиш ҳақида эшитганимизда ҳамиша Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг мана шу ўғитини эслашимиз лозим. Бошқа ҳеч қандай номни эмас, фақат Парвардигор Кришна ёки Парвардигор Вишнунинг муқаддас номларини шарафлаб қуйлаш лозим.

Муқаддас китоблар бизга фақат Худонинг Олий Шахсининг, Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилишни буюрган. Парвардигор Вишнунинг минглаган номлари бор, гарчи Парвардигор Вишну ва Кришна қандайдир маънода бир бўлса ҳам, таъсир қилиш қудратига кўра, Парвардигор Вишнунинг минг номи Парвардигор Раманинг бир номига тенг, Рама номини уч марта тилга олиш эса, бир марта Кришна номини зикр қилиш билан тенг. Бошқача қилиб айтганда, Кришнанинг муқаддас номини зикр қилиш шарофати билан инсон энг буюк бахт-саодатга эриша олади.

Шунинг учун Парвардигор Чайтанья Махапрабху ҳар бир одамга Худонинг муқаддас номларини зикр қилишни маслаҳат беради. У “Брихад-нарадия-пурана”дан олинган мана бу шеърни тез-тез эслатиб турарди:

*харер нама харер нама харер намаива кевалам
кала настй эва настй эва настй эва гатир аниятха*

“Бу ўзаро жанжаллар ва иккиюзламачилик даврида нажот топишнинг ягона йўли бор - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш. Бошқа йўли йўқ, бошқа йўли йўқ, бошқа йўли йўқ”.

Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш шарофати билан биз тез вақт ичида барча гуноҳларимиздан покланамиз мана шу инсоннинг руҳий ҳаётга қадам қўйиши ҳисобланади. Аввалги содир этган гуноҳларимиз оқибатидан покланмай туриб, бизлар ҳақиқий вайшнав бўла олмаймиз.

Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қилиш

Ғофиллиги ёки аввалдан қолган бемаъни одатларининг таъсири остида хатто Парвардигорнинг содиқ хизматкори ҳам гуноҳ иш қилиб қўйиши мумкин. Лекин, агар у ўзининг билмай қилиб қўйган ишидан

каттик пушаймон бўлиб тавба-газарру қилса: “Нимага мен шундай қилдим! Қачон бундай гуноҳ ишларни бутунлай тарк эта оларканман?” - содиқ хизматкорининг чин юракдан самимий тавба қилаётганини кўриб, Парвардигор унинг гуноҳини кечиради. Лекин, агар содиқ “Мен Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрганам учун Парвардигор мени кечириши шарт” деб, онгли равишда гуноҳ қилса, у гуноҳидан ҳеч қачон покланмайди, Парвардигор кечирмайди.

Агар содиқ маха-мантранинг поклаш кудратига ишониб гуноҳ иш қилса, Худонинг муқаддас номларини ҳақорат (*нама-апарадха*) қилган бўлади. Худонинг муқаддас номларини ҳақоратлашнинг ўн тури мавжуд, уларнинг поклаш кудратига ишониб гуноҳ ишлар қилиш энг оғир ҳақорат ҳисобланади. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан гуноҳларидан покланган содиқ хизматкор яна гуноҳ ишларга берилиб кетган бўлса у Парвардигорнинг олдида оғир, даҳшатли жиноят содир қилган бўлади. Оддий ғофил одамлар учун унчалик жиддий бўлмаган гуноҳлар ҳам Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрган содиқ хизматкор учун оғир жиноят, оғир гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто дунёвий ҳаётда ҳам юқори лавозимда ишлайдиган давлат арбоби учун ўз мансабини суистеъмол қилиш ва пора олиш - оғир жиноят ҳисобланади. Ундай одамларни бошқа оддий одамларга қараганда каттиқроқ жазолайдилар. Агар оддий одам бирор нарса ўғирласа, албатта уни жазолайдилар. Аммо, полициячининг ўзи ўғирлик қилса, уни каттиқроқ жазога маҳкум этадилар. Қонун шундай. Худди шундай, “Мен Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрибман, энди қанча гуноҳ қилсам ҳам бўлаверади” деб ўйлайдиган одам хатолашади, у Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан етарли самара ололмайди. Ундай одам ўзини алдаб юрган бўлади, у рухий юксалишга эришолмайди: гуноҳ қилиб, покланиб, гуноҳ қилиб покланиб, бекорга умрини зое қилади. Натижада у ҳеч қачон ҳам бу дунёнинг азоб-уқубатларидан озодликка чиқолмайди.

Шунга қарамай, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан поклаб бўлмайдиган бирор гуноҳ йўқлигига тўлиқ иймон келтириш, аниқ ишониш лозим. Худонинг муқаддас номларини ҳақоратлашнинг ўн туридан бири уларни барча гуноҳлардан поклашга қодир эмас деб ҳисоблашдир. Ҳаре Кришна мантрасини ҳақоратларсиз зикр қилишга интилаётган киши Парвардигор Кришнанинг муқаддас номининг муқаддас китобларда кўрсатилган кудратига шак келтирмаслиги, гумон қилмаслиги лозим.

Вишнудуталарнинг гапларига қараганда, Парвардигор Вишнунинг муқаддас номини зикр қилиш одамни барча гуноҳлардан поклайди. Лекин кўпинча, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг таъсири унчалик тез сезилмаётгандай кўринади, бунинг сабаби шундан иборатки, одам Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш билан бирга ҳали гуноҳ ишлар қилишда давом этаётган бўлади.

Маха-мантрани мукамал равишда зикр қилиш

Шундай қилиб, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг олий мақсадига эришиш учун гуноҳ иш қилмасликка иложи борича ҳаракат қилиш лозим. Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш шарофати билан одам аввал содир этган барча гуноҳларидан покланади, агар у бошқа гуноҳлар содир этмаса, жуда тез руҳий юксалишга эришиб, Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди. Шунда унинг бутун ақлу-хаёли Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлади. Агар бизлар Ҳаре Кришна мантрасини ҳақоратларсиз зикр қилишб юрсак, барча гуноҳлардан покланамиз ва бизнинг Парвардигорга, Парвардигор Кришнага ва Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бўлган боғланишимиз тобора кучайиб бораверади.

Бир куни Харидас Тхакур билан бир ғофил брахман орасида Худонинг муқаддас номларининг қудрати ҳақида баҳс бўлиб ўтди. Вайшнавларнинг мажлисида Шрила Харидас Тхакур шундай деди: “Агар одам Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қилса, у нафақат брахма-бхута руҳий поғонасига кўтарилади, - унинг қалбида шу пайтгача мудраб ётган, худога нисбатан муҳаббат туйғуси уйғонади ва у ҳеч қийналмасдан руҳий озодликка эришади”.

“Худонинг муқаддас номлари ҳама нарсага қодир эмас! - деди ғофил брахман. - Маълумки, одам фақат риёзат чекиш натижасидагина руҳий озодликка эришиши мумкин. Сен бўлсанг, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш шарофати билан озодликка чиқиш мумкин деясан. Агар шундай бўлмаса мен сенинг бурнингни кесиб ташлайман”.

Шрила Харидас Тхакур унга жавоб бериб шундай деди: “Агар Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш боқа буюкроқ саодатлар билан бирга руҳий озодликка чиқиш имконини бермаса, мен ўзим бурнимни кесиб ташлайман!”

Брахманнинг Шрила Харидас Тхакурни ҳақорат қилганини эшитиб, мажлисдагилар қаттиқ ғазабландилар ва уни мажлисдан

кувиб чиқардилар. Кўп ўтмай ўша брахман пес касалига мубтало бўлди ва унинг чиройли бурни чириб, узилиб тушди. Бу воқеа ҳақида "Чайтанья Чаритамрита"да ёзилган.

Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг уч поғонаси бор: ҳақоратлар билан зикр қилиш; ҳақоратлардан пок ҳолда зикр қилиш ва Парвардигорга чуқур муҳаббат билан зикр қилиш. Бу поғоналарни манго мевасининг пишиб етилиш поғоналари билан таққослаш мумкин. Ҳали пишмаган манго шўртак бўлади, аммо пиша борган сари у тобора ширин бўла боради. Аввалига бизлар Худонинг муқаддас номларини ёқмасдан, қийналиб, эриниб зикр қиламиз, аммо гуноҳлардан покланиб, руҳий озодликка чиққанда уларни зикр қилиш шунчалик лаззатли бўлиб қоладики, биз зикр қилишни тарк этолмаймиз Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг чексиз лаззатли эканини Шрила Рупа Госвами таърифлаган:

*тунде тандавини ратим витануте тундавали-лабдхайе
карна-крода-кадамбини гхатайате карнарбудебхйаҳ сприхам
четах-прангана-сангини виджайате сарвендрийанам критим
но джане жанита кийадбхир амритаиҳ кришнети варна-двайи*

“Мана шу “Криш-на” деган икки бўғин сўзда қанчалик ширин лаззат мужассам! Биз Кришаннинг муқаддас номини тилга олганимизда у худди бизнинг тилимизда рақсга тушаётгандай бўлади. Шунда биз ўзимизда минглаб тиллар бўлишини истаймиз! Кришнанинг муқаддас номларининг илоҳий товушлари кулоқларимизга кира бошлаганида эса, миллион кулоқларимиз бўлишини истаб қоламиз! Муқаддас ном бизнинг қалбимизда рақсга туша бошлаганида эса, у ўзига бизнинг ақлимизни бўйсундириб олади. Шунда ақл билан бирга бутун вужудимиз, барча ҳиссиётимиз лаззатга ғарқ бўлиб, қотиб қолади”.

Руҳий озодликка чиққандан кейин Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган одам зикр қилиш лаззатини ана шундай таърифлайди. Према деб аталадиган ана шундай поғонага кўтарилганида инсон Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг ҳақиқий лаззатини тотишга муваффақ бўлади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре ҲареҲаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Ана шундай поғонага фақат Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларига амал қилиб юрган одамгина кўтарила олади. Шунинг учун биз жуда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Бирор касалга чалинган бемор энг оғир ҳолатдан ўтиб, соғая бошлаганида жуда эҳтиёт бўлиши керак. Акс ҳолда касаллик яна хуруж олиши мумкин. Агар биз руҳий озодликка чиққан бўлсак, бу ҳали энди истаган ишимизни қилаверамиз, дегани эмас. Биз ҳамиша

Худого садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашимиз лозим.

Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш натижаси

"Шримад Бхагаватам"нинг 9 ва 10 шеърларига изоҳ сифатида Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур муқаддас номнинг поклаш қудрати ҳақида ҳаёлан савол-жавобни келтиради.

“Фараз қилайлик, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш инсонни барча гуноҳлардан поклайди. Аммо, агар одам онгли равишда жуда кўп гуноҳ иш қилган бўлса, ҳатто ўн икки йил давомида қилинган тавба-тазарру ҳам уни гуноҳларидан поклай олмайди. Шундай экан, қандай қилиб Худонинг муқаддас номларини бир мартагина зикр қилиш билан барча гуноҳлардан покланиш мумкин?”

Бу саволга жавобан Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур мана шу бобнинг 9 ва 10 шеърларини келтиради: Парвардигор Вишнунинг муқаддас номларини зикр қилиш - олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаш, ароқ ичиш, дўстига ёки қариндошига хиёнат қилиш, браҳманни ўлдириш, устозининг ёки ўзи хурмат қилиши лозим бўлган ҳар қандай одамнинг хотинига кўз тикиш сингари гуноҳлардан қутулишнинг энг тўғри йўлидир. Аёл зотини, шоҳни, отасини ёки сигирни ўлдириб қўйган ёки бошқа ҳар қандай гуноҳ иш қилган одамнинг тавба қилиб, гуноҳидан покланиши учун энг яхши йўл мана шу. Гуноҳкор одам муқаддас номни тилига олиши билан Парвардигор унга эътибор беради ва шундай деб ўйлайди: -"У Менинг номимни айтяпти, шунинг учун Мен уни ҳимоя қилишим керак!"

Гарчи бу фаолиятни том маънода гуноҳлардан покланиш деб аташ мумкин бўлмаса ҳам, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш инсонни барча гуноҳлардан поклайди. Одатда гуноҳлардан покланиш гуноҳкорни уларнинг оқибатида жазоланишдан вақтинча ҳимоя қилади: бошқа покланиш жараёнлари гуноҳкорнинг қалбидаги гуноҳ иш қилишга бўлган интилиш, истак туйғусини бутунлай яқсон қилолмайди. Шунинг учун ундай покланишни Худонинг муқаддас

номларини зикр қилиш ёрдамида покляниш билан тенглаштириб бўлмайди. Шастраларда, муқаддас китобларда айтилганига кўра, инсон ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириб, Унинг нилуфар кадамлари пойига сажда қилиб, Худонинг муқаддас номларини бир марта тилига олган заҳоти Парвардигор уни Ўзининг бандаси деб қабул қилади ва уни Ўзининг ҳимоясига олади. Буни Шриддхара Свами ҳам тасдиқлайди. Азроилнинг хизматкорлари Ажамилани дўзахга олиб кетмоқчи бўлганларида Парвардигор дарров унинг олдига Ўзининг элчиларини юборди. Вишнудуталар ямадуталар кўлидан Ажамилани олиб қолдилар, чунки у энди бегуноҳ эди.

Ажамила ўғлининг исмини Нарайана деб қўйди, оталарча муҳаббат ва меҳр билан тез-тез уни чақириб турарди. Гарчи Ажамила Парвардигорга эмас, балки ўзининг ўғлини чақираётган бўлса ҳам, “Нарайана” номи Худонинг Олий Шахсидан фарқ қилмайди, шу боис у ўзининг илоҳий қудратини намоён этди. Ўғлини Нарайана деб аташ билан Ажамила барча гуноҳларидан поклянди. Ҳамиша ўғлини Нарайана деб чақириб юриш шарофати билан у ўзи ҳам билмаган ҳолда қалбида Кришна онгини уйғотган эди.

Бунга эътироз билдиришлари мумкин: “Агар Ажамиланинг оғзидан Нарайана номи тушмаган бўлса, у қандай қилиб фоҳиша аёл билан бирга яб, ароқ ичиб юрган эди? Ажамила ўзини ҳар хил азоб-уқубатларга гирифтор қилиб, ҳар хил гуноҳлар қилиб юрган бўлса, уни фақат ажали олдидан Нарайанага мурожаат қилгани қутқариб қолган, деб ўйлаш тўғрироқ бўлади. Лекин, бунда Ажамила Худонинг муқаддас номларини ҳақорат(*нама-апарадха*) қилган бўлади. Намно балад йасйа хи папа-буддхих: кимдир ўзининг гуноҳларидан покляниш учун Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган бўлса, у нама-апарадха содир қилган бўлади”.

Бунга шундай жавоб бериш мумкинки, Ажамилани Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қилишда айблаб бўлмайди, чунки у гуноҳларидан покляниш ҳақида ўйламаган эди. У ўзининг гуноҳкор эканини англамас эди, у бунинг устига Худонинг муқаддас номлари гуноҳлардан покляниш ҳам билмаган эди. Шунинг учун ҳам у нама-апарадха содир этмаган эди. Ўғили олдига чақираётди, у Нарайана номини пок, соф ҳолда тилига олди, бунда унинг қалбида бхакти мевалари пишиб етаилаётганини унинг ўзи ҳам сезмаган эди. Аслини олганда, барча гуноҳларидан покляниш учун у атиги бир марта Нарайана номини тилга олса етарли эди. Бу ерда анжир дарахти билан ўхшатишни келтириш мумкин: анжир дарахти мева бера бошлаши учун анча вақт ўтиши лозим. Худди шундай Ажамиланинг

Худога садоқат билан хизмат қилиши ҳам аста-секин ривожлана борган эди, гарчи у жуда кўп оғир гуноҳлар қилган бўлса ҳам, у уларнинг оқибати учун жавобгар бўлишдан қутулиб қолди. Шастраларда айтилишига кўра, аввалги содир этган, ҳозир содир қилаётган ва келажакда қиладиган гуноҳлар оқибатидан халос бўлиш учун Худонинг муқаддас номларини биргина марта соф ҳолда тилга олса кифоя. Яна шундай мисол келтирадилар: агар илоннинг захарли тишларини суғуриб олиб ташланса, у илоннинг чақишидан бошқа кўрқмаса ҳам бўлади. Агар содиқ хизматкор биргина марта Худонинг муқаддас номларини ҳақоратсиз зикр қилса, унинг мангу ҳимояси остига киради. Вақти келиб у Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг илоҳий лаззатидан баҳраманд бўла бошлайди.

16. Инсон қалбида Худога муҳаббат уйғониши

Ҳеч қандай ведавий қурбонлик маросимлари, ҳеч қандай тавба-тазаррулар одамни қилган гуноҳлари оқибатидан Парвардигор Харининг муқаддас номини зикр қилганчалик поклай олмайди. Муқаддас номнинг илоҳий товуши гуноҳкорга Парвардигорнинг улуғворлигини, Унинг илоҳий сифатларини, қиёфасини, кароматларини ва Унинг атрофидагиларини эслатиб, уни Худога садоқат билан хизмат қилишга уйғотади. Фақат гуноҳлардан покланиши учун қилинадиган тавба-тазарру билан эса, ҳеч қачон бундай натижага эришиб бўлмайди. Муқаддас китобларда кўрсатилган йўл билан гуноҳлардан покланиши маросимларини ўтказар экан, инсон ўз қалбини бутунлай поклай олмайди, унинг ақли яна дунёвий ишларга берилиб кетаверади. Дунёвий фаолиятининг яхши-ёмон оқибатларидан биратўла халос бўлишга самимий интилаётган киши, Парвардигорнинг номига, улуғворлигига ва кароматларига ҳамду-санолар айтиб, ҳаминша Харе Кришна мантрасини зикр қилиб юриши керак. Фақат шу йўл билангина одам ўзининг барча гуноҳларидан бутунлай халос бўла олади, чунки муқаддас ном инсон қалбини моддий иллатлардан биратўла поклайди. Ажали етганида

Ажамилла саросимага тушиб, Парвардигор Нарайананинг муқаддас номини баланд овозда тилига олди. Биргина шунинг ўзи уни барча гуноҳларидан поклади. Шунинг учун, эй Азроилнинг хизматкорлари, уни кўрқинчли хўжайинингиз олдига олиб кетишга уринманглар - энди Ажамиланинг жойи дўзахда эмас. Агар одам ҳатто муқаддас номни ўзи англамаган ҳолда, бошқа нарсани ўйлаб туриб, ҳазиллашиб бўлса ҳам, ёки бирор қўшиқнинг орасида, ёки эътиборсизлик билан, ҳатто бировга ўчакишиб тилига олса ҳам, шу заҳотиёқ ўзининг сон-саноксиз гуноҳларидан покланади. Муқаддас китобларни яхши биладиган билимдон донишмандларнинг ҳаммаси буни тасдиқлайдилар. Агар одам - юқоридан йиқилиб тушибми, қоқилиб, бўйни синибми, илон чақибми, тутқаноқ тутиб қоладиган касаллик оқибатидами, ёки бирор қурол дастиданми - тўсатдан ажали етганида Парвардигор Харининг муқаддас номини тилига олиб ўлса, унинг барча гуноҳлари кечирилиб, дўзах азобидан қутулиб қолади. Буюк донишмандлар аниқлаганларки, қилган оғир гуноҳ ишлари учун одам қаттиқроқ тавба-тазарру қилиши, енгил гуноҳлари учун енгилроқ тавба қилиши керак. Аммо, Харе Кришна мантрасини такрорлаш одамни ҳар қандай гуноҳлар оқибатидан биратўла халос этади. Риёзат, қурбонлик, муқаддас қасамларга риоя қилиш ва бошқа савобли ишлар шарофати билан гуноҳ ишларнинг оқибатини йўққа чиқариши мумкин, аммо, одамнинг қалбида моддий, дунёвий истаклар илдизи қолиб кетаверади. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қила бошлаган одам эса, гуноҳ ишлар қилишга олиб келувчи орзу-истаклардан жуда тез вақт ичида бутунлай халос бўлади. Олов қуруқ ўтни ёқиб кул қилиб юборгани сингари, Худонинг муқаддас номлари ҳам, ҳатто у онгсиз равишда айтилган бўлса ҳам, барча гуноҳлар оқибатини ёқиб кул қилиб юборади. Ўз хоҳиши биланми ёки мажбур бўлганиданми, ҳар қандай йўл билан ичилган дори, одам унинг кучини биладими, билмайдими, барибир касални даволайди. Шунга ўхшаб, атайлаб айтилганми ёки билмасданми, Худонинг муқаддас номи, одам унинг қудратини билиши-билмаслигидан қатъий назар, уни тилга олган одамга жуда катта саодат келтиради.

Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, шундай қилиб, инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан Худога садоқат билан хизмат қилишнинг устивор эканини исботлаб, Парвардигор Вишнунинг хизматкорлари Ажамилани кишанлардан халос этиб, уни муқаррар ажалдан қутқариб қолдилар. О Махараж Парикшит, эй душманларга қирон келтирувчи зот, Парвардигор Вишнунинг

хизматкорлари айтган гапларни тинглаб, Азроилнинг хизматкорлари хўжайини олдига қайтиб келдилар ва унга бўлиб ўтган воқеаларни батафсил гапириб бердилар. Азроилнинг хизматкорлари - ямадуталар чангалидан қутулиб қолган браҳман Ажамила ўзига келди ва шу заҳоти уларнинг нилуфар қадамлари пойига йиқилиб, вишнудуталарга чуқур эҳтиром кўрсатди. Ажамила қалби қувончга тўлиб уларга қараб турарди, чунки улар уни даҳшатли Азроилнинг хизматкорлари қўлидан қутқариб қолган эдилар. Эй бегуноҳ Махараж Парикшит, Ажамиланинг бирор нарса демоқчи бўлганини сезган вишнудуталар - Худонинг Олий Шахсининг элчилари, бирдан кўздан гойиб бўлдилар. ("*Шримад Бхагаватам*". 6.2.11-23).

Худонинг муқаддас номларини куйлаш керакми ё қилган гуноҳлардан пушаймон бўлиб тавба қилиш керакми?

Вишнудуталарнинг айтишларига кўра Ведавий муқаддас китобларда гуноҳлардан покланишнинг турли йўллари берилган. Христианларда ҳам гуноҳлардан покланиш усули бор. Гуноҳ иш қилиб қўйган католик авлиё отанинг олдига бориб, унга ўзи содир қилган гуноҳларни гапириб, қаттиқ пушаймон бўлиб тавба қилиши лозим. Авлиё отани улар Худонинг вакили деб биладилар, агар у гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, демак у бегуноҳ бўлиб қолади.

Аммо, гуноҳкор одамни ҳеч бир нарса Худонинг, Кришнанинг муқаддас номлари сингари гуноҳлардан поклашга қодир эмас. Ҳаётда фақат гуноҳ ишлар қилиб яшашга ўрганган одам авлиё отанинг олдидан гуноҳларига пушаймон бўлиб чиққандан кейин яна гуноҳ ишларга берилиб кетаверади-ку. Бошқача қилиб айтганда, инсон қалбини гуноҳ ишлар қилишга бўлган истак-интилишлардан бошқа йўллар билан поклаб бўлмайди.

Аслини олганда, ҳали Худога соф садоқат билан хизмат қилиш йўлига тайёр бўлмаган одамлар учун Ведавий муқаддас китобларда гуноҳларнинг оғирлик даражасига қараб, бошқа ҳар турли усуллар тавсия қилинган. Озгина шамоллаган одамга врач арзон дори ёзиб беради, туберкулёз касалига чалинган одамга эса - қимматроқ дори. Худди шундай, *прайашчитта* - гуноҳлардан покланиш маросими гуноҳларнинг оғир ёки енгиллигига қараб ҳар хил бўлади. Агар биз жуда оғир гуноҳ иш қилган бўлсак, унга бериладиган жазо ҳам оғир бўлиши керак. Буюк донишмандлар - Парашара Муни, Ману ва

бошқаларнинг инсонлар учун ёзиб қолдирган йигирмата дхарма-шастра битикларида шундай ёзилган. Бу асарларнинг вазифаси инсонга ҳар хил прайашчитта маросимлари орқали гуноҳлардан покланиб, жаннатга кўтарилишга ёрдам беришдан иборат. Масалан, уларда кўрсатилишича, баъзи гуноҳларни содир қилган одамлар маълум сонли кун давомида рўза тутиши ёки бошқаларга прасад-таом садақа қилиши лозим. Масалан, савдогар одам ҳаром йўл билан топган пулларида саховат билан савоб ишларга сарфлаши лозим.

Гуноҳлардан покланишнинг йўллари жуда кўп. Аммо, вишнудуталар айтяптиларки: “Гарчи, уларнинг барчаси яхши ва албатта гуноҳлардан поклай олгани билан, уларнинг бирортаси инсоннинг қалбини гуноҳ ишларга интилишдан поклай олмайди”. Христианлар, мусулмонлар, индуслар гуноҳларидан покланиш учун ҳар хил савоб ишлар қиладилар, ҳар хил маросимлар ўтказадилар, аммо кейин ўзларини гуноҳ қилишдан тутиб туrolмай, яна гуноҳ ишларга берилиб кетадилар. Улар худди тутуруғи йўқ беморга ўхшайди. Врач унга дори ёзиб беради, уни қандай ичиш кераклигини тушунтиради, аммо нодон одам барибир ўзи билганча иш тутаверади. Натижада унинг касали тобора кучайиб кетаверади, врач унга такрор ва такрор дори ёзиб бераверади.

Шу ерда Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур қандай қилиб Самба Кауравларнинг қасос олишидан қутулиб қолгани ҳақидаги ҳикояни келтириб ўтган. Самба Дурёдохнанинг қизини севиб қолган эди ва уни ўғирлаб кетади, чунки кшатрий бошқа бир кшатрийнинг қизига фақат қандайдир бир қахрамонлик кўрсатсагина уйлана олади. Бунинг учун кауравлар Самбани қуршаб олдилар. Унга ёрдамга келган Парвардигор Балорам бу можарони тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилди, лекин кауравлар Унга қулоқ солмадилар. Шунда У Ўзининг илоҳий қудратини ишга солишга мажбур бўлди: бутун Хастинапур даҳшат ичида титраб кетди, худди ер кимирагандай бир лаҳзада шаҳар ер билан яксон бўлишига оз қолди. Буни кўрган кауравлар дарров Унинг илтимосига рози бўлдилар ва Самба Дурйодхоннинг қизига уйланди. Бундан хулоса шундай: фаросатли одам ўз ихтиёрини Парвардигор Кришна-Балорамга, Худонинг Олий Шахсига топшириши лозим, бу моддий оламда бундан яхшироқ ва қудратлироқ ҳимоячини топиб бўлмайди. Бизларнинг гуноҳимиз қанчалик оғир бўлмасин, ўзимизни бутунлай Худонинг ихтиёрига топшириб, камтарин ҳолда муқаддас Хари, Кришна, Балорам ёки Нарайана номини тилга олсак, улардан бутунлай покланамиз.

Шундай қилиб, вишнудуталар гуноҳлардан покланиш усули сифатида рўза тутишни ҳам, бировларга садақа беришни ҳам инкор этадилар. Улар: “Бундай амаллар одамнинг қалбини Худонинг муқаддас номлари сингари поклай олмайди!” - деб айтяптилар. Парвардигорнинг яратиб қўйган диний қонун-қоидалари асосида яшаш билан биз албатта гуноҳ ишлардан покланамиз, лекин барибир, охир-оқибатда булар бирор натижа бермайди, чунки бизнинг ақлимиз шунчалик безовта, булганганки, гуноҳлардан поклангандан кейин яна гуноҳ ишларга интилаверамиз.

"Шримад Бхагаватам"(11.2.42)да айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қудрати шу қадар кучлики, бу йўлга кирган ҳар қандай киши шу заҳотиёқ барча бемаъни орзу-истаклардан халос бўлади: бхактиқ парешанубхаво вирактир аниятра ча. Ҳар қандай дунёвий истак гуноҳ ҳисобланади, чунки у барибир ҳиссиётнинг, нафснинг талабини қондириш билан боғлиқ бўлади, бу эса албатта гуноҳ ишларга олиб келади. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш, бхакти эса, карма, гйана билан боғлиқ бўлган ҳар қандай дунёвий истаклардан пок, шунинг учун у аниабхилашита-шунйа деб аталади. Ўзининг ҳаётини Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган одамнинг ҳеч қандай дунёвий орзу-умидлари қолмаган бўлади, демак у гуноҳлардан устун туради. Ҳар қандай моддий, дунёвий истаклардан албатта бутунлай халос бўлиш керак - акс ҳолда, риёзат чекиш ёки хайрли ишлар билан гуноҳлардан покланиш мумкин бўлса ҳам, нопок одамнинг қалбидаги истак-интилишлари уни яна гуноҳ ишларга судрайди ва у яна шу гуноҳлардан азоб чекишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, фақат Худога соф садоқат билан хизмат қилиш ёрдамидагина гуноҳ ишлар қилишга ундайдиган барча дунёвий орзу-истаклардан покланиш мумкин.

Оддий тавба-тазаррулар билан инсон қалбини дунёвий иллатлардан поклаб бўлмайди. Сифилис касалига учраган одам врачга мурожаат қилиб, катта пул эвазига дорилар сотиб олиб, даволаниши мумкин. Лекин, даволаниб бўлгандан кейин у яна ўзининг аввалги ишига, аёллар билан ноқонуний жинсий алоқа қилишга қайдати ва натижада яна сифилис касалини юктиради. Чунки унинг қалби ҳали шахвоний эҳтирослардан покланмаган. Лекин одам ҳаётда Кришна онги билан яшай бошлаганида ноқонуний жинсий алоқа ҳақида ўйламай қўяди. Бу унинг ҳақиқатан ҳам Кришнани, Худони, ўзини англаб етганидан далолат беради. Самимий содиқ хизматкор ҳеч қачон гуноҳ ишларга қўл урмайди, чунки Худонинг муқаддас номларининг илоҳий товушлари унинг

қалбини тана, ҳиссиётлар билан боғлиқ бўлган дунёвий истаклардан бутунлай поклаган бўлади.

Албатта, Ҳаре Кришна мантрасининг поклаш қудратига ишониб, онгли равишда гуноҳ ишлар қилиб юрган сохта содиқлар ҳам бор. Бу билан улар Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қиладилар. Худонинг муқаддас номларидан дунёвий истакларга эришишда ёрдамчи сифатида фойдаланиш уринмаслик, улар гуноҳлардан поклаш қудратига эга бўлса, кўрқмасдан гуноҳ қилавераман деб ўйламаслик керак. Бу жуда қаттиқ ҳақоратлаш бўлади. Агар биз атиги бир мартагина Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қилсак, аввалги барча гуноҳларимиздан бутунлай покланамиз. Лекин, биз бошқа ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаслигимиз керак.

Парвардигор Чайтанйа Махапрабху арокхўр, кимор ўйнаб юрган, гўшт ейдиган, ифлос одамлар Жагай ва Мадхайнинг барча гуноҳларини кечириб юборди. Парвардигор Чайтанйа Махапрабху ва Парвардигор Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойи бош уриб, бу гуноҳкорлар илтижо қила бошладилар: “Эй ҳукмдорлар, бизлар энг буюк гуноҳкорлармиз! Бизларнинг сонёноксиз гуноҳларимизни кечиринглар!” Парвардигор Чайтанйа агар улар бошқа бирорта гуноҳ қилмасликка қасам ичсалар, уларнинг аввалги барча гуноҳларини кечиришга рози бўлди. У шундай деди: “Мен сизларнинг ҳамма гуноҳларингизни кечираман, лекин бундан кейин бирорта гуноҳ қилманглар!” Шунда Жагай ва Мадхай қасам ичдилар: “Биз аввалги ҳаётимизни бутунлай тарк этамиз. Энди ҳеч қачон гуноҳ иш қилмаймиз!” Рухий устоз бизга фотиҳа бераётганида у бизларни аввалги гуноҳларимизнинг барчасидан халос этади, лекин бу бизга бошқа бирорта ҳам гуноҳ қилиш ҳуқуқини бермайди.

Кришна онгига эга бўлиш - Парвардигор Чайтанйадан ўрнак олиб яшаш демақдир. Шогирдларга фотиҳа берар эканмиз, биз улардан ҳам Парвардигор Чайтанйа Жагай ва Мадхайдан талаб қилган нарсани талаб қиламиз. “Бошқа бирорта гуноҳ иш қилманг!” Кришнани англаш Халқаро жамиятига аъзо бўлган ҳар бир одам фотиҳа олиб бизнинг шогирдимиз бўлиши мумкин, лекин бунинг учун улар тўрт қоидага қатъий риоя қилишга қасам ичишлари лозим: 1. Ноқонуний жинсий алоқа қилмаслиги, 2. Қимор ўйнаш ёки бошқа бирор ҳаром йўл билан пул топмаслиги, 3. Маст қиладиган нарсалар истеъмол қилмаслиги, 4. Ўлдирилган ҳайвонларнинг гўштини емаслиги керак. Рухий юксалиш йўлига кирган одам мана шу қоидаларга амал қилиши лозим, чунки гуноҳ иш қилиб юрган одам гуноҳ қилишда давом этаверса, у ҳеч қачон бирор руҳий натижага

эриша олмайди. «Бхагавад-гита»(7.28) Парвардигор Кришна шундай дейди:

*йешам тв анта-гатам папам жананам пунйа-карманам
те двандва-моха-нирмукта бхаджанте мам дридха-вратах*

“Ҳозирги ва аввалги ҳаётларида савоб ишлар қилиб юрган, гуноҳ ишлардан бутунлай юз ўгирган ва алдамчи қарама-қаршилиқлар таъсиридан халос бўлганодам қатъий қарор билан Менга садоқат билан хизмат қила бошлайди”.

Агар биз ҳақиқатан ҳам Вайкунтхага, Худонинг даргоҳига эришмоқчи бўлсак, албатта юқоридаги тўрт қоидага амал қилиб яшашимиз лозим. Одам фақат ўзининг қонуний хотини билан, унда ҳам фақат фарзанд кўриш учунгина жинсий алоқа қилиши мумкин; у маст қиладиган нарсаларнинг бирортаси билан ақлини бузмаслиги керак; кимор ўйнаш ёки бошқаларни қаллоблик билан алдаш йўли билан пул топмаслиги керак; гўшт, тухум, балиқ, пиёз сингари ифлос нарсаларни емасдан фақат Парвардигорнинг инсонлар учун ризқ қилиб чиқариб қўйган нарсалари - дон маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар, сут, шакар билан озикланиши лозим. Мана шулар эзгулик гунасидаги, сифатли ва инсон учун фойдали, саттвака маҳсулотлардир.

Ит, мушуклар еган нарсани нимага инсон ҳам емас экан, деб ит, мушукларга ўхшаб яшамаслик керак. Агар дуч келган нарсани еявериш мумкин бўлса, нимага ахлат билан овқатланмайсизлар? Ахир чўчкалар одамнинг ахлатини ҳам ейди-ку? Лекин инсон деган буюк зот ўзининг қорнини худди чўчкаларга ўхшаб ҳар хил сассик, нопок нарсалар тўлдиравермаслиги керак. Инсон чуқур фикр юритиб, ҳар бир нарсани танлаб истеъмол қилиши лозим. Агар биз рухий ҳаёт кечиришга интилаётган бўлсак, мана шу кўрсатилган тўрт қоидага амал қилишимиз лозим. Балки буларга амал қилиш бировлар учун мушкулдир, лекин инсон ҳаёти риёзат чекиш учун, олий мақсад йўлида қийналиш учун берилган. Риёзат бизнинг ҳаётимизни поқлайди, шунда биз Худонинг даргоҳига киришга муносиб бўламиз, Худонинг даргоҳига нопок зотлар кира олмайдилар.

Парвардигор Кришнанинг қиёфасига муроқаб қилиш

Агар одам Худонинг муқаддас номларини зикр қилса - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре ҲареҲаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - вақти келиб унга Парвардигор

Кришнанинг қиёфаси, Унинг сифатлари намоён бўлади, Унинг кароматларини эслай олиш қобилиятига эга бўлади. Мана шуларнинг барчаси - Ҳаре Кришна мантрасини соф зикр қилиш натижаларидир.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур бу борада шуни айти ўтганки, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг натижаси ҳар хил оғир гуноҳлардан покланиш учун ўтказилган ведавий маросимлар ўтказиш натижасидан кескин фарқ қилади. “Ману-самхита”, “Парашара-самхита”дан бошлаб, йигирмата дхарма-шастра мавжуд, уларда ҳар турли гуноҳлардан, ҳатто энг оғир гуноҳлардан ҳам покланиш усуллари кўрсатилган. Лекин бу ерда айтилганки, уларнинг бирортаси гуноҳкорнинг Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилишга ёрдам бермайди. Аксинча, чин қалби билан бир марта Худонинг муқаддас номларини самимий зикр қилган киши барча гуноҳларидан бутунлай покланибгина қолмасдан, бир пасда Худога соф садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилиш йўлига қадам қўяди. гуноҳлардан поклангандан кейин одам ҳамиша Унинг муқаддас номини зикр қилиб, қиёфасини, сифатларини ва кароматларини эслаб Худога хизмат қила оладиган бўлади.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакурнинг гапларига қараганда, буларнинг барчаси - Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг меваларидир, чунки Парвардигор ҳамма нарсага қодир, қудратли. Ведавий маросимлар ўтказиб эришиш мумкин бўлмаган нарсага Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёрдамида бемалол эришиш мумкин. Худонинг муқаддас номларини куйлаш, қалби қувончга тўлиб рақсга тушишдан осонроқ иш йўқ, лекин мана шу йўл шунчалик улғуворки, унга қадам қўйган омадли киши руҳий ҳаётнинг барча бахт-саодатларига эришади. Шунинг учун Шри Чайтанья Махапрабху шундай деган эди: парам виджайате шри-кришна-санкиртанам - “Шри Кришнанинг санкиртанасига шон-шарафлар бўлсин!” Биз бошлаган санкиртана ҳаракати бу дунёдаги одамлар учун барча гуноҳларидан покланишнинг энг яхши усулидир, бу билан уларга руҳий ҳаёт эшиклари очилади.

Гуноҳкор Ажамила ёшлигида намунали брахмачари бўлган эди, отасининг насиҳатларига амал қилиб, Нарайананинг муқаддас номини, қиёфасини, сифатларини ва кароматларини эслаб юрган. Аммо, кейинчалик бемаъни одамлар таъсирида у йўлдан адашиб, ҳамма нарсани эсидан чиқариб юборди. Лекин ўлим тўшагида ётар экан, тилига Парвардигорнинг муқаддас Нарайана номи келиши билан у ўзининг аввалги тақводор ҳаётини эслади. Ажамила шу тариқа дўзахдан қутулиб нажот топди.

Инсон қалбини гуноҳ ишларга бўлган интилишлардан поклашнинг Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, куйлаш, Уни шарафлаш ва Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан бошқа яхшироқ усули йўқ. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"(1.2.17)да ҳам айтилган:

*ириноватам сва-катхаҳ кришнаҳ пунйа-шравана-киртанаҳ
хридий антаҳ стхо хй абхадрани видхуноти сукхрит сатам*

“Шри Кришна, Параматма(Олий Рух) шаклида ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Худо Шахси, ҳақиқий содиқларнинг энг яқин саодатмандидир. У содиқнинг қалбида Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар тинглашга интилиш уйғонганида уни дунёвий орзу-ҳавасларга бўлган интилишдан поклайди. Агар уларни тўғри тингласалар, бу ҳикояларнинг ўзиёқ инсонга бахт-саодат келтиради”.

Кимнингдир Парвардигорнинг номини, сифатларини ва кароматларинишарафламоқчи бўлганини билган заҳоти Парвардигорнинг Ўзи, бундан чексиз миннатдор бўлиб, шу одамнинг қалби дунёвий орзу-ҳаваслардан покланишига ёрдам бера бошлайди.ҳатто одам Парвардигорнинг номларининг, сифатларининг, кароматларининг улуғворлигини ҳали тўлиқ англаб етмаган бўлишига карамай, барибир уларни тинглашда ва бошқаларга гапириб беришда давом этаверса, унинг қалби ўз-ўзидан покланаверади.

Инсон ҳаётининг асосий мазмуни, мақсади - ўзининг қалбини дунёвий, ўткинчи иллатлардан поклаш ва мангу озодликка эришишдан иборат.токи биз моддий оламда яшар эканмиз, бизлар нопокмиз, гарчи бу дунёда ҳамма бахтга интилиб яшаётган бўлса ҳам, нопок ҳолда биз ҳеч қачон ҳақиқий бахт лаззатини тўлиқ ҳис қила олмаймиз. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"(5.5.1) ҳаётимизни поклаш ва руҳий пок даражага кўтарилиш учун *тапасйа* - риёзат чекишни насихат қилади: *тапо дивйам путрака йена саттвам шуддхйет*. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, Унинг кароматларини шарафлаш - тапасйанинг энг энгил тури ҳисобланади, лекин бу билан ҳар бир инсон покланиб, ҳақиқий бахт лаззатини ҳис қилиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам қалбини моддий иллатлардан поклашга интилаётган одам албатта мана шу усулдан фойдаланиши лозим. Бошқа усуллар - карма, гйана ва йога усуллари - инсон қалбини бутунлай поклай олмайди.

Майвадилар, имперсоналистлар Парвардигорнинг номларини, жамолини ва кароматларини шарафлаб куйлай олмайдилар, чунки улар буларнинг барчасини алдамчи, алданиш, майа деб ўзларини

алдаб, ишониб юрибдилар. Нимага энди Парвардигорнинг жамоли, киёфаси бўлмаслиги керак? Бизларнинг ҳар биримиз алоҳида киёфага эгамиз, чунки ҳар биримизнинг алоҳида ота-онамиз ҳам киёфага эга. Нимага энди бизларнинг энг олий отамизнинг киёфаси бўлмаслиги керак? «Бҳагавад-гита»(14.4)да Парвардигор Кришна шундай дейди: *ахам биджа-прадаҳ пита* - “Мен бутун борлиққа уруғ берувчи отаман”. Христианлар ҳам Парвардигорни олий ота деб тан олганлар. Агар ҳамма болалари киёфага эга бўлсалар, нимага энди уларнинг отасининг киёфаси бўлмаслиги керак? Бизлар барчамиз киёфаси, жамоли бўлмаган отадан тарқалган бўлишимиз мумкин эмас. *Ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ сат-чит-ананда-виграхаҳ*: “Кришна - олий хукмдор. У барча сабабларнинг сабабчиси, Унинг киёфаси мангу, илм ва лаззатга тўла”.(бс.5.1). Виграҳа дегани “киёфа” деган маънони билдиради. Агар Парвардигор барча сабабларнинг сабабчиси бўлса, барча моддий киёфаларни яратган зот бўлса, Унинг Ўзи киёфасиз бўлиши мумкинми?

Парвардигорнинг киёфаси бор, лекин Унинг киёфаси бизларникига ёхшамайди. Унинг киёфаси *сач-чит-ананда*. У - мангу - *сат*, одамнинг киёфаси эса, ўткинчи - *асат*. Унинг киёфаси илмга тўла - *чит*, бизнинг танамиз эса, ғафлатга ботган - *ачит*. Парвардигорнинг танаси лаззатга тўла, *ананда*, бизники эса, - азоб-укубатлар манбаи, *нирананда*. Одамлар кимнингдир танаси ўзларининг танасига бутунлай ўхшамаганини тасаввур қилолмагани сабабли Парвардигорни ниракара, шакл-шамойили йўқ деб сифатлайдилар.

Парвардигорнинг киёфаси илоҳий. Бу Унинг танаси моддий тана эмас, бутунлай руҳий табиатга эга деганини билдиради. Унинг танаси ўзининг табиатига кўра бизларнинг моддий танамиздан фарқ қилади. Ведавий муқаддас китобларда ёзилганки, Парвардигорнинг кўзи йўқ, лекин У ҳамма нарсани кўриб туради, деб ёзилган. Бу демак, Унинг кўзи бизларнинг кўзимизга ўхшамайди, Унинг кўзлари чекланган, моддий эмас, руҳий кўзлар. Бизлар чекланган нарсаларни кўрамай, Парвардигор эса ҳамма нарсани кўра олади, чунки ҳамма ерда Унинг кўзлари бор. Унинг кўзлари, қўллари, оёқлари бизларникидан бутунлай фарқ қилади.

Оддий одамларнинг илмидан фарқли равишда, Парвардигор Кришнанинг илми чекланмаган. Парвардигор Кришна «Бҳагавад-гита»(7.26)да шундай дейди: "Менга ҳамма нарса аён: ўтмиш, ҳозир ва келажак". Бундан аввал У Аржунга шундай деган эди: "Сен ҳам, Мен ҳам жуда кўп марта туғилганмиз, сен аввалги туғилишларингни

унутиб юборгансан, Мен эса уларниг ҳаммасини биламан”(БГ.4.5). шундай қилиб, Кришнанинг илми чексиз. Унинг илми, Унинг лаззати, ва Унинг танаси бизларникидан бутунлай фарқ қилади. Шунинг учун фақат ғофил, тушунчаси кам одамгина Мутлак Ҳақиқатни қиёфасиз, ниракара деб аташи мумкин.

Парвардигор қандайдир шаклсиз, қиёфасиз, чексиз бир ўлик нарса деган ҳар қандай тасаввур мутлако хато, бемаъни тасаввурдир. Фақат ҳаёт ҳақида юзаки, моддий тасаввурга эга бўлган иймонсиз ғофил одамлар шундай деб ўйлаши мумкин. Агар бизларнинг танамиз бўлса, демак, бизларни яратган Парвардигорнинг ҳам танаси бўлиши керак, лекин Унинг танаси бизларникига ўхшамайди. Фақат ғофил одамлар Парвардигорнинг танаси йўқ деб ўйлаши мумкин. «Бҳагавад-гита»(7.24) Парвардигор Кришна шундай дейди: *авйактам вйактам апаннам манйанте мам абуддхайах* - “Ғофил одамлар Мени аввал танаси бўлмаган, энди, бу оламга тушганда танага эга бўлди, деб ўйлайдилар”. «Бҳагавад-гита»да Парвардигор Кришна бу моддий оламга инсон қиёфасида келганида Уни шундай мазах қиладиган одамларни ғофил эшак, мудхалар деб атайди. Парвардигорнинг албатта танаси бор, лекин Унинг танаси бизларникига нисбатан умуман бошқа табиатга эга. Ниракара иборасининг ҳақиқий маъноси шундай.

Парвардигор Кришнанинг танаси моддий бўлмагани сингари Унинг кўрсатган кароматлари ҳам илоҳий табиатга эга. Ана шу сени англаб етган одам шу заҳоти руҳий озодликка эришади. Кришнанинг Ўзи «Бҳагавад-гита»(49)да шундай дейди:

*жанма карма ча ме дивйам эвам йо ветти таттваатах
тйактва дехам пунар жанма наити мам эти со “ржуна*

“Мен бу ўткинчи оламга келганимда моддий танага эга бўлмайман; Менинг туғилишим ва кароматларим бутунлай руҳий табиатга эга. Ана шуни мукамал англаб етган одам руҳий озодликка чиқади - Менинг мангу даргоҳимга эришади”. Парвардигорнинг, Парвардигор Кришнанинг муқаддас номларини соф ҳолда зикр қилиш шарофати билан биз Унинг кўрсатган кароматларининг сирли, илоҳий табиатини англаб етамиз ва озодликка эришамиз. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш - руҳий ўзликни англашнинг энг осон ва энг улуғвор йўлидир. Ҳаре Кришна мантрасини ҳақоратларсиз зикр қилиб юрган одам ҳамиша Кришнани эслаб юради - Унинг илоҳий жамолини, сифатларини, кароматларини ва Унинг атрофидаги ҳамма илоҳий нарсаларни. Натижада у ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан ва барча моддий кишанлардан, иллатлардан покланади.

Вишнудуталарнинг гапига кўра, гуноҳлардан покланишнинг барча ведавий усуллари мукамал эмас, чунки уларнинг бирортаси инсоннинг қалбини тўлиқ покламайди. Одатда фақат гуноҳлари оқибатидан қутулишга ва жаннатий сайёраларга эришишга интилиб юрган одам ведавий покланиш маросимларига мурожаат қиладилар. Лекин Худонинг содиқ хизматкорларини жаннатий сайёралар қизиқтирмайди. Уларни бу моддий оламдаги бирорта сайёра ўзига жалб этолмайди, чунки у бу моддий оламда, ҳатто жаннатда ҳам мангу қолишнинг иложи йўқ. Жаннатдаги чиройли қизлар даврасида, лаззатли винолардан ичиб, чексиз бойликлардан роҳатланиб минг йиллар давомида лаззатланиб яшаш мумкин, лекин барибир бу лаззатлар ҳам тугайди-ку. Худонинг мангу содиқ хизматкорлари учун бундай ҳаёт - ҳақиқий дўзах, чунки у ерда Кришна йўқ. Ҳаётга ҳақиқий руҳий кўз билан қараш ана шундай бўлади.

Кришнанинг содиқлари фақат Кришна ҳақида, қандай қилиб Кришнани мамнун қилиш ҳақида ўйлаб юрадилар. Мана шу - Кришнани хурсанд қилиш - ҳақиқий бахтдир. Камса ҳам ҳамиша Кришна онги билан яшарди: у ҳам ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақида ўйларди, лекин у Кришнага душманлик туйғуси билан ўйларди. У ҳамиша қандай қилиб Кришнани, ўзининг ашаддий душманини ўлдириш ҳақида ўйларди. Албатта, бу бхакти эмас, бу Кришнага садоқат эмас. Ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаш ва айни пайтда Унинг амрига қарши чиқиш, Унга ёки Унинг содиқларига бирор зиён етказишга интилиш - бхакти, Кришнага садоқат бўлмайди. Кришна онгига эга бўлган содиқ ўзининг ҳар бир ҳаракати, амали билан Кришнани мамнун қилишга интилади. Аржун Кришнанинг ана шундай содиқ дўсти. Дунёвий нуктаи-назардан олиб қараганда Аржун ўзининг қариндошларига нисбатан душманлик қилди, лекин у Кришнанинг амри бўйича ҳаракат қилгани сабабли, унинг қилган ҳамма ишлари мукамал ва гуноҳлардан, нуқсонлардан пок эди.

Парвардигор Кришнанинг илоҳий ўйинлари

Бхакти билан оддий дунёвий савоб ишларнинг бир биридан фарқини билиш керак. Ҳақиқатни илм ўрганиш орқали излаш ҳам, савоб ишлар қилиш ҳам ўз табиатига кўра моддий, дунёвий ишлар ҳисобланади. Савоб ишларнинг ўзи одамни руҳий озодликка чиқара олмайди. Эзгу ниятли, ҳалол, фақат савоб ишлар қилиб ҳаёт кечираётган одам эзгулик гунасида бўлади, лекин у ўзининг саоб ишларининг натижаларига боғланган дунёвий одам бўлиб, бу моддий

оламда қолиб кетаверади. Ҳатто у брахман бўлса ҳам, намунали художўй, такводор одам бўлса ҳам, ҳали у Худонинг содиқ хизматкори бўлди дегани эмас. Худонинг содиқлари баъзан бизларнинг эзгу, савоб ишлар ҳақидаги тасаввуримизга бутунлай тўғри келмайдиган ишларни қиладилар. Аоржун, Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори, деярли ўзининг барча қариндошларини ўлдириб ташлади. “Золим - деб ўйлавайди ғофил одам, - ўзининг бобосини, рухий устозини, жиянларини ўлдирди, бутун оиласини яксон қилди!” Кришна эса унга бхакто си ме - “Сен Мен учун жуда азизсан!” - дейди. Дунёвий нуқтаи-назардан балки Аржунни қоралаш мумкин, лекин у Парвардигорнинг амрини бажаргани учун уни буюк содиқ сифатида эъзозлайдилар. Аржун ҳақиқатан ҳам ўзининг деярли барча қариндошларини ўлдирди, аммо Кришна учун у ҳамиша содиқ дўст ва садоқатли хизматкор бўлиб қолди. Содиқ хизматкор ва такводор одамнинг орасидаги фарқ мана шунда. Такводор одам гуноҳ қилишдан қўрқади, чунки кейин гуноҳ оқибатида жазо олишини билади. Содиқ хизматкор эса, такводор бўлиш билан бирга, агар Кришна шуни истаб турган бўлса, худди золим одамлардай иш тутиши мумкин. Лекин, ҳатто шунда ҳам Худонинг содиқлари гуноҳга ботиб, тубанликка юз тутмай қолаверадилар: у пок ҳолда Парвардигор Кришнага энг азиз бўлиб қолаверади.

Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаган одамнинг қалби қанчалик покланишини айтган эдик. Лекин Кришна ҳақидаги ҳикояларни тўғри тушуниб тинглаш керак. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга иймонсиз одамлар одатда Кришнанинг раса-лилеси ҳақидаги - Унинг ёш подачи қизлар билан ўтказган ўйинларини тинглашни ёқтирадилар, аммо Унинг иблисларни ўлдиргани ҳақидаги ҳикояларни тинглагиси келмайди. Улар Парвардигор Кришнанинг ҳамма иши бир хилда ҳамага фақат яхшилик келтиришини билмайдилар. У ўзининг дўстлари даврасида лаззатланадими, иблислар билан курашадими, У барибир Мутлақ Ҳақиқат бўлиб қолаверади, шунинг учун Унинг барча кароматлари ҳақидаги ҳар қандай ҳикоялар инсон онгини, қалбини бир хилда поклаш кучига эга.

Одатда одамлар "Шримад Бхагаватам"ни шу билан тирикчилик қилиб юрган брахманлардан тинглайдилар, улар эса раса-лила ҳақида гапиришни ёқтирадилар. “Кришна подачи кизни кучоқлаб олади - жуда зўр-ку!” - хайратга тушади содда тингловчилар. Баъзан *раса-лила* ҳақида ҳикоя тинглашга минглаб одам тўпланади, албатта "Шримад Бхагаватам" ўқиётган одам анча пул ишлаб олади. Шу

тариқа оддий одамларда бутун "Шримад Бхагаватам" фақат ўнинчи кўшиқ, яъни Парвардигор Кришнанинг подачи-қизлар билан ўтказган ўйинларидан иборат деган тасаввур юзага куелади. Натижада улар "Шримад Бхагаватам" бошқа кўшиқларида баён этилган буюк донишмандлик илмидан беҳабар қолиб кетаверадилар. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчидан тўққизинчигача бўлган кўшиқлари одамнинг қалбини поклаб, уни илоҳий даражага кўтаришга, ўнинчи кўшиқнинг илоҳий табиатини англаб етишга қодир қилади. Фақат шу тарзда қалби покланган одамгина Кришнанинг Ўнинчи кўшиқда баён этилган илоҳий ўйинларини англай олади. "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида суммум-бонум, энг олий ҳақиқат баён этилган. (Қалби покланмаган одамлар учун эса у шунчаки оддий ҳикоя бўлиб қолаверади).

Шунинг учун биз ҳар бир содиққа энг аввало "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи тўққиз кўшиғини чуқур ўрганишни тавсия этамиз. Фақат шундагина одам "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғини тўғри тушуниб, англай олади. Раса-лилага оддий, дунёвий нуқтаи-назар билан қарайдиган одам ҳеч қачон Парвардигор Кришнани англаб етишга қодир эмас. Кришнанинг раса-лиласида моддийликдан асар ҳам йўқ. Бу руҳий, илоҳий табиатга эга бўлган Радха ва Кришнанинг самовий муҳаббатга тўла ишқий рақсидир. Чайтанья Махапрабху айтган эдики, "Шримад Бхагаватам"нинг раса-лилага бағишланган бўлимлари оддий одамлар учун эмас, фақат руҳий поғонага кўтарилган, озод руҳлар учун мўлжалланган. Руҳий ҳаётга фотиҳа олмаган, илоҳий нарсаларни англай олмайдиган одамларга раса-лила ҳақида умуман гапириш керак эмас. Қалби модий иллатлардан бутунлай покланган улуғвор содиқларгина Радха ва Кришнанинг илоҳий ишқий ўйинларининг, рақсинининг сирли маъносини англай оладилар. Дунёвий одамлар уларнинг маъносини англашга уриниб ҳам юрмасинлар.

Аммо, илоҳий маъносини тушунмасалар ҳам, барибир, дунёвий одамлар ҳам "Шримад Бхагаватам"нинг Кришнанинг раса-лиласи ёзилган бобларини тинглаб гуноҳларидан покланадилар. Парвардигорнинг кароматлари ҳақида Кришнанинг ҳақиқий, соф содиқ хизматкори гапирганида, уни тинглаётган одамлар ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий поғонасига кўтариладилар. Бизларнинг қалбимиз эҳтирос, лаззатланишга интилиш касалига чалинган, лекин, ишонарли одам Радха ва Кришнани боғлаб турган руҳий, илоҳий муҳаббат ҳақида гапирганида қалбимиз барча дунёвий хис туйғулардан покланади.

Афсуски, камдан-кам, жуда омадли одамлар "Шримад Бхагаватам"ни ҳақиқий руҳий устоз оғзидан тинглаш имконига эга бўладилар. "Шримад Бхагаватам"ни оддий одамнинг оғзидан эшитган одамларнинг қалби дунёвий ҳис-туйғулардан, эхтиросдан покланмайди. Шундай одамларнинг баъзилари ҳатто саҳаджияларга айланадилар: улар ўзларини Кришна, Радхарани ёки гопилардан бири ўрнига қўйиб, олий лаззатланувчига тақлид қила бошлайдилар.

Кришнанинг соф содигининг ягона мақсади - Кришнани мамнун қилиш, шунинг учун у Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилганида бунинг учун нима қилиш кераклигини ўйлайди. Токи биз моддий оламда яшар эканмиз, биз ҳамиша ташвишли, безовта бўлиб юрамиз: аклимиз, ҳиссиётимиз ҳар хил моддий нарсаларга интилаверади. Шунинг учун уларни бхакти-йога ёрдамида ҳамиша мангу нарсалар билан банд қилиб қўйиш керак, акс ҳолда улар бизни кармали - моддий лаззатларга эришиш учун кўрсатиладиган фаолиятга ғарк бўлиб кетишга мажбур қилади. Шунда биз албатта гуноҳ ишлар қилишга мажбур бўламиз. Тирик мавжудотни бу моддий оламда туғилиш ва ўлишлар гирдобига тортадиган кармали фаолият билан шуғулаланишдан сақланиш учун ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаш керак.

Вишнудуталар ҳам бизга шуни тавсия қиляптилар: карма оқибатларидан кутулиш учун Парвардигорни бетиним шарафлаб юриш керак. Фақат шу йўл билангина моддий иллатлардан бутунлай покланиш мумкин. Шрила Шридхара Свами шундай дейди: "Ҳар хил ведавий маросимлар ўтказиб юришнинг ўрнига Худонинг Олий Шахсини шарафланглар!" Кришнани англаб, Кришна онги билан яшашнинг моҳияти шундан иборат.

Парвардигор Кришнага тўққиз турли усул билан хизмат қилиш мумкин: Унинг муқаддас номларининг, илоҳий жамолини, сифатларини, кароматларини таърифлайдиган ҳикояларнинг илоҳий товушларини тинглаш; уларни шарафлаб куйлаш, уларни эслаб юриш, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш, Парвардигорга эхтиром билан сажда қилиш, Унга илтижолар қилиш, Унинг хизматкори бўлиш, Уни ўзининг энг яқин дўсти деб билиш, Унинг учун ҳамма нарсадан воз кечиш - бор нарчасини Унга бериш. Мана усулларнинг биттаси ёки бир нечтаси билан умр бўйи Кришнага хизмат қилиб юрган одам шубҳасиз, умрининг охирида, танасини тарк этаётганида Кришнани эсидан чиқармайди. Кришнани англаш, Кришна онги билан яшаш санъати шундан иборат. Ҳамма нарсани ташлаб қўйиб, фақат Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш

мумкин эмас. Шунинг учун биз ҳар куни Кришна учун хизмат қиламиз ва ҳар бир ишимизни Унга бағишлаб, Унда бутун ақлимизни мужассам қилишга ҳаракат қиламиз. Бу бизга танамизни тарк этаётганда албатта бу моддий оламни биратўла тарк этишга ишончимизни кучайтиради.

Худого садоқат билан хизмат қилишдан йироқ юрган киши ажали етганида Парвардигорнинг муқаддас Нарайана номини эслаб олмайди. Ажал етиб келганда Худонинг муқаддас номларини тўғри зикр қилиш учун инсон бутун умр давомида машқ қилиши, унга ўрганиши лозим. Шунинг учун Чайтанйа Махапрабху: киртанийаҳ сада хариҳ - “Худонинг муқаддас номларини бетиним зикр қилинг!” - дейди. Ҳозирги даврда ҳамиша Кришнани эслаб юришнинг шундан яхшироқ усули йўқ, ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юриш - албатта Худонинг даргоҳига, ўзимизнинг мангу уйимизга қайтиш демакдир. «Бҳагавад-гита»(8.8) Парвардигор Кришна ишонтириб айтадики:

абхйаса-йога-йуктена четаса нанйа-гамина

парамам нурушам дивйам йати партханучинтайан

“Худонинг Олий Шахси сифатида ҳамиша Мен ҳақимда ўйлаб юрадиган, ҳеч нарсага чалғимасдан ҳамиша Мени эслаб юрадиган одам албатта Мега эришади”.

Ажамиланинг ажали етганда Кришна ҳақида ўйлаши тасодифий ҳол эмас. Бемаъни одамлар таъсирида йўлдан адашиб, Худони унутиб юбормасдан аввал у Парвардигорнинг муқаддас Нарайана номини зикр қилиш билан шуғулланган. Унинг ана шу руҳий хизматлари ўзининг мевасини берди, натижада гарчи Ажамила ажали етганда Кришна ҳақида ўйламасдан ўғлини чақирган бўлса ҳам, у дўзахдан қутулиб қолди.

Ҳамма учун баробар марҳамат

«Бҳагавад-гита»(8.6) шундай дейилган:

йам йам вапи смаран бхавам тйаджантй анте калеварам

там там эвайти каунтейа сада тад-бхава-бхавитаҳ

“Ҳозирги танасини тарк этаётиб, инсон ҳаётнинг қандай кўринишини эсласа, кейинги ҳаётида ана шундай ҳаёт кечирадиган танага эга бўлади”.

Ҳамиша Ҳаре Кришна мантрисини зикр қилиб юрган одам бирор қор ҳолга, бахтсиз ҳодисага учраганда уни эсалай олса керак. Агар одам Ҳаре Кришна мантрисини ҳамиша зикр қилишга одатланмаган

бўлса ҳам, агар ажали етганда зикр қила олса, у дўзах азобидан қутулиб қолади. Агар томдан йиқилиб тушаётган одам “Харе Кришна!” деб қичқирса Парвардигор унинг овозини эшитади. Агар бизга тушимизда йўлбарс ҳамла қилиб қолса-ю, биз Кришнани ёрдамга чақирсак, У албатта ёрдам беради.

Ажамила ўлим тўшагида ётганида ўғлини чақираётиб, Парвардигорнинг муқаддас Нарайана номини тилга олганида у Парвардигор Нарайанани эслади. Шунинг учун ҳамведалар маданиятида одамлар фарзандларига удонинг номларини қўядилар. Албатта бу билан унинг боласи Худо бўлиб қолмайди. Ўғлининг исмини Нарайана қўйганда улар ўғлини Парвардигор Нарайананинг хизматкори, Нарайана дас деб биладилар. Биз ҳам шогирдларимизга рухий номларни берамиз: Вишну дас, Вамана дас, Кришна дас ва хоказо. Ажамила шундай исм қўйилган ўғлини чақираётиб, Парвардигор Нарайанани эслаганини тасдиқлайди. Унда айтилганки, Худонинг муқаддас номларининг товушида мужассам бўлган қудрат мутлақ табиатга эга.

Худонинг муқаддас номлари қанчалик қудратли эканини билмайдиган одам ҳам уни тилга олганида барча гуноҳларидан покланади. Чуқур садоқат ва эҳтиром билан ёки ҳеч қандай ишончсиз равишда айтилса ҳам Худонинг муқаддас номлари бирор гуноҳкор содир қилишга қодир бўлмаган гуноҳлардан поклайди. Кришнанинг муқаддас номларининг қудрати ҳақиқатан ҳам чексиз.

Чайтанйя Махапрабху ва Унинг ҳамроҳлари Нажвадвипада Харе Кришна маха-мантрасини куйлаганларида одамлар уларни мазах қилардилар. Баъзи бировлар уларнинг устидан муслмон қозига арз қилдилар: “Харе Кришна деб бақиритиб, қўлларини кўтариб, ҳар хил аҳмоқона рақсга тушадилар!” Улар Парвардигор Чайтанйя Махапрабхунинг санкиртанасини ана шундай тасаввур қилардилар. Ҳозир ҳам бизлар ғарбий давлатларда кўчаларга чиқиб санкиртана ўтказганимизда бекорчи одамлар устимиздан куладилар. Аммо, ҳатто устимиздан кулиб бизларни мазах қилсалар ҳам барибир улар покландилар, чунки Худонинг муқаддас номларида буюк қудрат бор. Ҳатто: “Харе Кришна! Бу қандай гап ўзи? Бемаъни гап!” - деган одам ҳам покланаверади.

Кришнанинг муқаддас номи бизларнинг қалбимизнинг тўридан қуёшга ўхшаб чиқиб келади. Моддий олам қоронғулик зулматига ғарқ бўлган, фақат қуёшни яратиб қўйган Кришнанинг марҳамати билангина биз ёруғликка эгамиз, бу оламни кўраемиз. Қуёш уфқ ортига кетган заҳоти ҳамма нарса яна зулматга ғарқ бўлади. Бизнинг

қалбимизни ҳам ғафлат зулмати қоплаб олган, лекин Парвардигор уни тарқатиб юборишга қодир бўлган нур - Кришна онги, Кришнани англаш нурини ато этиб қўйибди. Гунолҳаримиз сабабли биз илмимиздан маҳрум бўлдик, аммо ҳамиша муҳаббат ва садоқат билан Худога хизмат қилиб юрган одамнинг қалбида пайдо бўлиб, Парвардигор уни озодликка олиб чиқади. Парвардигор Ўзининг содиқларига алоҳида марҳамат кўрсатади, шунинг учун уларнинг қалби ҳамиша Кришна онги билан ёруғ. Кришна ҳамма нарсадан, ҳатто қалбимизнинг энг тўрида сир бўлиб ётган орзу-истакларимизни ҳам билади, энг аввало ҳамиша Унга самимий хизмат қилиб юрган одам Унинг чексиз марҳаматига сазовор бўлади.

Кришна барчага бир хил муносабатда бўлади, шунинг учун Унинг марҳамати чексиз. Лекин У ўз ихтиёри билан бутунлай ўзини Худо топшириб қўйган Ўзининг содиқларига алоҳида марҳамат кўрсатади. Унинг чексиз марҳаматини қалбига сиғдира оладиган одамга У Ўзининг чексиз марҳаматини ато этишга ҳамиша тайёр. Фақат бизнинг қалбимиздаги ҳасад туйғуси Парвардигорнинг чексиз марҳаматидан баҳраманд бўлишга ҳалақит беради. «Бҳагавад-гита»(18.66)да Парвардигор Кришна шундай дейди: *сарва-дхарман партияаджйа мам экам шаранам враджа\ахам твам сарва-панебхйо мокшайишйами* -”Барча қонун-қоидаларни тарк эт, Менга ўз ихтиёрингни топшир! Мен сени ҳар қандай гуноҳлардан асрайман”. Парвардигор Ўзи бизга посбонлик қилишга, ғамхўрлик қилишга ваъда берапти, лекин биз ўзимиз Уни рад этиб, инкор этяпмиз. Қуёш нури бутун оламни ёритиб туради. Ойна ва эшикларни маҳкам бекитиб қоронғу зулматда ўтиришимизга ким айбдор? Қуёш ва Ой ўз нурларини ҳаммага бирдай, браҳманга ҳам, чандалга ҳам, ҳеч кимни бир бировдан ажратмай бир хилда тенг сочаверади. Худди шундай Парвардигор Кришнанинг марҳаматига ҳам ҳамма бир хилда тенг эриша олади, Худонинг марҳаматини қабул қилиш ёки ундан юз ўгириш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

Албатта Худонинг содиқларига Парвардигор бошқаларга қараганда кўпроқ марҳамат кўрсатади, чунки содиқ хизматкор ўз ихтиёри билан Унга ўзини топшириб, Унга хизмат қилиб, Унинг марҳаматини қабул қилишга қодир бўлади. Парвардигорнинг кўпроқ марҳаматини ола билишга қодир бўлиш - Унга кўпроқ хизмат қила билиш жемақдир. Парвардигорга ихлос, иштиёқ билан хизмат қилиш керак, фақат чуқур ишонч ва иймон, қатъият билан Харе Кришна мантрасини зикр қилиб юрган одамнинг қалбидагина Худога хизмат қилишга ихлос уйғонади.

Бизга савол беришлари мумкин: “Худонинг муқаддас номларининг қудратига ишонган одам гуноҳларидан покланади, лекин иймонсиз, муқаддас номга ишонмайдиган одамни муқаддас ном қандай поклай олади?” Бир неча мисол келтирамиз. Агар ёш бола оловга қўлини тикса, у буни билиб қиладими, ёки билмасданми, барибир қўли пишади. Агар биз ёш болага бирор дори берсак, бола унинг кучини биладими, билмайдими, барибир касалидан даволанади. Заҳар ҳам худди шундай таъсир қилади. Ҳатто биз муқаддас ном қандай қилиб ва нимага поклашини билмасак ҳам Ҳаре Кришна мантраси бизнинг қалбимизни поклайверади. Ҳатто фаросатсиз, онгсиз ҳайвонлар ҳам Ҳаре Кришна мантрасининг баланд товушларини тинглаганларида покландилар. Бу ҳақда Шрила Харидас Тхакур айтган эди: “Қачон содиқ Ҳаре Кришна мантрасини баланд овоз билан талаффуз қилганида уни эшитган кўзгалувчан ва кўзгалмас барча тирик мавжудотлар руҳий манфаат олиб, покландилар” (чч.Антйа.3.69).

Кришнани англаш Халқаро жамиятининг бутун жаҳонга кенг ёйилиб кетганининг ўзиёқ Худонинг муқаддас номларининг қанчалик қудратли эканидан далолат бериб турибди. Ҳозир, ғарбий давлатларда Кришнани англаш Халқаро жамияти кенг ривожланиб бораётган бир пайтда жуда кўп олимлар ва бошқа кенг фикрлай оладиган одамлар унинг аҳамиятини тушуниб етмоқдалар. Улардан бири д-р. Стилсон Джуда, Ҳаре Кришна мантраси кўчада юрган хиппи-наркоманларни озгина вақт ичида бутун инсониятга ва Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишга тайёр бўлган энг камтарин, тартибли, итоаткор вайшнавларга айлантирганини кўриб, бу жамият билан қизиқиб қолди. Бир неча йил аввал мана шу хиппилар Ҳаре Кришна мантраси ҳақида ҳеч нарса билмас эдилар, ҳозир улар Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, Парвардигорнинг соф содиқ хизматкорларига айландилар. Улар ўзларининг аввалги ифлос, гуноҳларга тўла бемаъни ҳаётини бутунлай тарк этдилар: ноқонуний жинсий алоқадан, овқатга гўшт ишлатишдан, маст қиладиган нарсалар истеъмол қилишдан, қимор ўйнаш ва бошқа, ҳақиқий инсон учун ярашмайдиган одатлардан воз кечдилар. Мана шуларнинг барчаси Ҳаре Кришна мантрасининг амалдаги қудратини исботлайди. Албатта. Биз бу маха-мантранинг қанчалик қудратли эканини тушунмаслигимиз мумкин, лекин, барибир биз уни қўлимиздан келганча диққат билан зикр қилишда давом этаверсак, тез вақт ичида ҳар қандай иллатлардан покланамиз. Худди шундай агар бемор кучли таъсир қиладиган дорини қанда қилмай ичиб юрса, дори унга

касалдан даволанишда албатта ёрдам беради. У дорининг қанчалик кучли эканини биладими, йўқми, бунинг фарқи йўқ.

Олов, уни ёш бола ёқадими, ёки унинг қудратини биладиган кекса чолми, барибир ўзининг ишини қилаверади. Даладаги қуриган ўтларни ким ёқишдан қатъий назар ўтлар ёниб кетаверади. Худди шундай, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрган одам унинг қудратини биладими, йўқми, барибир барча гуноҳлари оқибатидан покланади. Вишнудуталарнинг муқаддас ном ҳақида чиқарган хулосалари мана шундай, ва бу хулосани ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ҳаёт давом этаверади.

Азроилнинг хизматкорлари шу қадар қудратлики, бутун моддий оламда ҳеч ким уларга тўсқинлик қилолмайди. Лекин, бу гал, уларнинг бахтига қарши, уларнинг ўзлари гуноҳкор деб ҳисоблаган одамни дўзахга олиб кетишларига тўсқинлик қилдилар. Шунинг учун улар шу заҳотиёқ Азроилнинг олдига қайтиб бордилар ва бўлиб ўтган воқеани унга гапириб бердилар. Улар нима сабабдан вишнудуталарнинг Азроилнинг олдига қилган гуноҳларига жавоб бериши лозим бўлган Ажамиланинг ишига аралашганини тушунмас эдилар.

Энди Ажамила бутунлай Кришна онги билан яшарди. Табаррук вишнудуталар, буюк вайшнавлар билан юзма-юз учрашгани шарофати билан Ажамила ҳақиқий ўзлигини, ҳақиқий “мен”ини англаб етган эди. У аввалига ямадуталарнинг сиртмоғига тушган, кейин халос бўлган энди эса ҳеч нарсадан қўрқмасди. Мана шу ҳақиқий озодлик деб аталади. Вайшнавлар, Худонинг содиқлари билан учрашгандан кейин одам Парвардигорни, Кришнани англаб етса, у ҳаётда ҳар қандай қўрқувлардан бутунлай халос бўлади. Ўзининг азалий, мангу табиатини англаб етгандан кейин, Ажамила ҳар қандай қўрқувларни бутунлай эсидан чиқариб юборди ва вишнудуталарга ажойиб илтижо билан мурожаат қилди: ванчха-калпа-гарубхйаш ча крипа-синдхубхйа эва ча - “Мен Худонинг содиқлари олдига чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Улар истаклар дарахтига ва марҳамат, ҳамдардлик уммонига ўхшайдилар”. Содиқнинг бутун умри илтижо қилиш билан ўтади: у ҳамиша бошқа содиқларга илтижо билан мурожаат қилади. Энг аввало у ўзининг руҳий устозига илтижо қилади, кейин руҳий устозининг руҳий устозига илтижо қилади, кейин Парвардигорнинг барча содиқ хизматкорларига илтижо қилади.

Аслини олганда, барча вайшнавлар ҳам вишнудутадлар ҳисобланади, чунки улар ҳам бу дунёда Парвардигор Вишнунинг амрини бажариб юрибдилар. Парвардигор Кришна бу дунёда азоб чекиб, адашиб юрган барча руҳларнинг Ўзига қайтишини, ўз ихтиёрларини Унга топшириб, ҳозирги ҳаётида барча мусибатлардан бутунлай халос бўлишини ўлганидан кейин эса, дўзах азобидан халос бўлишларини истайди. Шунинг учун ҳар бир вайшнав адашган руҳларнинг гафлат уйқусидан уйғонишларига ёрдам беришни истайди. Ажамила сингари омади келиб, вайшнавларнинг ёрдамини, марҳаматини қабул қила олганлар ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтадилар.

Вриндавандаги олти Госвами вайшнавлар бошқаларга ҳамдард бўлишнинг ажойиб намунасини кўрсатиб кетганлар. Улар барча муқаддас китобларни чуқур ўргандилар ва улар асосида Парвардигор Кришнани, ягона Парвардигорни англаш қоидаларини эълон қилдилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларини тасдиқлаш учун Шрила Рупа Госвами ўзининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарида муқаддас китоблардан жуда кўп далиллар келтиради. Уни ва бошқа Госвамирларни ана шундай жуда катта, машаққатли меҳнатга қўл уришга нима мажбур қилди? Энг асосий, инкор этиб бўлмайдиган маъноли, мазмунли гапларни излаб топиш учун барча ведавий асарларни чуқур ўрганиб чиқиш, кейин уларнинг Ведаларнинг якуний мақсадига қанчалик мос эканини кўрсатиб бериш - жуда катта ақлий меҳнат ҳисобланади. Лекин улар бу дунёда азоб чекиб ётган бутун инсониятга чуқур ҳамдардлик туйғуси остида ана шундай ишга қўл урдилар.

Олти Госвами изидан бориб, Кришнани англаш таълимотини бошқаларга ўргатиб, тарғибот қилиб юрган одам бутун инсониятга энг буюк хизмат, энг юксак эзгулик, яхшилик қилаётган одамдир. Яхши, эзгу ишларнинг бошқа турлари ҳам кўп, лекин уларнинг барчаси одамларга ўткинчи, вақтинчалик ёрдам беради. Бутун инсониятга ҳақиқий яхшилик, бахт-саодат келтирадиган фаолият - олти Госвами ва одамларга Кришнани англаш таълимотини ўргатиб юрган бошқа вайшнавларнинг фаолиятидир, чунки фақат ана шундай фаолиятгина ҳақиқий руҳий асосга эга. Вайшнавлар истаклар дарахатига(калпа-врикша) ўхшайдилар, чунки улар инсоннинг ҳар қандай руҳий истакларини амалга ошира оладилар(крипа-синдху).

Ажамила вишнудуталар билан ямадуталар ўртасида бўлиб ўтган баҳс-мунозаранинг гувоҳи бўлган эди. Уларнинг гапларига диққат билан қулоқ солгани шарофати билан барча иллатлардан покланди.

Кришна хақидаги гапларнинг поклаш кудрати ана шундай. Ҳар куни "Шримад Бхагаватам", «Бхагавад-гита», "Чайтанья Чаритамрита", "Бхакти-расамрита-синдху" ва вайшнавларнинг бошқа асарларини тинглаб юрган одам ҳам худди Ажамила сингари, барча моддий иллатлардан бутунлай покланади.

Чукур миннатдорчилик туйғуси билан Ажамила вишнудуталарнинг олдида хурмат-эҳтиром билан бош эгди. Парвардигор Вишнунинг хизматкорлари - вайшнавлар билан бизлар ҳам худди шундай муносабатда бўлишимиз лозим. Чайтанья Махапрабху шундай дейди: *гопи-бхартух пада-камалайор дасадасанудасах* - “Мен - Кришнанинг хизматкорининг хизматкорининг хизматкоринман”. Кришнанинг содиқларини муносиб эъзозламай туриб ҳеч ким Кришнанинг Ўзига яқинлаша олмайди.

Вишнудуталарга сажда қилиб, Ажамила ўрнидан турди ва уларга миннатдорчилик билдириб гапирмоқчи эди, лекин олдида ҳеч ким йўқлигини кўрди. Ажамиланинг уларга нимадир айтмоқчи бўлганини кўриб, вишнудуталар унга Парвардигор ни шарафлаш имконини бериб, кўздан ғойиб бўлдилар. Энди, ҳар қандай гуноҳлардан покланган ҳолда, Ажамила Парвардигорни бемалол шарафлай оларди. Гуноҳларидан биратўла покланмаган одам Худонинг Олий Шаҳси шарафлашга қодир бўлолмайди. Парвардигор Кришнанинг Ўзи «Бхагавад-гита»(да) шундай дейди: *йешам тв атна-гатим папам жананам пунйя-карманам*

те двандва-моха-нирмуқта бхаджанте мам дридха-вратах
“Ҳозирги ва аввалги ҳаётларида савоб ишлар қилиб юрган, гуноҳ ишлардан бутунлай юз ўгирган ва алдамчи қарама-қаршиликлар таъсиридан халос бўлганодам қатъий қарор билан Менга садоқат билан хизмат қила бошлайди”. Вишнудуталарнинг гапларини тинглаб, Ажамила Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида билиб олди ва Худонинг даргоҳига, ўзининг мангу уйига қайтишга муносиб бўлди. Ажамиланинг қалбида Парвардигорни шарафлаш истагини кучайтириш учун вишнудуталар уни тарк этдилар. Улар билан ажралишганидан, ҳижрон, айрилиқ туйғуси таъсири остида Ажамила чуқурроқ ҳис-туйғу, кучлироқ ихлос билан Парвардигорни шарафлай бошлашини вишнудуталар билар эди.

33. Ажамиланинг пушаймон бўлиб тавба-

тазарру қилишлари

*Вишнудута ва ямадута*ларнинг баҳсларини тинглаган Ажамила, моддий табиатнинг уч гунаси ҳукмронлик қилаётган бу оламда ҳаракат қилиб турган дин қонунларининг мазмун-моҳиятини бир зумда англаб етди. Бу қонунлар уч ведада ёзилган. Шунингдек, у моддий табиатнинг уч гунасидан ҳам устун турадиган ва тирик мавжудотнинг Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатларини белгилаб берадиган ҳақиқий дин қонунларини ҳам билиб олди. Вишнудуталар Парвардигорнинг муқаддас номларини, сифатларини ва кароматларини олқишлаган эдилар, уларнинг гапларини тинглаб, Ажамиланинг қалби покланди ва энди у Худонинг содиқ хизматкорига айланди. Энди у аввал ўзи содир этган гуноҳларини эслаб, қаттиқ пушаймон бўла бошлади. Ажамила шундай нола қиларди: "Ҳиссиётимнинг, нафсимнинг қулига айланиб, қанчалик тубанликка юз тутган экаман-а! Барча браҳманлик фазилатларидан маҳрум бўлиб, мен фоҳиша аёл билан фарзандлар дунёга келтирдим. Ўз қилмишларим билан оиламизга иснод келтирганим учун, ароққа, мастликка берилганим учун, пасткаш фоҳиша билан яшаи ниятида ўзимнинг садоқатли ва чиройли хотинимни ташлаб қўйганим учун минг ланъатлар бўлсин менга! Минг ланъат! Мен кекса ота-онамнинг ёлғиз фарзанди эдим. Уларнинг мендан бошқа бирор таянчи йўқ эди, лекин мен уларга гамхўрлик қилмадим, натижада улар жуда оғир қийинчиликларга дучор бўлдилар. Мен, яхшиликни билмайдиган пасткаш, қандай қилиб кексайганида уларни ўз ҳолига ташлаб қўйдим-а? Менга ўхшаб, муқаддас китобларда кўрсатилган қонунларни писанд қилмайдиган гуноҳкорларнинг дўзахга ташланиб, у ерда қаттиқ изтироб чекиши муқаррар эканини энди тушундим. Оёқ-қўлимни боглаб, мени дўзахга олиб кетиши учун келган ажсал элчиларини ўз кўзим билан кўрдим. Улар қаерга гойиб бўлдилар? Бу ҳодисларга ўнгимда рўй бердимми ёки тушимдами? Бошқа оламдан келиб, мени кишианлардан халос қилиб, дўзах азобидан қутқариб қолган ажойиб зотлар қаерга гойиб бўлдилар? Ҳақиқатан ҳам мен энг пасткаш ва бахтиқаро гуноҳкорман, гуноҳи азимларга бутунлай ботиб кетдим, лекин аввалги қилган хайрли ишларим шарофати билан ана шу тўрт фаришта менга ёрдамга келди. Уларни кўришдан мен қанчалик бахтиёр эдим-а! Агар аввал Парвардигорга хизмат қилмаганимда, шунча гуноҳларга ботган мендай бир пасткаш одам

ажали етганда Вайкунтхапатининг муқаддас номини тилга олишга қодир бўлармиди? Албатта, бунинг ҳеч қандай иложи бўлмасди. ("Шримад Бхагаватам".6.2.24-33).

Пушаймонлик, тавба.

Вишнудуталарнинг ямадуталар билан баҳс-мунозараларини тинглаб, Ажамила Кришна онгига эга бўлди. Шундан сўнг у пушаймон бўлиб, ўзининг аввалги ҳаётини қоралай бошлани: “Қандай қилиб мен шунча узоқ вақт гуноҳларга ботиб юрдим-а? Э-воҳ, менинг бахтиқаро тақдирим!” Кришнани англаб етган, Кришна онгида яшашга киришга ҳар бир ҳақиқий вайшнав аввалги ҳаётидан пушаймон бўлиб, ана шундай нола қилади. Аввалги ҳаётда қандай ишлар қилган бўлмасин, қандай гуноҳларга ботган бўлмасин, Кришнанинг содиқлари билан суҳбатлашиб, Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ҳикояларни (бхагавата-катха)тинглай бошлаганида одамнинг онги ўзидан ўзи гуноҳли ҳаёт иллатларидан поклана бошлайди. Шунда у авваллари билмагани, ғофиллиги сабабли шунча гуноҳ ишлар қилиб юрганидан қаттиқ афсуслана бошлайди. Ана шу афсусланиш, ана шу йиғи - унинг поклангани, покланаётгани белгисидир. Аввалги ҳаётдан пушаймон бўлиб, тавба қилган содиқ энди бундай кейин гуноҳ қилмасликка кўлидан келганча ҳаракат қила бошлайди.

Энди Ажамила Худога садоқат билан хизмат қилишнинг юқори поғонасига кўтарилган эди: унга энди ҳеч қандай дунёвий нарсалар халақит беролмас, у калбида бу дунёда ҳеч нарса билан тенглаб бўлмайдиган чексиз қувонч, шодлик ҳис қиларди(ахайтуки апраитхати йайатма супрасидати). У ўзининг аввалги гуноҳларидан қаттиқ пушаймон бўлиб, Парвардигорга ҳамду-санолар ўқий бошлади - Парвардигорнинг гўзал жамолини, сўнмас шуҳратини, Унинг муқаддас номларини, Унинг кароматларини шарафлаб куйлай бошлади. Кришнанинг англаб етшга интилаётган содиқ хизматкор Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб, мунтазам равишда ҳар куни Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишга ҳаракат қилади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре ҲареҲаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. “Энди мен Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрибман, кўрқмасдан гуноҳ қилишда давом этаверсам бўлади, ҳамма гуноҳларим ювилиб кетади!” - деб ўйлаган одам қаттиқ адашади. Бу - жуда қаттиқ ҳақорат эканини биз бир неча марта такрорлаб айтдик.

Ажамиладан ўрнак олиб қаттиқ пушаймон бўлиш керак: “Мен нимага шунча вақт гуноҳ қилиб юрдим-а? Энди, Кришнанинг марҳамати билан, омадим келиб, шу пайтгача қанчалик пасткаш бўлганимни, қанчалик ифлос яшаганимни англаб етдим!”

Ажамила ўзининг аввалги гуноҳкор ҳаётидан ана шундай пушаймон бўлган эди. У ота-онасининг уни ҳақиқий брахман қилиб ўстиришга уринганини, Ведаларни ўрганганини, брахман оиласидан чиққани учун жуда кўп эзгу фазилатларга эга бўлган чиройли, покдомон қизга уйланганини эслади. “Мен ана шундай гўзал хотинимни фоҳишага, жирканч бузуқи аёлга алмаштирдим-а!” - деб куйинарди Ажамила.

Маданиятли жамиятнинг олий брахманлар, кшатрийлар ёки вайшьялар табақасига мансуб бўлган киши паст табақага мансуб аёл билан қўшилиб фарзанд кўриши яхши эмас. Ведалар маданиятига кўра никоҳ қуришдан аввал келин билан куёвнинг келажаги астрологик ҳисоб-китоблар билан яхшилаб ўрганиб чиқилган: натижада ота-оналар фарзандларнинг турмуш қуришида бир бирига мос келишларига ишончи кучли бўлган. Ведавий астрология илми одамга моддий табиат гуналарининг қандай таъсир қилишини аниқлаш имконини беради. Бу илм ёрдамида ҳар қандай одамнинг қайси варнага мансуб эканини билиш мумкин: випра-варнагами, кшатра-варнагами, вайшья ёки шудра-варнагами. Никоҳ ўқитиб, оила қуришдан аввал буни аниқлаш жуда муҳим, чунки випра-варнага мансуб йигитнинг шудра-варнага мансуб қиз билан турмуш қуриши муваффақиятли бўлмайди, бундай оилавий ҳаёт уларга фақат мусибат келтиради, холос. Оила қурмоқчи бўлган эркак ва аёлнинг сифатлари ва характери бир бирига ўхшаш бўлиши керак. Албатта, буларнинг ҳаммаси трай-гунъя, ҳаётга Ведавий кўрсатмалар асосида моддий кўз билан қараш, моддий нуқтаи-назардир, холос, агар келин ҳам куёв ҳам Худонинг содиқлари бўлса, бундай эҳтиёткорликнинг бутунлай ҳожати йўқ. Кришнанинг содиқлари ҳаёт ҳақидаги ҳар қандай моддий тасаввурлардан устун турадилар, шунинг учун уларнинг оила қуриши ҳар қандай шароитда ҳам уларга фақат бахт-саодат келтиради.

Ажамила виждон азобидан қийналар эди: “Мен ўзимнинг нафсимни тиёлмадим, ҳиссиётимни жиловлай олмадим. Мен брахманларга хос бўлган барча фазилатларимдан маҳрум бўлдим ва гуноҳи азимларга ботиб кетдим”. Унинг бу тавба-газзарулари Ажамиланинг ҳақиқий соф содиқ хизматкор даражасига етганини билдиради. Парвардигорнинг ва руҳий устознинг марҳамати билан Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилган одам

биринчи навбатда ўзининг аввалги гуноҳларидан пушаймон бўлиб, тавба-тазарру қила бошлайди. Мана шу амали унга Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишига ёрдам беради. Вишнудуталар Ажамиланинг олдида Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини очиб берган эдилар, ва бу йўлга кирган ҳар қандай одам сингари Ажамила ҳам қаттиқ пушаймон бўлиб, тавба қила бошлади. У авваллари ҳаром ҳариш йўллар билан пул топиб, фоҳиша билан яшагани, гўшт егани, ароқ ичгани, кимор ўйнаганидан афсусланиб, пушаймон бўлди. Гуноҳ ишларга бўлган интилишдан қутулибгина қолмасдан, содиқ хизматкор умрининг охиригача аввалги қилган гуноҳларидан пушаймон бўлиб тавба қилиши лозим. Бусиз соф содиқ хизматкор даражасига кўтарилиб бўлмайди.

Қарзларни узиш керак

Ажамила ўзининг қонуний хотини олдидаги, отаси, онаси олдидаги бурчини бажармагани, қарзини узмагани билан ҳам гуноҳкор эди. Энди у шуларни ўйлаб қаттиқ пушаймон бўляпти. Кекса ота-оналарига хизмат қилиш - фарзандларнинг муқаддас бурчи. Мана шу одоб-ахлоқ қоидаларни ҳозирги замондаги одамлар жамиятида ўрнатиш лозим. Акс ҳолда оила қуришнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди. Намунали оилада эркак одам ўзининг оила аъзоларини ҳимоя қилади, хотини унга вафодор, фарзандлар эса, миннатдорлик билан ота-оналарини ҳурмат қиладилар. Фарзанд ота онаси олдидаги бурчини яхши англаб етиши лозим: “Ота-онам мен учун шунча яхшилик қилдилар. Ҳали мен юришни билмаган пайтимда улар мени кўлида кўтариб юрдилар, ўзим овқатланиб билмаганимда мени ўз кўли билан овқатлантирдилар. Улар менга таълим-тарбия бердилар. Улар менга ҳаёт бердилар”. Яхши фарзанд отаси ва онасига садоқат билан хизмат қилиши; яхши хотин эрига вафодор, содиқ бўлиши; эр эса, хотинининг ўзига кўрсатаётган ғамхўрлиги эвазига уни ҳимоя қилиши лозим. Лекин Ажамила фоҳиша аёл билан кўшилиб, ўзининг барча бурч, вазифаларини бажармай қўйган эди. Мана энди ақли кириб, тавба қилиш пайти келганда у ўзини энг пасткашларнинг пасткаши деб ўтирибди.

Ведавий қоидаларга кўра, инсон дунёга келган захоти жуда кўп мавжудотлар олдида қарздор бўлиб қолади. Бизларнинг барчамиз буюк донишмандларнинг - ўтмиш, ҳозир ва келажакни биладиган ришилар олдида қарздормиз. Уларнинг ёзиб қолдирган илоҳий

асарларидан, масалан, Вйсадеванинг "Шримад Бхагаватам"идан биз ҳалигача бебаҳо илоҳий илм ўрганяпмиз. Шунинг учун биз табаррук авлиё донишмандлар олдида қарздормиз.

Биз коинотни бошқариб турган фаришталар олдида қарздормиз. Биз улардан ҳаёт учун зарур бўлган энг муҳим нарсаларни оламиз: Қуёш фариштаси бизга қуёш нурини беради, Ой фариштаси - ой нурини, Ваю - ҳаво ва шамолни, ва ҳоказо. Бу оламдаги ҳар бир моддий унсурни маълум фаришта бошқариб туради.

Биз ўзимизга бирор хизмат қилаётган тирик мавжудот олдида қарздормиз. Сигирдан биз сут оламиз. Ведаларда сигир инсоннинг онаси деб кўрсатилган, чунки у, худди тукқан онасидай, инсонни сут билан таъминлайди. Муқаддас китобларда инсоннинг етти онаси бор деб кўрсатилган: тукқан онаси, руҳий устозининг хотини, шохнинг хотини, брахманнинг хотини, сут берган она(энага), сигир ва ер. Биз ана шу етти она ва отамиз, ака-укаларимиз, дўстларимиз, қариндошларимиз, аждодларимиз ва келажак авлодларимиз олдида қарздормиз.

Бировдан садақа сўраб олган одам ҳам унга садақа берган одамдан қарздор бўлиб қолади, чунки у олган садақасини кейинги ҳаётида албатта қайтариши керак бўлади. Бу худди бировдан олинган қарзга ўхшайди. Шунинг учун Худонинг содиқлари бошқалардан фақат Кришнага хизмат қилиш учун ишлатишгагина эҳсон олишлари мумкин. Ўзининг қорнини тўйғазиш учун бошқалардан садақа сўраш Худонинг содиқлари учун катта гуноҳ ҳисобланади. Бошқалардан хайр-эҳсон оладиган брахман ва саннийасилар жуда эҳтиёт бўлишлари лозим. Ведалар маданияти билан яшаётган жамиятда фақат брахмачарийларга, брахманларга ва саннийасиларга бировлардан садақа, хайр-эҳсон олишга рухсат этилган. Оиласи билан яшаётган оддий одамларга бировлардан садақа олиш таъқиқланган. Брахмачари ўзининг руҳий устозига хизмат қилиш учун бошқалардан садақа сўрайди, саннийаси Худонинг Олий Шахсига, Кришнага хизмат қилиш учун бошқалардан садақа сўрайди. Ведавий муқаддас китобларда одамлар брахманларга садақа беришлари керак деб кўрсатилган, чунки фақат брахманлар олган садақаларидан Кришнага хизмат қилишда тўғри фойдаланишни биладилар. Муносиб одамга берилган хайр-эҳсон - эзгулик гунасидаги қурбонлик бўлади; бирор манфаат кўзлаб берилган садақа - эҳтирос гунасида бўлади, номуносиб одамга берилган садақа эса - ғафлат гунасида бўлади. Масалан, агар сиз кўчадаги бир девонага садақа берсангиз, у дарров вино магазинига бориб, сизнинг пулингизга вино ичади. Бадавлат одамлар ана шу

қоидаларга аҳамият бермай, дуч келган одамга садақа беришга ҳаққим бор деб ўйлайди, лекин муқаддас китобларда кимга берилганига қараб садақалар ҳар хил натижа бериши кўрсатилган.

Шундай савол туғилиши мумкин: Агар биз шунча одамлар олдида қарздор бўлсак, умуман барча қарзлардан қутулиб бўладими? Жавоб шундай: барча қарзлардан қутулишнинг энг осон йўли - Кришнанинг, Муқунданинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топиш. “Муқунда” деган ном “Иллатлардан поклайдиган Зот” деганни билдиради. Бизлар фаришталар олдида қарздормиз, лекин улар бизга паноҳ, нажот беролмайдилар. Фақат Кришнадан нажот кутиш мумкин, чунки фақат Унинг Ўзи бизларни барча қарзлардан озод этишга қодир. Кришна - Худонинг Олий Шаҳси, агар У бизларнинг қарзимизни кечириб юборса, Унинг ҳукми остидаги фаришталар ҳам бизларни қарздан озод этишга мажбур бўлади.

Ажамила қарздор эди ва ўзининг ночор ҳолатини тушунган эди, лекин, Муқунда(Кришна)нинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига киргани учун унинг ҳамма қарзлари тўланиб кетди. Ажамила Парвардигор Нарайананинг паноҳи остига кирди ва шу билан озодликка эришди, Парвардигор Нарайана Муқундадан фарқ қилмайди. Агар ўзимизнинг барча гуноҳларимиз оқибатидан халос бўлишни истасак, биз ҳам ихтиёримизни Кишнага бутунлай топширишимиз лозим. Бунинг бошқа йўли йўқ. Парвардигор Кришнанинг Ўзи айтяпти: мам экам шаранам враджа -”Ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир!” Биз Кришнанинг чақириғига кулоқ солишимиз лозим, акс ҳолда биз ўзимизнинг сон-саноксиз қарзларимиздан қутула олмаймиз, айниқса ҳозирги Кали-юга даврида.

Мангу бойлик

Бу моддий оламда биз ҳар қадамда турли хил хавф-хатарлар остида юрамиз. Ҳатто Парвардигорнинг соф содиқ хизматкори ҳам йўлдан адашиб, тубанликка йўл тутиши мумкин: лекин Нарада муни бизни ишонтириб айтадики: (“Шримад Бхагаватам”.1.5.17).

тйактва сва-дхармам чаранамбуджам харер

бхаджанн апақво “тха патет тато йади

йатра ква вабхадрам абхуд амушйа ким

Кришна онги варга апто “бхаджатам сва-дхарматах

Бу ерда дхарма ибораси “инсоннинг муқаддас китобларда белгиланган бурчи”ни билдиради. Брахманларнинг ўз бурчи бор,

кшатрийларнинг - ўз бурчи, вайшья ва шудраларнинг ҳам ўзларининг жамиятдаги фаолиятига мос келадиган ўз бурчлари бор. Жамиятдаги ўз бурчини бажаришдан воз кечиб, ҳаётини Кришнага хизмат қилишга бағишлаган киши, ҳатто билмасдан яна тубанликка юз тутса ҳам, эришган руҳий натижаларидан маҳрум бўлмайди. Агар у Худога садоқат билан хизмат қилишга озгина вақт ажратган бўлса ҳам, бу унинг мангу, ўчмас, ҳеч қачон хазон бўлмайдиган бойлиги бўлиб қолаверади. Унинг Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидаги бирор ҳаракати зое кетмайди.

Аксинча, одам жамиятда қанчалик виждон билан меҳнат қилмасин, агар у Кришнага сиғинмаган бўлса, қилган барча меҳнатлари бефойда бўлади. Жамиятдаги ўз бурчини виждон билан бажариб одам такводор ҳаёт кечиради. Ўзининг такводор, ҳалол ҳаёти натижасида жаннатга эришадиган одани жаннатда нима кутиб турганини кўз олдингизга келтиринг. «Бҳагавад-гита»да Парвардигор Кришна тушунтирганки, қилган савоб ишлар заҳираси тугагандан кейин жаннатдаги одам яна қайтиб ер сайёрасига тушишга мажбур бўлади. Бундан ташқари, агар сиз бировларга садақа берган бўлсангиз, ёки бошқа қандайдир эзгу ишлар қилган бўлсангиз, ана савоб ишларингизнинг натижасидан лаззатланиш учун яна шу ерда туғилишга мажбур бўласиз, демак, сизни яна бу мусибатларга тўла моддий оламда туғилиш ва ўлишлар, улар билан боғлиқ бўлган азоб-укубатлар кутиб турибди. Шунинг учун фаросатли одам ўзининг қилган савоб ишлари учун Парвардигордан бирор натижа кутиб ўтирмайди.

Бахтга қарши, ҳатто Ҳиндистонда ҳам одамлар ғофиллиги сабабли Парвардигор Кришнага сиғинишдан кўра эзгу, дунёвий савоб ишлар билан шуғулланишни афзал биладилар. Риёзат чекиш, тапасья, йўли балан улар жаннатий сайёраларга кўтарилиб, нозик лаззатлардан роҳатланиб яшашни истайдилар. Жаннатга эришиш ёки ҳозирги ҳаётда қандайдир саодатларга эришиш ниятида одамлар ҳар хил фаришталарга сиғинадилар, масалан Тангри Шивага. Тангри Шива шунчалик саховатлики, ўзининг содиқлари ундан нима сўраса дарров ато этади. Тангри Шива одатда Ашутоша, яъни “Мамнун қилиш осон зот” деб ҳам атайдилар. Шунинг учун бу моддий оламда, ҳозирги ҳаётида гуллаб-яшнаш учун кўпчилик одамлар унга сиғинадилар. Лекин Парвардигор Шри Кришна ана шундай одамларнинг қилаётган ишини қоралайди: *камаис таис таир хрита-джнанаҳ прападиянте “ниадеватаҳ* - “Фақат ақли, тафаккурини дунёвий орзу-истаклар ўғирлаб қўйган ғофил одамларгина

фаришталарга сиғинадилар”.(бг.7.20). "Шримад Бхагаватам"да Тангри Шива даҳшатли курол ато этган иблис Врика ҳақида ҳикоя келтирилган: ўша иблис кимга қўлини теккизса, шу одамнинг боши яксон бўларди. Равана ва Хиранйакашипу ҳам фаришталардан ана шундай қудратли совғалар олган эди. Иблислар одатда фаришталардан ана шундай қудрат беришларини илтижо қиладилар, чунки уларнинг фикрича, қудратли бўлиш - мангуликка олиб келади.

Лекин, афсуски, фаришталарнинг уларга берган қудратлари уларни даҳшатли ажалдан қутқара олмади: уларнинг ҳаммаси охир-оқибатда Парвардигорнинг қўлида ҳалок бўлдилар. Бу оламда ажал ҳаммани кутиб туради. Моддий табиат қонуни шундай. Бу ерда туғилган бирор тирик мавжудот мангу яшай олмайди. Моддий оламни “мритйалока”, яъни “туғилиш, касаллик, кексайиш ва ўлиш макони” деб атайдилар. Лекин, алданиш домига тушиб қолган одамлар шуни тушунмайдилар. Улар бу оламни ўзгартириб, шу ерда мангу бахтли ҳаёт кечирамиз деб ўйлаб, шунга интилиб яшайдилар. Ҳозирги олимлар ҳам, Хиранйакашипу сингари, мангу яшашга интиладилар ва бор кучи билан шунга эришишга интилиб юрибдилар. Аммо, буларнинг барчаси бемаъни ишлардир. Ўлимдан қўрқишнинг ҳожати йўқ. Фақат ҳаётда ҳалол яшаб, вақти вақти билан: “Ҳозирги ишларим учун кейинги ҳаётда қандай танага эга бўлар эканман?” деб ўйлаб юриш керак.

Худонинг содиқлари ўлимдан қўрқмайдилар. У Кришнага шундай илтижо қилади: “Агар Сен шуни истасанг, мен такрор ва такрор туғилишга розиман, лекин қандай танада туғилишимдан қатъий назар, ҳамиша Сенга хизмат қилиш, ҳамиша Сени эшлаш имконини берсанг бас!” Худонинг содиқлари ўлишдан эмас, Худони унутишдан, гуноҳ ишларга берилиб кетишдан қўрқадилар. Бунинг устига содиқ хизматкор биладики, Кришнага қанчалик хизмат қилган бўлса, бу унинг ҳеч қачон ўчмайдиган, йўқолмайдиган бойлиги бўлади. Ажамила воқеаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Албатта, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб юриш лозим, лекин содиқ хизматкор ҳатто адашиб, яна тубанликка йўл тутса ҳам, барибир у эришган руҳий бойлигидан маҳрум бўлмайди. Юқорида келтирилган шеърда Нарада мунӣ айнан мана шу ҳақда айтади. Одам ҳатто адашганидан, қандайдир бошқа бир ниятлар билан келиб, Парвардигор Кришнага озгина вақт хизмат қилган бўлса ва кейин яна ўзининг аввалги гуноҳкор ҳаётига қайтиб кетган бўлса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилишда қанча иш қилган бўлса, сақланиб туради ва бир қуни

вакти келиб у, худди Ажамила сингари нажот топади.

Вишнудуталар кўздан ғойиб бўлганида, Ажамила ўзига келди ва ўйга толди: бу нарсаларнинг ҳаммаси - ажойиб вишнудуталар, ямадатуларнинг дахшатли кишанлари, ўзининг қутулиб қолгани - туши эмасмикан? Гарчи ўлим тўшагида Ажамила беҳуш ётган бўлса ҳам, у ямадуталарни ҳам вишнудуталарни ҳам яққол кўрган эди, энди шу кўрганларининг ҳаммаси унга худди тушдай бўлиб кўриняпти. У ҳақиқатан ҳам Азроилнинг хизматкорлари кўлидан қутулиб қолганини англаб етганида, ўзини қутқарган зотларни яна бир бор кўргиси келиб кетди. Парвардигор Вишнунинг хизматкорлари бениҳоя гўзал бўлиб, худди ўзларининг ҳукмдориغا, Парвардигор Вишнуга ўхшардилар. Уларда худди Парвардигор Вишнуники сингари такинчоқлар бор эди, қўлларида ҳам худди Уники сингари куруллар бор эди: сур, нилуфар, гурзи ва халқа. Худди Парвардигор сингари улар ҳам ўзидан порлоқ нур таратиб турардилар ва олтинранг ипак либослар кийиб олган эдилар. Ҳайратга тушган Ажамила шундай хитоб қилди: “Мени ямадуталарнинг чангалидан қутқариб қолган бу ажойиб гўзал зотлар қаерга ғойиб бўлди?”

“Қандай қилиб мендай бир гунохкор одам уларнинг гўзал жамолини кўришга муяссар бўлди?” - хайрон бўларди Ажамила. Ниҳоят у, аввалги ҳаётларида қилган бирор эзгу иши учун ана шундай мукофотга сазовор бўлган бўлсам керак, деган қарорга келди. Аслида эса бундай эди: ёшлигида Ажамила садоқат билан Парвардигорга, Парвардигор Нарайанага хизмат қилган эди, фақат шунинг учун у вишнудуталарни кўришга муяссар бўлган эди.

Ёшлигида Ажамила покдомон, художўй одамлар билан бирга бўлган эди, шу сабабли у ажал домидан қутулиб қолган эди. "Чайтанйя Чаритамрита"(Мадхйя.22.54) шундай дейилган:

садху-санга, садху-санга - сарва-шастре кайа
лава-матра садху-санге сарва-сиддхи хайа

“Барча муқаддас китоблар бизни табаррук авлиё зотлар, Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлишга чақиради, чунки улар билан бўлган бир лаҳзалик суҳбат ҳам бизнинг қалбимизга руҳий баркамоллик уруғини жойлаб қўйишга қодир”. Ёшлигида Ажамила қалби пок, вақтини Худонинг содиқлари ва брахманлар билан ўтказадиган одам эди. Кейин у йўлдан адашиб, тубанликка юз тутган эди, аммо, аввалги такводорлиги шарофати билан ўғлининг исмини Нарайана деб қўйди. Шубҳасиз, унинг қалбида туриб, Парвардигорнинг Ўзи уни шунга мажбур қилган эди. Парвардигор «Бхагавад-гита»(15.15)да шундай дейди: сарвасйа чахам хриди

саннивишто маттах смритир джнанам апоханам ча - “Мен ҳар кимнинг қалбидаман, илм, хотира ва унутиш Мендан чиқади”. Ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Парвардигор шунчалик марҳаматлики, Унга биргина марта озгина хизмат қилган одамни ҳам ҳеч қачон унутмайди. У қалбида туриб, Ажамиллага ўғлининг исмини Нарайана қўйишни айтди, бу билан У Ажамиланинг ҳамиша ўғлини муҳаббат билан “Нарайана! Нарайана!” деб чақириб юришини, ажали етганда эса, дўзах ахобидан қутулиб қолишини истаган эди. Кришнанинг марҳамати ана шундай. Гуру-кришна-прасаде пайа бхакти-лата-биджа: гуру ва Кришнанинг марҳамати билан одам бхакти уруғини олади, агар у Кришна ҳақида гапириш, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ва тинглаш билан бхакти уруғини мунтазам суғориб турса, энг оғир қисматдан - дўзах азобидан қутулиб қолади.

Кришнани англаш Халқаро жамиятида биз шогирдларга янги руҳий номлар берамиз, бу номлар уларга Худони, Парвардигор Вишнуни эслатиб туради. Агар содиқ хизматкор ажали етганда, танасини тарк этаётиб, атиги ўзининг исмини эсига олса ҳам - масалан, Кришна дас, Говинда дас - у ҳеч нарсадан қўрқмаса ҳам бўлади. Шу боис, фотиҳа олиш пайтида шогирдга руҳий исм қўйишнинг аҳамияти жуда катта. Ҳақиқатан ҳам, Кришнани англаш таълимоти ҳамиша Парвардигор Кришнани эслаб юриш ва дўзах азобидан қутулиб қолиш учун инсонга жуда кўп имкониятлар яратиб беради.

Одатда, бутун умри давомида Парвардигор Кришнага хизмат қилиб юрган ва У билан ўзининг мангу муносабатларини тиклай олган одамгина ажали етганда Кришнани эсла олади. Ажамила ҳали кичкина бола пайтида отаси унинг қалбида Кришнага содиқ хизматкор бўлиш туйғусини уйғотган эди, йигирма ёшларигача Ажамила Кришнага, Парвардигор Нарайанга садоқат билан хизмат қилиб юрган эди. Гарчи вақт ўтиши билан у ўзининг поклигини йўқотган ва Худони унутиб юборган бўлса ҳам, Парвардигор уни эздан чиқармади ва бошига оғир мусибат - ажал келганда аввалги муҳаббати ва садоқати учун уни мукофотлади. Шунинг учун ҳам Ажамила ажали етганда Парвардигор Нарайанани эслай олди.

Парвардигор Кришна ҳар қандай, ҳатто энг арзимас хизматни ҳам жуда миннатдор бўлиб қабул қилади. Унинг Ўзи бу ҳақда «Бхагавад-гита»(2.40) шундай дейди:

нехабхикрама-нашо “сти пратйавайо на видйате
св-алпам апй асйа дхармасйа трайате махато бхайат

“Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган одам йўқотиш нималигини билмайди, бу йўлда қилинган озгина ҳаракати ҳам уни энг катта ҳалокатдан қутқариб қолади”. Худога садоқат билан хизмат қилишда қилинган озгина ҳаракат ҳам одамни энг катта мусибатдан қутқариб қолади. Шундай экан, нимага Кришнага хизмат қилмаслигимиз керак? Кришнага кечаю-кундуз тинмасдан хизмат қилинглари, шунда ҳаётда ҳеч нарсадан кўркмайсишлар. Кришнанинг англаб, Кришна онги билан яшаётган одам ҳаётда кўркув нималигини билмайди, чунки у ҳамиша Кришна уни албатта ҳимоя қилишини яхши билади.

18. Юрган одам манзилга етади.

Ажамила давом этди: Мен - виждонсиз, барча браҳманлик фазилатларидан маҳрум бўлган ёлгончи одамман. Ҳақиқатан ҳам, мен барча гуноҳлар тимсолиман. Мен қанчалик осий гуноҳкорман-у, Парвардигор Нараянанинг муқаддас номи қанчалик улугвор! Ҳа, мен ҳақиқатан ҳам энг гуноҳкор одамман, лекин энди, барча гуноҳларимдан покланиш имкониятига эга бўлганимдан кейин, ақлимни, ҳиссиётимни ва ҳаёт нафасимни жиловлаб оламан. Мен энди бу моддий оламнинг гафлат ботқоғига яна ботиб қолмаслик учун Парвардигорга тинмасдан хизмат қила бошлайман. Танасини - “ўзим” деб ҳисоблаб юрган киши, ҳамиша ҳиссиёти ёрдамида лаззатланишига интилади. Шу ниятда ҳар хил гуноҳ ва савоб ишларга қўл уради. Мана шу - дунёвий асирлик, моддий тутқунликдир. Энди, фоҳиша аёл кўринишида менинг олдимга келган Парвардигорнинг алдамчи қувватининг таъсирига берилиб, адашиб тушиб қолган мана шу моддийлик асоратидан қутулиш пайти келди. Алдамчи қувват мени бутунлай ўзига қўл қилиб олган экан, мен - адашган гофил банда эса, шу аёлнинг қўлида худди ўргатилган итдай бўлиб қолган эканман. Энди шахвоний эҳтирослар ҳамласини енгиб, алданиш кишанларидан қутулиш вақти келди. Мен энди барча тирик мавжудотларга ачинадиган меҳрибон, ҳамдард, яқин дўст бўлиб, ҳамиша Кришна онги билан яшайман. Мен Худонинг содиқ хизматкорлари иштирокида бир мартагина Унинг муқаддас номини тилга олган эдим, шунинг шарофати билан қалбим барча иллатлардан бутунлай покланди. Энди мен шу қароримда қатъий тураман ва ўтқинчи,

ҳиссий лаззатлар алдовига зинҳор учмайман. Мен бутун ақлимни Мутлақ Ҳақиқатда жамладим ва энди ўткинчи танамни “ўзим” деб ҳисобламайман. “Мен” ва “меники” деган сохта тушунчалардан халос бўлиб, бутун фикру-хаёлимни Кришнанинг нилуффар қадамлари пойида муҷассам қиламан!”

Ажамила ўзининг ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларидан бутунлай халос бўлиши учун вишнудуталар - Худонинг содиқ хизматкорлари билан бир лаҳза учраишининг ўзи кифоя бўлди. У ўзини бу дунёга боғлаб турган нарсаларнинг барчасидан озод бўлиб, вақтини бекорга кетказмай Хардварга йўл олди. Хардварга бориб, Парвардигор Вишнунинг эҳромидан паноҳ топиб, қолган умрини бхакти-йогоа билан шугулланишга бағишлади. У ҳиссиётини жиловлаб олиб, ақлини Парвардигорга хизмат қилиши билан бутунлай банд қилди. Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бутунлай берилиб, Ажамила ҳиссий лаззатлар ҳақида ўйлашни биратўла тарк этди ва бутун фикру-хаёлини Илоҳнинг қиёфасида жамлади. Брахман Ажамила ақли ва тафаккурини Парвардигорнинг қиёфасида жамлаганида, унинг олдидан яна Парвардигор Вишнунинг хизматкорлари пайдо бўлдилар. Уларни таниган Ажамила дарров уларга чуқур таъзим қилди. Вишнудуталарни томоша қилиб, Ажамила ўзининг ўткинчи моддий танасини Хардвардаги Ганга қиргоғида тарк этди. У ўзининг азалий, Худонинг мангу содиқ хизматкорига муносиб бўлган руҳий танасига эга бўлди. Ажамила Парвардигор Вишнунинг элчилари билан бирга олтиндан қилинган ҳаво кемасига ўтирди. Кема уларни само йўллари бўйлаб, равнақ фаришталарнинг ҳожаси бўлган Парвардигор Вишнунинг даргоҳига олиб кетди. Ёшлиғида Ажамила бошқаларга ўрнак бўладиган брахман эди, аммо, ёмон одамлар таъсирига тушиб қолиб, брахманларнинг урф-одатларини ва дин қонунларини тарк этган эди. У шу қадар тубанликка тушиб кетган эдики, ўғирлик қилиб, ароқ ичиб, яна бошқа жирканч ишлар билан ҳам машғул бўла бошлаганди. У ҳатто ўз уйида фоҳиша аёлни боқиб ўтирган эди. Бу қилмишларининг барчаси учун унга муқаррар дўзах азоби тайёрлаб қўйилган эди, Азроилнинг хизматкорлари деярли уни дўзахга олиб кетаётган ҳам эдилар. Аммо, Ажамиланинг дўзах азобидан бутунлай қутулиб кетиши учун у тилига олган Парвардигор Нараянанинг муқаддас номининг биргина сояси кифоя бўлди. Шунинг учун, моддий оламда мангу тутқун бўлиб қолишни истамайдиган ҳар бир одам, Худонинг муқаддас номларини ҳаммиша зикр қилиб юриши ва қадамлари пойида барча муқаддас зиёратгоҳлар жойлашган Парвардигорнинг

улугворлигини, бетакрор қиёфасини, гаройиб кароматларини шарафлаб куйлаши лозим. Гуноҳлардан покланиш, фалсафий изланишлар ва мувоқабатга берилиш сингари бошқа йўллар инсонни ҳақиқий саодатга олиб келолмайди, чунки бу йўллардан бораётган одамлар эртами-кечми, барибир яна кармали фаолиятга берилиб кетадилар: табиатнинг наст гуналари - эҳтирос ва гафлат гуналари таъсири остидаги ақли уларни яна шундай ишларга мажбур қилади. Мана шу илоҳий ҳикоя ҳам, уни чуқур ишонч ва ихлос билан тинглаган ёки уни бошқаларга гапириб берган кишини барча гуноҳлари оқибатидан халос этади. Ҳатто у, аввалгидай моддий танаси ичида яшаётган ва ҳаётда аввал жуда кўп гуноҳ ишлар қилган бўлса ҳам, ундай одамга дўзах азоблари энди ҳеч қачон раҳна сололмайди. Ҳақиқатан ҳам, ямадуталар, Азроилнинг хизматкорлари, энди у томонга ҳатто кўз-қирини ташлашга ҳам ботина олмайдилар. Танасини тарк этиб, ундай одам ўзининг ҳақиқий уйига, Худонинг олдига боради ва Худонинг даргоҳида уни иззат-икром билан кутиб оладилар. Гарчи аслида ўғлини чақираётган бўлса ҳам, ажали етганида Худонинг муқаддас номини тилга олгани учун Ажамилга ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб келди. Шундай экан, Худонинг муқаддас номларини чуқур ишонч ва иймон билан, ҳақорат қилмасликка ҳаракат қилиб, самимий зикр қилиб юрган одамнинг албатта ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боришига шубҳа қилиб бўладими? ("Шримад Бхагаватам". 6.2.34-49).

Қатъият

Худонинг муқаддас номлари барча бахт-саодатлар манбаидир, шунинг учун Худонинг муқаддас номларини - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре тинмасдан зикр қилиб юрган одам ҳеч қачон бирор фалокатга учрамайди. Биргина мана шу Ҳаре Кришна мантрисини зикр қилиб юришнинг ўзи билан у мангу саодатга эришади.

Ҳозир Парвардигор Нарайананинг, Кришнанинг муқаддас номларининг шуҳратини одамларга тарғибот қилиб юрган Кришнани англаш Халқаро жамиятининг аъзолари аввал, бу жамиятга қўшилмасдан олдин ким эканини, ҳаётда қандай яшаб юрганларини ва энди ким-у, қандай яшаётганини ҳамиша эслаб юришлари лозим. Ким эдигу - ким бўлдик? Аввал бизлар ғафлат босган дунёвий ҳаётнинг энг тубан жойларида эдик: ёвузлик билан ўлдирилган бечора хайвонларнинг гўштини ердик, ароқ ичардик, харом юрардик, - энди

эса, биз энг буюк саодатга - Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб, Парвардигорнинг шахсан Ўзига хизмат қилиш бахтига эришдик. Биз ана шу буюк неъматни, бебаҳо иноятни муносиб қадрлай олишимиз лозим. Парвардигорнинг чексиз марҳамати билан биз бутун жаҳонда тобора кўпроқ марказлар очяпмиз - бу билан ҳаммага Худога садоқат билан хизмат қилиш имконияти пайдо бўляпти - келинлар, ана шу марказларда биргаликда Худога хизмат қилиб мангу бахтга эришиш учун тобора кўпроқ одамларни жалб қилайлик. Аввал ким бўлганимиз ва ҳозир ким эканимизнинг фарқини яхши англаб етишимиз ва яна адашиб, ўша ғафлат ботқоғига ботиб кетмаслик учун ҳамиша эҳтиёт бўлиб юришимиз лозим. Бизларнинг ҳар биримизга ана шундай катъият жуда зарур. Парвардигорнинг ва руҳий устознинг марҳамати билан биз ҳозир моддий оламда энг буюк, энг юксак мартабага эришдик. Шунинг учун бу қанчалик нодир ва кам-дан кам тирик мавжудотга насиб этадиган омад эканини англаган ҳолда, ҳамиша Парвардигор Кришнага илтижо қилиб, яна адашиб кетишдан бизни асрашини ялиниб сўрашимиз лозим. Шунда биз инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эриша оламиз.

Ажамила Кришна онгига эга бўлганида, унинг шунча умрлар давомида тўпланган барча қарзлари, гуноҳлари кечирилди. Энди у Парвардигорнинг муқаддас Нарайана номини бетиним зикр қилишга аҳд қилди. “Худонинг муқаддас номини зикр қилиш билан мен барча тирик мавжудотларга энг буюк бахт келтираман, ўзим ҳам осойишталикка эришаман!” - деган қарорга келди у. Барча гуноҳларидан покланиб, Ажамила қалбида Парвардигор Кришнанинг овозини эшитди. Кришна унга барча тирик мавжудотларнинг энг яқин дўсти бўлишни буюрган эди.

Ҳаммага дўст

Худонинг содиқлари ҳаммага фақат яхшиликни раво кўрадилар. Шубҳа йўқки, улар ҳаммага бирдай дўст, чунки ҳамманинг бахт-саодатини ўйлаб уларга Худони, Кришнани англаш илмини ўргатадилар. Улардан бошқа ҳеч ким барча тирик мавжудотларга яхшилик келтира олмайдилар. Масалан, сиёсатчилар ўзларининг ватандошларининг бахт-саодатини ўйлаб иш қиладилар, деб айтадилар. Лекин уларни ҳамманинг, барча тирик мавжудотларнинг дўсти деб бўлмайди, чунки улар фақат ўз ватанидаги одамларга яхшилик қилишга уринадилар, лекин, шу ердаги ҳайвонларга

ғамхўрлик қилмайдилар. Лекин Худонинг содиқлари - ҳамма тирик мавжудотларнинг дўсти: хайвонлар, одамлар, ҳашаротлар ёки ўсимликлар ва ҳоказо. Худонинг содиқлари ҳатто чумолига ҳам озор бермасликка ҳаракат қилади, иймонсиз одам эса, ўзини ҳамманинг дўсти деб эълон қилган ҳолда, беозор хайвонларни ажал фабрикасига - қассобхоналарга жўнатади.

Барча тирик мавжудотларнинг энг яқин дўсти - Парвардигор, Парвардигор Кришна. У ҳаммага бирдай меҳрибонлик қилади. У фақат Ўзининг яқинларига - ота-онасига, ёш ва катта подачиларга, сигирларга, Вриндавандаги гопиларгагина яхшилик қилиб қолмайди, У ҳаммага, ҳар кимга алоҳида меҳрибонлик қилади, чунки ҳар бир тирик мавжудот - Унинг ажралмас руҳий заррачаси. Кришна ҳаммани севади, Унинг муҳаббатининг чегараси йўқ. Худонинг содиқ хизматкори Ундана ана шу ажойиб севиш қобилятини ўрганиб олади ва барча тирик мавжудотларнинг сеvimли дўстига айланади.

Кармилар фақат ўзлари учун бирор манфаат кўзлаб ҳаракат қиладилар, шунинг учун улар бегуноҳ, беозор хайвонларни ёвузларча ўлдириб, катта гуноҳ қиладилар, ўзларининг ҳар хил ҳаром йўллар билан тўплаган мол-дунёси билан гердаядилар. Гйанилар руҳий озодликка чиқишга интилиб, илм орқали Брахманни англашга ҳаракат қиладилар. Улар ҳам фақат ўзларини ўйлаб яшайдилар. Фақат бхактилар, Кришнанинг содиқлари, ҳаммага бирдай бахт келтириш учун интилади. Кришнанинг содиқлари айниқса адашган, шартланган руҳларга алоҳида марҳамат кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бхакти тимсоли бўлган Парвардигор Чайтанйа ҳаммани Худонинг содиқ хизматкори бўлишга ўргатган. Шунинг учун Уни патита-павана, “адашган шартланган руҳларни кутқарувчи” деб атаганлар. Ундан ўрнак олиб Унинг изидан борган ҳар бир вайшнав ҳам патита-павана. Энди Ажамила ҳам ана шундай кайфиятга эга бўлди ва шундай қарорга келди: “Бундан кейин мен барча тирик мавжудотларга дўст, меҳрибон бўламан ва осойишталикка эришаман!”

Кришнани, Парвардигорни англаб, ҳаётда Кришна онги билан яшашга интилаётган ҳар бир содиқ ана шундай қатъий қарорга келиши лозим. У майа, моддий табиат тутқунлигидан фақат ўзи озодликка чиқибгина қолмасдан, унинг чангалида мусибат чекиб юрган барча тирик мавжудотларга ҳамдардлик биолдириши лозим. Кришнани англаш Халқаро жамияти аъзолари фақат ўзи ҳақида эмас, балки бутун инсоният ҳақида, алоҳида ҳар бир шартланган руҳ ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим. Мана шу - содиқнинг Кришнани

англаб етганининг энг юксак даражада намоён бўлишидир. Фақат ўзининг озодликка чиқиши ҳақида эмас, балки бошқаларнинг руҳий озодликка чиқиши ҳақида ўйлаб юрган, шунинг учун Кришнани англаш жамиятини тобора кенгайтиришга ҳаракат қилиб юрган содиқ юксак даражада Кришна онгига эга бўлади. Ана шундай улуғвор содиқ хизматкор ҳеч қачон тубанликка юз тутмайди, чунки Парвардигор Кришна ҳамиша уни ўзи ҳимоя қилиб юради. Кришнани англаш жараёнининг, Кришнани англаш ҳаракатининг моҳияти ана шундан иборат. Алдамчи қувват кўлида ўйинчок бўлиш ўрнига ўзи ҳам озодликка чиқиши ва бошқаларга ҳам руҳий озодликка чиқишда ёрдам бериш учун Кришнани англашга, Кришна онги билан яшашга муурожаат қилиш керак.

Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш

Бу шеърлар тирик мавжудот қандай қилиб моддий қувват асирлигига тушиб қолишини тушунишга ёрдам беради. Ҳаммаси тирик мавжудот адашганидан моддий танасини “ўзим” деб қабул қилганидан бошланади. Шунинг учун «Бҳагавад-гита»нинг бизга берадиган биринчи сабоғи - биз тана эмасмиз, тана ичига қамалган руҳмиз. Мана шу ҳақиқатни фақат Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрган ва ҳамиша Худонинг содиқлари билан бирга юрган одамгина англай олади. Руҳий ҳаётда юксалишга эришишнинг сири мана шунда. Мана шунинг учун ҳам ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юриш ва дунёвий ҳаётда қуйидаги гуноҳ ишлардан сақланиб юриш жуда муҳим: гўшт ейиш, зино, маст қиладиган нарсалар истеъмол қилиш, кимор ўйнаш. Мана шу қоидаларга қатъий риоя қилиб юрсак, бу моддий оламнинг барча мусибатларидан халос бўламиз.

Бунинг учун биринчи қўйиладиган қадам - ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан воз кечиш: мен тана эмасман! Ажамила ҳаёт ҳақидаги бундай тасаввурлардан вишнудуталар билан ямадуталар орасида бўлиб ўтган баҳс-мунозарани тинглагандан кейин халос бўлди. Бунинг исботини шундан кўриш мумкинки, у шу заҳотиёқ хотини ва болаларини тақр этиб, қолган умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаш учун Хардварга йўл олди. Шу ерда у Парвардигор Вишнунинг эҳромидан паноҳ топиб, муҳаббат билан Худога хизмат қила бошлади. Кришнани англаш Халқаро жамияти бутун жаҳон бўйлаб айнан шу мақсадда - одамларга Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятини бериш учун марказлар очяпти. Худонинг

содиклари Хардварга боришлари шарт эмас, Кришнани англаш Халқаро жамиятининг яқинроқ жойдаги эҳромига бориб, шу ерда бутунлай Кришна онгига ғарқ бўлиб, Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишлари мумкин. Шунда улар инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришадилар.

Эҳромда Илоҳга сиғинаётган одамнинг ақли табиий равишда Парвардигор ва Унинг қиёфаси, жамоли ҳақидаги ўйлар билан банд бўлади. Парвардигорнинг Илоҳи(арча-виграха) ва Парвардигор орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, шунинг учун бхакти-йога билан шуғулланиш йоганинг бошқа турлари билан шуғулланишдан анча осон. Саккиз поғонали йога билан шуғулланадиган одамлар ақлини қалбидаги Параматмада, Олий Рухда, Парвардигор Вишнуда мужассам қилиш учун анча уринадилар. Лекин, ақлини эҳромдаги Илоҳларда мужассам қилиш орқали ҳам худди шу мақсадга осонлик билан эришиш мумкин. Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси ҳар бир эҳромда бор, ана шу Илоҳларга қараб Улар ҳақида фикр юритиш қийин иш эмас. Арати ўтказилаётган пайтда Илоҳларни томоша қилиб турган, Уларга бхога таклиф қилиб юрган ва ҳамиша Улар ҳақида ўйлаб юрган одам йогларнинг ичида энг аълоси бўлади. Мана шу йоганинг энг мукамал усулидир. Буни Парвардигорнинг Ўзи ҳам тасдиқлайди: («Бҳагавад-гита».6.47).

йогинам апи сарвешам мад-гатенантар-атмана

шраддхаван бхаджате йо мам са ме йуктатамо матах

“Барча йоглар ичида ҳамиша Мен ҳақимдаги ўйларга ғарқ бўлган, Менга садоқат билан хизмат қилиб, ўзгармас иймон ва ишонч билан сажда қиладиган одам мен билан энг мустаҳкам ришталар билан боғланган ва камолот чўққисига эришган йогдир”. Ўзининг ҳиссиётини жиловлаб олган ва Парвардигорнинг қиёфаси, жамоли ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, дунё ташвишларидан фориғ бўлган одам йоглар ичида энг яхшисидир.

Худонинг даргоҳига, ўзининг мангу уйига

Ажамила ўзининг бутун ақлу-хаёлини Парвардигорнинг қиёфасида мужассам қилганида, бу браҳманни дўзах азобидан қутқариб қолган вишнудуталар яна унинг олдида пайдо бўлдилар. Улар Ажамилага ўзининг фикру-хаёлини Худонинг Олий Шаҳсида мужассам қилишга имконият бериш учунгина оз вақтга тарк этган эдилар. Энди, Ажамиланинг Парвардигорга бўлган садоқати мустаҳкам бўлганида, улар яна пайдо бўлдилар. Ўзининг

халоскорларини таниган Ажамилла дарров уларнинг олдида эҳтиром билан сажда килди.

Энди Ажамилла ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қатишга тайёр эди. У ўзининг ўткинчи танасини тарк этди ва азалий, бошланғич рухий қиёфага кирди. «Бхагавад-гита»(4.9)да Парвардигор Кришна шундай дейди:

*жанма карма ча ме дивйам эвам йо ветти таттваатах
тйактва дехам пунар жанма наити мам эти со “ржуна*

“Мен бу ўткинчи оламга келганимда моддий танага эга бўлмайман; Менинг туғилишим ва кароматларим бутунлай рухий табиатга эга. Ана шуни мукаммал англаб етган одам бу оламда қайта туғилмайди, рухий озодликка чиқади - Менинг мангу даргоҳимга эришади, о Аржун”. Кришнани англашда камолотга эришган одам моддий танасини тарк этиб, дарров ўзининг бошланғич, рухий танасида рухий оламга кўтарилади ва Худонинг Олий Шахсининг ҳамроҳлари даврасига киради. Парвардигор Кришнанинг яқин хизматкорлари бўлиш учун баъзи содиқлар Вайкунтхалокага, баъзилари Голока Вриндаванага эришадилар.

Ажамилани олиб кетгани келган ҳаво кемалари сингари, рухий оламнинг кемалари бизларни кўз-очиб юмгунча ўзимизнинг мангу уйимизга, Худонинг даргоҳига элтиб қўйишга қодир. Ҳаммага маълумки, ақл бир зумда бир жойдан иккинчи жойга кўча олиш қобилиятига эга, руҳ эса, ақлга қараганда анча нафисроқ, шунинг учун рухий таналар қанчалик тез ҳаракат қилишини тасаввур қилиш мумкин. Парвардигорнинг соф содиқ хизматкори моддий, ўткинчи танасини тарк этиб, бир лаҳзада ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига эришади.

Фақат Худонинг содиқларигина ана шундай мукамалликка эриша оладилар. Кармилар, ғйанилар ва йогларнинг ўз машғулотларида камолотга эришиб, яна дунёвий ишларга қайтганига жуда кўп мисоллар бор. Жуда кўп ҳолларда сохта свамилар ёки йоглар моддий фаолиятни алдамчи, сароб(жаган митхйа) деб, уни бутунлай тарк этадилар, лекин орадан кўп вақт ўтмай, яна шундай моддий, дунёвий фаолият билан шуғуллана бошлайдилар: шифохоналар очади, мактаблар куради ёки жамиятнинг моддий равнақи учун бошқа ишлар билан машғул бўлади. Баъзан, ҳатто сиёсат билан ҳам шуғулланадилар, шунда ҳам ўзларини уялмасдан саннийаси, таркидунё қилган одам деб айтадилар. Мана шундай ишларнинг барчасини моддий оламда ҳукм сураётган алдамчи қувват юзага келтиради.

Тўлик ишонч билан хулоса қилиш мумкинки, мусибатларга тўла бу моддий оламни бутунлай тарк этишни истаган киши Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилиш Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан ва Парвардигорни шарафловчи ҳикояларни тинглашдан бошланади(шраванам киртанам вишноҳ). Кришнани англаш Халқаро жамияти одамларга мана шу йўлга киришда ёрдам беради. Бизнинг бу ҳаракатга қўшилиб, ғарбий давлатлардаги жуда кўп ёшлар ўзларининг аввалги тузалмас касаллари - гиёҳвандлик ва бошқа бемаъни одатларидан покланиб, чуқур садоқат ва ихлос билан Парвардигорни шарафлаб куйлай бошладилар. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш - ғафлат ва эҳтирос гунаси таъсири остида содир этилган барча гуноҳлардан покланишнинг энг самарали усулидир. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи қўшиғида(2.19) шундай дейилган:

тада раджас-тамо-бхавах кама-лобхадайаш ча йе
чета этаир анавиддхам стхитам саттве прасидати

Раджас ва тамас эҳтиросини ва нафсининг очофатлигини кучайтириб, одамнинг қалбини иллатга ботириб ташлайди, аммо у Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб ва диққат билан уларни тинглаб юрса, у эзгулик гунасига кўтарилади ва ҳақиқий бахтга эришади. Худога садоқат билан хизмат қилишда юксала бориб, у барча гумон ва шубҳаларидан бутунлай покланади(бхидйате хридайа-грантхиш чхидйанте сарва-самшайах). Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонни кармали фаолият билан шуғулланишга мажбур этадиган дунёвий орзу-истаклар тугунини узиб ташлайди.

Тананинг барча аъзолари ишдан чиққан ҳолатда ўлим тўшагида ётган одам табиий равишда қийин аҳволга тушиб, эсанкираб қолади. Шундай бўлиши мумкинки, ҳатто бутун умри давомида Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрган одам ҳам ажали етганда Ҳаре Кришна мантрасини аниқ талаффуз қила олмас. Лекин барибир ундай одам ҳам Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юришдан келадиган барча саодатларга эришади. Шунинг учун токи танамиз соғ, кучимиз бор пайтда Худонинг муқаддас номларини иложи борица кўпроқ, баландроқ овозда диққат билан зикр қилайлик, токи вақти келиб, ўлим тўшагида танамизни тарк этаётганда Худонинг муқаддас номларини чуқур иймон ва муҳаббат билан тилга оладиган бўлайлик. Хулоса қилиб шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, Худонинг муқаддас номларини мунтазам равишда зикр қилиб юрган одам ҳеч шубҳасиз, албатта ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боради.

4. Худонинг муқаддас номлари ҳақида Азроилнинг берган насиҳатлари

19. Ҳеч қандай шубҳа, гумонларга ўрин йўқ!

Махараж Паркишит шундай деди: - Эй ҳукмдорим, бу дунёда ҳамма Азроилнинг амрига бўйсунди; у адолат билан барча тирик мавжудотларни қилмишларига яраша жазолайди ёки эзгу ишлари учун мукофотлайди. Лекин бу ерда Азроилнинг чиқарган қарори амалга олмади. Унинг хизматкорлари вишнудуталардан мағлуб бўлиб, Ажамилани сўроққа тутиши учун ўзининг олдига олиб келолмаганини билгандан кейин, у хизматкорларига нималар деди? Эй буюк донишманд, Азроилнинг амрига қарши чиқиши - одам ишониши қийин бўлган, қулоқ эшитмаган ҳодиса. Менимча, одамларнинг бунга ишониши қийин. Аминманки, уларнинг қалбидаги шубҳаю-гумонларни сендан бошқа ҳеч ким тарқата олмайди. Шунинг учун, илтимос, тушунтириб берчи, қандай қилиб бундай ҳодиса рўй берди?

Шри Шукадева Госвами шундай деб жавоб берди: - Эй шоҳ, Парвардигор Вишнунинг элчиларидан мағлуб бўлгандан кейин, гуноҳкорларни жазолайдиган Азроилнинг хизматкорлари Самряманипурига, бўлиб ўтган воқеани гапириб бериши учун хўжайинлари ҳузурига кириб келдилар.

Ямадуталар шундай дедилар: - Эй ҳукмдор, бу дунёда яна қанча ҳукмдор бор? Табиатнинг уч гуна(эзгулик, эҳтирос ва гафлат)си таъсири остида содир қилинадиган ишларнинг ҳар хил оқибатларга олиб келишига яна қанча сабаблар келтириши мумкин? Агар оламда, ҳар бири ўз хоҳишига қараб, қайси иш учун жазолаш, қайси иш учун

эса мукофотлаш кераклигини белгилайдиган ҳукмдор ва қозилар кўп бўлса, уларнинг бир-бирига қарама-қарши қарорлари уларнинг ўзларининг қудратини йўққа чиқарган бўларди. Шунда оламда на гуноҳ ишлар учун жазо ва на савоб ишлар учун мукофот деган нарсалар мавжуд бўлмай қоларди. Агарда ҳукмдорларнинг қарорлари барибир қандайдир қудратга эга бўлса, унда айнан бир иш учун одам ҳам мукофот олган, ҳам жазоланган бўларди. Дунёда ҳар хил фаолият билан машғул бўлиб юрган кармилар жуда кўп, шунинг учун, уларга ҳар хил ҳоким ва қозилар ҳакамлик қиладилар. Лекин, дунёдаги барча ҳукмдор ва шоҳлар устидан ҳукмронлик қилувчи ягона Олий Ҳукмрон Зот бўлиши керак. Худди шунингдек, дунёдаги барча қози ва ҳокимлар устидан қарайдиган ҳам Олий Одил Ҳукмдор Зот бўлиши керак. Олий Ҳукмдор, Ҳакам ягона бўлиши лозим. Биз ана шу ягона ҳакам - сен бўлсанг керак, деб ўйлаган эдик, сенга ҳатто фаришталар ҳам бўйсунди деб ўйлардик. Айнан сен барчага ҳакамлик қилиб, одамларнинг ҳаётда қилган ишларининг қайси бири гуноҳ, қайси бири савоб эканини ўзинг ҳал қиласан, деб юрган эдик. Энди эса, бизлар аниқ билдикки, сенинг ҳукминг ҳамма ерда ҳам ўтавермас экан, акс ҳолда, ўша тўрт нафар ажойиб, комил зотлар сенинг амрингга қарши чиқолмаган бўларди? Сенинг амрингга бўйсуниб, бизлар гуноҳкор-осий Ажамилани дўзахий сайёраларга судраб кетмоқчи эдик. Бирдан сиддхалокалик ажойиб фаришталар ишимизга аралашиб, гуноҳкор боғланган занжир-кишанларни ечиб ташладилар. Гуноҳкор Ажамила "Нараяна" деган номни тилига олиши билан бирдан ана шу тўрт самовий фаришта пайдо бўлди. Улар Ажамиллага: "Энди ҳеч нарсадан кўрқмасанг ҳам бўлади!" - деб айтишди. Эй ҳукмдор, биз у зотлар ҳақида сенинг ўзингдан билиб олишни истаймиз. Агар бизни сенинг гапларинг маъносига тушунишига қодир деб ҳисобласанг, бизга тушунтириб бер, у зотлар кимлар эди?"

Шри Шукадева Госвами шундай деди: "Бу дунёда яшайдиган барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори, Тангри Ямараджа, ўзининг хизматкорларининг оғзидан "Нараяна" номини эшитиб, жуда хурсанд бўлди. У бирдан Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эсига олди ва хизматкорларига жавоб бера бошлади. ("Шримад Бхагаватам". 6.3.1-11).

Ҳамманинг ягона ҳукмдори ким?

Махараж Парикшит ҳайрон бўлиб Шукадева Госваидан сўради: "Азроилнинг амрига ким ҳам қарши чиқа оларди?" Суднинг ҳукми

хаммага баробар. Азроил эса - Парвардигорнинг, Кришнанинг амрини бажарадиган бутун олам судяси ҳисобланади.

Барча гуноҳкорларнинг Азроилнинг олдига олиб борадилар, у ўзининг ҳукмронлиги остида бўлган макон Ямалокада уларнинг устидан ҳукм чиқариб жазолайди. Кейин унинг амри билан гуноҳкорни бирор дўзахга юборадилар. Лекин, Ажамила қисматида муқаррар бўлган ана шундай дўзах азобидан кутулиб қолди. Азроилнинг хизматкорлари Ажамилани Азроилнинг олдига олиб боришлари керак эди, лекин вишнудуталар уларга тўсқинлик қилдилар.

Бир қараганда вишнудуталар ямадутааларга тўсқинлик қилиб, Парвардигорнинг қонунларини бузгандай кўринади. Аммо. Парвардигор Вишнунинг Ўзи бутунлай мустақил ҳолда иш қила олгани сингари, Унинг элчилари ҳам моддий оламдаги истаган зотнинг амрини инкор этишга қодир. Парвардигорнинг қудрати шундай. Моддий оламда ҳеч ким Азроилнинг ҳукмига қарши чиқолмайди, аммо вишнудуталар ана шундай қилдилар, чунки улар фақат энг олий ҳукмдорнинг - Худонинг Олий Шахсининг амрига қараб иш тутадилар.

Ямалокага қайтиб келиб, ямадутаалар дарров Азроилнинг олдига бордилар ва унга савол бера бошладилар: “Нима сабабдан бизга ўз бурчимизни бажаришга тўсқинлик қилдилар? Эй ҳукмдор, бу оламда нечта ҳукмдор бор ўзи? Бу оламни фақат сен ўзинг бошқарасанми, ёки бошқа ҳукмдорлар ҳам борми?” ғофил одамлар одатда фаришталар Индрани, Сурйани, Чандрани ёки бошқа бир фариштани олий ҳукмдор деб ҳисоблайдилар. Бу худди деб кўчадаги оддий милиционерни давлат ишларида олий ҳукмдор деб ҳисоблаган баробар. Кўчада машиналарнинг ҳаракатларини тартибга солиб турадиган, жамоат тартибини сақлайдиган жуда кўп милиция ходимлари бор, лекин фақат ғофил одамгина уларнинг ҳам бошлиғи борлигини, уларнинг бошлиғининг ҳам бошлиғи борлигини, улар эса ҳокимга бўйсунушини, ҳоким эса президентга бўйсунушини тушунмайдилар. Ямадутаалар ҳеч нарсани ўйламасдан азроилнинг амрини бажариб юрар ва ундан бошқа ҳукмдор бўлмаса керак деб ҳисоблардилар. Авваллари ҳеч ким уларга ўз бурчини бажаришга тўсқинлик қилмаган эди.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур айтиб ўтганки, Азроилнинг хизматкорлари ундан шу қадар ғазабланиб кетган эдиларки, улар Азроилдан оламни фақат бир ҳукмдор, Азроилнинг ўзи бошқарадими, ёки бошқа ҳукмдорлар ҳам бор ёки йўқлигини

тушунтириб беришни талаб қилдилар. Ямадуталарнинг ўз бурчини бажаришда, Азроил уларга ёрдам беролмаганини кўриб, улар ўз ҳукмдорига хизмат қилишдан бош тортмоқчи бўлган ҳам эдилар. Амрини бажаришга бошқа бировлар тўсқинлик қилишга қодир бўлган кучсиз, қудратсиз ҳукмдорга хизмат қилишнинг нима кераги бор?

Ямадуталар Азроилнинг амрини бажара олмадилар, шунинг учун улар ҳақиқатан ҳам Азроил гуноҳкорларни жазолашга қодирмикан ўзи, деб гумонсираб қолдилар. Азроил уларга Ажамилани олиб келишни буюрган эди, лекин улар унинг амрини бажара олмадилар, чунки ўзларининг хўжайинидан қудратлироқ бўлган Зотнинг элчилари уларгу тўсқинлик қилган эдилар. Мана шу ҳол ямадуталарнинг Азроил бутун оламга ҳукмдорлик қиладиган ҳукмдор бўлмаса керак деб гумонсирашларига сабаб бўлди. Агар ҳукмдорлар кўп бўлса, уларнинг ҳар бири баъзан бир бирига зид келадиган ўзининг амрини чиқаради. Натижада уларнинг ҳукми остидаги одам ўзининг иши учун муносиб жазоланмай ёки мукофотланмай қолади, ёки бутунлай на мукофот, на жазо олмайди. Ҳозирги кунда бир суднинг чиқарган қарорини иккинчи бир судқарори билан бекор қилиш ҳоллари одат тусига кириб қолган. Бир одамнинг ишини бирор суднинг қарори билан қоралаши, иккинчи суднинг қарори билан мукофотлаши мумкин. Лекин табиатнинг ҳукми, яъни Худонинг Олий Шахсининг қарори ҳеч қачон бир бирига зид бўлмайди. Табиат, Парвардигор ҳеч қачон янглишмайди.

Судялар ҳамиша адолат билан қарор чиқаришлари лозим. Лекин Ажамила воқеасида суд, яъни Ароил кийин аҳволга тушиб қолди. Ажамилани олиб кетишга ҳозирланган ямадуталар ҳақ эдилар, лекин шунга қарамай вишнудуталар уларга тўсқинлик қилдилар. Аммо, гарчи вишнудуталар ҳам, ямадуталар ҳам Азроилни нотўғри қарор чиқарганда айбласалар ҳам, у барибир энг одил ҳакам бўлиб қолаверади, чунки унинг ўзи Худонинг Олий Шахси номидан қарор чиқаради. Кейинчалик Азроил ўзининг ҳақиқий ҳолатини, оламни бошқарадиган ҳокимиятда эгаллаган ўрнини, шунингдек бу оламда барча ҳукмдорлар устидан ҳукмдор бўлган ягона ҳукмдор - Худонинг Олий Шахси борлигини уларга тушунтириб беради.

Моддий оламни эгаллаган тирик мавжудотларни бошқариш учун алоҳида воситалар керак бўлади. Парвардигор маданиятли одамларни бошқариш учун муқаддас китоблар, шастралардан фойдаланади. Шастра иборасидан шишйа, “шоғирд” сўзи, яъни “ўз ихтиёри билан руҳий устознинг амрига бўйсунадиган одам” сўзи келиб чиққан. Ўз ихтиёри билан бўйсунмайдиган одамларни эса қурол, астра кучи

билан бошқарадилар. Жинойтчиларни жиловлаб олиш учун милиция қурол итшлатади - пистолет, дубинка.

Ямадуталар Азроилдан, ҳар турли одамлар устидан ҳар хил ҳукмдорлар ҳукмронлик қиладими деб сўраяптилар. Моддий олам барча тирик мавжудотлар моддий табиат гуналари билан таъсири остида бўладилар - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунаси ва шунга қараб ҳаракат қиладилар. Ғафлат гунаси таъсиридаги одам дангаса, нопок, уйқучи бўлади. Эҳтирос гунасининг таъсири остидаги одамнинг яққол белгиси ҳаётда лаззатланиб яшаш учун моддий табиат ва бошқа тирик мавжудотлар устидан ҳукмронлик қилишга интилишдан иборат. Эзгулик гунаси таъсири остидаги одам ҳаётга, дунёнинг ишларига тўғри, жиддий тафаккур кўзи билан қарайди. У ҳақиқатни кўра олади.

Ямадутлар ҳар хил одамларга турли ҳукмдорлар ва судьялар ҳукмронлик қилади деб ўйлар эдилар. Лекин энг олий ҳукмдор ва судья ким? У қандай қилиб ҳаракат қилади? Ямадуталар аввал ана шу олий ҳукмдор Азроил деб ишониб юрган эдилар. Давлатда қонун бажарилишини назорат қиладиган ҳар хил амалдорлар бўлиши мумкин, аммо қонун ҳамма учун бир, барча фуқаролар ана шу қонунга бўйсунуши керак. Шунинг учун ҳам ямадуталар ҳайрон қолган эдилар: қандай қилиб бир одам устидан бир қонун асосида ҳар хил мазмундаги икки қарор чиқариш мумкин? Шу боис улар олий ҳукмдор ким эканини билмоқчи бўлдилар. Ямадуталар Ажамиланинг гуноҳкор эканига ҳеч шубҳа қилмасдилар, Азроил ҳам унга муносиб жазо тайёрлаб қўйган эди, аммо вишнудуталар келиб брахман Ажамилани оқладилар. Мана шу ҳол ямадуталарни ўйлантириб қўйди, шунинг учун улар Ямараждан шуни тушунтириб беришини талаб қилдилар. Авваллари ямадуталар Азроилнинг одил ҳукм чиқарадиган ягона ҳукмдор эканига шубҳа қилмасдилар. Улар Азроилнинг ҳукмини ҳеч ким инкор этолмаслигига қаттиқ ишонардилар, шунинг учун Сиддхалокадан келган тўрт ажойиб зот унинг амрини бажаришга тўсқинлик қилганини кўрганда, ямадуталарнинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қилиш мумкин. Шрила Вишванатҳа Чакраварти Тхакур ўз изоҳида ямадуталарнинг сўзларини келтиради: “Кўриб турибмизки, сенинг ҳукминг ҳаммага ҳам ўтавермас экан, чунки бизлар сенинг амрингни бажара олмадик. Бизларга тўрт нафар ажойиб зот тўсқинлик қилди”.

Шрила Вишванатҳа Чакраварти Тхакур ёзадики, ямадуталар Азроилнинг олдига ҳатто вишнудуталарнинг ўзларини ҳам олиб келмоқчи эдилар. Агар уларни ҳам шу қилмишларига яраша муносиб жазоласалар, ямадуталар жуда хурсанд бўлардилар. Акс ҳолда улар

Ўзлари бутунлай ҳаётдан қўз юммоқчи эдилар. Лекин, бирданига бундай қилмасдан, улар аввал вишнудуталарнинг аслида ким эканини аниқлаб олмақчи бўлдилар, шунинг учун ҳамма нарсани биладиган Азроилга муружжат қилаётган эдилар.

Эҳтиром билан берилган саволлар

Ямадуталар шундай дедилар: “Эй ҳукмдор, агар бизларни сенинг гапларингни тушунишга қодир деб ўйласанг, бизга айтчи, нимага бундай бўлди?” Мўътабар зотларга қўполлик қилмасдан, мана шундай ҳурмат ва эҳтиром билан муружаат қилиб савол бериш керак. Махараж Парикшит Аржун ва руҳий илм ўрганишга интилган бошқа буюк содиқлар руҳий устозга жуда камтарлик билан муружаат қилиб, уларга хизмат қилишга ҳамиша тайёр турар эдилар. Биз унга муружаат қилганимиз учун руҳий устоз бизга албатта жавоб бериши шарт деб ўйламаслик керак. Агар у берган жавобини тушунишга бизларни қодир ёки лойиқ, муносиб деб топмаса, саволимизга жавоб бермаслиги ҳам мумкин. Биз ундан саволимизга албатта жавоб беришини талаб қилишга ҳаққимиз йўқ. Эҳтиром билан саволлар бериш, бўйсунуш ва хизмат қилиш - илм олиш имконини берадиган амаллар фақат мана шулардан иборат. Махараж Парикшит Шукадева Госвамига саволлар берганида ҳамиша камтарин ҳолда қўшиб қўярди: “Агар мени тушунишга қодир деб ҳисобласанг, илтимос жавоб бер!”

Ўзининг хизматкорларига жавоб беришдан аввал Азроил ўзининг бутун ақлу-хаёлини Худонинг Олий Шахсининг, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилди. Пастрок мартабали одам камтарин ҳолда мартабаси ўзидан юқори бўлган зотдан сўраши лозим, улар эса ўз навбатида, ўзларининг илми, мартабаси билан мағрурланмасдан, камтарин жавоб беришлари керак. Ҳамиша хаёлан Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига муружаат қилиб, Унга илтижо қилиш лозим: “Агара фақат Сен менга ёрдам берсанггина мен бу саволга жавоб бера оламан!” Шогирд билан руҳий устоз руҳий мавзуларда суҳбатлашиши учун руҳий устоз мағрур, димоғдор бўлмаслиги, шогирд эса камтарин, ўзини бутунлай руҳий устоз ихтиёрига топширган, илми билан мағрурланмайдиган ва устозининг гапларига қарши чикмайдиган бўлиши керак. Сўраётган шогирд беғаразлик билан самимий ҳолда савол бериши лозим. Жавоб бераётган одам эса, тўғри жавоб бериш учун ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эслаб туриши лозим.

Ҳаммани қилган қилмишларига яраша жазолайдиган ва эзгу

ишларига муносиб мукофот берадиган оламнинг ҳукмдори, Азроил хизматкорлари ўзининг саройида Парвардигорнинг муқаддас Нарайана номини тилга олганларидан жуда хурсанд бўлди. Одатда Азроил Парвардигор Нарайана номини ҳеч қачон тилга олмайдиган гуноҳкорлар билан иш кўради. Шунинг учун Парвардигорнинг муқаддас Нарайана номини эшитганидан Азроил жуда қувониб кетди, чунки у ҳам вайшнав.

20. Ягона ҳукмдор

Ямараж шундай деди: “Эй содиқ хизматкорларим, сизлар мени Олий Ҳукмдор деб ўйлайсизлар, аслида ундай эмас. Мендан, Индрадан, Чандрадан ва бошқа барча фаришталардан ҳам устун турадиган ягона Олий Ҳукмдор бор. Оламни яратган Браҳма, оламнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган Парвардигор Вишну, оламни яксон қилувчи Шива - улар ана шу Олий Ҳукмдор - Парвардигорнинг, ягона Парвардигорнинг қисман намоён бўлган кўринишларидир. Парвардигор, Парвардигор - бутун борлиқ танасининг ҳам кесасига, ҳам узунига ўтган ипларидир. Худди хўкиз ўзининг бурнидан ўтказилган ипдан тортиб бораётган хўжайинига бўйсунгани сингари, бутун борлиқ Парвардигорнинг ҳукмига бўйсунди. Эгаси хўкизнинг бурнига ип ўтказиб олгани сингари, Парвардигор ҳам одамларни Ўзининг сўзлари билан боғлаб қўяди. Жамиятдаги табақаларининг номини(браҳман, кишатрий, вайшия, шудра) ва уларга мансуб бўлган одамларнинг жамиятдаги, ҳаётдаги бурчини, вазифаларини белгиловчи муқаддас китоблар - Ведавий кўрсатмалар Парвардигорнинг сўзларидир. Жамиятдаги табақаларга мансуб маданиятли кишиларнинг ҳаммаси, Худодан қўрққанидан сажда қилиб, Унга ўз меҳнатларининг маҳсулини тақдим этадилар. Мен(Ямараж), жаннат шоҳи Индра, Нирити, Варуна, Ой фариштаси Чандра, Агни, Тангри Шива, Павана, Тангри Браҳма, Қуёш фариштаси Сурря, Вишвавасу, саккиз Васу, садхриялар, Марутлар, Рудралар, сиддхалар, донишманд Маричилар ва коинот тартибини сақлаб турган бошқа буюк ришилар, шунингдек, Брихаспати бошлиқ энг аъло фаришталар, Бхригу бошлиқ буюк донишмандларнинг ҳаммаси - барчамиз, шубҳасиз, моддий табиатнинг қуйи - эҳтирос ва зафлат гуналари таъсиридан озод зотлармиз. Лекин, ҳатто фақат эзгулик гунасида бўлган бизлар ҳам,

Парвардигорнинг барча илоҳий кароматларини тўлиқ англаб ета олмаймиз. Шундай экан, алданиш тузоғига илиниб, Парвардигор ҳақида қандайдир тахминлар қилиб юрган оддий одамлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Худди тананинг бошқа аъзолари кўзни кўра олмагани сингари, бу оламдаги тирик мавжудотлар ҳам Олий Рух, Параматма шаклида ўзларининг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорни кўра олмайдилар. На ҳиссиётимиз, на ақлимиз, на ҳаёт нафасимиз, на қалбимизга яширинган тафаккуримиз, на нутқимиз Парвардигор ҳақидаги ҳақиқатни бизга очиқ бера олмайди. ("Шримад Бхагаватам". 6.3.12-16).

Олий ҳукмдор

Азроилнинг хизматкорлари гумонсираб қолдилар, демак уларнинг ҳукмдори ҳам кимгадир бўйсунар экан? Азроил ҳам ўзининг гаплари билан уларнинг тахминини тасдиқлади: “Ҳа, бутун борлик устида ягона ҳукмрон зот, ягона ҳукмдор бор”. Бу оламдаги жонли тирик мавжудотларнинг фақат бир қисмигина Азроилнинг наорати остида бўлади - фақат инсон қиёфасидаги тирик мавжудотлар. Унга ҳайвонлар бўйсунмайдилар. Бунинг сабаби шундан иборатки, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб тушунчалари фақат инсонлар онгига хос. Ҳатто одамларнинг ҳам ҳаммаси Азроилнинг ҳукми остида эмаслар, унга фақат гуноҳкорлар бўйсунадилар. Шунинг учун гарчи Азроил қудратли ҳукмдор бўлса ҳам, унинг ҳукмига тирик мавжудотларнинг жуда чекланган қисми бўйсунеди. Оламнинг бошқа соҳаларини назорат қиладиган бошқа фаришталар ҳам бор, аммо уларнинг ҳаммасининг устидан ҳукронлик қиладиган ягона олий ҳукмдор - Кришна бор: *шивараиш парамаҳ кришнаҳ сач-чид-ананда-виграҳаҳ*. Кришна - бутун борлиқнинг олий эгаси, ҳукмдори. Коинотни бошқариб турган фаришталар Унинг олдида арзимас ҳукмдорлар бўлиб қолади. «Бхагавад-гита»(7.7) да Парвардигор Кришна шундай дейди: маттаҳ паратарам нанйад кинчид асти дхананжайа -”О Дхананжайа, Мендан буюкроқ Зот йўқ”. Шунинг учун Азроил бутун борлиқда ҳамма ҳукмдорларнинг устидан ҳукмронлик қиладиган ягона ҳукмдор - Кришна борлигини айтиб, ўзининг хизматкорларини ҳар қандай шубҳаю-гумонлардан поклашга шошилди.

Моддий олам яшаётган ҳар бир тирик мавжудот ким бўлишидан қатъий назар, ҳамиша кимгадир боғлиқ бўлиб, кимгадир бўйсунадиган ҳолатда бўлади. Инсон ҳам, фаришта ҳам, ҳайвонлар

хам, ўсимликлар ҳам - ҳамма нарса моддий табиат қонунлари ҳукми сотида. Лекин ана шу табиатнинг ўзини Парвардигор, Худонинг Олий Шахси бошқаради. Парвардигор Кришна бу ҳақда «Бхагавад-гита»(9.10)да айтган: майадхйакшена пракритих суйате са чарачарам - “Менинг назоратим остида моддий табиат барча кўзгалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотларни яратади”. Бу оламда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар устида моддий табиатни бошқариб, назорат қилиб турадиган Парвардигор Кришна туради.

Варна ва ашрамлар тизими.

Бошқа барча тирик мавжудотлардан фарқ қилган ҳолда, инсон танасида туғилган тирик мавжудот ҳар хил варна ва ашрамлар учун мўлжалланган муқаддас китоблар, ведалар ҳукми остига тушади. Ведавий муқаддас китоблар инсонга жамиятда яшаш учун ундаги мавжуд варна ва ашрамлар тизими асосида белгиланган бурч ва вазифалар юклайди. Ана шу бурч ва вазифаларини бажармаган одам Азроилнинг кўлига тушади. Ведавий муқаддас китобларнинг қонун қоидаларига риоя қилиб яшаб юрган одам эса, руҳий жиҳатдан аста-секин ривожланиб, инсонлар орасидаги энг заковатли зот - брахман даражасига кўтарилиши, кейин юксалишда яна ҳам давом этиб вайнав бўлиши лозим. Инсон ҳаётининг ҳақиқий, асосий мана шундан иборат. Руҳий жиҳатдан юксалиш учун брахманлар, кшатрийлар, вайшйалар ва шудралар ўз меҳнатларининг натижаларини эҳсон қилиб Парвардигорга, Парвардигор Кришнага сиғинишлари лозим. (Све све карманй абхиратах самсиддхим лабхате нарах). Жамиятда одамлар ўзаро тинч-тотув яшашлари ҳамда инсон ҳаётининг олий мақсадига эришиш учун ўзининг руҳий ва дунёвий бурчларини бемалол бажара олишлари, айна пайтда ҳар ким ҳамма жойда мавжуд бўлган ягона Парвардигорга(йена сарвам идам татам) сиғина олиши учун инсонлар жамияти варна ва ашрамларга бўлинган бўлиши лозим.хт бутун борлиқни ҳар томонлама қамраб олган(отам протам), шунинг учун ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида, ўзининг имкониятига, қобилятига қараб чуқур иймон билан Парвардигорга сиғиниб юрган одам инсон ҳаётининг олий мақсадига эришади. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида(2.13) айтилган эди:

атах пумбхир двиджа-шрештха варнашрама-вибхагашах
свануштхитасйа дхармасйа самсиддхир хари-тошанам

“Шунинг учун, эй икки бор туғилганлар ичида аълоси, ўзининг варна

ва ашрамига мансуб бўлган барча бурч, вазифасини виждон билан бажариш натижасида эришиш мумкин бўлган энг олий баркамоллик - Парвардигор Харининг розилигидир”. Варнаашрам тизими мавжуд бўлган жамиятда рухий камолотга эришиш ва Худонинг даргоҳига қайтиб бориш ҳуқуқига эга бўлиш учун барча имкониятлар яратилган бўлади, чунки ундай жамиятда ҳар бир варна ва ашрамга мансуб одамларнинг асосий вазифаси - Парвардигорни мамнун қилишдан иборат. Бунга фақат рухий устознинг кўрсатмаларига риоя қилиш ёрдамида эришиш мумкин. Ҳаётда ана шу қоидага амал қилиб яшаётган одам инсон ҳаётининг олий мақсадига эришади. Парвардигорга ҳамма сиғинади, фақат бировлар Унга қандай сиғиниш лозимлигини билиб, тўғри сиғинадилар, бошқалар эса, кўр-кўрона, нима қилаётганини ўзлари билмаган ҳолда сиғинадилар. Онгли равишда Худога сиғиниб юрганлар тез вақт ичида ҳақиқий озодликка эришадилар, кўр-кўрона сиғиниб юрганлар эса - узок вақтлардан кейин.

Ўн учинчи шеърдага намабхир вачи ибораси катта аҳамиятга эга(нама- ҳар хил номлар билан; вачи - Ведалар тилида). Жамиятдаги варнаашрам тизимида одамларнинг ҳар хил атамалари мавжуд: брахман, кшатрий, вайшья, шудра, саннийаси, ванапрастха, гриҳастха, брахмачарий. Ҳар бир варна ва ҳар бир ашрам учун ведалар маълум кўрсатмалар бериб, вазифа(вак) юклаб қўйган. Ана шу кўрсатмаларга амал қилиб, вазифаларни бажариб, ҳар бир одам Худонинг Олий Шахсига сиғиниши лозим.

Моддий табиат гуналари нинг ҳукмронлиги

Одамлар ва моддий оламда яшайдиган бошқа тирик мавжудотлар моддий табиатнинг уч гунаси ҳукми остида бўлади. Моддий табиатнинг куйи - ғафлат ва эҳтирос гунаси таъсир қилиб турган тирик мавжудотлар Парвардигор ҳақидаги илмни эгаллашга қодир эмаслар. Парвардигорнинг кароматлари сирини ҳатто фақат эзгулик гунаси таъсири остида бўлган буюк фаришталар ва ришилар ҳам англай олмайдилар. «Бҳагавад-гита»(14.26)да айтилганки, фақат Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлган одамгина моддий табиат гуналари таъсиридан юкори кўтарилади. Шунинг учун Парвардигор айтганки, фақат бахктиларгина Уни тўла англаб етишга қодир бўладилар. Фақат бахктиларгина Худога соф садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам турадилар ва моддий табиат

гуналари таъсирига берилмайдилар(бхактйа мам абхиджанати).

Оддий, дунёвий файласуфлар ҳеч қачон Парвардигорни англаб етолмайдилар. "Шримад Бхагаватам"(9.16)нинг биринчи кўшигида Махараж Юдхитхарага Бхишмадева шундай дейди: на хй асйа кархичид раджан пуман веда видхитситам йад виджиджнасайа йукта мухйанти кавайо "пи хи "Эй шох, Шри Кришнанинг, Парвардигорнниг ишларини ҳеч ким англашга қодир эмас. Унинг кароматлари ҳатто уларни тушунишга қаттиқ уриниб юрган буюк файласуфлар учун ҳам ҳамиша энг махфий сир бўлиб қолаверади". Парвардигорни ақлий фикрлашлар ёрдамида англаб бўлмайди: бунда одам фақат боши берк кўчага кириб қолади.

Олий Рух раҳбарлиги остида

Тананинг бирор қисми кўзимизни кўриш қобилиятига эга эмас, аммо, кўзимиз танамизнинг бошқа аъзоларини кўриб, уларни бошқаришга ёрдамлашиб, тўғри йўналтириб туради. Кўзлар қаерга бориш кераклигини кўрадилар, - оёқлар шу ёққа боради, нима олиш куераклигини кўз кўради, - қўллар шу нарсани олади. Худди шундай ҳар бир тирик мавжудот Олий Рух, қалбида мавжуд бўлган Параматма раҳбарлиги остида ҳаракат қилади. Парвардигор буни «Бхагавад-гита»(15.15)да шундай тасдиқлаган: сарвасйа чахам хриди саннививишто маттаҳ смритир джнанам апоханам ча - "Мен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида жойлашганман ва унга эслаш, унутиш ва илм ўрганиш қобилиятини ато этаман". «Бхагавад-гита»нинг бошқа бир шеърида ҳам Парвардигор Олий Рух кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд лиги айтилган: ишвараҳ сарва бхутанам хрид-деше "ржуна тиштхати. Олий Рухнинг рухсатисиз биз бир қадам ҳам ташлай олмаймиз. Олий Рух бизни бир лаҳза ҳам ташлаб қўймайди, лекин, сезги аъзоларимизни қанчалик зўрламайлик, биз Унинг қандай ҳаракат қилаётганини, қандай кўринишда эканини билишга қодир эмасмиз. Бизнинг бу ҳолатимизни тушунишга юқорида келтирилган ўхшатиш ёрдам беради. Агар оёқлар кўришга қодир бўлсалар эди, улар кўзнинг ёрдамисиз ҳам юраверардилар, лекин бунинг иложи йўқ. Худди шундай бизнинг сезги аъзоларимиз ҳам бизга қалбимизга назар ташлаб, у ердаги Олий Рухни, Парвардигорни кўришга имкон бермайди, лекин У ҳақиқатан ҳам ҳар кимнинг қалбида мавжуд, Усиз биз ҳеч қандай ҳаракат қилолмаймиз.

21. Энг сирли илм

Парвардигор Ўзига-Ўзи тўла-бутун ва мутлақо мустақил Зот. Бутун борлиқдаги ҳамма нарса, ҳатто алдамчи қувват ҳам Унинг ҳукми остида. Унинг бетакрор жамоли, сифатлари ва эрмаклари, кароматлари бор, Унинг улугвор хизматкорлари, яъни вайишавлар ҳам Парвардигорнинг Ўзи сингари эзгу ниятли, хушхулқ ва ажойиб фазилатларга эга зотлардир. Улар ҳам Парвардигордай эзгу фазилатларга, илоҳий сифатларга эга ва бутунлай мустақил ҳолда бутун олам бўйлаб сайр қилиб юрадилар. Парвардигор Вишунунинг элчиларини ҳатто фаришталар ҳам чуқур ҳурмат қиладилар. Вишнудуталар, Парвардигор сингари ҳайратланарли даражада ажойиб зотлардир, жуда омадли, камдан-кам одамларгина улар билан учрашишга муяссар бўлади. Улар Худонинг содиқ хизматкорларини бу дунёдаги ҳар хил душман ва ҳасадгўйлардан, табиий офатлардан ва ҳатто мендан ҳам ҳимоя қилиб юрадилар. Оламда ҳақиқий дин қонунларини Парвардигорнинг Ўзи ўрнатиб қўйган. Бу ишни, гарчи барчаси эзгулик гунасида бўлсалар ҳам, на олий сайёрадаги буюк ришилар, на фаришталар, на Сиддхалока ҳукмдорлари амалга ошира олмайдилар. Шундай экан, асуралар, оддий одамлар, видрядхара ва чараналар ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳақиқий дин қонунларини Тангри Браҳма, Бҳагаван Нарада, Тангри Шива, тўрт Кумар, Худованд Капила, Сваямбҳува Ману, Махараж Прахлада, Махараж Джанака, бобокалон Бхишма, Махараж Бали, Шукадева Госвами ва мен биламиз(12 буюк зот). Эй хизматкорларим, ана шу қонун, бхагавата-дхарма, инсонни ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигорга топиришига ва Уни севишига ундайди. Бу илоҳий қонун табиат гуналари ҳукмига бўйсунмайди. У маҳфий, уни оддий одамлар тўғри тушуна олмайдилар. Лекин унинг мазмунини тушуниб етган омадли киши, шу заҳотиёқ руҳий озодликка эришади ва кейин ўзининг мангу уйига, Худонинг мангу даргоҳига қайтади. Ҳақиқий диннинг олий қонуни Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишни инсоннинг асосий бурчи қилиб белгилаган. Бу хизмат Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан бошланади. Эй хизматкорларим, сизлар менга худди ўз ўғилларим сингари жуда азизсизлар. Худонинг муқаддас номининг улугворлигига қаранг! Гуноҳи-азимларга ботиб

кетган Ажамила ўглини чақираётиб, ҳатто ўзи англамаган ҳолда, Худонинг муқаддас номини бир бор тилга олган эди. Аммо муқаддас ном унга Парвардигор Нараянани эслатди, натижада у ажсал чангалидан халос бўлди. Билиб қўйингларки, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, Унинг эзгу ишларини шарафлаб, куйлаб юрган киши, ҳеч қийналмасдан ўзининг барча гуноҳ ишлари оқибатидан халос бўлади. Гуноҳлардан покланишининг ягона тўғри йўли шу. Ҳақоратларсиз зикр қилинган Худонинг муқаддас номи, ҳатто уни нотўғри талаффуз қилган одамни ҳам руҳий озодликка олиб чиқади. Ажамила ҳаётда уччига чиққан гуноҳкор одам эди, аммо, ўлим тўшагида ётган жойида у муқаддас номни тилга олди. Гарчи у ўглини чақирishi баҳонасида Нараяна номини талаффуз қилган бўлса ҳам, барибир муқаддас ном ўз қудрати билан уни моддий олам асирлигидан халос этди. 12 маҳаджан, олий зот тўлиқ биладиган мана шу ҳақиқий, илоҳий диннинг маҳфий сирларини Ягрявалкря, Жаймини ва сохта диний асарларнинг муаллифлари билмайдилар, чунки, уларни Парвардигорнинг алдамчи қуввати адаштириб қўйибди. Улар Худога садоқат билан холис хизмат қилиши ва Харе Кришна мантрасини такрорлаш қандай руҳий бойлик келтиришини тушунмайдилар. Уларни "Яджур-веда", "Сама-веда" ва "Риг-веда"лада кўрсатилган диний маросимлар кўпроқ қизиқтиради, шунинг учун, уларнинг тафаккури хиралашиб қолган. Улар ҳамини Сваргалокага кўтарилиши ёки бошқа ўткинчи саодатларга эришишида ёрдам берадиган ҳар хил қурбонлик маросимларига тайёрланиши билан машғул бўлиб умр ўтказадилар. Уларни санкиртана ҳаракати қизиқтирмайди. Улар кўпроқ дхарма, артха, кама ва мокша билан қизиқадилар. Буларнинг ҳаммасини билатуриб, фаросатли кишилар шундай хулосага келганлар: фақат Худонинг Олий Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиши ёрдамида барча мусибатлардан халос бўлиши мумкин. Шундай одамлар ҳар кимнинг қалбида мавжуд ва барча эзгуликлар манбаи бўлган Парвардигорнинг муқаддас номларини чарчамасдан зикр қила бошлайдилар. Ундай одамларни жазолашга менинг ҳаққим йўқ: улар беғуноҳдирлар. Ҳатто - билмасданми ёки хатолашибми, бирор гуноҳ иш қилиб қўйсалар ҳам, улар бунинг учун ҳеч қандай жазо олмайдилар, чунки уларнинг оғзидан ҳеч қачон Худонинг муқаддас номлари (Харе Кришна мантраси) тушмайди. Эй хизматкорлар, шундай содиқларга сизлар асло тега кўрманглар, чунки улар аллақачон Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган зотлардир. Улар барчага бир хил муносабатда бўладилар, уларни фаришталар ҳам, сиддхалока аҳолиси

ҳам ҳурмат билан шарафлайди. Сизлар уларга ҳатто яқинлаша кўрманглар, чунки уларни ҳамиша Парвардигорнинг илоҳий гурзиси ҳимоя қилиб юради. Шунинг учун, на Тангри Брахма, на мен ва ҳатто на Замоннинг ўзи уларни жазолай олмайди. Парамахамсалар - моддий ҳиссиётларининг лаззатига қизиқишдан бутунлай халос бўлган улугвор руҳлардир. Улар ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан ширин илоҳий лаззат олиб яшайдилар. Эй хизматкорларим, менинг олдимга, бундай лаззат нималигини билмайдиган зотларни, шундай парамахамса(табаррук авлиё зот)лардан узоқ юрадиган, оилавий ҳаётга - охир-оқибатда дўзахга элтувчи дунёвий лаззатларга боғланиб қолган одамларни олиб келинглар. Эй хизматкорларим, менинг олдимга, Парвардигор Кришнанинг муқаддас номини бирор марта тилига олмаган, бирор марта Унинг сифатларини куйламаган, умрида бирор марта Унинг нилуфар қадамлари пойини эсига олмаган ва умрида бирор марта Унинг олдида боши эгилмаган гуноҳкорларни олиб келинглар. Менинг олдимга, инсоннинг ҳаётдаги ягона бурчи бўлган, ягона Парвардигор Вишну олдидаги ўз бурчини бажаришини истамайдиган барча гофил ва золим одамларни олиб келинглар. ("Шримад Бхагаватам". 6.3.17-29).

Ҳимоячи-посбонлар

Азроил ўзининг хизматкорларига Бутун борлиқнинг эгаси ва ҳукмдори Худонинг Олий Шахси ҳақида гапириб берди, лекин улар кўпроқ Ажамиланинг тақдири борасидаги баҳсда ўзларини мағлуб этган вишнудуталар ҳақида тинглашни истардилар. Шунда Азроил уларга вишнудуталар ҳам ўзларининг илоҳий киёфалари, сифатлари ва хулқ-атвори билан Парвардигорга ўхшашини айтиб берди. Бошқача қилиб айтганда, вишнудуталар, вайшнавлар, деярли ҳеч сохада Парвардигордан фарқ қилмайдилар. Азроил ўзининг хизматкорларини огоҳлантириб айтдики, вишнудуталар ҳам худди Парвардигор Вишнунинг Ўзи сингари қудратли зотлардир. Парвардигор Вишнунинг қудрати Азроилнинг қудратидан кучли бўлгани сабабли, вишнудуталар ҳам ямадуталардан қудратли ҳисобланади. Ямадуталар вишнудуталарнинг ҳимояси остида бўлган одамларга яқинлашмаслиги керак.

Азроил ямадуталар уларга нисбатан калбида ғазаб туйғусини сақлаб юрмасинлар деган ният билан уларга вишнудуталарнинг барча эзгу фазилатлари ҳақида батафсил гапириб берди. У ямадуталарни огоҳлантириб айтдики, ҳатто фаришталар ҳам олдида бош эгиб ҳурмат қиладиган вишнудуталар Худонинг содиқларини бу моддий оламда барча тирик мавжудотларнинг бошига тушадиган ҳар хил хавф-хатарлардан ҳимоя қилиб юришларини айтди. Баъзан Кришнани англаш Халқаро жамияти аъзолари мендан агарда учинчи жаҳон уруши бошланиб қолса, улар нима қилишлари лозимлиги ҳақида сўраб қолишади. Вайшнавлар, яъни Парвардигор Кришнанинг ҳар бир содиқ хизматкорининг иймони комил бўлсинки, ҳар қандай оғир шароитда ҳам, ҳар қандай фавқулодда вазиятда ҳам вишнудуталар ёки Парвардигор Кришнанинг Ўзи уларни албатта ҳимоя қилади. Буни «Бхагавад-гита»(9.31) Унинг Ўзи ваъда қилган: каунтейа, пратиджанихи на ме бхактаҳ пранащйати.- “Менинг содиқ хизматкорим ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди!”

Моддий оламда Худонинг содиқларидан бошқа ҳар бир тирик мавжудотни ҳар қадамда турли хавф-хатар кутиб туради. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"да башорат қилинган:падам падам йад випадам на тешам. Моддий оламда ҳар бир тирик мавжудот ҳар қадамда хавф остида юрадилар, лекин ўз ихтиёрини бутунлай Худого топширган содиқлар бундан мустасно. Парвардигор Вишнунинг соф содиқлари Парвардигор уларни албатта ҳимоя қилишига комил ишонч билан яшайдилар, чунки улар Парвардигорнинг ҳимояси остида бу дунёда бутун ҳаётини Худого садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган зотлардир. Моддий олам барча тирик мавжудотлар учун қанчалик хатарли жой бўлмасин Кришнанинг содиқлари бемалол Шри Чайтанья Махапрабху ва Парвардигор Кришнанинг таълимотини бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қилиб, Кришнани англаш Халқаро жамиятини тобора кенгайтираверсинлар.

Парвардигор Кришна билан бевосита боғланиш

Вишнудуталарнинг ҳақиқий дин дегани нима деган саволига ямадуталар: веда-пранихито дхармах - “Ҳақиқий дин - Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларидир” - деб жавоб бердилар. Аммо ямадуталар ведавий кўрсатмаларнинг аксарият қисми руҳий илм эмас, уларнинг вазифаси - ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга

бўлган одамлар жамиятида тартиб ва тинчликни сақлаш қонунлари эканини билмаган эдилар. Ҳақиқий дин қонунлари моддий табиат гуналари дан устун туради, улар - нистрайгунёя, илоҳий табиатга эга. Ямадутаалар бу қонунларни билмасдилар, шунинг учун табиий равишда нимага вишнудутаалар Ажамилани олиб кетишга тўскинлик қилганини тушунмадилар.

«Бхагавад-гита»(2.42)да Парвардигор Кришна ведавий маросимга берилиб кетган материалист одамлар ҳақида гапиради:”ведавад-ратах партха нанйад астйити вадинах - “Ведаларнинг кўрсатмаларига кўр-кўрона риоя қиладиган одамлар бу дунёда инсон учун Ведаларда кўрсатилган маросимларни бажаришдан устунроқ мақсад йўқ, деб даъво қиладилар”. Ҳиндистонда ҳали ҳозиргача ведавий маросимларни ҳамма нарсдан устун кўядиган одамлар бор, улар ана шу маросимлар аслида инсоннинг руҳий юксалишига ва Парвардигор Кришнани, Парвардигорни англаб етишга ёрдам бериш учун мўлжалланган эканини тушунмайдилар(ведаиш ча сарваир ахам эва ведйах). Ана шундай одамларни Кришна веда-вад-ратаалар деб атайдн.

Мазкур шеърда айтилганки, ҳақиқий дин - Парвардигорнинг Ўзи ўрнатган қонунлардир. Бу қонун «Бхагавад-гита»да эълон қилинган: сарва-дхарман паритйаджйа мам экам шаранам враджа - ҳар қандай ният, мақсадларни тарк этиб, инсон ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига топшириши лозим. Мана шу қонун ҳаммага бирдай баробар. Лекин бу қонунни камдан кам одам билади: уни ҳатто ведаларнинг барча қонун-қоидаларига тўлиқ риоя қилиб юрган одам ҳам билмаслиги мумкин. Одамлар нари турсин, бу илоҳий қонунни ҳатто жаннатий сайёраларда яшайдиган фаришталар ҳам билмайдилар. Бу қонунни фақат Парвардигорнинг Ўзидан ёки Унинг содиқ хизматкори бўлган вакилидан эшитиб билиш мумкин

«Бхагавад-гита»да Парвардигор Кришна бхагавата-дхармани энг юксак, сирли дин деб атаган(сарва-гухйатамам, гухйад гухйатарам). У Аржунга шундай дейди: "Мен сенга энгмахфий, сирли илмни ошкор этаман, чунки сен - Менинг энг яқин дўстимсан". Сарва-дхарман паритйаджйа мам экам шаранам враджа: “Ҳамма нарсани тарк эт ва ўз ихтиёрингни Менга топшир!” шундай савол туғилиши мумкин: фақат айрим одамларгина биладиган қонундан нима фойда? Лекин Азроилнинг гапларидан маълум бўладики, агар одам парампарага - Тангри Браҳма, Тангри Шива, Тўрт Кумар ва бошқа таниқли руҳий устозлар орқали келадиган устозлар силсиласига амал қилинса, бу

илохий қонунни тушуниб олиш қийин эмас. Руҳий устозларнинг ишонарли тўрт шажараси, сампрадаёси бор: 1. Брахма-сампрадаёи Тангри Брахмадан бошланган; 2. Рудра-сампрадаёи - Тангри Шивадан бошланган; 3. Шри -сампрадаёи - равнақ фариштаси Лакшмидан бошланган ва 4. Тўрт Кумардан бошланган. Энг махфий сирли ҳақиқий дин қонунларини билишга интилаётган одам мана шу тўрт сампрадаёидан бирортасига кириб паноҳ топиши лозим. "Падма пурана"да шундай дейилган: сампрадаёи-вихина ёе мантрас те нишпхала матаҳ - мана шу тўрт сампрадаёида турган одамдан олинмаган бўлса, мантра ва руҳий фотиҳа ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ҳозирги даврда Тангри Брахма, Тангри Шива, тўрт Кумарлар ёки Шри Лакшмиларнинг ишонарли таълимотига бориб тақалмайдиган жуда кўп апа-сампрадаёилар, яъни сохта сампрадаёилар пайдо бўлган. Ана шундай сохта-сампрадаёилар содда, ғофил одамларни алдайдилар холос. Шастраларда айтилганки, мана шу сохта сампрадаёиларда руҳий ҳаётга фотиҳа олган одам ҳеч қачон ҳақиқий дин қонунларини англаб етолмайди ва ўз ихтиёрини Парвардигор Кришнага топшира олмайди, шунчаки вақтини бекорга сарфлаб, нодир инсон умрини хазон қилади.

Ҳақиқий дин - бхагавата-дхарма. Унинг асосий қонунлари мана шу "Шримад Бхагаватам"да ва «Бхагавад-гита»да нозил қилинган. Аввало инсон «Бхагавад-гита» таълимоти билан танишиши лозим. Ҳақиқий дин қонунлари нимадан иборат? Энг аввало дб дан биз билиб оламизки: дхармаҳ жжхита-каитава “тра - “Бу "Шримад Бхагаватам"да сохта динга ўрин йўқ!” бу муқаддас китобларда ёзилганларнинг барчаси Худонинг Олий Шахси билан бевосита боғлиқ бўлган ҳикоялардир. Кейин "Шримад Бхагаватам"да ёзилганки: са ваи пумсам паро дхармо йато бхактир адхокшадже - “Фалсафий, ақлий фикрлашлар ёрдамида англаб бўлмайдиган илохий Худонинг Олий Шахси севишни ўргатадиган дин қонунлари - энг олий динқонунларидир”. Ҳақиқий диннинг биринчи насихати, кўрсатмаси - тан-нама-граҳана - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш(шраванам киртанам вишноҳ смаранам падасеванам). Худонинг муқаддас номларини шарафлаб қуйлаб, бутун вужуди билан рақсга тушаётган одамга вақти келиб Парвардигорнинг жамоли, қиёфаси, эрмаклари ва илохий сифатлари намоён бўла бошлайди. Шу тариқа Парвардигорнинг улуғворлигини тўла англаб етиш мумкин.

Парвардигорни англаб етиш, Унинг қандай қилиб бу моддий оламга таширф буюришини, қандай туғилишини, қандай кароматлар

кўрсатишини тўла тушуниб етиш мумкин, - бунинг учун Унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш лозим. «Бҳагавад-гита»да айтилагидай, Парвардигорни тўлиқ англаб етиш учун Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи кифоя(бхактйа мам абхиджанати). Парвардигорни англаб етган одам бошқа бу моддий оламда туғилмайди(тйактва дехам пунар жанма наити). Моддий танасини тарк этиб, у ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтади. Мана шу инсон ҳаётининг энг олий мақсади, камолот чўкқисидир. «Бҳагавад-гита»да Парвардигор Кришна шундай дейди:
мам упетйа пунар жанма духкхалайам ашашватам
напнунванти махатманаҳ самсиддхим парамам гатах
“Менинг даргоҳимга эришган буюк руҳлар, содиқ-йоглар ҳеч қачон мусибатлар макони бўлган бу ўткинчи моддий оламда туғилмайдилар, чунки улар камолот чўкқисига эришганлар”

Нимага Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш керак?

Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш одамга қанчалик таъсир қилишини ўтказишини синаб кўриш учун махсус тадқиқотлар олиб боришнинг ҳожати йўқ. Ажамила воқеаси Худонинг муқаддас номлари қанчалик кудратга эга эканини яққол кўрсатади ва Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган одам қанчалик юқори мартабага эга эканидан гувоҳлик беради. Шунинг учун Чайтанйа Махапрабху тез-тез эслаб турарди:

*харер нама харер нама харер намаива кевалам
калау настй эва настй эва настй эва гатир аниятха*

“Бу ўзаро жанжаллар ва иккиюзламачилик даврида нажот топишнинг ягона йўли бор - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш. Бошқа йўли йўқ, бошқа йўли йўқ, бошқа йўли йўқ”.(Брихад нарадия-пурана. 38.126).

Кали-юга даврида ведавий маросимларни ўтказиш билан руҳий озодликка эришиб бўлмайди, чунки уларни тўғри ўтказишнинг иложи йўқ. Шунинг учун барча муқаддас китоблар ва барча ачарйалар ҳозирги даврда бизга Худонинг муқаддас номларини зикр қилишни тавсия қилади, чунки мана шу усул билан руҳий баркамолликка эришиш мумкин.

Азроилнинг айтган бу гапларини Шрила Харидас Тхакур ҳам тасдиқлайди. У бир куни Рагхунатха дас Госвамининг отасининг

уйида тўпланган содикларга ҳатто Худонинг муқаддас номларини соф ҳолда зикр қилолмаган одам ҳам моддий олам тутқунлигидан халос бўлишини исботлаб берган эди. Смарта-браҳманлар ва майавадилар бунга ишонмайдилар, лекин Шрила Харидас Тхакурнинг гаплари "Шримад Бхагаватам" ва бошқа муқаддас китобларнинг жуда кўп шеърлари билан тасдиқланади.

Бу ерда Азроил шундай деяпти: “Билиб қўйинглар, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган, Унинг кароматларини ва эрмакларини шарафлаб юрган киши ўзининг барча гуноҳларидан покланади. Гуноҳлардан покланишнинг энг тўғри йўли мана шундан иборат”. Бу шеърни изоҳлар экан Шридхари Свами шундай сатрларни келтиради.

Сайам пратар гринан бхактйа духкха-грамад вимучйате

”Худонинг муқаддас номларини эрталаб ва кечкурун чуқур садоқат билан зикр қилиб юрган киши барча мусибатларидан халос бўлади”. У ҳар куни Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган одам албатта руҳий озодликка эришишини тасдиқлайдиган яна бир мисра келтиради(анудинам идам адарена шринван). "Шримад Бхагаватам"(11.3.27) қуйидаги шеър ҳам бор:

шраванам киртанам дхйанам харер адбхута-карманах
жанма-карма-гунанам ча тад-артхе “кхила-чештитам

“Парвардигорнинг ғаройиб кароматлари ҳақида чарчамасдан тингланглар ва бошқаларга гапириб беринглар, ҳамиша улар ҳақида ўйлаб юринглар ва ҳамиша ўз ишларингиз билан Парвардигорни рози қилишга, қувонтиришга ҳаракат қилиб юринглар”.

Шридхара Свами пураналардан қуйидаги сатрларни ҳам келтирган: папа-кшайаш ча бхавати смаратам там ахар-нишам - “Кеча-ю кундуз(ахар-нишам) Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эслаб юрган одам барча гуноҳларидан бутунлай покланади”. У "Шримад Бхагаватам"(6.3.31)дан қуйидаги шеърни ҳам келтирган: тасмат санкиртанам вишнор жаган-мангалам амсахам махатам апи кауравйа виддхй аикантика-нишкритам “Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш одамни ҳатто энг оғир гуноҳлардан ҳам поклайди. Шунинг учун бутун оламда инсонга чексиз бахт-саодат келтирадиган санкиртанадан ҳам қудратлироқ усул йўқ”.

Муқаддас китоблардан олинган мана шу шеърларнинг барчаси бизларга ягона бир нарсадан гувоҳлик беради: Парвардигорнинг муқаддас номи, илоҳий кароматлари, шон-шуҳрати ва жамоли ҳақида ҳамиша гапириб ва тинглаб юрган одам албатта руҳий озодликка

чиқади. Бу ерда жуда аниқ қилиб айтилган: этаваталам агхинирхаранайа пумсам -”Барча гуноҳлар оқибатидан халос бўлиш учун Парвардигорнинг муқаддас номини бир марта тилга олишнинг ўзи кифоя”.

"Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеъридаги алам ибораси гуноҳлардан покланиш учун Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг ўзи кифоя эканини, бунинг учун бошқа усулларнинг ҳожати йўқлигини кўрсатади. Ҳатто одам Худонинг муқаддас номларини соф ҳолда зикр қилолмаса ҳам у ўз қудратини намоён этаверади.

Ажамиланинг озодликка чиққани муқаддас номнинг қанчалик қудратга эга эканини ишонарли қилиб исботлаган. Ажамила Парвардигорнинг муқаддас номини тилга олганида у Парвардигорни ўйламаган эди, у ўзининг ўғлини ўйлаганди. Бунинг устига у бегуноҳ, пок эмас эди - у ашаддий гуноҳкор одам эди. Маълумки одамнинг ажали етганида, унинг барча аъзолари ўзига бўйсунмай кўяди, шунинг учун Ажамила Парвардигорнинг муқаддас Нарайана номини тўғри талаффуз қилмаган бўлса керак. лекин барибир Парвардигорнинг муқаддас номи уни барча гуноҳлари оқибатидан халос этди. Агар ҳатто Ажамиладай гуноҳкор одам барча гуноҳларидан покланиб озодликка чиққан бўлса, ҳаётда унчалик гуноҳларга ботмаган одамлар Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш шарофати билан озодликка чиқолмайдиларми? Бундан шундай хулоса қилиш лозимки, ҳар бир фаросатли одам ҳаётда энг буюк бахтга эришиш учун мунтазам равишда ҳар куни Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юришга муқаддас қасам ичиши ва шу қасамга қатъий амал қилиши лозим. Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Шунда Ўзининг чексиз марҳамати билан Парвардигор Кришна бизни албатта майа чангалидан халос этади.

Ҳозирча Худонинг муқаддас номларини ҳар турли ҳақоратлар билан зикр қилаётганимиз бизни ташвишга солмаслиги керак, чунки агар биз маха-мантрани зикр қилишда давом этаверсак, вақти келиб биз уни соф ҳолда зикр қилишга ўрганамиз. Шунда бизнинг қалбимизда Парвардигор Кришнаги нисбатан муҳаббат туйғуси уйғониб, ривожлана бошлайди. Шри Чайтанйа Махапрабҳунинг гапларига қараганда Худонинг Олий Шахсига боғланишга ва муҳаббатга эришиш бизнинг ҳаётдаги ягона мақсадимиз бўлиши лозим: према пум-артхо махан.

Шундай савол туғилиши мумкин: агар Худонинг муқаддас

номларини зикр қилиш ёрдамида инсон ҳамма мусибатлардан халос бўла оладиган бўлса, ведаларда кўрсатилган ҳар хил маросимларнинг нима кераги бор нимага улар одамларни шунчалик ўзига жалб этади? Бунга шу ерда жавоб берилган. «Бҳагавад-гита»(15.15)да айтилганки, Ведаларни Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига яқинлашиш учун ўрганиш лозим. Бахтга қарши, фаросатсиз одамларни дабдабали ведавий қурбонлик маросимлари кўпроқ қизиқтиради. Уларга ҳар хил ведавий мантралар қироат билан ўқиладиган, шунча пул сарфлаб тантана билан ўтказиладиган ҳар хил қурбонлик маросимлари кўпроқ ёқади. Баъзи ҳолларда одамларнинг ана шу боғланишларини эътиборга олган ҳолда биз ҳам ана шундай тантанали маросимлар ўтказишга мажбурмиз: маслан, яқинда Вриндаванда Кришна-Баларам эҳромининг очилиш маросимини ана шундай дабдабали тантана билан ўтказдик. Шу маросимни ўтказиш учун маҳаллий браҳманларни ёлладик, чунки вриндаванлик аҳоли, айниқса смарта-браҳманлар ҳали европалик ва америкалик содиқларни ҳақиқий браҳман деб тан олмайдилар. Браҳманлар ана шу қимматбаҳо маросимни ўтказгунча Кришнани англаш Халқаро жамиятининг содиқлари мриданга ва караталалар жўрлигида катта киртан ўтказдилар. Мен аминманки, Худонинг содиқлари ўтказган киртан уларнинг ўтказган маросимидан муҳимроқ ва самаралироқ. Ведавий маросим ҳам, санкиртана ҳам бир вақтда ўтказилди. Ведавий маросимлар бу танасини тарк этгандан кейин жаннатга кўтарилишга интилаётганлар учун(жади-крити-матир мадху-пушпитаям) ўтказилди, ҳамиша Худонинг Олий Шаҳсини мамнун қилишни ўйлаб юрган содиқлар эса, санкиртана ўтказдилар. Биз фақат катта санкиртана ўтказиш билан чекланиб қолишимиз мумкин эди, лекин унда маҳаллий Вриндаван аҳолиси эҳромнинг очилишини ҳақиқий деб ҳисобламаган бўларди. Бу ерда айтилганидай, ведавий маросимлар ақли ведаларнинг чиройли гаплари билан хираллашиб қолган одамлар учун мўлжалланган. Бу маросимлар ведаларда одамнинг жаннатга кўтарилишига ёрдам беради деб кўрсатилган.

Ҳозир, Кали-юга даврида фақат санкиртана ўтказишнинг ўзи кифоя. Бизларнинг эҳромларда ўрнатилган Илоҳлар олдида айниқса Шри Чайтанья Махапрабҳунинг илоҳлари олдида, Кришнанинг содиқлари санкиртана ўтказар экан, улар инсон ҳаётининг энг комил ҳолатида бўладилар. Инсон ҳаётини комил даражага кўтариш учун бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Гарчи бошқа бирор маросимларни ўтказишнинг ҳожати йўқ бўлса ҳам Худонинг содиқлари ташқи ва ички поклигини сақлаши учун Илоҳларга сиғиниш маросимларини

Ўтказиши ва бошқа қонун-қоидаларга амал қилиб юришлари лозим. Шрила Жива Госвами ёзадики, санкиртананинг ўзи камолотга эришишга кафолот беради, лекин, ўзининг поклиги сақлаши учун Кришнанинг содиқлари, вайшнавлар арчана, яъни эҳромда Илоҳларга сиғиниш билан ҳам шуғулланишлари лозим. Шунинг учун Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Тхакур бир вақтда шу икки усул билан ҳам шуғулланишни тавсия қилган. Биз ҳам мана шу қоидага амал қиламиз - санкиртана ўтказамиз, эҳромда Илоҳларга сиғинамиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Азроилнинг вазифаси ва ҳуқуқлари

Бу шеърни изоҳлар экан, Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур Тангри Брахманинг илтижоларидан бирини келтиради: ("Шримад Бхагаватам".10.14.29)

атхапи те дева падамбуджа-двайа-прасада-лешанугрихита эва хи жанати таттвाम бхагаван-махимно на чанйа эко "пи чирам вичинван
Бу ерда айтилганки, хатто ведалар илимини чуқур ўрганган билимдон ҳам Парвардигорни, Унинг номини, улуғворлигини англашга қодир эмас. Айни пайтда, ведалар илимини тушунмаган одам ҳам, агар Худога садоқат билан хизмат қилиб, Унинг соф содиқ хизматкори бўлса, у Парвардигорни тўла англаб етиши мумкин. Шунинг учун Азроил ўзининг хизматкорларига шундай дейди: эвам вимришйа судхийа бхагавати -"Парвардигорга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган одамлар чуқур заковатга эга бўладилар(судхийах). Шуниси билан улар Парвардигор Кришнанинг номини, эрмакларини, киёфасини англаб етишга қодир бўлмаган ведалар билимдонларидан фарқ қиладилар. Парвардигорнинг соф содиқ хизматкори пок ақлга, чуқур тафаккурга эга. У ҳақиқий файласуф ва донишманд, чунки у Парвардигорга сиғинади, унинг сиғиниши кўр-кўрона, кўзбўямачилик эмас: у Парвардигорга ўзининг бутун меҳрини, муҳаббатини, нутқини, ишларини, фикру-хаёлларини бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлмаган одамнинг диндорлиги одатда юзаки, сохта бўлади, бундай диндорликда ҳеч қандай маъно йўқ: ундай одамлар эҳромга ёки масжидга бошқаларга ўзининг художўйлигини кўз-кўз қилиш учун борадилар, қалбини эса ҳар хил дунёвий ташвишлар эгаллаган бўлади. Парвардигорни англаб етмаган иймонсиз одамлар инсоннинг Парвардигор олдидаги ҳақиқий бурчини бажармайдилар шунинг учун Азроилнинг олдига боришга

мажбур бўладилар. Ҳамиша чин қалби билан Кришнага хизмат қилиб юрган Худонинг содиқлари эса, аввалги ғофилликлари туфайли қалбида сақланиб қолган одамларига кўра билмасдан бирор гуноҳ иш қилиб қўйсалар ҳам, уларнинг гуноҳи кечирилади. Санкиртана ҳаракати ҳақиқатан ҳам одамларга чексиз бахт-саодат келтиради.

Бошқача қилиб айтганда, Азроил ямадутааларга шундай деди: “Эй менинг содиқ хизматкорларим, аввал Худонинг содиқларига қандай муносабатда бўлган бўлсанглар ҳам, бундан кейин уларга яқинлаша кўрманг. Ўз ихтиёрин Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига топширган ва Худонинг муқаддас номларини бетиним зикр қилиб юрган содиқ хизматкорларни ҳатто фариштиалар ва Сиддхалока аҳолиси ҳам олқишлаб, ҳурмат иззат кўрсатадилар. Худонинг содиқлари энг ҳурматли зотлардир, шунинг учун Парвардигорнинг Ўзи халқаси билан уларни ҳимоя қилиб юради. Шу пайтгача қилган ишларингизни ўзгартиришнинг иложи йўқ, лекин бундан кейин Кришнанинг содиқлари яқинлашманглар, акс ҳолда Парвардигор Вишнунинг халқасидан ҳалок бўласизлар. У иймонсизларни Ўзининг гурзиси ва халқаси билан жазолайди. Парвардигорга содиқ бўлган бхактининг осойишталигини бузиб Парвардигор Вишнунинг қаҳрига учраманг. Ҳали сизлар эмас, ҳатто Тангри Браҳма ёки мен Худонинг содиқларини жазоламоқчи бўлсак, Парвардигор Вишну бизларнинг ўзимизни жазолайди. Шунинг учун бундан кейин Худонинг содиқларини безовта қилманглар!”

Азроил ямадутааларга унинг олдига Худонинг содиқларини олиб келишни ман қилди, энди ўзининг олдига улар кимларни олиб келишлари лозимлигини тушунтиряпти. Биринчи навбатда Азроилнинг олдига ҳаётда фақат жинсий алоқадан лаззат олиш учунгина оила қурадиган иймонсиз материалистлар боради. "Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида айтилганки, жинсий алоқадан оладиган лаззат - одамни оила чангалига боғлаб турган ягона тузоқдир: йан маитхунади-грихамедхи-сукхам хи туччхам. Одатда бу дунёнинг ишлари одамлар учун фақат азоб келтиради. Куни билан оғир меҳнат қилиб чарчагандан кейин уларнинг оладиган лаззати - қорнини тўйғазгандан кейин, хотини билан жинсий алоқа қилиб, мириқиб ухлашдан иборат. Нидрайа хрийате нактама вйавайена ча ва вайах: тунлари ана шундай материалистлар ухлайдилар ёки жинсий алоқа қиладилар. Дива чартхехайа раджан кутумба-бхаранена ва. Кундузлари эса, улар ҳар хил йўллар билан пул топишга уринадилар ва уларни оиласини боқишга сарфлайдилар. Азроил ўзининг олдига ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи шарбатидан

лаззатланиб юрган, барча тирик мавжудотларга бир хил дўстона муносабатда бўлиб, уларга Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиб юрган Худонинг содиқларини эмас, айнан ана шундай гуноҳкор одамларни олиб келишни буюради. Худонинг содиқлари Азроилнинг олдига бормайдилар, аммо Кришна онгидан беҳабар бўлган иймонсиз одамлар эса оиласи учун қурган баланд мустаҳкам иморатлари ичига қанчалик яширинмасинлар, ҳозирча ўзларини ҳиссий лаззатларга қанчалик кўмиб ташламасинлар, унинг муқаррар жазосидан, чидаб бўлмас азоб-уқубатларидан қутулиб қоломайдилар. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"(1.4)нинг иккинчи қўшиғида айтилган: дехапатйа-калатрадишв атма-саинйешв асатсв апи тешам праматто нидханама пашйанн апи на пашйати Ана шундай одамлар бешафқат замон худди ўзига ўхшаган ноилож, ночор бўлган бу арзимас жангчиларни бир пасда яксон қилишидан беҳабар ҳолда, ўзларининг ватандошларига, дўстларига ва қариндошларига ишониб юрибдилар.

Шунинг учун бизлар ҳамиша умрини қудратли Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Кришнанинг содиқлари даврасига интилишимиз лозим. Шунда биз инсон ҳаётининг асосий мазмуни ва мақсади - Парвардигор Вишнунинг, ягона Парвардигор Кришнанинг марҳаматига эришиш эканини англай оламиз. Ана шу мақсадга эришишга одамларга жамиятдаги варнашрама тизими ёрдам беради. "Вишну-пурана"(3.8.9)да шундай дейилган:

варнашрамачаравата пурушена параҳ пуман

вишнур арадхйате пантха нанйат тат-тоша-каранам

Инсонлар жамияти варнашрама-дхарма қонун-қоидалари асосида қурилган бўлиши лозим: унда тўрт варна(браҳманлар, кшатрийлар, вайшйалар ва шудралар) ва рухий ҳаётнинг тўрт ашрами(браҳмачарйа, грихастха, ванапрастха ва саннйаси) бўлиши шарт. Варнашрама-дхарма тизимида яшаш инсонни Парвардигор Вишнуга яқинлаштиради, мана шу - инсоният интилиши лозим бўлган ягона мақсаддир. Афсуски, буни тушунмайдилар, уларнинг ҳаётдаги энг буюк бахти - ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш эканини билмайдилар. На те видух свартха-гатим хи вишнум. Шунинг учун улар ғафлат зулматида сарсон бўлиб, адашиб юрибдилар: дурашайа йе бахир-артха-манинах. Ҳар бир одам ҳаётда ўзининг муқаддас бурчини виждон билан бажариб яшаши лозим, бу унга Парвардигор Вишнуга яқинлашишга ёрдам беради. Парвардигор Вишну олдигаги ўзининг муқаддас бурчини эсидан чиқарган ҳар бир одамни Азроил ўзининг олдига савол-жавобга, жазо

олишга олиб келишни буюряпти(акрита-вишну-критйан). Парвардигор Вишну(Кришна)нинг муқаддас номларини зикр қилмайдиган, Парвардигор Вишнунинг Илоҳи олдида сажда қилмайдиган ва Унинг нилуфар қадамлари пойини эсламайдиган одам эртами-кечми барибир Азроилнинг олдида бориб, қилмишларига яраша муносиб жазога маҳкум бўлади. Бир сўз билан айтганда, Парвардигор Вишнудан юз ўгирган, Парвардигорга хизмат қилмай юрган иймонсиз авайшнавларнинг албатта ҳаммаси Азроилнинг олдида борадилар.

22. Худонинг муқаддас номларининг шуҳрати

(Ўзининг ва хизматкорларининг қилган иши - Парвардигорни ҳақоратлашдир, деб ҳисоблаб, Азроил Парвардигорга тавба-тазарру билан илтижо қила боилади:) “Эй Худойим! Вайшнав Ажсамилани занжирбанд қилишга уришиб, менинг хизматкорларим катта хато қилиб қўйибдилар. О Нараяна, эй буюк ва азалий Зот, бизларга раҳм қил! Гофиллигимиз сабабли, Ажсамилани Сенинг содиқ хизматкоринг эканини билмай қолибмиз. Бу билан биз албатта Сени қаттиқ ҳақорат қилиб қўйдик. Шунинг учун, Сенинг тенгсиз раҳмдил эканингни, сон-саноқсиз эзгу ишларингни эслаган ҳолда, қўл қовуштириб Сендан кечирим сўраб илтижо қиламиз. Қаҳрингдан қўрқиб, қўрқинчли ҳаяжон билан Сенинг олдинда узала тушиб сажда қиламиз”.

Шукадева Госвами давом этди: - Эй шоҳ, Худонинг муқаддас номлари ҳатто энг оғир гуноҳлар оқибатидан ҳам халос этиши мумкин. Шунинг учун, жаҳонда Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилиб куйлаш - санкиртанадан ҳам саодатлироқ бирор эзгу, хайрли иш йўқ. Шунини тушуниб ол, сендан ўрнатилган олиб бошқалар ҳам уни англаб оладилар. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, уларни тинглаб, Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ва бошқаларга гапириб бериб юрган киши ҳеч қийналмасдан Худога садоқат билан холис хизмат қилиши даражасига

қўтарилади ва шу тарзда қалбини барча гуноҳлари иллатидан бутунлай поклайди. Фақат муқаддас китобларда кўрсатилган маросимларни ўтказиб ёки ҳар хил диний амал-ақидаларга шунчаки амал қилиб юрган одамлар ҳеч қачон бундай даражага эриша олмайдилар. Парвардигор Кришинанинг нулуфар қадамлари пойидаги шарбат лаззатини бетиним тотиб юрган содиқлар табиатнинг уч гунаси келтириб чиқарган ва фақат мусибатлар келтирадиган дунёвий ишлар билан мутлақо қизиқмайдилар. Содиқлар ҳеч қачон ва ҳеч қандай сабаб-баҳона билан Кришинанинг нулуфар қадамлари пойини тарк этмайдилар ва яна дунёвий ишларга берилиб кетмайдилар. Лекин дунёда бошқа одамлар ҳам бор: улар Худога ҳолис хизмат қилишдан бош тортиб, ўз эҳтиросининг қулига айланиб қолган одамлардир. Улар ведавий урф-одатларга, ҳар хил диний ақида-маросимларга муккасидан берилиб кетганлар. Баъзан улар гуноҳлардан покланиш учун қурбонлик маросими ўтказадилар, лекин охиригача покланиб улгурмасдан, яна гуноҳ ишларга берилиб кетадилар.

Ўзларининг хўжайинидан Парвардигорнинг чексиз улуғворлиги, Унинг номи, шуҳрати, атрофидаги мангу ҳамроҳлари ҳақида эшитиб, ямадуталар ҳайратга тушидилар. Шундан бери улар содиқлар томонга ҳатто кўзининг қирини ташилашга ҳам ботинолмайдилар. Бу маҳфий, сирли ҳикояни менга, Малая тоғидаги Худонинг Олий Шахсига сизинадиган жойга борганимда, Кумбханинг ўғли, буюк донишманд Агастры муни айтиб берган эди. ("Шримад Бхагаватам". 6.3.30-35).

Азроилнинг кечирим сўраб илтижо қилиши

Азроил ўзининг хизматкорлари билмасдан қилиб қўйган гуноҳини ўзининг бўйнига оляпти. Хизматкорнинг хатоси учун хўжайин жавоб бериши керак. Азроилнинг ўзи бегуноҳ, аммо ямадуталар, аслида унинг амри билан Ажамилани ҳибсга олмоқчи бўлганида, оғир гуноҳ иш қилган эдилар. Няя-шастрага кўра, хизматкорнинг хатоси учун хўжайинни жазолаш керак(бхритйапарадхе сваино дандах). Бундай жиноят учун албатта жазо бўлиши кераклигини билган Азроил ва унинг хизматкорлари қўлларини камтарин ҳолда ковуштириб, кечирим сўраб Парвардигорга, Парвардигор Нарайанага илтижо қила бошладилар.

Камолотга эришиш

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, гарчи Ажамила Худонинг муқаддас номларини соф ҳолда зикр қилмаган бўлса ҳам ўўининг гуноҳлари учун жазо олишдан қутулиб қолди. Парвардигорнинг муқаддас ном инсонга жуда катта бахт-саодат келтиради: у ҳар қандай одамни ҳам гуноҳлари оқибатидан асраб қолади. Лекин, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан гуноҳларимдан қутулиб қоламан деб гуноҳ қилишда давом этавермаслик керак. Биз бу ҳақда хатто ўйлаб ҳам ўтирмаслигимиз лозим, акс ҳолда Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қилган бўламиз. Кришнанинг содиқлари гуноҳ қилмасликка ҳаракат қилиб юриши лозим, лекин билмасдан гуноҳ қилиб кўйсалар, албатта Парвардигор уларни кечиради.

Ҳаётда ҳар бир одам Худонинг муқаддас номларини зикр қилиши ва руҳий ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлиб яшаши мумкин. "Падма пурана"да шундай дейилган:

намапарадха-йуктанам намани эва харантй агхам
авишранти-прайуктани тани эвартха-карани ча

Агар Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрган одам ҳақоратлардан халос бўлишни истаса, у Худонинг муқаддас номларини ихлос ва диққат билан зикр қилишда давом этиши лозим, шунда вақт ўтиши билан аста-секин барча ҳақоратлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қилишни ўрганган одам ҳамиша пос, соф руҳий ҳолатда юрган бўлади, аввалга қилган гуноҳларининг оқибати унга таъсир қилолмайди.

Содиқ хизматкорнинг, вайшнавнинг бурчи - Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш. Гарчи у баъзан Худонинг муқаддас номларини ҳақорат билан зикр қилаётган бўлса ҳам, агар Худонинг муқаддас номларини ҳар куни мунтазам равишда ихлос ва диққат билан зикр қилишда давом этаверса, охир-оқибатда барибир руҳий камолотга эришади. Бошқа ҳар хил диний, ведавий маросимларга, ақида-амаллар(намоз, рўза, ҳаж, садақа ва ҳоказо)га риоя қилиб юриш билан бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам дунёвий лаззатлардан воз кечган Кришнанинг содиқлари ҳеч қачон Кришна онги билан яшашни ҳеч қандай бошқа маросимларга, диний амаллар қилиб яшашга алмашмайдилар. Дунёвий лаззатларга боғланиб қолгани сабабли фақат ана шундай ақидаларга. Маросимларга амал қилиб яшаётган одамлар бу моддий оламда мусибат чекиб яшашда, туғилиб-ўлишлар чархпалагида сарсон бўлиб юраверишга маҳкумдирлар.

Ямадуталар энди хеч қачон Кришнанинг содиқларига яқинлашмасликка қасам ичдилар: улар бу ўзлари учун жуда хатарли эканини биладилар.

Ҳақиқатни кўра олган устоз.

Рухий устознинг кўрсатмаси

Илоҳий Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Шрила Прабхупада бу дунёга Калкуттада, 1896 йил ташриф буюрган. 1922 йил, шу ерда у ўзининг руҳий устози Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Госвамини учратди. Ўз даврининг буюк файласуфи, 64 Гауда Матхга асос солган Бхактисиддханта Госвами бу зиёли ёш йигитга дарров эътибор бериб, уни инсон бутун ҳаётини ведавий муқаддас китобларни ўрганишга, Худога интилишга бағишлаши лозимлигига ишонтирди. Шрила Прабхупада унинг издошига айланди ва 12 йилдан кейин, 1933 йил, Аллоҳободда руҳий устозидан руҳий ҳаётга фотиҳа олди.

1922 йил биринчи бор учрашувдаёқ Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бўлғуси шогирдидан ведалар фалсафасини инглиз тилида чет элга тарғибот қилишни илтимос қилди. Кейинчалик Шрила Прабхупада «Бхагавад-гита»га инглиз тилида изоҳ ёзди ва ҳар тарафдан Гауда Матхнинг ривожланишига ёрдам бериб юрди. 1944 йил Шрила Прабхупада инглиз тилида “Худога қайтиш” журналинини чоп этишни бошлади. Бу журнал ҳар икки ҳафтада бир марта мунтазам чиқа бошлади. Шрила Прабхупада журнални мунтазам равишда чиқариш учун бор кучини, имкониятини ишга соларди: унинг ўзи мақолалар ёзар, ўзи ҳарф терар, ўзи таҳрир қилар, ўзи хатоларини тuzатар, ўзи журналларни сотар эди. Мазкур журнал ҳозирги кунда Шрила Прабхупаданинг издошлари томонидан жаҳоннинг ўттиз тилида ҳар хил мамлакатларда чоп этилмоқда.

Вазифани амалга оширишга тайёрлик.

Шрила Прабхупаданинг билимдонлигига ва Кришнага бўлган садоқатига тан бериб, Гаудия вайшнавлар 1947 йил унга “Бхактиведанта” деган юксак илмий унвон бердилар. 1950 йил, 54 ёшлик Шрила Прабхупада оилавий ҳаётни тарк этиб, ванапрастха ҳаёт тарзига ўтди ва бутун ҳаётини муқаддас китоблар устида ишлашга сарфлай бошлади. У Вриндаванда, машҳур Радха-Дамодара эҳромида жойлашди. Жуда оддий шароитда бир неча йил у бутун вақтини ведавий

асарларни ўрганишга сарфлади. 1959 йил у саннийаси ҳаёт тарзига ўтди. Ана шу ерда, Радха-Дамодара эҳромиди Шрила Прабхупада 18.000 шлок бўлган "Шримад Бхагаватам"(Бхагавата-пурана)ни инглиз тилига таржима қилиб, изоҳ ёза бошлади. Ана шу эҳромда у "Ўзга сайёраларга енгил саёҳат" асарини ёзган.

Рухий устознинг амрини бажариш.

"Шримад Бхагаватам"нинг уч томини инглиз тилида босмадан чиқариб, 1965 йил сентябрида, рухий устози берган кўрсатмани амалга ошириш учун Америкага йўл олди. Кейинчалик Ҳазрат Шрила Прабхупада ведалар фалсафасига оид бўлган 60 томдан зиёд асарлар яратди.

Шрила Прабхупада биринчи бор Америкага келганида чўнтагида бир тийин пули ҳам йўқ эди. Қаттиқ қийинчиликлардан сўнг, бир йилдан кейин 1966 йилда у "Қришнани англаш Халқаро жамияти"ни яратишга эришди. 1977 йил 14 ноябрда Шрила Прабхупада бу дунёни тарқ этадиган пайтга келиб бу жамият юздан ортиқ ашрам, мактаб, эҳром, институт ва фермалардан иборат катта халқаро ташкилотга айланди.

1968 йилда Шрила Прабхупада Ғарбий Виржинияда "Янги Вриндаван" деган янги қишлоқ-хўжалик жамоасини ташкил қилди. Икки минг гектар жойда муваффақият билан фаолият кўрсатаётган Янги Вриндаваннинг муваффақиятини кўриб, Шрила Прабхупаданинг шогирдлари Америкада ва ундан ташқарида яна бир неча фермалар ташкил қилдилар.

1972 йил Шрила Прабхупада ғарбий давлатларга ведавий бошланғич ва ўрта таълим тизимини олиб келди ва Далласда биринчи ведавий мактаб ташкил қилди. Кейинчалик Шрила Прабхупаданинг шогирдлари бутун жаҳон бўйлаб ҳар хил давлатларда шундай мактаблар ташкил қилдилар.

Шрила Прабхупада Ҳиндистонда бир неча катта эҳромлар ва маданий марказлар қурилишига ҳам асос солди. Ғарбий Бенгалиянинг Майяпур шаҳрида катта рухий шаҳар барпо этиш режалаштирилган.

Ана шу катта режани амалга ошириш учун жуда катта куч, маблағ сарф қилинади. Ҳозирги кунда Вриндаванда катта Кришна-Балорам эҳроми, Шрила Прабхупаданинг катта музейи куриб битказилган. Бомбейда ҳам жуда катта эҳром ва инглиз тилида бутун жаҳондан келган содиқларга ведавий таълим бериш маркази фаолият кўрсатяпти.

Машхур сайёҳ, тарғиботчи, ёзувчи.

Шрила Прабхупаданинг инсониятга қолдириб кетган энг катта мероси унинг китоблари ҳисобланади. Машхур олимлар томонидан тан олинган унинг асарлари жаҳоннинг жуда кўпчилилик коллежларида ўқув қўлланмаси ўрнида ишлатилади. Бу асарлар ҳозирги кунда жаҳоннинг 75 тилига таржима қилинган. 1972 йилда Америкада Шрила Прабхупада ташкил қилган нашриёт - “Бхактиведанта Бук Траст” ведавий ва диний асарларни чоп этиш бўйича жаҳонда энг катта нашриёт ҳисобланади.

Кексайиб қолганига карамай, Шрила Прабхупада ҳар хил минтақаларда маърузалар уюштириб, ер юзини 12 йил давомида 14 марта айланиб чикди. Ҳатто ана шундай саёхатлар пайтида ҳам Шрила Прабхупада ҳаётининг асосий иши - китоб ёзишни бир кун ҳам қанда қилмаган. Унинг асарларини - Ведалар фалсафаси, дини, маданияти ва адабиёти бўйича мукамал маълумот берадиган тўла кутубхона деса бўлади.

Оммабоп Бхакти-йога

Буюк донишмандлар, табаррук авлиёлар ва тақводор шоҳлар қадим замонлардан бери Парвардигорга садоқат билан холис хизмат қилиб келганлар. Қадимда машхур шоирлар Худога садоқат билан хизмат қилишни олқишлаб ғазаллар ёзган, Парвардигорга бўлган соф мухаббатини кўшиқларда шарафлаб куйлаганлар.

Биз яшаётган ҳозирги кунда Худога садоқат билан хизмат қилиш - бхакти-йога, минг йил аввалгига қараганда ҳам зарурроқ, муҳимроқ бўлиб қолган, чунки, Худо билан боғланишни тарғибот қиладиган бошқа йўлларнинг, бошқа динларнинг ҳар хил кўрсатма ва қонун-қоидаларини бажаришга ҳозирги одамларнинг вақти ҳам, имконияти ҳам йўқ. Аммо ҳаётда Худони англашнинг бхакти-йога усулига амал

қилиш жуда қулай. Бхакти-йога билан шуғулланиш инсонга ўзида барча улуғвор, эзгу фазилатларни ривожлантиришда ва ҳаётда ҳар бир одам интилиб юрган нодир бахт - мангу ҳаёт, мангу лаззат ва мукамал илмга эришиш имкониятини беради.

Ҳаётда ким бўлишидан қатъий назар, ҳар бир одам бхакти-йога билан шуғуллана олади. Бунинг учун таркидунё қилишнинг, ишлаётган ишимизни, оиламизни ёки уйимизни тарк этишнинг, ёки катта харажатлар қилишнинг ҳожати йўқ. Биз ҳаётимизнинг энг муҳим, асосий мақсадини Парвардигор Кришна қилиб олсак бас. Кундалик турмушдаги барча ўй-фикрларимиз, орзу-истакларимиз ва қиладиган барча ишларимизни Парвардигорга бағишлашимиз лозим. Агар биз муҳаббат ва садоқат билан Худонинг муқаддас номларини - Ҳаре Кришна мантрасини мунтазам зикр қилиб юрсак, бхакти-йога қонун-қоидаларига амал қилиб, Ҳазрат Прабхупаданинг китобларини мунтазам ўқиб, пиширган овқатларимизни аввал Парвардигорга таклиф қилиб юрсак, албатта Парвардигор бизнинг қалбимиздан жой олади ва биз ҳаётда энг бахтиёр одам бўламиз.

Мууроқоба усули

Ҳаётда барча мусибат ва ташвишлардан биратўла халос бўлиб, ҳақиқий бахтга эришишга интилаётган киши учун мууроқоба билан шуғулланиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мууроқоба дегани "ҳаёлан кўз олдида келтириш" демакдир. Одамнинг ақлини банд қилиб юрган кундалик турмуш ташвишларидан халос бўлиш учун инсон ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан устун турадиган илоҳий даражага кўтарилиши лозим. Бундай ҳолатга мунтазам равишда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, шу тарзда Парвардигор билан мулоқотда бўлиш натижасида эришиш мумкин.

Ҳар хил муқаддас китобларнинг тасдиқлашига кўра Парвардигорнинг номлари кўп: Кришна, Рама, Иегова, Оллоҳ, Будда ва ҳоказо. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш инсоннинг қалбини поклаб, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан руҳий даражага кўтарилишда ёрдам беради. Ҳиндистоннинг авлиё одамлари қадимдан Худонинг муқаддас номларини мантралар кўринишида зикр қиладилар. Санскрит тилидан олинган "мантра" ибораси "Инсон ақлини ҳар хил ташвишлардан поклайдиган илоҳий товушлар бирикмаси" деган маънони билдиради.

Муқаддас китобларда чексиз поклаш кудратига эга бўлган махамантра, яъни "буюк мантра" мавжудлиги ҳақида маълумотлар берил-

ган. "Кали-сантарана-упанишад" деган муқаддас китобда ўн олти бўғиндан иборат бўлган ана шу маха-мантрани зикр қилиш ҳозир биз яшаётган Кали-юга - ўзаро жанжаллар, иккиюзламачилик ва ташвишлар авж олган даврда руҳий юксалишга эришиш воситаси сифатида алоҳида тавсия қилинган: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Худонинг муқаддас номлари бўлган Кришна, "ҳаммани Ўзига маҳлиё қиладиган", Рама - "барчага лаззат бағишлайдиган" деган маънони, Ҳаре ибораси эса, Худога садоқат билан хизмат қилиш қувватига мурожаат қилишни билдиради. Яъни, маха-мантранинг мазмуни тахминан қуйидагича: "Эй ҳаммани Ўзига маҳлиё қиладиган, барчага лаззат бағишлайдиган Парвардигор, эй Худонинг чексиз қудрати! Мени Ўзингга садоқат билан хизмат қилишга мушарраф қил!"

Бу мантрани истаган жойда, истаган оҳангда, истаган вақтда зикр қилиш мумкин. Мантрани яқка ҳолда тасбеҳда зикр қилиш - "жапа" деб, жамоа, кўпчилик билан биргалиқда зикр қилиш эса - "киртан" деб аталади. Киртан одатда ҳар хил мусиқа асбоблари жўрлигида қуйланади.

Жапа

Зикрий мууроқабанинг бу тури билан шуғулланиш учун тасбеҳ керак бўлади. Тасбеҳ ипга тизилган 108 дона кичик мунчоқ ва бир дона каттароқ мунчоқдан иборат. Каттароқ мунчоқ "Кришнанинг мунчоғи" деб аталади ва унда мантра ўқилмайди. "Кишна мунчоғи"нинг ёнидагидан бошлаб, биринчи мунчоқни, катта ва ўртанча бармоқлар билан ушлаб туриб, маха-мантрани тўлиқ талаффуз қилиш керак: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Кейин иккинчи, учинчи ва ҳоказо. То "Кришна мунчоғи"га етгунча, 108 мунчоқнинг ҳаммасида айтиб чиқсангиз, бир "доира" зикр қилган бўласиз. Кришнанинг мунчоғида мантра айтмасдан, зикрнинг иккинчи доирасини тасбеҳда Кришна мунчоғидан ўтмасдан, тескари йўналишда айтиш керак. Тасбеҳ билан мантра айтганда одамнинг руҳий юксалиши, покланиш жараёни тезлашади, чунки мууроқаба жараёнига унинг тили, ақли ва қулоғидан бошқа бармоғи ҳам жалб қилинган бўлади. Мантра ибораларини диққат билан аниқ талаффуз қилиб, уни тинглашга ҳаракат қилиш керак. Шунинг учун мантра сўзларини эшитарли даражада овоз чиқариб талаффуз қилган маъқул. Албатта тек турмас ақл, хаёл бошқа нарсаларга чалғиб кетишга интилади, лекин уни

ҳамиша мантранинг ҳар бир иборасини диққат билан тинглашда ушлаб туришга ҳаракат қилиш керак. Айниқса, куннинг эрталабки пайтларида зикр муҳоқабаси билан шуғулланиш кишига жуда катта руҳий самара беради. Иложи борича ҳар куни аниқ бир вақтда муҳоқоба қилишга одатланиш лозим. Таҷриба учун кунига бир ёки икки доира жападан бошлаш мумкин, руҳий камолотга эришишга жиддий интилаётган киши аста-секин доиралар сонини кўпайтириб бориши мумкин. Ҳар бир доирага тахминан 7-12 минут вақт кетади.

Киртан

Киртан кўпчилик бўлиб, жамоа билан муҳоқоба қилиш бўлиб, унда мантра бирор оҳангда қуйланади. Унда бир киши аввал мантра сўзларини маълум оҳангда қуйлайди, кейин қолганлар шу оҳангда биргаликда, жўр бўлиб такрорлайдилар. Ҳар хил мусиқа асбобларидан фойдаланиш мумкин. Киртан авж олган сайин унда иштирок этаётган ҳар бир одам тобора чуқурлашиб борадиган руҳий лаззатга фарқ бўлади. Киртанда ҳамма, ёш болалар ҳам иштирок этиши мумкин. Мунтазам киртанда қатнашиб юрган кишининг қалби покланиб, руҳий юксалиши ҳам тезлашади, чунки бунда одам фақат ўзи талаффуз қилган илоҳий товушлар билан бирга, бошқаларнинг жўр бўлиб айтган илоҳий товушларини ҳам эшитиши мумкин. Шунинг учун иложи бори-ча тез тез киртан ўтказиб туриш керак.

Бхакти-йоганинг асосий қонун-қоидалари

Қандай ҳолатда, қандай шароитда шуғулланишидан қатъий назар, маха-мантрани зикр қилиш билан муҳоқоба қилиш инсоннинг руҳий юксалишига жуда катта ёрдам беради. Лекин, унинг самарасини яна ҳам ошириш учун буюк устозлар баъзи қоидаларга амал қилишни тавсия қиладилар. Одам зикр билан қанчалик кўпроқ машғул бўлса, бу қоидаларга амал қилиши шунчалик осон бўлади, чунки зикр шарофати билан у руҳий қудратга эга бўлиб, қалбида юксак руҳий лаззатларга интилиш кучаяди. Мантра зикр қилишдан илоҳий лаззат ола бошлаган кишининг руҳий юксалиш йўлида ғов бўладиган ҳар хил номаъқул одатларни тарк этиши ҳам осон бўлади.

1. Ҳаётда руҳий юксалишга жиддий интилаётган киши қуйидаги тўрт асосий қоидага амал қилиши лозим: а) овқатга гўшт, тухум, балиқ ишлатмаслиги; б) маст қилувчи нарсалар (гиёҳванд моддалар, арок, тамаки, ҳатто чой ва кофе) истеъмол қилмаслиги; в) ҳар хил қимор, лоторея ўйинларида иштирок этмаслик, ҳаром йўллар билан пул, мол-дунё тўпламаслиги; г) зино қилмаслиги.

Бу қоидаларга риоя қилиб яшаш шарофати билан инсон жуда тез руҳий юксалишга эришади, акс ҳолда унинг моддий, ўткинчи нарсаларга боғланиши кучайиб, руҳий юксалиши сусайиб кетади. Махамантрани мунтазам зикр қилиш жараёни шу қадар руҳий қудратга эгаки, вақт ўтиши билан унинг ўзи ҳеч қийналмасдан мазкур қоидаларга амал қилиш имконини беради.

2. Мунтазам равишда Ҳазрат А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг китобларини, айниқса "Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" асарларини ўқиб юриш лозим.

3. Қалбини поклаш ва ҳар хил моддий иллатлар билан булғанишдан сақланиш учун одам ҳамиша аввало Парвардигорга таклиф қилинган вегетариан овқатлар истеъмол қилиб юриши лозим. Шунда у ҳаётда қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлади.

4. Ҳаётда ҳар бир қилган ишининг натижасини Парвардигорга, Парвардигор Кришнага бағишлаш керак. Агар юқорида кўрсатилган асосий тўрт қоидага бевосита зид бўлмаса, инсон ҳаётда ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш мумкин, фақат қилган меҳнатининг натижаларини Худога бағишлаш лозим.

5. Зикр қилиш ёрдамида руҳий юксалиш йўлига жиддий интилаётган одам, кундалик турмушида иложи борича, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, қизиқиши ўзининг қизиқишларига яқин одамлар билан кўпроқ ҳамсуҳбат бўлиб юришга ҳаракат қилиши лозим. Натижада у руҳий жиҳатдан кучлироқ қудратга эга бўлиб юради. Албатта, атрофимиздаги одамларнинг гаплари, ишлари бизга кучли таъсир кўрсатади, шу боис, руҳий ҳаёт билан қизиқмайдиган иймонсиз одамлардан узоқроқ юрган маъқул.

Прасад - илоҳий таом.

"Бҳагавад-Гита"да Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини таърифлаб бўлгандан кейин, Парвардигор хулоса қилиб шундай дейди: "Нима иш қилсанг ҳам, нима қурбонлик қилсанг ёки нима берсанг ҳам, қандай риёзат чексанг ҳам - барчасини Менга бағишла, эй Кунтининг ўғли!" (9.27). Шу ерда Парвардигор айтадики, одам фақат ав-

вал Парвардигорга таклиф қилинган таом билан овқатланиши лозим. Демак, Парвардигор Кришнага таом таклиф қилиш - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Парвардигор Ўзи одамлардан қабул қиладиган эхсонларни ҳам кўрсатган: "Агар инсон муҳаббат ва садоқат билан Менга барг, гул, мева ёки сув таклиф қилса, Мен уларни қабул қиламан"(9.26). Парвардигор Кришна гўшт, тухум ёки балиқ қабул қиламан деб айтмаган, шунинг учун содиқ Унга бундай нарсаларни таклиф қилмайди.

Кришна онгида бўлган содиқ Парвардигорга ширин таом таклиф қилиш билан ўзининг Унга бўлган муҳаббатини, садоқатини изҳор қилади. Ҳатто моддий дунёдаги ҳаётда ҳам одам севгани, унга боғланиб қолгани учун бировга овқат пиширади, унинг овқатини еган киши эса, энг аввало овқат пиширишдаги унинг меҳрига, муҳаббатига эътибор беради. Худди шундай, Парвардигорга овқат таклиф жараёни ҳам Парвардигорга нисбатан қалбимизда муҳаббат уйғонишига, Унга боғланишимизга ёрдам беради.

Албатта, ҳеч қачон кўрмаган Зотга нисбатан одамнинг қалбида муҳаббат уйғониши қийин, лекин, ведавий муқаддас китобларда Парвардигорнинг шахсий кўринишлари батафсил таърифланган. Гарчи бошқа муқаддас китобларда Парвардигор бизнинг отамиз деб кўрсатилган бўлса ҳам, унинг шахсий кўринишлари таърифланмаган. Иисус "Худонинг ўғлиман",- дейди, Муҳаммад пайғамбар эса, "Худонинг элчисиман" - деган, лекин, Худони Ўзи ким? Муқаддас китобларда "Парвардигор одамни Ўзига ўхшатиб бунёд этди", дейилган.

Ведавий муқаддас китобларда Парвардигорнинг шахсий сифатлари батафсил таърифланган. У ҳамиша ёш, гўзал, навқирон ёшда. У гўзаллиги билан барча тирик мавжудотларни Ўзига маҳлиё қилади. Биз Парвардигорнинг шахсий сифатларини англаб етганимизда, Унга таом таклиф қилиш, У билан бевосита мулоқотда бўлиш осонроқ бўлади.

Парвардигор Кришна мутлақ илоҳий, руҳий табиатга эга бўлгани сабабли, У билан бевосита алоқада бўлган ҳар қандай моддий нарсалар ҳам покланиб, мутлақо илоҳий сифатларга эга бўлади. Илоҳий қувватлари ёрдамида Кришна моддани руҳга айлантиришга қодир. Агар биз темир бўлагини оловга қўйсақ, у қизариб оловнинг сифатларига эга бўлади. Худди шундай, моддий унсурлардан таркиб топган таом ҳам, Парвардигор Кришнага таклиф қилингандан кейин бутунлай руҳий, илоҳий сифатларга эга бўлади. Энди бу таом "прасад" яъни, "Худонинг марҳамати" деб аталади.

Бхакти-йога, Худога садокат билан хизмат қилиш йўлида прасад жуда муҳим аҳамиятга эга. Муқаддас китобларда прасаднинг фазилатлари ва унинг инсонга кўрсатадиган илоҳий таъсири ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Беш юз йил муқаддам Ҳиндистонда Ўзини Чайтанья Махапрабху киёфасида намоён қилган Парвардигор прасад ҳақида шундай деган эди: "Бу моддий таомларни аввал ҳам одамлар татиб кўрган, лекин, ҳозир бу таом бутунлай бошқача, ажойиб таъм ва анвойи хид таратиб турибди. Энди бу таомнинг нафақат мазаси, таъми, ҳатто унинг ширин ҳиди ҳам кишини ўзига бутунлай маҳлиё этиб, бошқа ҳар қандай ўткинчи лаззатларни эсдан чиқариб юборишга мажбур қилади, чунки, бу таомга Парвардигор Кришнанинг лабларидаги илоҳий шарбат аралашган ва унга Парвардигорнинг барча илоҳий сифатлари ўтиб қолган". Ведаларда, "ҳаётда инсон бўлиб яшашдан асосий мақсад - мангу руҳнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатини қайта тиклашдан иборатдир" - деб кўрсатилган, прасад ана шу мақсадга эришишда жуда катта ёрдам беради.

Прасад қандай тайёрланади

Энг аввало Кришнага таклиф қилмоқчи бўлган таом тайёрландиган озиқ-овқат маҳсулотларини танлашга эътибор беришимиз керак. Парвардигор "Бҳагавад-Гита"да моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари асосида барча озиқ-овқат маҳсулотларни уч турга ажратади. Сут маҳсулотлари, дон маҳсулотлари, ширинликлар, сабзавот ва мевалар - эзгулик гунасидаги маҳсулотлар бўлиб, уларни Кришнага таклиф қилиш мумкин. Эҳтирос ва ғафлат гунасидаги маҳсулотлардан қилинган таомларни Кришнага таклиф қилиш мумкин эмас. "Бҳагавад-Гита"да "ундай овқатлар азоб-уқубатларга, бахтсизлик ва ҳар хил касалликларга сабаб бўлади", - деб кўрсатилган. Гўшт, балиқ, тухум, пиёз, чой, кофе, чеснок ва кўзикорин сингари маҳсулотлар ана шундай овқатларга кирилади.

Худога ишонмайдиган, иймон-эътиқодсиз одамлар тайёрлаган овқатларни ҳам рад этиш керак, чунки табиат қонунларига асосан, овқат пишираётган одамнинг онги ҳам таомга салбий таъсир кўрсатади. Агар биз руҳий онгга эга бўлмаган иймон-эътиқодсиз одам тайёрлаган таомдан овқатлансак, таом билан бирга, уни тайёрлаган кишининг моддий онгининг бир қисмини ҳам ўзлаштирган бўламыз.

Овқат тайёрлаганда тозалikka жиддий эътибор бериш керак, чунки тозалик билан тақводорлик - опа-сингиллар ҳисобланади. Парвардигор Кришнага нопок нарса таклиф қилиш мумкин эмас, шунинг учун ошхонани ҳамиша пок, тоза тутишга ҳаракат қилиш керак. Овқат тайёрлашдан аввал албатта покланиш, қўлни ювиш лозим. Таом тайёрлаётиб, унинг таъмини татиб кўриш мумкин эмас. Тайёрланган таомдан энг аввало, биринчи бўлиб Кришна таътиши, биринчи бўлиб Кришна лаззатланиши керак. Шунинг учун таомни тайёрлаб бўлиб, уни Кришнага таклиф қилинг.

Таомни Кришнага таклиф қилиш.

Кришнанинг Ўзининг алоҳида идиш-товоклари бўлиши, улардан Кришнанинг Ўзидан бошқа ҳеч ким фойдаланмаслиги керак. Тайёр бўлган таомлардан ана шу идишларга солиб, Кришнанинг тасвири олдига қўйиш керак. Таомни Кришнага таклиф қилишнинг энг осон йўли - "Эй Парвардигор, о Кришна, мана шу арзимас нарсаларни мендан қабул эт!" - деб, қалбингиздан самимий айтишдан иборат. Аслида Парвардигор Ўзига тўла бутун ва Унга ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Парвардигорга таом таклиф қилиш - бизнинг Унга бўлган миннатдорчилигимизни, муҳаббат ва садоқатимизни изҳор этиш усулидир. Кришнага таом таклиф қилиб, бироз вақт Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш керак: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Кейин Кришнанинг олдидан прасадни олиб дастурхонга қўйиш мумкин. Энди тайёрланган таомнинг ҳаммаси прасад бўлади, Кришнанинг идишидаги таомлар эса, "маха-прасад" бўлади. Ҳар бир одам ана шу маха-прасаддан албатта татиши лозим. Прасад инсон қалбини барча гуноҳлари оқибатидан поклаш билан бирга, жуда лаззатли, ширин ҳам.